- создание и широкое применение соответствующей нормативно-правовой базы прямого действия по строительству и эксплуатации «зелёных» зданий и сооружений;

- широкое распространение на первом этапе сертификации зданий по минимальным экологиче-

ским стандартам, что даст импульс развитию и внедрению «зеленых» технологий в республике;

- стимулирование и поддержка создания новых рабочих мест, включая «зеленые» во всех регионах Узбекистана;

- проведения совместных с соответствующими структурами Центрально-азиатских стран научных исследований в сфере дальнейшего сокращения углеродных выбросов, решения климатических вопросов региона, обмена и внедрения передового опыта в областях развития производства и применения возобновляемой энергетики, а также «экостроительства»;

- привлечения аналитических центров различных стран к участию в совместных научных мероприятиях – конференциях, форумах, исследованиях, в том числе грантовых.

Внедрение принципов «зелёного» строительства привлекает внимание мировой общественности, влияет на развитие положительного имиджа страны, содействует повышению её уровня в различных международных индексах, в том числе кредитных рейтингах.

Источники и литература

1. Зиновьева В.А. «Зеленые» стандарты в планировании, строительстве и эксплуатации зданий и сооружений. 05.05.2019г. https://revolution.allbest.ru/construction/01164139_0.html

2. Азымханов Д. «Зеленое» строительство экономически выгодно и для девелоперов и для покупателей. Интерфакс-Казахстан, октябрь, 2013г.

https://www.interfax.kz/?int_id=13&lang=rus&news_id=202

3. <https://www.mirkvartir.ru/journal/news/2020/11/23/ecology/>

4. Приложение № 1 к Постановлению Президента Республики Узбекистан от 04.10.2019 года №ПП-4477

5. Эксперты оценили выгоды от «зеленого» строительства, 2 февраля 2012г., <https://www.gazeta.uz/ru/2012/02/02/green/>

6. Указ Президента Республики Узбекистан от 14.11.2018г. №УП-5577.

7. Зеленое будущее строительного и жилищного секторов Узбекистана, 07.01.2022г. <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/zelenoe-budushchee-stroitel'nogo-i-zhilishchnogo-sektorov-uzbekistana/>

8. Байгожа А. Зеленые здания в Центральной Азии и на Южном Кавказе, 2 сентября 2011г., <https://www.caravan.kz/articles/zelenye-zdaniya-v-centralnoj-azii-i-na-yuzhnom-kavkaze-372786/>

9. Особенности инверторного кондиционера. <https://morozko.ru/osobennosti-invertornogo-konditsionera/> 4 августа 2022г.

10. Баламут Т. “Зеленое” строительство – инвестиции в будущее. Журнал “Экология на предприятии”, №10, октябрь 2016г.

11. Использование только бетона в строительстве – парниковый эффект. 09 октября 2022г. <https://stroitelstvo-gid.ru/materialy/ispolzovanie-tolko-betona-v-stroitelstve-parnikovyj-effekt.html>

12. Новая смесь может удвоить поглощение бетоном углерода. 1 апреля 2021г. <https://nestor.minsk.by/sn/news/2021/04/0101.html>

13. Мультипликационный эффект в строительстве 22 ноября, 2020г. <https://dom-srub-banya.ru/multiplikatsionnyy-effekt-v-stroitelstve/>

Отрасли с потенциалом «зеленого» роста: экологическое строительство

Мирхамид Тураев,
главный научный сотрудник
Института прогнозирования и
макрэкономических исследований

Аннотация: в статье рассмотрены тенденции развития «экостроительства» в Узбекистане, вопросы энергоэффективности и сертификации при возведении зданий, поглощения бетоном углекислого газа, обеспечения объектов экологическими материалами, подготовлены соответствующие предложения.

Ключевые слова: экономика, «экостроительство», бетон, экологичный.

“Яшил” ривожланиш салоҳиятли тармоқлар: экологик қурилиш

Мирхамид Тураев,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти бош илмий ходими

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда «экоқурилиш» ривожлантириш тенденциялари, биноларни қуришда энергия самарадорлиги ва сертификатлаштириш, бетоннинг карбонат ангидрид газини синдириши, объектларни экологик материаллар билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилиб, тегишли таклифлар тайёрланди.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, «экоқурилиш», бетон, экологик тоза.

Industries with the potential of «green» growth: eco-friendly construction

Mirkhamid Turaev,
Institute of Forecasting and Macroeconomic
Research Chief Researcher

Abstract: the tendencies of development of «ecoconstruction» in Uzbekistan, energy efficiency and certification in the construction of buildings, concrete absorption of carbon dioxide, providing facilities with eco-friendly materials have been considered, relevant proposals have been prepared.

Keywords: economy, «ecoconstruction», concrete, eco-friendly.

УЎК: 338.48 (575.1)

Нилуфар САФАРОВА,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар
институтини катта илмий ходими,
E-mail: nilusafarova@gmail.com

Яшил иқтисодиётга ўтиш шароитида туризм соҳасидаги трансформацион жараёнлар

Кириш. Пандемия бошлангунга қадар қарийб етмиш йил давомида глобализация жараёнларининг чуқурлашуви, транспорт ва ахборот технологияларининг жадал таракқиёти таъсирида туризм соҳасининг жаҳон иқтисодиёти миқёсидаги кўлами сезиларли даражада кенгайди ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамияти кўтарилди. 1950 йилда дунё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан сайёҳлар сони 25 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб, уларнинг сони 1 (бир) миллиарддан ошди [8]. Пандемиядан аввал дунё бўйлаб яратилган янги иш ўринларининг ҳар тўртинчиси, иш билан бандликнинг 10,6 %и (334 млн.) ҳамда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10,4 %и (9,2 трлн. АҚШ долл.) туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 18,5 ва 49,1 фоизга қисқарди [9].

Туризм пандемиядан энг катта талафотларга учраган соҳа сифатида тан олинди. Шу билан биргаликда, мазкур соҳанинг халқаро амалиёти таҳлили туризм соҳасидаги қисқа муддатларда йирик миқдорда даромад олишга интилишни қамраб олган фаолияти атроф-муҳит, маданий-маърифий ресурслар ва умуминсоний кадрларга путур етказиш каби бир қатор жиддий салбий оқибатларга олиб келишини кўрсатди. Ана шу боис, ҳар бир мамлакатнинг туризм соҳасидаги имкониятлардан узоқ муддатли истиқболда ҳам тўлақонли фойдаланишни таъминлаш мақсадида рақобатбардошлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган махсус сиёсат юритиши кечиктириб бўлмайдиган вазибалардан бирига айланди.

Бугунги кунда жаҳонда туризм таракқиётининг ижобий ижтимоий-иқтисодий таъсирини ошириш

ва салбий оқибатларини камайтириш мақсадида туризм соҳасини барқарор ривожлантиришга илмий-назарий асос яратадиган замонавий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туризм соҳасини барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида тадқиқ этиш, унинг рақобатбардошлигини таъминловчи омилларни ўрганиш иқтисодиётнинг янги ва мураккаб тадқиқот предмети сифатида намён бўлмоқда. Шу боис, туризм соҳасини иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш дастаги сифатида тадқиқ этишда барқарорлик масалаларини чуқур ўрганиш ва ахборот технологияларини кенг тадбиқ этиш замон талабига айланиб борапти.

Бошқа тарафдан, яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиялари туризм соҳасида маълум трансформацион жараёнларни тақозо этади. Хўш, яшил иқтисодиёт шароитида туризмда қайси тамойиллар амал қилади ва Ўзбекистонда ички туристлар нуктаи назаридан табиий, маданий ресурсларга асосланган туристик маҳсулотларга қизиқиш даражаси қандай, деган табиий савол туғилади. Мазкур мақола туризм соҳасининг ички туристлар нуктаи назаридан муҳим бўлган омилларини ўрганишга бағишланган. Бунинг учун 2022 йил август-сентябрь ойларида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти аҳолиси орасида ўтказилган сўров натижаларидан фойдаланилди.

Адабиётлар шарҳи. Маълумки, яшил иқтисодиётга ўтиш глобал стратегияси замирида паст углеводли, ресурслардан самарали фойдаланувчи ва ижтимоий инклюзив иқтисодиётни шакллантириш ғояси ётади [7]. Айниқса, яшил иқтисодиётга ўтиш даврида туризм соҳасида қандай трансформацион

жараёнлар амалга ошиши муҳим масала сифатида қаралмоқда.

Дастлаб, Кларк мазкур йўналишдаги илмий адабиётни ўрганиш асосида барқарор туризмнинг шаклланишидаги тўртта хронологик даврларни кўрсатади. Унга кўра, биринчи даврда, оммавий туризм ва барқарор туризм бир-бирига қарама-қарши қутблар сифатида қаралиб, яхши ва ёмонга ажратилган. Иккинчи даврда, барқарор туризм оммавий туризмга айланиши ва оммавий туризм янада барқарор бўлиши мумкинлиги эътироф этилган. Учинчи давр оммавий туризмнинг барқарорлик мақсадларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатни камраб олган. Тўртинчи давр эса барқарор туризм соҳасининг барча турлари учун мақсад сифатида қабул қилинган конвергенция жараёнларидан иборат, дейилган [1].

Яшил иқтисодиёт ҳам экологик тоза, ҳам ижтимоий инклюзивликка интилган иқтисодий ўсишни назарда тутишини эътиборга олиб, туризмда қуйидаги тамойилларга асосланган трансформация ўтиши кераклиги аён бўлади [4]:

- ўсиш ва иқтисодий тараққиёт;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- кам углеродли ривожланиш;
- чидамлилиқ;
- ресурслар самарадорлиги;
- экологик барқарорлик;
- инсон фаровонлиги;
- инклюзивлик;
- тенглик.

Туризмни узоқ муддатли ривожлантириш стратегияларида мана шу тўққизта тамойил акс этиши лозим. Шу ўринда, муқобил туризм турларида ана шу тамойилларни кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ келади. С.Й.Пан ва бир қатор олимлар барқарор туризм, экотуризм, маданий туризм, қишлоқ туризми ва жамоавий туризм каби муқобил туризм турларини яшил иқтисодиёт нуқтаи назаридан кўриб чиқишган. Уларнинг фикрича, туризмнинг санаб ўтилган турлари яшил ва инклюзив ўсишни ўзида жамлай олади [6].

Муаллифлар таъкидлашича, барқарор туризм экологик барқарор, иқтисодий жиҳатдан фойдали, шунингдек, ахлоқий ва ижтимоий адолатга эришиш учун туристик фаолиятнинг атроф-муҳит, жамият ва иқтисодиётга салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган. Юқорида таъкидланганидек, туризмнинг ҳамма турлари барқарорликка интилиши лозим.

Экотуризм атамаси 1970 йилларнинг охиридан фойдаланишга киритилган ва маълум бир ҳудуднинг табиий ландшафтларини ҳимоя қилишга қаратилган туризм тури сифатида танилган. Аслида, экотуризм туризм секторидаги атроф-муҳитга алоҳида эътибор қаратадиган сегментини англайди ва шу билан сайёҳларнинг катта эътиборини тортади. Катта инвестициялар талаб қилмагани учун экотуризм табиий ресурслари юқори бўлган ривожланаётган мамлакатлар учун яшил ўсишда захира манбаси ҳисобланади. Бу орқали экотуризм қишлоқ жойларида малакасиз ишчи кучини иш билан таъминлаш ва экспорт имкониятларини яратиши мумкин. Экотуризмни капитал танқислиги ва табиий ресурслар мавжуд бўлган ривожланаётган мамлакатларда ривожланиш учун мос тармоқ сифатида қараш тавсия этилади.

Қишлоқ туризми тоза ҳаво, сув, табиат билан боғлиқлиги туфайли экотуризмга жуда ҳам яқин туюлади, бироқ қишлоқ туризмида асосий эътибор маданият ва анъаналарга асосланган соғлом ҳаёт тарзига қаратилади ва шундан завқ олинади. Қишлоқ туризмнинг замонавий модели агротуризм бўлиб, қишлоқ ҳўжалигидаги соф озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, уларни етиштириш, йиғиш ва қайта ишлашни кузатиш, қишлоқ фольклори, маданиятини кўриш кабиларни ўз ичига олади [2].

Туризмнинг яна бир ривожланиб келаётган тури маданий туризмдир. У маълум бир ҳудуднинг маданий меросини ҳимоя қилиш усули сифатида кўрилади. Масалан, табиий меросга ўсимлик ва ҳайвонот олами, геологик ва гидрологик ҳодисалар, иқлим, табиий ландшафт кабилар кирса, маданий меросга номоддий мерос (байрам, кийиниш маданияти, афсона, одатлар, мусиқа, рақс, таомланиш

Катта инвестициялар талаб қилмагани учун экотуризм табиий ресурслари юқори бўлган ривожланаётган мамлакатлар учун яшил ўсишда захира манбаси ҳисобланади.

маданияти), кўчмас тарихий ёдгорликлар (боғлар, бинолар, археологик объектлар) ва кўчма тарихий мерос (расм, хунармандчилик буюмлари, санъат асарлари) кабилар киради [5].

Умумий ҳолда, яшил иқтисодиётга ўтишда туризм соҳасида қуйидаги ўзгаришларни айтиш мумкин:

- экотуризм, агротуризм, маданий ва барқарор туризмнинг турли шаклларида тез суръатларда ривожланиши;

- туризм хизматлари, транспорт, меҳмонхоналарда карбон чиқиндиларини камайтириш, сув, электр энергияси тежамкор технологияларидан фойдаланишга урғу бериш, озик-овқат исрофгарчилигини камайтириш;

- туризм соҳасида иш билан бандликда тенг, адолатли имкониятлар яратиш;

- лойиҳаларда туристик маскан аҳолиси манфатларини устуворлаштириш;

- яшил иқтисодиётда туризм соҳасини ахборотлаштириш орқали самарадорлигини ошириш кабилар.


Таҳлиллар. 2019 йил маълумотларига кўра, дунё бўйлаб экотуризм соҳасида 181,1 млрд. АҚШ доллари миқдоридан хизмат кўрсатилган. Бу умумий туризм соҳасининг деярли 10%ини қамраб олади. Соҳанинг йилига ўртача 14,3% суръатда ўсиб, 2027 йилгача жами 333,8 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиши прогноз қилинмоқда [3].

Туризмнинг турлари бўйича маълумотлар жуда чекланганлиги сабабли, тадқиқотлар учун сўров ўтказиш орқали маълумотлар йиғиш талаб этилади. Юртимиз аҳолиси орасида саёҳатлар давомида қайси жиҳатлар муҳимлигини аниқлаш учун сўров ўтказилди. Сўровда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан жинси ва ёши бўйича танланган 300 киши қатнашди.

Сўровнома учта блокдаги ўн саккизта саволдан таркиб топган. Биринчи блок ёш, жинс, бандлик, таълим даражаси каби демографик, иккинчи блок респондентнинг уй хўжалиги, даромад ва харажатлари ҳажмига оид маълумотлар ва учинчи блок мамлакат ичида туристик саёҳат қилишга тааллуқли саволлардан иборат. Сўровноманинг учинчи блокада респондентлар саёҳат масканини танлашида олдиндан белгиланган омилларнинг аҳамиятлиги 1 дан 10 гача шкалада баҳоланиши сўралган.

Респондентларнинг мамлакат ичида саёҳатга чиқишлари частотаси таҳлили кўрсатишича, 27% аҳоли умуман саёҳат қилмайди ва улар одатда оила

бюджети жон бошига 500 минг сўмдан кам бўлган уй хўжаликларига тегишли кишилардир. Танланмада уй хўжалигининг ўртача катталиги 4,9 кишини, уй хўжалигида бир кишига ўртача харажат миқдори 1,7 млн.сўмни ташкил этди. 8% респондент фақат хорижда саёҳат қилишни афзал кўради. Респондентларнинг 65 фоизи мамлакат ичида йилига ҳеч бўлмаса 1 марта саёҳат қилади (1-расм).



1-расм. Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисининг 1 йиллик даврда мамлакат ичида саёҳат қилиш частотаси

Манба: 2022 йил август-сентябрь ойларида ўтказилган сўров натижалари.

Қуйидаги 1-жадвалда уларнинг жавоблари асосида ўртача баҳо келтирилган.

1-жадвал

Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисининг саёҳат масканини танлашда омиллар аҳамияти (10 лик шкалада)

Омиллар	Муҳимлик даражаси
Хавфсизлик	9,4
Гигиена	9,0
Жойнинг табиати, ландшафти	8,6
Жойнинг соғломлаштириш хусусиятлари	8,4
Гастрономик хусусиятлар	8,2
Умумий инфратузилма	8,0
Кўнгилочар имкониятлар	7,9
Тарихий-маданий ёдгорликлар	7,9
Зиёрат қилиш имконияти	7,8
Онлайн бронь қилиш имконияти	7,8
Диккатга сазовор жойлар тўғрисида онлайн маълумот	7,7
Товар ва хизматлар нархи	7,7
Фаол дам олиш имконияти (тоғ спорти, альпинизм, ов, ...)	7,7
Фестиваллар, маданий-маърифий тадбирлар	7,4
Яшаш жойидан масофа	6,4
Кечки вақтда ўйин-кулгу қилиш имкони (дискотека ва б.)	5,9

Манба: 2022 йил август-сентябрь ойларида ўтказилган сўров натижалари.

Жадвалдан кўриниб турибдики, барча сайёҳлар учун энг муҳим омил бўлиб, гигиена ва хавфсизлик турибди, жойнинг табиати, соғломлаштириш ва гастрономик хусусиятлари ҳам юқори аҳамиятли бўлиб чиқди. Таҳлиллар респондентнинг ёши, иш билан бандлиги саёҳат қилиш қарорига таъсир қилмаслиги, фақат эркак кишиларнинг саёҳат қилиш эҳтимоли аёлларга нисбатан 35 фоизга юқорилиги аниқланди. Объектив сабабларга кўра, Ўзбекистонда тарихий ва маданий туризм турлари яхши ривожланган. Сўров натижалари эса, мамлакатимизда экотуризм, қишлоқ туризми, гастрономик туризм каби йўналишларни ривожлантиришга талаб юқорилигини кўрсатди. Шунингдек, туризм имкониятлари тўғрисида онлайн маълумотларга ҳам катта эҳтиёж борлиги аниқланди.

Хулосалар ва таклифлар. Юқоридаги таҳлиллardan хулоса қилиш мумкинки, барча соҳа ва тармоқларнинг яшил иқтисодиёт тамойиллари асосида ўсиши экологик ва ижтимоий тенгсизлик билан боғлиқ долзарб муаммоларга муносиб ечим бўлиб хизмат қилади. Хусусан, туризм соҳасида яшил ўсиш углеводородли чиқиндиларни камайтириш, энергия ва сув тежамкорлигига асосланган технологияларни тадбиқ этиш, инклюзивликни жорий қилиш кабиларни қамраб олади. Бунда экотуризм, қишлоқ туризми, маданий туризм кабиларнинг тез суръатларда ривожланишига эътибор қаратиш ҳам алоҳида йўналиш ҳисобланади.

Мамлакатимизда яшил иқтисодиёт тамойиллари асосида туризм ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун махсус йўл харитаси ишлаб чиқилиши тавсия этилади. Ички туризм имкониятларидан янада самарали фойдаланиш учун туристик мавсумдан ташқари вақтларда чегирмалар таклиф этилади.

Таҳлилларда туристик манзиллар учун онлайн маълумотлар зарурияти юқори даражага чиққанлигини эътиборга олиб, асосий диққатга сазовор жойларга эга бўлган барча ҳудудлар учун ушбу ҳудудга ташриф буюришнинг ўнта сабабини кўрсатувчи туризм веб-портали ва мобил иловасини ишлаб чиқиш зарур. Мобил иловада мавжуд сайёҳлик йўналишлари, кўрсатилаётган хизматлар, санитария-гигиена пунктлари хариталари ва меҳмонхона, кафе-ресторан, музейларга буюртма бериш имкониятларини яратиш керак. Маҳаллий телеканаллар орқали яшил туризм турларини тарғиб қилиш, сайёҳларга экологик маданият тўғрисида маълумот бериб бориш тавсия қилинади.

Яна бир муҳим тенденция коронавирус пандемияси даврида ички туризмнинг тез ривожланишида акс этди. Ҳақиқатан, барча туризм ривожланган жойларда маҳаллий туризм катта аҳамиятга ва улушга эга бўлади. Маҳаллий туризмнинг ривожланиши маҳсулот ишлаб чиқилиши, маркетинг тадқиқотлари, дистрибуцияси, ахборот таъминоти ва ижтимоий туризм дастурларида кенгроқ эътибор талаб қилади. Маҳаллий туризм ривожланишида камхаражат ётоқ жойлари, транспортга чегирмалар берилиши, тегишли сегментга доир таклифлар ишлаб чиқилиши орқали ривожлантирилади. Масалан, Буюк Британияда “Миллий экспресс” транспорт корхонаси исталган манзилгача 5 фунт стерлинг миқдорида нарх белгилайди ва электрон тарзда барча талабаларга эълон қилади. Натижада талабалар энг узоқ манзилларга арзон нархларда саёҳат қилиб, у жойлар иқтисодиётига ҳисса қўшишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, яшил иқтисодиётга ўтишда туризм соҳаси учун алоҳида кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқиш, муваффақиятли лойиҳаларни кенг тарғиб этиш ва рағбатлантириш катта аҳамиятга эга.

Манба ва адабиётлар

1. Altenburg, T., & Assmann, C. (Eds.). (2017). *Green Industrial Policy. Concept, Policies, Country Experiences*. Geneva, Bonn: UN Environment; German Development Institute / D
2. D'Alessandro, F., 2016. *Green building for a green tourism. A new model of eco-friendly agritourism*. *Agricul. Agricul. Sci. Proc.* 8, 201–210.
3. Himanshu, B. & Roshan, D. (2021). *Global ecotourism market: opportunities and forecast 2021-2027*. <https://www.alliedmarketresearch.com/ecotourism-market-A06364>
4. Law, A., De Lacy, T., Lipman, G. & Jiang, M. (2015). *Transitioning to a green economy: the case of tourism in Bali, Indonesia*. *Journal of Cleaner Production xxx*, 1-11.
5. Light, D., 2017. *Progress in dark tourism and thanatourism research: an uneasy relationship with heritage tourism*. *Tour. Manag.* 61, 275–301
6. Pan, S.Y. et al. (2018). *Advances and challenges in sustainable tourism toward a green economy*. *Science of the Total Environment* 635, 452–469.
7. United Nations Environment Programme

[UNEP], 2011. *Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication*. Available at: www.unep.org/greeneconomy

8. UNWTO. (2013). *Tourism Highlights*. Madrid.

9. WCCT. (2021). *Travel and Tourism Economic Impact 2021*. <https://wtcc.org/Portals/0/Documents/Reports/2021>

Яшил иқтисодиётга ўтиш шароитида туризм соҳасидаги трансформацион жараёнлар

Нилуфар Сафарова,

PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходими

Аннотация: мазкур мақолада туризм соҳаси яшил иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ қарашлар орқали талқин этилди. Унда яшил иқтисодиётга ўтишда туризм соҳаси трансформацияси таъминлари, туризм ва барқарорликка эволюцион қарашлар, туризмнинг яшил турлари тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, 2022 йил август-сентябрь ойларида ўтказилган сўровлар асосида Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолиси учун саёҳатда муҳим омиллар аниқланди. Натижаларга кўра, гигиена, хавфсизлик, жойнинг табиий ресурслари ва соғломлаштириш хусусиятлари саёҳатга чиқиш учун катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Натижалар Ўзбекистон аҳолиси учун умумлаштирилиб, таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, туризм, эко-туризм, аҳоли орасида сўров, саёҳатда муҳим омиллар.

Трансформационные процессы в сфере туризма в условиях перехода к зеленой экономике

Нилуфар Сафарова,

PhD (по экономическим наукам),

старший научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований

Аннотация: в данной статье сфера туризма рассматривается через призму перехода к зеленой экономике. В ней представлена информация о принципах трансформации туристического сектора при переходе к зеленой экономике, эволюционных взглядах на туризм и устойчивость, а также о зеленых видах туризма. Также на основе опросов, проведенных в августе-сентябре 2022 года, определены важные факторы в поездках для жителей города Ташкента и области. По результатам было установлено, что большое значение при выборе места путешествия имеют гигиена, безопасность, природные ресурсы и оздоровительные свойства. Результаты обобщены и разработаны предложения для населения Узбекистана.

Ключевые слова: зеленая экономика, туризм, экотуризм, опрос населения, важные факторы туризма.

Transformation processes in the field of tourism in the context of the transition to a green economy

Nilufar Safarova,

PhD (in Economics),

Institute for Forecasting and Macroeconomic Research, Senior Research Fellow

Abstract: in this article, the tourism sector was interpreted through the views related to the transition to a green economy. It provides information on the principles of transformation of the tourism sector in the transition to a green economy, evolutionary views on tourism and sustainability, and green types of tourism. Also, on the basis of surveys conducted in August-September 2022, important factors in travel for residents of Tashkent city and region were determined. According to the results, it was found that hygiene, safety, natural resources and wellness features of a place are of great importance for taking a trip. Summarized and suggestions were developed for the population of Uzbekistan.

Keywords: green economy, tourism, ecotourism, population survey, important factors of traveling.

УЎК: 330.1(575,1)

Батир АБДУЛЛАЕВ,*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
гуруҳ раҳбари,***E-mail: abs1965@mail.ru,****Азизбек ОТАХАНОВ,***Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши вазирлиги,
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши
вазири котибияти мудури ўринбосари,***E-mail: azizbekataxanov08@gmail.com,****Нурбек ЯКУБОВ,***Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
етакчи илмий ходими,***E-mail: newfrank@mail.ru**

Аҳолининг «яшил» товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ўзбекистонда мамлакатнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиши бўйича бир қатор стратегик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан барқарор ривожланиш моделига йўналтириш жараёни давом этмоқда. Бу иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар «яшил» ўсиш учун юқори салоҳиятга эга бўлган соҳаларни ривожлантириши орқали амалга оширилишини, бизнесдаги инновацион технологиялар экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёрдам бериши кераклигини, шунингдек, аҳоли учун «яшил» иш ўринлари яратилишини аниқлатади.

Мазкур йўналишдаги ривожланиш йўлларини тўғри аниқлаш учун аҳолининг «яшил» товар ва хизматларга, «яшил» касбларга бўлган эҳтиёжларини билиш муҳимдир. Ушбу мақсадда Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан 2022 йилнинг октябрь ойида, Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида аҳолининг «яшил» товарлар ва «яшил» касбларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш мақсадида экспресс-онлайн сўров ўтказилди.

Асосий қисм. Онлайн экспресс сўровда иштирок этган респондентларнинг ёши, оилавий аҳволи, таълим олганлик даражаси, бандлик ҳолатига қараб уларнинг ижтимоий-иқтисодий портрети шакллантирилган.

Ўтказилган онлайн сўровда жами 140 нафар респондент иштирок этди. Қатнашганларнинг 54%и эркеклар ва 46%и аёллар, ёши бўйича тақсимланишига кўра 20 ёшгача 8%, 20-40 ёшгача 58,7%, 40-60 ёшдагилар 31,9%, 60 дан юқори ёшдагилар эса 1,4% ни ташкил этди.

Сўровда иштирок этган респондентларнинг таълим олганлик даражаси аксарият қисми (88,4%) олий маълумотлилар бўлиб, ўрта махсус касб-хунар таълими маълумотига эга бўлганлар 10,1%ни ташкил этган. Бандлик ҳолати бўйича ишлайдиганлар 79,4%, ўқийдиганлар 17,6% ва пенсионерлар 2,9% эканлиги кузатилди.


Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур сўровда дастлабки савол аҳолининг органик ва анъанавий маҳсулотлар ўртасидаги фарқини билишлиги ва кундалик ҳаётда истеъмол қилинадиган озиқ-овқат билан органик озиқ-овқат ўртасидаги фарқи нимада эканлигини аниқлашга қаратилган.

Сўровда иштирок этганларнинг 91,3% органик ва анъанавий маҳсулотлар ўртасидаги фарқидан хабардорлигини билдиришган.

Кундалик ҳаётда фойдаланадиган озиқ-овқат билан органик озиқ-овқат маҳсулотлари ўртасидаги фарқи нимада эканлиги бўйича қуйидаги жавоб олинган:

Органик маҳсулотлар кимёвий ва антибиотик қўшимчаларисиз, гармонларсиз ишлаб чиқарилади,

шунингдек, инсон саломатлигига зарар етказмайди (83,3%), Органик маҳсулотлар вазн ва аллергия хавфини камайтиради, иммунитет тизимини мустаҳкамлайди (30,4%) (1-расм).




1-расм. Кундалик ҳаётда фойдаланадиган озиқ-овқат билан органик озиқ-маҳсулотлари ўртасидаги фарқ

Манба: 2022 йил октябрь ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

Сўров натижаларига кўра, 78,3% респондентлар органик маҳсулотларни сотиб олишлигини эътироф этганлар шунингдек, ҳар бешинчи респондент ушбу маҳсулотларни сотиб олмаслиги маълум бўлган. “Органик маҳсулотларни сотиб олишнинг асосий сабаби нима?” саволига респондентларнинг аксарият қисми ижобий жавоб берган ҳолда соғлиқ учун фойдали бўлган, кимёвий моддаларсиз маҳсулотларини афзал кўришини – 86,1%, атроф-муҳитни асрашга шахсий ҳиссасини кўшишини – 32,8% белгилаб берган (2-расм).

“Яшил иқтисодиёт” га ўтиш Ўзбекистонга кўплаб бонуслар олиб келади. 2019 йилда Ўзбекистон “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини қабул қилди. Яқин ўн йилда мамлакатда углерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.


“Яшил иқтисодиёт”нинг муҳим компоненти қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш ҳисобланади. Ўтказилган онлайн сўров



2-расм. Органик маҳсулотларни сотиб олишнинг асосий сабаби

Манба: 2022 йил октябрь ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

натижаларидан маълум бўлишича, Ўзбекистонда «яшил» иқтисодиётга қайси соҳалар муҳимлиги бўйича энг катта фоиз “Чиқиндиларни қайта ишлаш”га тўғри келиб, ушбу кўрсаткич 74,8% ни ташкил этган. Қолган соҳаларда нисбатан паст кўрсаткич 41,0% дан (автомобиль саноатида электромобиллар ишлаб чиқариш) 48,2% гача (органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш) ташкил қилди.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётнинг энг керакли соҳалари, %

Манба: 2022 йил октябрь ойида ўтказилган сўров натижалари.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, “чиқиндиларни қайта ишлаш” соҳаси мамлакатимиз иқтисодиёти учун юқори талабга эга ва бошқа соҳаларга нисбатан 1,5 баробардан кўпроқ керак эканлиги сўров натижасида кузатилди.


Бунинг тасдиғи Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш лойиҳасини давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилган ҳолда жадаллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилишидир¹.

Органик маҳсулотлар кўшимча минерал ўғитларсиз, заҳарли химикатларсиз ва бошқа техноген таъсирларсиз маҳсулот етиштириш ёки табиий тоза хомашёлардан олинган, замонавий технологиялар асосида етиштирилган маҳсулотлардир. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида органик-экологик тоза маҳсулот етиштириш ва унга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, дунёда 2019 йилда органик кишлоқ хўжалиги бўйича халқаро бозорлардаги савдо айланмаси 96,7 млрд еврони ташкил этган. 71,5 млн гектар майдонда 2,8 млн ишлаб чиқарувчи мазкур фаолият билан шуғулланган. Экспертларнинг айтишича, дунё органик маҳсулотлари бозори 2016 йилдан бошлаб ҳар йили ўртача 15 фоиздан ўсаяпти.

2022 йил якунида унинг савдо айланмаси 212 млрд долларни (жаҳон кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 фоизи) ташкил этиши прогноз қилинган.

Дунё микёсида аҳвол шундай экан, Ўзбекистонда экологик тоза органик маҳсулот нечоғлик ўз ўрнига эга, деган савол туғилиши табиий. Ўтказилган онлайн сўров натижаларига кўра “Органик маҳсулотларни сотиб олмаслигининг асосий сабаблари” саволига асосий сабаб сифатида “дўконларда танлов йўқлиги” (40,9%) кўрсатилди. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, онлайн сўровда иштирок этганларнинг қарийб бештадан биттаси органик маҳсулотларни сотиб олишини эътироф этганлар. Шунингдек, органик маҳсулотларнинг нархи қимматлиги туфайли “оилавий бюджет кўтармайди” (17,5%) ва органик маҳсулотлар соғлиқ учун фойдали эканлиги тўғрисидаги билим ва етарли маълумотларнинг йўқлиги (17,5%) ни билдиришган. Лекин сўровда



4-расм. Органик маҳсулотларни сотиб олмаслигининг асосий сабаблари

Манба: 2022 йил октябрь ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

иштирок этганлар орасида “анъанавий ва органик маҳсулотларнинг фойдаси бир хил” (13,5%), деган фикрни ҳам билдирганлар йўқ эмас.

Очигини айтганда, бизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг аксариятини экологик тоза, яъни ҳозирги дунё ҳамжамияти томонидан номланиши бўйича органик маҳсулот, деб айтсак бўлади. Бу республикаимиз аграр соҳаси, умуман, иқтисодиётимиз учун катта аҳамиятга эга бўлган воқелик бўлиб, 2022 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси томонидан “Органик маҳсулотлар



5-расм. «Яшил» касблар ва анъанавий касблар ўртасидаги фарқи

Манба: 2022 йил октябрь ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

1 https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/hususiy_investor_qattiq_maishiy_chiқindilar_bilan_bogliq_sohaga_3_trln_sum_investiciya_kiritadi


2 “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2022 йил 25 апрель, ЎРҚ-766-сон <https://lex.uz/uz/docs/5980334#5981256>

тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганлиги – ҳукумат томонидан ушбу соҳани ривожлантириш учун катта эътибор қаратилаётганлигининг яққол тасдиғидир.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат: фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлашнинг, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг устуворлиги; органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўналишини танлашдаги ихтиёрийлик; органик маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлиги; қайта тикланадиган табиий ресурслардан фойдаланиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш.

Респондентлардан «Яшил» касблар ва анъанавий касблар ўртасидаги фарқ бўйича берил-

ган онлайн саволга қуйидагича жавоб олинди. «Яшил» касблар энергия ва ресурслар сарфини қисқартиришга, чиқиндилар ва ифлосланишни камайтиришга ёрдам беришини (62,5%), шунингдек атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришини (61%) белгилаб берганлар (5-расм). “Яшил иқтисодиёт”дан давлат ёки бизнес эмас, балки, энг аввало, оддий одамлар фойда кўриши ва унинг ижтимоий аҳамияти ҳам шунда. Шундан келиб чиқиб, сўровноманинг яна бир қизиқарли жиҳати шундан иборатки, аҳолининг қандай “яшил” касбларга эҳтиёжи борлиги ва улар учун қайси касблар қизиқарли эканлиги бўйича савол ҳам ўз аксини топган. Ушбу саволга респондентлардан қуйидагича жавоблар олинди (6-расм).



6-расм. Қайси “яшил” касблар сиз учун қизиқарли

Манба: 2022 йил октябрь ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида органик-экологик тоза маҳсулот етиштириш ва унга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Европа бозорларида экологик тоза маҳсулотлар ҳажми 1997 йилда 5 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 9,5 миллиард доллар, 2005 йилда Европа ҳудудида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг 10 фоизидан ортиғини ташкил этган. 2022 йил якунида жаҳон кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 фоизини ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Европа мамлакатларида экологик тоза маҳсулотларга йиллик талабнинг ўсиши Германияда 5-15 фоиз, Дания, Швеция ва Швейцария давлатларида 30-40 фоизга ортаганлиги, ушбу мамлакатларда экологик тоза маҳсулотларга катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатмоқда. Органик тоза маҳсулот етиштириш масаласи билан жаҳоннинг кўплаб олимлари шуғулланишмоқда. Улар асосан, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришнинг экологик, агротехнологик ва иқтисодий муаммолари тўғрисида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.



7-расм. Қандай органик маҳсулотлар аҳоли орасида талабгир ёки талабга эга

Манба: 2022 йил октябрь ойида ўтказилган сўров натижалари, %.

Ўтказилган онлайн сўровномага асосан, Ўзбекистонда “Қандай органик маҳсулотлар аҳоли орасида талабгир ёки талабга эга” саволга энг кўп олинган жавоб “Озиқ-овқат маҳсулотлари”га тўғри

келиб, ушбу кўрсаткич 90,5% ни ташкил қилди. Шунингдек, ижобий жавоб “Табиий косметика маҳсулотлари” ва “Тўқимачилик маҳсулотлари”га (33,6%), “Табиий чармдан тайёрланган пойафзал”га (35,0%) ни ташкил қилган. Энг паст кўрсаткич “қулоччилик (сопол) идишлар”га талаб бўлиб, унинг 10,9% эканлиги кузатишга (7-расм).

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, органик маҳсулотлардан аҳоли орасида жуда катта талабга эга бўлгани – бу “озиқ-овқат маҳсулотлари” ҳисобланиб, бошқа келтирилган маҳсулотларга нисбатан талаб ўртача 3,5 баровардан юқори эканлиги онлайн сўровнома натижасида ўз аксини топган.

Хулоса ва таклифлар. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз шароитида экологик тоза маҳсулотлар етиштириш учун барча табиий шароитлар мавжуд. Бундай сифатли маҳсулотларимизнинг экспорт ҳажмини кескин ошириш заруратини инобатга олиб, бу борадаги қонун, қонуности ҳужжатлари, ҳуқуқий асослари, стандартлаш, маркировка масалаларини ҳал этиш мақсадга мувофиқ.

«Яшил» харидорларни йўқотмаслик учун «яшил» товарларни ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар маълум бир реклама стратегиясига риоя қилишлари керак. Ушбу стратегия қуйидаги асосий ёндашувлардан иборат:

- истеъмолчиларнинг яшил маҳсулотлар мавжудлиги тўғрисида хабардорлигини ошириш;
- истеъмолчиларни ушбу маҳсулотларнинг экологик ва ижтимоий барқарорлик жиҳатлари ҳақида доимий равишда хабардор қилиш;
- умумий оммавий пештахталарда яшил маҳсулотларни ажратиб кўрсатиш ва дўконда мижозлар билан ишлашдир.

Оммавий ахборот воситаларида яшил маҳсулотлар ҳақида кўплаб маълумотлар бўлишига қарамасдан, барча харидорлар экологик ва ижтимоий барқарорлик жиҳатларидан бир хил даражада хабардор эмаслар. Турли мамлакатларда одамлар бу атамаларни турлича тушунишади.

Истеъмолчиларнинг «яшил» товарларга бўлган истеъмол талабини уларни сотишдан реал фойдага айлантириш тавсия этилади ва қуйидаги чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқ:

- қорхонанинг «яшил» товарларни ишлаб чиқаришида олиши мумкин бўлган нарх муқофотини белгилаш ва мақсадли харидорларни аниқлаш;
- ишлаб чиқарилган «яшил» товарларни жойлаштиришнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш;

- интеграциялашган маркетинг стратегияси ва алоқа режасини ишлаб чиқиш;

- таъминот занжири бўйлаб барқарорликни таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш;

«Яшил» товарлар ишлаб чиқариш деярли барча тоифаларни, жумладан, озиқ-овқат, дори-дармон ва гигиена воситалари, ёғоч ва қоғоз, мебель, курилиш материаллари, маиший электр жиҳозлари ва бошқаларни қамраб олади. Шунга қарамадан, турли ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотлари «яшил» товарларни ишлаб чиқариш ва илгари суришда турли хил тажрибага эга.

Холбуки, яшил маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан фойда олаётган муваффақиятли корхоналар ҳамда муваффақиятсизликка учраган корхоналар ўртасидаги фарқ шубҳасиз, бу «яшил» маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича аниқ стратегия ва режанинг йўқлигидир.

Манба ва адабиётлар

1. 2022 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-766-сонли “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

2. https://norma.uz/uz/nhh_loyihalari/hususiy_investor_qattiq_maishiy_chiqindilar

3. Тошкент шаҳрида ўтказилган аҳолининг «яшил» товарлар ва «яшил» касбларга бўлган эҳтиёжи мавзусидаги онлайн сўров натижалари, 2022 йил, октябрь.

Аҳолининг «яшил» товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи

Батир Абдуллаев,

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти гуруҳ раҳбари,

Азизбек Отаханов,

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири котибияти мудири ўринбосари,

Нурбек Якубов,

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходим

Аннотация: Ўзбекистонда мамлакатнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиши бўйича бир қатор стратегик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақолада аҳолининг «яшил» товар ва хизматларга, «яшил» касбларга бўлган эҳтиёжларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадда Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ) томонидан, 2022 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида аҳолининг «яшил» товарлар ва «яшил» касбларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш мақсадида экспресс-онлайн сўров ўтказилди.

Калит сўзлар: яшил товар ва хизматлар, яшил иқтисодиёт, органик маҳсулот, яшил касб, экологик тоза маҳсулот, атроф-муҳит, талаб, ресурс, барқарорлик.

Потребность населения в «Зеленых» товарах и услугах

Батир Абдуллаев,

руководитель группы Института прогнозирования и макроэкономических исследований,

Азизбек Отаханов,

Заместитель руководителя секретариата Министра экономического развития и сокращения бедности,

Нурбек Якубов,

ведущий научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований

Аннотация: в Узбекистане реализуется ряд стратегических мер по переходу страны на «зеленую» экономику. В данной статье важно знать потребности населения в «зеленых» товарах и услугах, «зеленых» профессиях. С этой целью в октябре 2022 года ИПМИ провел «онлайн» опрос среди населения г.Ташкента, с целью изучения потребностей населения в «зеленых» товарах и «зеленых» профессиях.

Ключевые слова: экологически чистые товары и услуги, зеленая экономика, органический продукт, зеленая профессия, экологически чистый продукт, окружающая среда, спрос, ресурс, устойчивость.

The need of the population for "Green" goods and services

Batir Abdullaev,

Institute of forecasting and macroeconomic research, head of group,

Azizbek Otakhanov,

Deputy Head of the Secretariat of Ministry of economic development and poverty reduction of the republic of Uzbekistan,

Nurbek Yakubov,

Institute for forecasting and macroeconomic research, leading researcher

Abstract: a number of strategic measures are being implemented in Uzbekistan to transition the country to a "green" economy. In this article, it is important to know the needs of the population for "green" goods and services, "green" professions. For this purpose, in October 2022, IFMR conducted an "online" survey among the population in order to study the needs of the population for "green" goods and "green" professions.

Keywords: green goods and services, green economy, organic product, green profession, environmentally friendly product, environment, demand, resource, sustainable.

УЎК: 338.24.316

Муhabбат АХМЕДОВА,
PhD (по экономическим наукам),
Руководитель группы Института прогнозирования и
макроэкономических исследований,
E-mail: muhabbatmutalova@gmail.com,
Шарифабону АМРИДДИНОВА,
старший научник сотрудник Института прогнозирования и
макроэкономических исследований,
E-mail: amriddinovasharifa7@gmail.com

Зеленые рабочие места: определение, классификатор и оценка эффективности

Согласно Программе Организации Объединенных Наций по окружающей среде, зеленые рабочие места – это рабочие места, которые помогают защитить экосистемы и биоразнообразие, сократить потребление энергии и воды с помощью высокоэффективных технологий, снижающие выбросы углеродов и свести к минимуму или полностью избежать образования всех форм отходов и загрязнений. Это могут быть рабочие места как в сельском хозяйстве, так и в производстве, исследованиях и разработках (НИОКР), административной и сервисной деятельности, которая вносит существенный вклад в сохранение или восстановление качества окружающей среды. Они также охватывают рабочие места в экономике замкнутого цикла – профессии, которые способствуют повторному использованию, сокращению, переработке и ремонту наших ресурсов за счет более устойчивых и менее затратных методов.

По определению Международной организации труда (МОТ) зеленые рабочие места – это те рабочие места, которые сокращают потребление энергии и сырья, ограничивают выбросы парниковых газов, минимизируют отходы и загрязнение, защищают и восстанавливают экосистемы и позволяют предприятиям и сообществам адаптироваться к климату. Кроме того, «зеленые» рабочие места должны быть достойными.

Согласно Бюро статистики труда (Bureau of Labor Statistics, BLS), «зелеными» рабочими местами являются:

а) рабочие места на предприятиях, которые производят товары или предоставляют услуги, приносящие пользу окружающей среде или сохраняющие природные ресурсы;

б) рабочие места, в обязанности которых входит сделать производственные процессы их предприятий более экологически безопасными или использовать меньше природных ресурсов. В определении «зеленые» рабочие места классифицируются по трем основным категориям: производство возобновляемой энергии, энергоэффективность и управление окружающей средой [1].

Литературный обзор. Зеленые рабочие места стали предметом экономических исследований в течение последних пятнадцати лет. Результативные отчеты начали появляться в рецензируемых журналах примерно с 2004 г., когда экономист Мэтью Форстейтер предложил программу «зеленой» занятости в государственной службе. В 2008 г. Исследовательский институт политической экономии опубликовал отчет, предлагающий двухлетнюю программу восстановления экономики за счёт энергоэффективных рабочих мест. Тем не менее Бюро статистики труда стало первым исследовательским институтом, который смог ввести учет зеленых рабочих мест. Данное исследование было запущено в 2010 году.

По мнению специалистов организации Apollo Alliance - центра по разработке программ, дорожных карт по переходу США к возможностям созда-

ния достойных рабочих мест и сохранения окружающей среды, «зеленые» рабочие места - это хорошо оплачиваемые рабочие места с перспективой карьерного роста, которые сохраняют или улучшают качество окружающей среды. Организацией особо отмечается, что «зеленое» рабочее место - это рабочее место с высокой заработной платой, на которую можно содержать семью и которая позволит пройти курсы повышения квалификации, обучение для получения дополнительных навыков работы с высокотехнологичным оборудованием.

В Германии понятие «зеленое рабочее место» впервые было сформулировано в 1996 г. В настоящее время к «зеленым» рабочим местам в Германии относят рабочие места на предприятиях, которые используют в производственном процессе ресурсосберегающие и экологически чистые технологии, а также рабочие места, где заняты административные работники, организующие работу на таких предприятиях.

Научные и правительственные организации Англии выработали особый подход к понятию ««зеленое» рабочее место»: так, используются понятия «светлое “зеленое” рабочее место» и «темное “зеленое” рабочее место». К первому можно отнести рабочие места, где менеджеры, управленцы, научные работники занимаются анализом экологических рисков, составлением программ финансирования устойчивого развития и т.д. Ко второй группе относятся рабочие места, которые напрямую связаны с обслуживанием экологически чистого оборудования, технологий.

**«Зеленые» рабочие
места в Китае
определяются как все
рабочие места, которые
направлены на рост
экономики и
содействие благополучно-
му состоянию
окружающей среды**

Австралийский фонд охраны окружающей среды заметил, что «зеленые» рабочие места - это устаревшие рабочие места, которые прошли модернизацию и обновление и стали высокотехнологичными и экологически чистыми.

Министерство окружающей среды Японии определяет «зеленые» рабочие места как рабочие места, где производятся экологические продукты и услуги.

Для Китайской Народной Республики тема «зеленой» занятости населения не нова. По данным Министерства человеческих ресурсов и социальной безопасности Китая (The Ministry of Human Resources and Social Security of the People's Republic of China) развитие «зеленой» занятости находится на ранних этапах, но имеет большие перспективы в связи с необходимостью решения экологических проблем. «Зеленые» рабочие места в Китае определяются как все рабочие места, которые направлены на рост экономики и содействие благополучному состоянию окружающей среды [2].

К зеленым рабочим местам относятся следующие профессии:

в администрации – специалист по гигиене окружающей среды, аналитик экологических данных, юрист по вопросам окружающей среды;

в сельском хозяйстве – рабочие места в области органического земледелия, агротехники и управляющие фермерскими хозяйствами;

в энергетике – техники и операторы по возобновляемым источникам энергии, установка солнечных батарей, инженеры по ветряным турбинам и инженеры по ядерной энергетике;

в инженерии – инженеры-механики, градостроители, инженеры по водным ресурсам и инженеры по качеству воздуха;

в жилищном секторе – архитекторы, ландшафтные дизайнеры, инженеры-строители, градостроители и геологи;

в производстве – дизайн упаковки и производство строительных материалов, проектирования и производства электромобилей, электрического общественного транспорта и электротранспорта;

в технологии – ученый-эколог, климатолог или техник-эколог, а также, вывоз мусора – координатор по переработке и сборщик мусора.

Не смотря, на то, что зеленые рабочие места имеют важную роль в оказании помощи окружающей среде, однако существуют свои преимущества и недостатки.

Преимущества зеленых профессий:

- зеленые рабочие места потенциально снижают загрязнения окружающей среды, улучшая качество почвы, воды и воздуха;

- внедрение зеленых профессий помогает постепенно останавливать глобальное потепление, потерю биоразнообразия, вырубку лесов, опустынивание, истощение ресурсов;

- экономический рост также усиливается за счет создания новых рынков биотоплива и возобновляемых источников энергии;

- создание новых рынков имеет потенциал для поддержки международных преимуществ, когда эти новые рынки будут привлекать средства за счет экспорта, а также увеличивать продажи на внутреннем рынке;

- создание большего количества отраслей означает больше рабочих мест, а больше рабочих мест означает более стабильное общество, поскольку экономически люди будут обеспечены;

- сельскохозяйственные отрасли смогут занять достойное место благодаря акценту на зеленые технологии [3].

Недостатки зеленых рабочих мест:

- первоначально стоимость товаров может быть очень высокой, потому что создание новых «зеленых» производств и их технологий потребует больших затрат;

- зеленые рабочие места обычно труднее найти, чем обычные;

- новые изобретения и открытия потребуют обширных исследований, которые потребуют больших инвестиций со стороны правительства;

- огромные инвестиции в зеленые рабочие места требуют огромных средств, которые могут быть получены за счет увеличения налогов с граждан;

- зеленые рабочие места могут вытеснить не зеленые рабочие места из бизнеса [4].

Исследования в области зеленых рабочих мест. Каммен (2004) и Вэй (2010) рассматривают различные исследования, которые сосредоточены на развитии возобновляемых и других низкоуглеродных источников энергии и энергоэффективности. Они утверждают, что существует ключевое различие между краткосрочными работами, которые охватывают области строительства, производства, монтажа, и работами, продолжительность которых зависит от долговечности соответствующего оборудования.

Поллин (2008) использовал оценку макроэконо-

мического мультипликативного эффекта дополнительных прямых бюджетных расходов для расчета индуцированного создания рабочих мест. Высоко оценивалась эффективность создания «зеленых рабочих мест» путем содействия налогово-бюджетному стимулированию [5].

Фанхаузер (2008) изучал различные временные горизонты «зеленых» рабочих мест. В частности, он рассмотрел краткосрочный эффект, который учитывает рабочие места, которые теряются из-за новой политики в области изменения климата, и новые создаются в замещающих отраслях. Такой эффект обозначается как прямой эффект занятости. Более того, он исследовал среднесрочный эффект, когда воздействие политики в области изменения климата распространяется по всей экономике и, следовательно, создает и уничтожает рабочие места в затронутых отраслях. Он рассмотрел долгосрочный эффект, который подразумевает, что развитие новых технологий способствует созданию платформы для инвестиций и роста.

Хо (2008) исследовал влияние политики цен на углерод в промышленности США, принимая во внимание 4 различных временных периода: короткий период, краткосрочную перспективу, среднюю перспективу и долгосрочную перспективу. Он показал, что потери в занятости, как правило, отражают снижение объема производства в краткосрочной перспективе. Тем не менее, прибыль в других отраслях компенсирует эти потери [6].

- поддержка частных инвесторов, в том числе малого бизнеса, в реализации «зеленых» инноваций;
- создание системы сертификации энергоэффективности продукции (работ, услуг), разработка механизмов стимулирования государственных «зеленых» закупок путем разработки каталогов технических условий;
- обучение персонала, формирование культуры бережного отношения к энергии и ресурсам.

Республика Узбекистан в рамках Парижского соглашения повысила свои обязательства в обновленном ОНУВ [14] и намерена снизить удельные выбросы парниковых газов на единицу ВВП на 35% к 2030 году от уровня 2010 года, вместо 10%, предусмотренных ранее.

Достижение долгосрочной цели предусматривается при поддержке международных организаций и финансовых институтов, обеспечении доступа к передовым энергосберегающим и экологически безопасным технологиям, ресурсам климатического финансирования. Потребности Узбекистана в финансировании, необходимом для эффективного предотвращения изменения климата и адаптации к его последствиям, остаются значительными.

Также в стране принят Указ Президента Республики Узбекистан №УП-101 от 08.04.2022 г. «Об очередных реформах по созданию условий для стабильного экономического роста путем улучшения предпринимательской среды и развития частного сектора», где одной из задач ставится ускорить преобразование и приватизацию предприятий и коммерческих банков с участием государства, стимулировать увеличение качественно новых инвестиций и высокоэффективных производственных технологий, в частности, на основе принципов экологического, социального и корпоративного управления (ESG), а также снижение доли неэффективных предприятий в экономике.

Также в документе, в части приложения №3 пункте 27 министерствам и ведомствам предписывается изучить передовой зарубежный опыт внедрения процессов перехода к «зеленой» экономике, включая системы экологического, социального и корпоративного управления (ESG), как основное направление деятельности наблюдательных советов государственных предприятий, для облегчения доступа к международным торговым и финансовым рынкам в будущем.

Важным достижением для Узбекистана отмечается принятие в 2017 г. и реализация пятилетней программы утилизации отходов, которая направлена на существенное расширение деятельности по сбору и переработке отходов, модернизацию полигонов, усиление контроля и укрепление координации институтов и политики в области отходов.

Заключение. Рассматривая страны Центральной Азии можно отметить, что на сегодняшний день в законодательстве стран официально не закреплено понятие «зеленый» бизнес, а также отсутствуют специальные нормативно-правовые акты, регулирующие их деятельность. Таким образом, правовое регулирование функционирования «зеленого» бизнеса происходит на основе мер и механизмов, прописанных в других постановлениях, программах и стратегиях, регулирующих деятельность бизнес среды и предпринимательства. Также особое внимание зеленому направлению уделяется в специализированных документах, посвященных зеленой трансформации стран.

Стоит отметить, что данные меры и механизмы в большей степени направлены на создание условий и способствование к переходу предпринимателей к «зеленому» бизнесу. Так, в странах Центральной Азии приняты национальные Концепции и Стратегии по переходу к «зеленой» экономике, а также Определяемые на национальном уровне вклады (ОНУВ) по решению проблемы изменения климата в рамках Парижского соглашения.

Также важным вопросом в развитии и регулировании «зеленого» бизнеса остается сокращение и утилизация отходов. За последние годы все страны Центральной Азии достигли прогресса в совершенствовании управления отходами, благодаря принятию нового законодательства, программ, стимулов или их пересмотру.

Источники и литература

1. Рогатных Елена, Сердунь Марина. Зеленая экономика и ее влияние на экономическое развитие в XXI веке // Российский внешнеэкономический вестник. 2022. №3. Стр. 21. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zelenaya-ekonomika-i-ee-vliyanie-na-ekonomicheskoe-razvitiye-v-hhi-veke>.
2. База публикаций ОЭСР. URL: www.oecd.org/publications/
3. База публикаций Всемирного банка. URL: www.worldbank.org/en/research/brief/publications
4. Концепция по переходу к зеленой экономике РК. URL: <https://ecounion.kz/?p=686#:~:text=Концепция%20>

no%20переходу%20Республики%20Казахстан,ти%20наиболее%20развитых%20стран%20мира

5. *Intended Nationally Determined Contribution – Submission of the Republic of Kazakhstan*. URL: https://unfccc.int/sites/default/files/NDC/2022-06/INDC%20Kz_eng.pdf

6. Концепция зеленой экономики в Кыргызской Республике "Кыргызстан - страна зеленой экономики". URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/83126#:~:text=Экономическая%20политика%20на%20принципах%20зеленой,сектора%2C%20которые%20загрязняют%20окружающую%20среду.>

7. Обновленный определяемый на национальном уровне вклад 2021. URL: <https://unfccc.int/sites/default/files/NDC/2022-06/%D0%9E%D0%9D%D0%A3%D0%92%D0%A0%D0%A3%D0%A1%D0%BE%D1%82%2008102021.pdf>

8. В Душанбе представлена Стратегия развития «зелёной экономики» в Таджикистане // Интернет-портал СНГ. URL: <https://e-cis.info/news/567/105268/>

9. Закон Туркменистана «О возобновляемых источниках энергии». URL: <https://minjust.gov.tm/ru/hukuk/merkezi/hukuk/222>

10. Министерство иностранных дел Туркменистана. URL: <https://www.mfa.gov.tm/ru/articles/487>

11. В Казахстане подписали Хартию о программе партнерства «Зеленый мост». URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31450885&pos=3;-80#pos=3;-80

12. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4477 от 14.10.2019 г. «об утверждении стратегии по переходу республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019-2030 годов». URL: <https://lex.uz/ru/docs/4539506>

13. Указ Президента Республики Узбекистан №ВП-60 от 28.01.2022 г. «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». URL: <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

14. Обновленный определяемый на национальном уровне вклад 2021. Республика Узбекистан. URL: https://unfccc.int/sites/default/files/NDC/2022-06/Uzbekistan_Updated%20NDC_2021_RU.pdf

Правовая основа развития зеленого предпринимательства в странах Центральной Азии

Абдусаттор Абдумунинов,
старший научный сотрудник Института
прогнозирования и

макроэкономических исследований,

Антон Костюченко,

руководитель проекта Института прогнозирования и
макроэкономических исследований,

Одилжон Назаров,

старший научный сотрудник Института
прогнозирования и

макроэкономических исследований,

Ирода Иброхимова,

ученица школы №5

Аннотация: в статье рассмотрены законодательные основы развития «зеленого» бизнеса в странах

Центральной Азии и Узбекистане. Результаты анализа показывают, что на сегодняшний день такое законодательство не сформировано полностью. Зеленая трансформация бизнеса происходит на основе государственных стратегий, программ, и нормативно-правовых актов в сфере экологии и природопользования.

Ключевые слова: предпринимательство, «зеленая» экономика, законодательство, Центральная Азия.

Markaziy Osiyo mamlakatlarida yashil tadbirkorlikni rivojlantirishning huquqiy asoslari

Abdusattor Abdumuminov,

Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar
istituti katta ilmiy xodimi,

Anton Kostyuchenko,

Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar
istituti loyiha rahbari,

Odiljon Nazarov,

Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar
istituti katta ilmiy xodimi,

Iroda Ibrohimova,

5-maktab o'quvchisi

Annotatsiya: maqolada Markaziy Osiyo va O'zbekistonda "yashil" biznesni rivojlantirishning Qonunchilik asoslari muhokama qilinadi. Tahlil natijalari shuni ko'rsatadiki, bugungi kunda bunday Qonunchilik to'liq shakllanmagan. Biznesning yashil o'zgarishi ekologiya va tabiatni boshqarish sohasidagi davlat strategiyalari, dasturlari va normativ-huquqiy hujjatlar asosida amalga oshiriladi.

Kalit so'zlar: tadbirkorlik, "yashil" iqtisodiyot, Qonunchilik, Markaziy Osiyo.

Legal basis for the development of green entrepreneurship in Central Asian countries

Abdusattor Abdumuminov,

Institute for Forecasting and
macroeconomic research, Senior researcher,

Anton Kostyuchenko,

Institute for Forecasting and
macroeconomic research, Head of department,

Odiljon Nazarov,

Institute for Forecasting and
macroeconomic research, Senior researcher,

Iroda Ibrohimova,

school №5 student

Abstract: the article considers the legislative framework for the development of "green" business in the countries of Central Asia and Uzbekistan. The results of the analysis show that to present day is not fully formed such legislation. The green transformation of business takes place on the basis of government strategies, programs, and regulations in the field of ecology and environmental management.

Key words: entrepreneurship, green economy, legislation, Central Asia.

Инвестиция, рақамли ва инновацион технологиялар / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, digital and innovative technologies

УЎК: 004.332.1(575.1)

Дилорам ТАШМУХАМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
“Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси” раиси ўринбосари,
E-mail: d_toshmuxamedova@senat.uz

Худудларда инфор­мацион технологиялар ривожланишидаги тафовутлар

Бугунги кунда инсон ҳаётини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш тобора қийинлашиб бормоқда. АКТ одамларга мулоқот қилиш, ёрдам излаш, ахборот ва таълим олишнинг янги, яхши ва тезкор усуллари­ни тақдим этган ҳолда ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда. Ҳар йили Портуланс Институти томонидан 134 та мамлакатни қамраб олган “Тармоқ тайёрлиги индекси” ҳисобланади, ушбу индекс ахборот-коммуникация технологиялари ва тармоқ иқтисодиётининг ривожланиш даражасини тавсифловчи комплекс кўрсаткичлардан ташкил топган. Индекснинг юқори поғоналарида Швеция, Дания ва Сингапур каби мамлакатлар етакчилик қилади. Афсуски, ушбу индексга Ўзбекистон ҳали киритилмаган. Сўнгги бир неча ўн йиллик давомида бутун дунёда АКТ хизматлари жадал суръатлар билан ўсди. 2020 йилда глобал АКТ харажатлари тахминан 4,9 триллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2023 йилга бориб бу кўрсаткич 5,8 триллион долларгача ошиши кутилмоқда.

БМТнинг маълумотларига кўра, 2021-йил охирига келиб интернет тармоғига 4,9 миллиард киши уланган, 2019-йилда бу рақам 4,1 миллиардни ташкил этган эди. БМТ экспертлари буни глобал ривожланиш нуқтаи назаридан яхши янгилик, деб ҳисобламоқда. Бироқ, умумий маълумотлар катта рақамли тафовутни кўрсатади. Ҳали ҳам интернетга уланмаган 2,9 миллиард дунё аҳолисининг қарийб 96%и ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Мутахассисларнинг қайд этишича, пандемия даврида кўрилган чора-тадбирлар интернетга ула-

нишлар сонининг ўсишига туртки бўлган. Пандемия даврида тармоқ фойдаланувчилари сони 17%га ошган. Кўпчилик интернетга уланишга мажбур бўлган, чунки бу ўқиш, ишлаш, янгиликлар олиш ва коммунал тўловларни тўлашнинг ягона йўли эди. Лекин ҳамма ҳам тегишли телефонлар, компьютерлар ёки ноутбукларни сотиб олишга ёки Интернет хизматлари учун ҳақ тўлашга қодир эмас.

Ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатларда аҳолининг деярли тўртдан уч қисми ҳеч қачон интернет тармоқларига уланмаган. Бунинг асосий сабаблари – қашшоқлик, саводсизлик, электр энергиясидан фойдаланиш чекланганлиги, рақамли кўникмалар ва рақамли хабардорликнинг етишмаслигидир. Шу билан бирга, асосан аёллар рақамли дунёдан ташқарида қолмоқда. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги рақамли тафовут сақланиб қолмоқда. Дунё миқёсида шаҳар аҳолиси орасида интернет фойдаланувчилари сони қишлоқ жойларда яшовчиларникидан деярли икки баравар кўп. Ёш орасидаги тафовутлар дунёнинг барча минтақаларида яққол кўзга ташланади. Ўртача 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган дунё аҳолисининг 71%и интернетдан фойдаланади, қолган барча ёш гуруҳларида эса бу кўрсаткич 57%ни ташкил қилади.

Бутун дунё бўйлаб интернет фойдаланувчилари сони пандемиянинг биринчи йилида 17%дан кўпроққа ўсди, бу сўнгги ўн йилликдаги энг катта йиллик ўсишдир.

Internet World Stats [1] маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 50,6%и интернетга уланган, Давлат статистика қўмитасининг

маълумотларига кўра эса, 56,2%. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра эса, 2019 йилда аҳоли орасида Интернетнинг тарқалиши 70%ни ташкил этган. Асосий ўсиш нуқтаси 2012 йилга тўғри келади, шундан сўнг фойдаланувчилар сони ҳар икки йилда деярли икки баравар кўпайган.

2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида рақамли иқтисодиётни иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари билан айлантириш кўзда тутилган. Соҳадаги лойиҳалар уларни амалиётда қўллашга қаратилган. Масалан, рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли пунктлари, ижтимоий соҳа объектлари ва магистрал йўлларни кенг полосали тармоқлар билан қамраб олиш. Бу тадбирлар Президентимизнинг 2020-йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида бошланган. Хужжатга мувофиқ, уч йиллик рақамли трансформация доирасида Навоий вилоятида умумий қиймати 54 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 122 та тадбирни амалга ошириш режалаштирилган.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, юртимизда АТ соҳасини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунга яна бир яққол мисол “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки” (IT-Парк)нинг ташкил этилишидир. Ушбу IT-паркда жами 17 та бино қурилади. Унда юқорида қайд этилган ташкилотлардан ташқари университет, хизмат уйлари, меҳмонхона, умумий овқатланиш шохобчалари, савдо дўконлари, спорт майдончаси ва дам олиш масканлари жойлашади. Буларнинг барчаси юртимиздаги АТ соҳасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши табиий.

АТ – соҳасининг ривожланиши иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бунинг исботи сифатида қатор тадқиқотларни келтириш мумкин:

Ахборот-коммуникация технологиялари глобал ишсизлик муаммосига қарши курашишда ёрдам берадиган иш ўринларини яратиш учун янги имкониятлар очмоқда. Масалан, мобил телефон иловалари саноатининг рақамли топшириш ривожланган ва жадал суръатлар билан ривожланаётган мамлакатларда кичик ва ўртача корхоналар учун янги имкониятлар яратди [2].

Оптик толали интернет узунлигининг 100 км га ошиши ишсизликнинг 0,04 ф.п. га қисқаришида ёрдам беради [2].

Интернетдан фойдаланувчилар сонининг 1 ф.п. га ортиши ишсизликни 0,02 ф.п. га камайтиради.


100 та янги асосий уяли алоқа станциясининг қурилиши ишсизлик даражасини 0,05 ф.п. га камайтириш имконини беради [2].

АКТнинг ривожланиши ишсизлик даражасига яна бир восита орқали таъсир кўрсатади. Иқтисодий таракқиётнинг ҳозирги босқичида бандлик билан боғлиқ муаммоларни янгича ёндашув – масофавий иш ёки фриланс орқали ҳал қилиш мумкин[2].

Шунингдек, тадқиқот натижаларида АКТ реал даромадларнинг ўсишига бир неча йўллар орқали ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган: масалан, таълим тизимига (онлайн дарслар ва курсларни жорий этиш орқали, молия ташкилотлари фаолиятининг кенгайтириши, ишсизликнинг қисқаришига (янги касблар ва иш ўринлари, жумладан онлайн-маконда ташкил этилиши орқали таъсир қилади.

Оптик толали алоқа линиялари узунлигининг 100 километрга ортиши аҳоли реал даромадларининг 1,43 фоизга ўсишида ёрдам беради. Интернетдан фойдаланувчилар сонининг 1 фоиз пунктга кўпайиши аҳоли реал даромадларининг 0,9 фоизга ошишига олиб келади [3].

Юқорида келтирилган тадқиқотлардан кўриниб турганидек, ахборот технологияларининг ривожланиши ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий соҳаларга ижобий таъсир қилиб, мамлакат ривожига ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшади.



1- расм. Худудлар кесимида интернет тармоғига уланган абонентлар сони (100 кишига нисбатан)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Бугунги кунда республикада АТ – соҳасини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирларнинг олиб борилишига қарамай, худудлар кесимида интернетдан фойдаланиш бўйича қатор муаммолар ва

тафовутлар мавжуд. Худудларда ахборот технологияларини ривожлантириш даражасига куйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- худудларда ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган сиёсат (шунингдек, инфраструктура);

- минтақа иқтисодийнинг тармоқ тузилмаси;

- худуд аҳолисининг харид қобилияти ва иқтисодий фаоллиги;

- ноишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиш даражасига, биринчи навбатда, савдо, молиявий сектор, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар;

- инвестицияларнинг фаоллиги.

Тошкент шаҳрида аҳолининг 151,5%и (йил охирига, 100 та аҳолига нисбатан) интернет тармоғига уланган ва бу албатта республика бўйича энг яхши кўрсаткич ҳисобланади. Энг паст кўрсаткичлар Қашқадарё (50,3%), Тошкент (50,9%), Андижон ва Жиззах (55,6%) вилоятларида кузатилмоқда (1-расм).

Аҳолининг интернет тармоғига уланиши худудлардаги инфраструктура даражасига боғлиқ. Оптик толали алоқа линияларининг узунлиги бўйича Тошкент шаҳри 15 минг километрлик узунлик билан биринчи ўринда, 11 минг км. билан Самарқанд вилояти иккинчи ўринда, 10,5 минг км. узунлик билан Тошкент вилояти учинчи ўринда туради. Энг паст кўрсаткичлар Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кузатилмоқда.




2-расм. Худудлар кесимида мобил алоқа тизимига уланган абонент станциялари улуши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, дунё аҳолисининг катта қисми интернет тармоғига мобил алоқа воситалари ёрдамида уланади, шунинг учун мобил алоқа тизимига уланиш даражаси интернетдан фойдаланишга катта таъсир кўрсатади. 2021

йакунлари бўйича республика бўйича мобил алоқа тизимига уланган абонентлар сони 29 миллиондан ошган. Уларнинг 21,8% Тошкент шаҳрига, 10,4% Фарғона, 9,6 % эса Самарқанд вилоятларига тўғри келади. Кўришиб турганидек, ушбу кўрсаткич бўйича ҳам республика худудларида қисман бўлсада тафовутлар мавжуд (2-расм). Худудлар кесимида мобил алоқа тизимига уланган абонентлар Тошкент (100 та аҳолига нисбатан 57,4 та) ва Сурхондарё (59,3) вилоятларида бошқа вилоятларга нисбатан кам.

АТ – соҳасининг ривожланиш даражасини кўрсатувчи яна бир омил – кўрсатилаётган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажмидир. 2021 йил якунилари бўйича аҳолига кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми республика бўйича 17 755.1 миллиард сўмни ташкил этган, ушбу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 128,2% га ошган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, кўрсатилган хизматларнинг деярли 60%и Тошкент шаҳрига тўғри келади (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг худудлар бўйича улуши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича Фарғона вилояти 5,3% улуш билан иккинчи ўринни, Самарқанд вилояти эса учинчи ўринни эгаллади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган барча кўрсаткичлар бўйича Тошкент шаҳри етакчи бўлиб қолмоқда, бу эса ўз навбатида инфраструктура, аҳолининг яшаш тарзи ва бошқаларга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Интернетга уланиш бўйича таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида эмперик таҳлил амалга оширилди. Таҳлилда худудлардаги оптик толали алоқа линияларининг узунлиги, аҳолининг реал даромадлари, ишсизлик даражаси, олий таъ-

лим билан қамраб олиш даражаси, аҳоли жон бошига ЯИМ, телефон аппаратлари билан қамраб олиш даражаси каби омиллар таъсири аниқланди. Биринчи навбатда индикаторлар орасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Омиллар орасидаги корреляцион боғлиқлик

	Абонентлар сони	Линиялар узунлиги	Мобил алоқа	Тел. аппаратлари	ЯХМ	Аҳоли жон бошига ЯХМ	Аҳоли жон бошига даромадлар	Ишсизлик даражаси
Абонентлар сони	1,000							
Линиялар узунлиги	0,737	1,000						
Мобил алоқа	0,936	0,547	1,000					
Тел. аппаратлари	0,697	0,359	0,728	1,000				
ЯХМ	0,822	0,812	0,696	0,510	1,000			
Аҳоли жон бошига ЯХМ	0,457	0,584	0,304	0,547	0,740	1,000		
Аҳоли жон бошига даромадлар	0,666	0,760	0,482	0,545	0,833	0,909	1,000	
Ишсизлик даражаси	0,217	0,409	0,005	-0,268	0,310	0,265	0,389	1,000

Манба: муаллиф ишланмаси.

Жадвалдан кўриниб турганидек, интернетга уланган абонентлар сони ва ишсизлик даражаси орасида корреляцион боғлиқлик деярли йўқ, қолган барча кўрсаткичлар орасида кучли корреляцион боғлиқлик мавжуд экани аниқланди. Омилларнинг таъсир этиш даражасини аниқлаш мақсадида регрессия курилди. Регрессиямизнинг тенгламаси куйидагича кўринишга эга:

$$Labon. = 0,34 * LGDPp.c. + 0,04 * liniyalar + 0,04 * Tel.app + 2,55 * Cons.$$

бунда, *Labon.* – логарифмланган интернет тармоғига уланган абонентлар сони;

LGRPp.c. – аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот;

liniyalar – оптик толали алоқа линияларининг узунлиги;

Tel.app – телефон аппаратлари билан таъминланганлик даражаси.

Тенглама натижаларига кўра, аҳоли жон бошига ҳудудий маҳсулотнинг 1% га ошиши, интернет тармоғига уланган абонентлар сонининг 0,34% га ошишига олиб келади, линиялар узунлигининг 1%га ошиши абонентлар сонини 0,04% га, телефон аппаратлар сонининг 1%га ошиши эса абонентлар сонини 0,04% га ошириши маълум бўлди. Аҳолининг реал даромадлари ҳам интернетга уланган абонентлар сонига ижобий таъсир қилиши маълум бўлди, лекин аҳоли жон бошига ҳудудий маҳсулот ҳажми билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги юқори бўлгани учун биргаликда тенгламада қўллаш имконияти

йўқ. Олий таълим билан қамраб олиш ва ишсизлик даражаси каби омиллар статистик аҳамиятсиз эканлиги учун моделдан олиб ташланди.

2-жадвал

Интернет тармоғига уланган абонентлар сонига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Омилларнинг номланиши	Эластиклик коэффициенти	Эхтимол $P > /t/$
оптик толали алоқа линияларининг узунлиги	0,04	0,000***
аҳолининг реал даромадлари	0,70	0,022***
ишсизлик даражаси	0,04	0,848
олий таълим билан қамраб олиш даражаси	-0,00	0,797
аҳоли жон бошига ЯХМ	0,34	0,013***
телефон аппаратлари билан қамраб олиш даражаси	0,04	0,013***
Кузатувлар сони		98
R-squared		0,94

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шундай қилиб, эмперик таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон мисолида интернетга уланган абонентлар сонига биринчи навбатда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ва аҳолининг реал даромадлари таъсир қилиши маълум бўлди. Бундан келиб чиқиб, ҳудудлар кесимида интернетдан фойдаланишдаги номутаносибликларни ҳал қилиш мақсадида куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

- биринчи навбатда, аҳоли жон бошига ЯХМ ва аҳоли реал даромадларини ошириш мақсадида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ҳудудларда аҳоли орасида интернетдан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида оптик толали алоқа линияларини кенгайтириш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

- маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи “E-MINBAR” платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида “булутли технологиялар”дан фойдаланиш;

- масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини ҳудудларда кенг жорий этиш;

- таълим муассасаларида дастурий маҳсулотлар етарли даражада эмаслигини ҳисобга олиб, уларни

мультимедиа электрон дарсликлар, ўргатувчи тренажёрлар, виртуал лаборатория, техник қурилмаларнинг дастурий таъминоти, уларни ишлатиш ва ўргатиш бўйича қўлланмалар билан таъминлаш;

- миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

- ота-оналарнинг ўз фарзандларида Интернетдан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш, назорат қилиш бўйича масъулиятини оширишга йўналтирилган махсус қўлланмалар, тарғибот материаллари, видеороликлар ишлаб чиқиш ва ОАВ орқали кенг ёритиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ йўналишда кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари битирувчилари сонини, ахборот технологиялари соҳасида ўргача даражада компетенцияга эга бўлган ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари сонини ошириш (айниқса, ҳудудларда);

- ҳудудларда ғоялар ва янги технологиялар яратишни тарғиб қилувчи республика танловлари ва тадбирларини (хакатонлар, конкурслар, олимпиадалар ва бошқалар) ўтказиш;

- ҳудудлардаги таълим тизимида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни аниқлашда бевосита таълим олаётган ёшлар, хусусан хорижда ўқиётган ёшларнинг ташаббусларини чуқур таҳлиллар асосида ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш.

Манба ва адабиётлар

1. *Internet WorldStats* <https://www.internetworldstats.com>
2. https://ifmr.uz/publications/articles-and-abstracts/internet_development
3. <https://ifmr.uz/publications/articles-and-abstracts/ict>
4. *Давлат статистика қўмитаси манбалари* <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot>

Миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини такомиллаштириш.

Худудларда инфор­ма­цион технологиялар ривожланишидаги тафовутлар

Дилорам Ташмухамедова,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг “Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси” раиси ўринбосари

Аннотация: мақолада дунё миқёсида ахборот технологияларининг ривожланиши бўйича қисқача шарҳ келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг худудларида ахборот технологияларининг ривожланиши бўйича таҳлил олиб борилган, мавжуд муаммолар аниқланиб тафовутлар қайси худудларда эканлиги аниқланган. Ўзбекистон Республикасининг 14 та худуд маълумотлари асосида эконометрик таҳлил амалга оширилган. Мақола сўнгида худудларда ахборот технологияларини ривожлантириши бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: ахборот технологиялари, ахборотлаштириши, АТ-соҳа, рақамли иқтисодиёт, оптик то­лалар.

Различия в развитии информационных технологий в регионах

Дилорам Ташмухамедова,
Сенатор Олий Мажлиса Республики Узбекистан,
Заместитель председателя «Комитета по
вопросам молодежи, культуры и спорта»

Аннотация: в статье представлен краткий обзор развития информационных технологий в мире.

Также был проведен анализ развития информационных технологий в регионах Республики Узбекистан, выявлены существующие проблемы и определены различия. Проведен эконометрический анализ на данных 14 регионов Республики Узбекистан. В конце статьи предложены рекомендации по развитию информационных технологий в регионах.

Ключевые слова: информационные технологии, информатизация, ИТ – индустрия, цифровая экономика, оптические волокна.

Differences in the development of information technologies in the regions

Diloram Tashmukhamedova,
Senator for Oliy Majlis of Republic
of Uzbekistan the Deputy
Chairman of the Committee on Youth,
Culture and Sports

Abstract: the article presents a brief overview of the development of information technology in the world. An analysis of the development of information technologies in the regions of the Republic of Uzbekistan was also carried out, existing problems were identified and differences were identified. An econometric analysis was carried out on the data of 14 regions of the Republic of Uzbekistan. At the end of the article, recommendations are offered for the development of information technologies in the regions.

Keywords: information technology, informatization, IT industry, digital economy, optical fibers.

УЎК: 332.012

Фархад РАХИМОВ,

техника фанлари доктори,

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш вазирлиги бўлими бошлиғи,*

E-mail: fraximov@mineconomy.uz,

Дилноза ИБОДОВА,

*Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий
шароитларини яратиш бошқармаси бош мутахассиси,*

E-mail: dibodova@mineconomy.uz,

Юнусали ҚҮЧҚАРОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
Фаргона вилояти Бандлик Бош бошқармаси бошлиғи,*

E-mail: ykuckorov@mail.ru

Инновацион фаолият асосида иқтисодиётни ривожлантириш тенденциялари

Кириш. Жаҳон ҳамжамияти тажрибасидан маълумки, ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияси бизнес тузилмалар жараёнларидаги инновацияларнинг роли, аҳамиятининг теран англаниши ва инновацияларга йўналтирилган мақсадли миллий инновацион тизимнинг ишлаши, махсус инновацион ривожланиш, билимларни бошқаришга ихтисослашган бўлимлар, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари тузилмалари, прогнозлаштириш ва аналитик департаментлар, технопарк ёки технологиялар трансфери агентликлари кабилар фаолиятининг йўлга қўйилиши билан кечади. Ушбу жараёнлар мутахассис ходимларнинг ўзи ва ўзганинг янги ғоя ва лойиҳаларини самарали ўзлаштира олиш қобилиятини, инновацион тафаккури ва унга асосланган жамоавий уйғунлашув ҳамда инновацион эко муҳитни талаб этади.

Бугунги кун интеграциясиз инновация бўлмаслигини, ҳаётий жараёнларда инновация – билимлар тугал концентрациялашган интеграциялашувда, “информация”ларнинг таҳлили ва сараланишига кўра муаммоларнинг теран англаниши туфайли пайдо бўлган, инсон интеллектуал тафаккурида чархланган ғоядан бошланувчи илмий-тадқиқот, янги яратилган ва ҳуқуқий ҳимояланган интеллектуал мулк объекти маҳсули, тўкин ва фаровон ҳаёт

ва ижтимоий-иқтисодий юксалишларни таъминловчи инновация, яъни бозорда ўз ўрнини топган ихтиро эканлигини исботлади [1-3].

Жамоавий уйғунлашув бу соҳа ва ихтисосликлар фан, таълим ва ишлаб чиқариш ички ва ташқи интеграциялашувни кучайтириш, “илм орқали билим” тамойилига кўра “устоз – шогирд” тизимида мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг оригинал ихтироларининг намоён бўлиши ҳамда ривожланиб, инновация даражасига кўтарилишига давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорликда мақбул шарт-шароит яратиши, инсон капиталининг юксалиши ҳамда инновацион корхоналар шаклланишида намоён бўлади.

“Инновация” инглизча сўз бўлиб, янгилик, ихтиро маъносини билдиради ва бу билимларнинг тугал концентрациялашувида, муаммонинг теран англаниши туфайли пайдо бўлган ғоядан бошланувчи илмий-тадқиқот якуний натижаси, соҳа ташкил этувчилари (фан, таълим ва ишлаб чиқариш)нинг фаол ҳамкорлиги маҳсули, яъни бозорда ўз ўрнини топган ихтиродир [4].

“Инсон капитали” инсонда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар мажмуаси бўлиб, ҳар қандай мамлакат ва давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи, давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари фа-

олиятига кучли таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади.

“Инновацион корхона” тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектининг яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш йўналишидаги умумий (товар ва хизматларни) ҳажмининг (70 фоиздан кам бўлмаган) асосий қисмини инновацион маҳсулот ташкил этишидир.

“Глобал инновациялар индекси” (ГИИ)нинг ҳисоботида кўра, Ўзбекистон 131 та давлат орасида 2020 йилда 93-ўриндан жой олган, 2021 йилда 7 та поғонага кўтарилиб, 132 та давлат орасида 86-ўринни эгаллаган. БМТнинг Саноат ривожланиши ташкилотининг (UMDO) Рақобатбардош саноат унумдорлиги индексининг 2021 йил натижаларига кўра, мамлакатимиз 152 та давлат орасида 94-ўринни эгаллаб, ўтган йилга нисбатан ўз ўрнини бир поғонага яхшилаган [5].

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги инновацион фаолият соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади. Барча инновацион фаолият субъектларининг жамоавий уйғунлашувга асосланган ҳамкорлиги туфайли миллий инновацион тизим, яъни муаммо – илмий ғоя – интеллектуал мулк объекти – стандартлар – инновация кетма-кетлигидаги инновацион эко муҳит занжири шаклланди.

Шу ўринда умумий маълумотлар тарзида айрим кўрсаткичларни келтиришни ўринли, деб топдик:

- ҳозирда мамлакатимиз аҳолиси 35 млн.дан ортиқ бўлиб, унинг 59%и меҳнатга лаёқатли. Шундан 12,8%ининг маълумоти олий ёки ундан юқори, 59,1%и ўрта-маҳсус ва 28,1%и ўрта маълумотга эга;

- республикада жами (филиаллари билан бирга) 160 та олий таълим муассасаси фаолият юритади, битирувчи ўқувчиларнинг олий таълимга қамраб олиниш даражаси 28%ни ташкил этади (2030 йилгача олий таълимнинг қамрови даражасини 50%га етказиш режалаштирилган);

- илмий-тадқиқот муассасаларининг сони 115 та, улардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари;

- 38 та, вазирлик ва идоралар ҳузуридаги ихтисослаштирилган илмий ташкилотлар 77 та;

- 2021-йил якуни ҳолатида эркин иқтисодий зоналар 23 та, кичик саноат зоналари 416 та, жами

кластерлар – 454 та, технопарклар 10 та ҳамда ҳар бир ҳудудда Ёшлар технопаркларини ташкил этиш (Самарқанд, Нукус, Сирдарё, Навоий, Андижон ва ҳ.к.) ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) томонидан 2017 йил 6 октябрда имзоланган англашув Меморандумига мувофиқ ҳудудларда очилган ва тегишли давлат бошқарувининг ҳудудий тузилмалари интеграциялашуви билан яратувчанлик, билимларни тарқатиш ва фойдаланиш жараёнларини жадаллаштирувчи “Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари” (ТИҚҚМ) сони 24 та [6];

Мамлакатда 2019-2021 йилларда интеллектуал мулк объектлари бўйича муҳофаза ҳужжатлари олиниши кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган [7].

1-жадвал

2019-2021 йилларда интеллектуал мулк объектлари бўйича муҳофаза ҳужжатлари олиниши кўрсаткичлари

ИМО	2019	2020	2021
ихтиро	378	278	298
фойдали модель	110	109	199
саноат намунаси	169	106	148
селекция ютуқлари	36	55	66
товар белгилари	2205	1459	4849
ЭҲМ учун дастур	1541	2356	4199
лицензион шартномалар	387	288	420

Манба: муаллифлар ишланмаси.

Республикада 2017-2021 йилларда олий таълимдан кейинги таълим тизимида илмий даражалар олиш кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган [8].

2-жадвал

2017-2021 йилларда олий таълимдан кейинги таълим тизимида илмий даражалар олиш кўрсаткичлари

	2017	2018	2019	2020	2021
PhD	927	836	1009	1430	1657
DSc	101	68	84	116	143
мустақил тадқ.	-	-	-	300	441
жами	1028	904	1093	1846	2241

Манба: муаллифлар ишланмаси.

Олиб борилган тизимли илмий ва амалий ёндашувлардан келиб чиқиб, инновацион фаолият асосидаги иқтисодий ривожлантиришнинг куйидаги устувор йўналишлари тақлиф этилади:

- глобал ва минтақавий иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ ҳолда инновацион фаолият асосида мамлакат иқтисодий (рақамли, яшил) ривожлантириш стратегиясини шакллантириш;

- ёшларнинг таълим қамровини ошириш, уларни илмий, инновацион фаолиятга кенг жалб этиш билан инсон капитали даражасини юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, зарур инфраструктурани шакллантиришга асосланган иқтисодий ривожланишнинг концептуал йўналиш ва вазифаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг жамоавий уйғунлашувда амалга оширилишини таъминлаш;

- илғор хорижий тажриба, мавжуд ресурслар, янги замонавий тузилмалар (технопарк, технополис, илмий-тадқиқотлар ёки инновациялар маркази ва ҳ.к.), интеллектуал ва технологик салоҳиятга асосланиб, ҳудудларда саноат зоналарини, соҳавий ёки ҳудудий кооперациялашув билан кластерларни ташкил этиш, уларни жойлаштириш, юқори ва ўрта технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда инновацион ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- инновацион фаолият асосида мамлакат иқтисодий (рақамли, яшил) юксалишининг драйверлари сифатида инсон капитали салоҳиятини ўстириш, инфорацион технологиялар, электрон тадбиркорлик, сунъий интеллект ва молиявий технологияларни юксалтиришнинг тезкор чора-тадбирларини амалга ошириш;

- инновацион фаолият асосида мамлакат иқтисодий (рақамли, яшил) ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали амалга ошириш мақсадида бевосита халқаро молия ташкилотларидан грант маблағларини ва чет эллик юқори малакали экспертларни мунтазам жалб қилиш;

- иқтисодий бозор тамойиллари асосида бошқариш бўйича институционал ислохотларни амалга оширишни тартибга солиш, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш жараёнларини такомиллаштириш ҳамда соҳада амалдаги ва қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг инновацион иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш.

Мамлакатда ГИИнинг қатор индикаторлар (қўшма корхона ёки стратегик уюшмалар, энергия

ресурсларидан фойдаланиш бирлигига нисбатан ЯИМ, юқори ва ўрта технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ички бозор ҳажми, венчур капитали инвесторлари ва уни олувчилар, университетлар ва соҳалар ўртасидаги илмий ҳамкорлик, кластерларни ривожлантириш ҳолати ҳамда дунёнинг энг нуфузли 5000 брендлари ичига кирувчи брендларнинг ЯИМдаги улуши)нинг ўсишини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кун соҳадаги инновация – билимларнинг ворисийлигига кўра жамланиши, соҳа ташкил этувчиларининг ҳамкорлигида муаммонинг чуқур аниқлиги туфайли пайдо бўлган ғоя, илмий-тадқиқот, унинг ҳуқуқий ҳимояланган ечими, яъни интеллектуал мулк объектларининг яратилиши ва ҳуқуқий ҳимояланиши билан кечадиган муаммо – илмий ғоя – интеллектуал мулк объекти – стандартлар – инновация кетма-кетлигидаги инновацион эко муҳит занжирининг самарали ишлашини талаб этади. Соҳаларда ташқи ва ички интеграция ҳамда ахборот (рақамлаштириш) платформаларининг етишмаслиги инновацион жараёнлар ривожини чеклайди.

Юқоридаги жиҳатларни эътиборга олиб барча соҳалар кесимида фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, унинг ТИҚҚМ билан қамраб олиниши ҳамда кластерларга ўтиш сиёсати олиб борилмоқда. Бу давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган барча норматив-меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Шу ўринда, тегишлилиги бўйича тақлифлар киритилган айрим ҳужжатларни санаб ўтишни лозим топдик.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ва “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари тартиб-таъминига асосланиб, инновацион соҳага танқидий ёндашув билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6198-сон Фармони, “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5047-сон қарори, 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сонли қарори ҳамда 2021 йил 29 июлдаги “Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-5202-сон қарори қабилад бунга яққол мисол бўлади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Ислон тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда фан, технологиялар ва инновациялар инклюзив тизимини мустақамлаш” дастури доирасида тайёрланган “Ўзбекистон Республикасининг илм-фан, технология ва инновациялар соҳасидаги миллий сиёсати (2021-2030)” дастлабки лойиҳаси бўйича қатор таклиф ва мулоҳазалар тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тайёрланган, инновацион жараён барча субъектларининг фаолияти натижалари сифатида келгусида мунтазам юритилиши кўзда тутилган “2017-2021 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва инновациялар бўйича миллий маъруза” ҳисоботи лойиҳасига тегишли таҳлилий хулоса, таклиф ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасига эса жаҳон тажрибаси, ҳуқуқий ва иқтисодий асосланган ўндан ортиқ таклиф ва эътирозлар киритилди.

Ўзбекистоннинг миллий инновацион тизимини модернизация қилиш, глобал бозорда миллий маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини, иқтисодиёт диверсификацияси самарадорлигини ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошириш кўзда тутилган Жаҳон банки иштирокидаги “Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” лойиҳасини мувофиқлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастурининг “Рақамли иқтисодиёт ва рақамли тадбиркорликни ривожлантириш учун ёшлар имкониятларини кенгайтириш” янги қўшма лойиҳаси ишга туширилди.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 августдаги “Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5234-сонли ҳамда 2021 йил 17 ноябрдаги “Элек-

трон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПҚ-14-сонли қарорлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони билан тасдиқланган “йўл-харитаси”нинг 8-бандида илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун технопарклар, эркин иқтисодий зоналар, эркин индустриал зоналар ва илмий-ишлаб чиқариш кластерлари “хаби”ни яратиш комплекс чора-тадбирлари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ва режали бажарилди.

Шунингдек, “Тоғ-кон, металлургия саноатини илмий-техник ва инновацион ривожлантириш концепцияси”, “Навоий кон-металлургия комбинатини 2021-2025 йилларда инновацион ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Сурхондарё вилоятининг инновацион салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳалари бўйича умумий ва ҳудудий жиҳатларнинг инобатга олиниши билан боғлиқ концептуал характерга эга қатор таклифлар берилган.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПФ-6260-сонли Фармонида юклатилган вазифаларга жавобан ўрнатилган тартибда ““Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби бўйича Низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги қўшма қарор ҳамда уни ўтказиш ташкилий масалаларини ўзида жамлаган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Юқоридаги каби ишлаб чиқиладиган барча норматив-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларига иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланган таклифларда етакчи хорижий мамалакатлар тажрибаси, янги инновацион тузилмалар, хўжалик юритувчи субъектлар (жумладан, фан ва таълим муассасалари)га

бериладиган имтиёзлар, соҳа компонентларининг интеграцияси, IT-платформалар, “илм орқали билим” тамойили ва “устоз – шогирд” тизимининг амал қилиши, ТИКҚМ самарали фаолиятини йўлга қўйиш масалалари алоҳида аҳамиятлидир.

Иқтисодий тармоқларини ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар туфайли инновацион фаолият юритаётган корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари сони сезиларли даражада ўсди, яъни корхона ва улардан кичик бизнес корхоналари 2019-йилда 3916 та 2033 та, мос тарзда 2020-йилда 6771 та ва 2599 тани, мос тарзда 2021-йилда 3974 та ва 3875 тани ташкил этди [9, 10].



1-расм. 2019-2021 йилларда инновацион фаолият юритаётган корхоналар, кичик бизнес субъектлари


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

2021-йилда 2020-йилга нисбатан инновацион корхоналарнинг 58,7%га камайиши кузатилган бўлсада, кичик бизнес субъектлари сони 149,1 фоизга ўсиши кузатилган.

2021-йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 734 587,7 млрд. сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7%га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 113,6% ни ташкил этди.

Ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2020-йилда 31 142,7 млрд.сўмни ташкил этиб, 2019-йилнинг мос даврига нисбатан 116%га ўсиш кузатилган, 2021 йилда эса 27 378,6 млрд.сўмни ташкил этиб, 2020-йилга нисбатан 87,8%ни ташкил этган, бу ўз навбатида пандемия шароитининг инновацион кор-

хона ва кичик бизнес субъектларига таъсири билан изоҳланади.



2-расм. 2019-2021 йилларда инновацион фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ҳажми, млрд.сўм


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

2021-йилда жами 3936 та технологик инновациялар жорий қилинган бўлиб, шундан 3035 таси маҳсулотлар, 901 таси жараёнлар, 145 таси маркетинг, 67 таси ташкилий инновациялар ва 17 таси ташкилий моделларни ташкил этади.

2020-йилда технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар молиялаштириш манбалари бўйича жами 6,8 трлн.сўмни ёки мос равишда 2019-йилга нисбатан 3,5%га, 2021-йилда эса 17,6 трлн.сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 2 мартага ортган. Ижобий ўзгариш сифатида тижорат банкларининг кредитлари ёрдамида 2020-йилда 971 млрд.сўм, 2021-йилда 806,7 млрд.сўм маблағ молиялаштирилганини кузатиш мумкин.

2021-йил мобайнида республика бўйича 255 та ташкилотда иқтисодий фаолият турлари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари бажарилган. Жумладан, касбий, илмий ва техник фаолиятда 177 та, таълимда 67 та ва ишлаб чиқариш саноатида 11 та.





3-расм. 2019-2021 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

Шунингдек, инновацион фаолият, рақамли ва “яшил” иқтисодиёт омиллари, кўшимча қиймат ва янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ ёндашувларга асосланиб, тегишли давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг маҳаллий корхоналарини дунёнинг Топ брендлари рўйхатига киритиш ва бунда “Brand Finance” компаниясининг хизматларини жалб қилиш, ҳудудлар, соҳаларни (шу соҳа компонентларини инобатга олиб) комплекс ривожлантириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Хулосалар. Инновацияларга асосланган иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича белги-ланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2022 йилда тегишли вазирлик ва идораларнинг жамоавий уйғунлашувига кўра, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Барча иқтисодий-ижтимоий соҳаларда фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш ички ва ташқи интеграцияси даражасини ошириш (моддий техник база, IT-платформалар, илмий салоҳият йўқ ёки самарали фойдаланилмаган) мавжуд ҳолатни тегингиз ҳамда муаммоларни тезкор биргаликда ечиш имкониятини яратиш.

2. Соҳалар устувор йўналишлари ривожда фан, олий таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги ҳиссасини ошириш, мавжуд ҳолатга баҳо бериш ва мувофиқлаштириш имконини берувчи механизмнинг ишлашига эришиш.

3. Мамлакат ва унинг ҳудудларида соҳа ва соҳалараро ички ва ташқи интеграцияни кучайтириб,

инновацион, инвестицион жараёнларни жадаллаштириш, яратувчанликни рағбатлантириш билан илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, мавжуд илмий салоҳият, ахборот ресурс марказларининг илмий заҳираларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш.

4. Интеллектуал мулк объектларининг тижоратлаштирилиши даражасини, лицензион шартномалар салмоғини ошириш, интеллектуал мулк эгаларига роялти (гонорарлар) берилиши йўналишида ишларни йўлга қўйиш имкониятларини яратиш.

5. Ўзбекистон маҳаллий корхоналарини дунёнинг Топ брендлари рўйхатига киритиш ҳамда “Brand Finance” компаниясининг хизматларини жалб қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПФ-5687-сон Фармони 2-бандининг “г”) кичик банди асосида, талаб этиладиган харажатларни Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳасини ишлаб чиқиш (2022-2025 йилларда амалга ошириладиган ишлар чора-тадбирлари режаси).

6. “Бизнесга биринчи қадам” стартап ғоялар танловини ўтказиш ташкилий масалаларини ўзида жамлаган чора-тадбирларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш.

7. Технопаркларни ривожлантиришнинг ягона меъёрий-ҳуқуқий асосини яратиш.

8. Мамлакатда инновацион тафаккур ва яратувчанлик муҳитини шакллантиришда ТИҚҚМлар фаолияти самарадорлигини ошириш:

ТИҚҚМ фаолиятининг соҳавий ва ҳудудий ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш;

илм-фан, олий таълим муассасалари, савдо-саноат палатаси, ахборот ресурс марказлари, технопарклар, илмий-тадқиқот марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари, ёшлар таълими давлат бюджет ташкилотлари, ёшлар ижод марказлари каби болалар ташкилотларининг барчасини ТИҚҚМ фаолияти билан қамраб олиш ва улар учун очик патент, нопатент ахборот ресурслари электрон платформаларини яратиш;

Шундай қилиб, университетларнинг ижтимоий тадбиркорлик салоҳиятини шакллантириш бўйича ўз тажрибасини ошириши долзарб бўлиб қолмоқда. Тадбиркорлик университетларини ривожлантиришда ижобий тажриба тўпланган олий таълим соҳасидаги ижтимоий тадбиркорликнинг хорижий амалиётига эътибор қаратиш лозим.

Манба ва адабиётлар

1. *DIGITAL ECONOMY REPORT2021 Cross-border data flows and development: For whom the data flow United Nations, 2021 p-XIX* https://unctad.org/system/files/official-document/der2021_en.pdf

2. Белоцерковский, А.В. О «качестве» и «количестве» образования [Текст] // *Высшее образование в России*. – 2011. – № 4. – С. 3–9

3. Гешко, О.А. Развитие социального предпринимательства как тренд деятельности российских вузов [Электронный ресурс] / <http://modernj>.

ru/domains_data/files/2/Geshko%20Olesya%20Aleksandrovna.pdf

4. Арефьев, А.Л. Траектория движения российских вузов-победителей проекта 5100/2020 к призовым местам в глобальных рейтингах лучших университетов мира // Измерение рейтингов университетов: международный и российский опыт. – М.: Центр социологических исследований. – 2014. – С. 94–124.

5. Clark B. *Creating entrepreneurial universities: organizational pathways of transformation [Text] / Paris, 1998.*

6. Etzkowitz H. *Triple Helix: University, Industry, Government. Innovation in Action [Text] / –2008.*

7. Ивинский, Д.В. Предпринимательская деятельность вуза как элемент рыночной экономики [Текст] / Д.В. Ивинский, И.Ф. Чепурова // Социально-экономические явления и процессы. – 2014. – №3. – С.31–36.

8. Гешко, О.А. Новые аспекты трансформации вузов в организации социально-предпринимательского типа: баланс между образованием, бизнесом, наукой и инновациями [Текст] // Экономика и предпринимательство. – 2015. – № 12-4. – С. 231-236.

9. https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/Budjet_22_P_ru_hqLTgq6.pdf

Рақамлаштириш шароитида олий таълим муассасалари ижтимоий тадбиркорлигини ривожлантириш

Шохрух-Мирзо Саидов,

Кўқон университети таянч докторанти

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимини рақамлаштириш шароитида мамлакатимиз олий таълим муассасалари (ОТМ)ларида ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришидаги омиллар ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, хориж тажрибалари ва олимлари фикрлари келтириб ўтилган. Мамлакатимиз олий таълим тизимида рақамлаштириш жараёнлари ва ижтимоий тадбиркорлик фаолияти таҳлили амалга оширилган ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, ижтимоий тадбиркорлик, олий таълим муассасалари, рақамли иқтисодиёт, университет.

Развитие социального предпринимательства в высших учебных заведениях в условиях цифровизации

Шохрух-Мирза Саидов,

Кокандский университет, базовый докторант

Аннотация: в данной статье основное внимание уделяется факторам развития социального предпринимательства в высших учебных заведениях страны в условиях цифровизации системы высшего образования Республики Узбекистан. Также приводится зарубежный опыт и мнения ученых. Проведен анализ процессов цифровизации и деятельности социального предпринимательства в системе высшего образования нашей страны и внесены предложения по их совершенствованию.

Ключевые слова: цифровизация, социальное предпринимательство, высшие учебные заведения, цифровая экономика, университет.

Development of social entrepreneurship in higher educational institutions under digitalization conditions

Saidov Shahruxh-Mirza,

Kokand University doctoral student

Abstract: this article discusses the factors affecting the development of social entrepreneurship in the context of digitization in the higher education system of Uzbekistan. Foreign practices and findings of prior literature are discussed. Further, the digitization process in the higher education system and social entrepreneurship were analyzed, and policy recommendations were provided.

Keywords: digitization, social entrepreneurship, higher education institutions, digital economy, universities.

УЎК: 345.214.2

Odiljon NAZAROV,
Institute for Forecasting and Macroeconomic Research
Senior Researcher,
E-mail: odiljonnazarov0110@gmail.com
Iroda IBROHIMOVA,
student school number 5 of
Yunusabad district in Tashkent

The most digitally advanced regions in Uzbekistan. Evidence based on adapted IDI index

Introduction. The ICT Development Index (IDI) is an index primarily utilized to monitor and compare developments in information and communication technology, and country's competitiveness. First published in 2009, this annually updated index comprises of 11 indicators grouped in three sub-indices, namely ICT access (5 indicators), ICT use (3 indicators), and ICT skills (3 indicators) [1]. Over the years the methodology to calculate it has been under heated debate: changing from 11 to 14 indicators, and then returning to 11 indicators. Today, specific standardized approach has not been confirmed-the process stopped in 2018 [2].

Researchers from University of Surrey, Regent University and University of Illinois Springfield (2010) [3] have done this. According to their study, Data Envelopment Analysis (DEA) can be applied using data from International Telecommunications Union as a sample of 183 economies, and then they compared the ICT-Opportunity Index (ICT-OI) with our DEA-Opportunity Index (DEA-OI) and found a high correlation between the two.

They also have offered alternative to IDI itself. It was indicated that, the ICT Diffusion Index, developed by United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD) and the Network Readiness Index, published by the World Economic Forum (WEF) and European Institute of Business Administration (INSEAD) can be appropriate indices-measuring different aspects of the information society [3].

Nevertheless, IDI is still used because it can cover any product that will store, retrieve, manipulate, transmit, or receive information electronically in a digital form (e.g., personal computers including smartphones, digital television, email or robots), the feature not observed in any alternatives. also, it has strong effect on total business sectors and Global Value Chains [4]

There were also profound research works clearly depicting relationship between IDI and developing countries. C.P. Chandrasekhar [Centre for Economic Studies & Planning Jawaharlal Nehru University New Delhi, India.] in the example of India lists and examines benefits of ICT in developing countries. There are three of them: export gains, restructuring and reorganization of the "brick-and-mortar" economy and improved human development [5].

Firstly, significant changes in trading and new opportunities for small businesses. Nowadays, technology is far more accessible and affordable, enabling small businesses enter the market [SMEs [5]. Secondly, availability of cheap skilled is seen as giving competitive edge in the international competition in IT production sector. Consequently, this tackles one of the prevailing problems of developing countries – unemployment. This opinion is also supported by the results of the research by Oliner and Sichel who proved that the growth of ICT capital and industrial productivity in the computer sector accounted for two-thirds of the increase in average labour productivity

in the USA in the late 1990s [6]. However, a number of researchers (2010-2013) [7;8;9] confirmed that this notion may not be universal: 'job creation rate is specific to the sector in which a particular company operates. The differences between industries depend on the way available technologies are used, on the accumulated industry knowledge or on ways to protect and use innovations that bring economic benefits'.

ICT has a positive impact on economic growth in the developing countries (Lee S. et al., 2005; Niebel T., 2018) [10], while the marginal effect of information technology adoption on the economy may be higher than in the developed countries (Gholami R., 2010) [11]. An expansion of broadband connectivity and internet users by 10% of the current state contributes 0.94-1.41% to PPP per capita GDP growth in Uzbekistan (Nazarov O., 2022) [12], 0.077 – 0.396% in EU countries (Toader E., 2018) [13].

In the last years, Uzbekistan has made several attempts to develop information and communication technology in various ways. For years of independence in Republic of Uzbekistan is standard-legal base directed on development of sphere of information-communication technology has been generated 11 laws, 6 adjacent laws, 3 decrees of the President of Republic Uzbekistan, more than 40 decisions of the President of Republic of Uzbekistan and the Cabinet, and also more than 600 under the lawful certificates were accepted. In addition, information-communication technologies software have been developed, information databases were created, republican, branch and domestic information-communication networks were actively generated, preparation of highly skilled personnel experts for activity realization in sphere of manufacture of telecommunication techniques has been organized, rising number of universities has been established, and brand new curriculum adjustments have been done to improve computer-literacy levels of students.

However, despite this impeccable change, specific standardized methodology to accurately calculate growth of the ICT was not established. This methodology would have shown clear direction of the technology development, given opportunities to make adequate predictions and drew comparisons between regions [14].

Data collection and normalisation:

The sample is panel data for 14 regions of Uzbekistan for 2015-2021 (a total of 84 observations). There are 11 variables, which are divided into 3 blocks according

to IDI methodology: ICT infrastructure, ICT use, ICT skills. The ICT infrastructure variable contains 5 primary factors, while ICT use and ICT skills consist of 3 factors for each (Table 1).

Although the methodology and choice of variables were inspired by the IDI methodology, some factors were replaced by proxy variables, based on the availability of data for Uzbekistan by regions and the compatibility of the factor application. For example, the indicator "International Internet bandwidth (bps) per Internet user" was replaced with "Length of fixed broadband connection", "Share of households with a computer" with "Share of enterprises and organisations with personal computers", etc. The full list of IDI variables and alternatives from the Uzbekistan database is presented in Annex 1.

Also, logarithmic variables (these include "Number of employees in legal entities working in ICT", "Population density/number of schools" and "Students enrolled per 100 undergraduate places in all types of educational institutions") are used to smooth out contrasting differences in some indicators that are presented in absolute values and vary widely from region to region.

To bring the data to a common denominator (in other words, to a common ranking system) it is necessary to carry out normalisation. Normalisation in this study involves selecting an optimal value (Table 1) and ranking with respect to that value. To calculate the optimal value, we chose the following method:

Optimal value=Mean+2*Standart Deviations

This approach is explained by the fact that in any distribution, about 95% of the values will be within 2 standard deviations of the mean¹.

The index is made up of three main groups: ICT access, ICT usage and ICT skills. The weights of the groups and indicators are strictly consistent with the IDI methodology [15]. The sum of the weights for both groups and indicators equal 1 (Table 1). All indicators within their group have equal weights, and group weights in the final index are distributed as follows:

$$IDI_{index}=0.4*ICT_{access}+0.4*ICT_{usage}+0.2*ICT_{skills}$$

The composition of the blocks is recommended by the Global IDI methodology [15]. The inclusion

1 <https://s4be.cochrane.org/blog/2018/09/26/a-beginners-guide-to-standard-deviation-and-standard-error/>

of the variable "Mobile device availability" instead of "Active mobile subscribers per 100 inhabitants" is explained by the fact that mobile phone coverage in the Republic of Uzbekistan is 98%². Thus, everyone with a mobile device is theoretically a subscriber to information services. Therefore, this proxy is reliable in the context of Uzbekistan.

As most countries in the world do not yet define and calculate ICT skills, international practice uses general education indicators as proxies for specific skills. For example, international indices such as "The Global Opportunity in Online Outsourcing" [16] by World Bank Group, "Network Readiness Index" by the World Economic Forum with INSEAD [17] and others.

Table 1.

Architecture of the index

Variable	Weights	Optimal value
ICT access	0.4	
Number of cellular mobile phone base stations by region (population rationing required: approximate number of people per station)	0.2	4.1
Number of mobile cellular subscribers by region (end of year, per 100 inhabitants)	0.2	143.5
Fixed broadband subscriptions	0.2	4.0
Share of enterprises and organisations with personal computers	0.2	73.5
Share of enterprises and organisations with access to the internet	0.2	36.6
ICT usage	0.4	
Number of subscribers connected to the Internet by region (end of year; per 100 inhabitants)	0.2	102.4
Number of employees in ICT legal entities	0.2	3.9
Availability of mobile phones by region	0.2	16.1
ICT skills	0.2	
Average years of education, population over 25 years	0.33	12.6
Population density / number of schools	0.33	3.0
Students enrolled for 100 undergraduate places in higher education institutions across all types of education	0.33	3.3

Source: authors' calculations.

Results and conclusion

Based on the results of the analysis, it can be noted that Uzbekistan's ICT development index (the national average) increased from 6.04 to 6.96 between 2015 and 2021. In 2021, the most leading regions (TOP-3) were Tashkent (index value - 9.28), Navoi (7.41) and Bukhara (7.06) regions. The lowest Index value was noted in such regions as Andijan (6.36), Djizak (5.99) and Surkhandarya (5.78).

The largest increasing index values between 2015 and 2021 are in Khorezm (+1.20), Kashkadarya (+1.18), Namangan (+1.15) regions and the Republic of Karakalpakstan (+1.12). At the same time, it is worth

noting that the Kashkadarya region has the largest increase in its position in the ranking - from 14th to 11th place (an increase of 3 positions).

Despite the increase in the index value in Syrdarya region, its growth was lower than that of Tashkent and Namangan regions, as a result, in 2021 the region lost two positions in the ranking relative to 2015.

It is remarkable that during the considered period in all regions of Uzbekistan except Tashkent city an increase of absolute index indicator has been observed. The insignificant drop of the index in Tashkent can be explained by initially high indicators compared to other regions. At the same time, in 2021, Tashkent retained a tangible outperformance in the Index rankings (Table 2).

Table 2.

Index by regions

Regions	2015	2021	Change
Republic of Uzbekistan	6,04	6,96	0,92
Tashkent city	9.34	9.28	-0.06
Navoi reg.	6.49	7.41	0.91
Bukhara reg.	6.13	7.06	0.93
Republic of Karakalpakstan	5.86	6.97	1.12
Khorezm reg.	5.72	6.92	1.2
Ferghana reg.	5.88	6.9	1.02
Samarkand reg.	5.74	6.73	0.99
Namangan reg.	5.47	6.62	1.15
Tashkent reg.	5.56	6.55	1.04
Syrdarya reg.	5.68	6.55	0.87
Kashkadarya reg.	5.25	6.43	1.18
Andijan reg.	5.45	6.36	0.91
Djizak reg.	5.3	5.99	0.68
Surkhandarya reg.	5.29	5.78	0.49

Source: authors' calculations.

One of the reasons for the decline in the index value for Tashkent city is that it reached a peak in 2019, after which it declined against the background of declining values for groups such as ICT access and ICT skills. Access to ICT decreased at the expense of ICT and internet usage in enterprises, while the decrease in the skills indicator is related to the number of undergraduate enrolments per 100 people in the population.

In summary, it can be argued that the ICT Development Index for Uzbekistan allows for an in-country assessment of sector development by region and, through a single indicator, for monitoring the dynamics of development. Nevertheless, this index cannot be used for comparison with cities of other countries for the following reasons:

1) The set of indicators used for Uzbekistan based on the database of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan may differ from statistical data of other countries.

2) The key values for normalisation consider the current sample and reflect the picture in Uzbekistan.

For the same reasons, Uzbekistan's global IDI score may vary from these calculations.

IDI index and economic growth

The ICT index combines both infrastructure and social indicators and has a positive impact on economic growth and real income. The results of the regression

analysis revealed that a 0.1 out of 10 increases in the ICT index could contribute to a 2.7% increase in real income (Annex 2). These results coincide with the findings of Kostyuchenko A. and Nazarov O. (2022) [18], where an increase in the length of fiber-optic communication lines by 100 km contributes to an increase in real income by 1.43%, and increase in the share of Internet users by 1 p.p. will lead to a 0.9% increase in real incomes of the population. As can be seen, with the addition of social factors, the effect is amplified, suggesting the importance of human capital development in accelerating the effects of digitalisation.

International practice shows that, there is a positive correlation between ICT development and economic growth. Much research [19;20;21;22] were carried out to analyse relationship between ICT and economic growth. In this way a lot of them received conflicting and mixed results [23]. But regarding developing countries, according to Detrick et al. (2013), Myovella et al. (2020) [20;22], they have experienced tremendous growth in ICT investment. For instance, in 1997, China had under 10 million personal computer users and under 1 million internet subscribers. However, in 2011, China led the world in personal computer production, use, and internet use with similar progress experienced in India, South Asia, Latin America, Eastern Europe, and Sub-Sahara Africa (Detrick et al., 2013; Myovella et al., 2020) [20;22;24].




Figure 1. Correlation between GDP and IDI index

Source: authors' calculations.

These findings may relate to economic growth of Uzbekistan in coming years, as it is a developing country with drastic increases in technology use and availability- the features that aforementioned countries had. Figure 1 can serve an appropriate example of this case, demonstrating a positive correlation between gross regional product and the IDI index.

Nevertheless, at this stage, the question of the vector of influence of the indicators remains unresolved. On the one hand, ICT development has a positive impact on economic growth, but on the other hand, ICT can also be unequally distributed according to income [25] [26].

Policy implications

In recent years, the Republic of Uzbekistan has focused on the development of information communication services. In particular, the total number of mobile cellular base stations in the country has increased by more than one and a half times and reached 31,700 units. The average growth rate for the period from 2015 to 2021 made up 16.5%. At the same time the number of cellular communication subscribers per 100 people has increased from 69,5 to 75,9. Although mobile stations are inferior to fibre-optic

communication lines in terms of data transmission speed, they allow connecting to the Internet in remote regions of the Republic.

Along with the increase in the number of cellular base stations, infrastructure projects to expand high-speed Internet coverage through fibre-optic connections have contributed to the growth in the number of Internet users. Between 2017 and 2020, the length of fibre-optic lines doubled, reaching 4,000 km. As a result, by 2020, 58 inhabitants per 100 people have access to the Internet.

Further reforms in ICT development should include the creation of a large data centre in the country, which would allow the state to occupy the vacant place of the largest regional information "hub" (node). In order to diversify Uzbekistan's information corridors, new backbone fibre-optic communication lines (international and domestic) are proposed to be laid with connections to three major traffic hubs: European (Frankfurt-Amsterdam), Asian (Shanghai), Middle Eastern (Shanghai).

The development of new products in the digital services and IT sector, the identification of unoccupied

"market niches", especially in the area of import substitution (increasing the share of resource and functional IT - outsourcing, etc.), as well as integration with international electronic payment systems will create prerequisites for the creation of advanced IT technologies and services with further export of products and services to Central Asian markets.

The development of ICT skills is essential. It is necessary to encourage the creation of courses in Uzbek in the ICT sector and organise forums for young specialists to share knowledge and experience. Moreover, financial support for IT skills training as agreed by the candidates can be effective driver of ICT skills growth. Along with IT skills, English language training should be encouraged, as knowledge of the English language will enable access to international markets and export of IT services.

Reference

1. ITU. 2013. *Measuring the information society 2013*. Geneva: International Telecommunication Union.
2. *History of the ICT Development Index (IDI) (itu.int) [(History of the ICT Development Index (IDI), n.d.)]*
3. Emrouznejad, A., Cabanda, E., & Gholami, R. (2010). *An alternative measure of the ICT-Opportunity Index*. *Information & Management*, 47(4), 246-254.
4. Pekarčík, M., Ďurčová, J., & Glova, J. (2022). *Intangible ICT and Their Importance within Global Value Chains: An Empirical Analysis Based on Longitudinal Data Regression*. *Mathematics*, 10(7), 1198
5. *ICT in a Developing Country Context: An Indian Case Study* C.P. Chandrasekhar Centre for Economic Studies & Planning Jawaharlal Nehru University New Delhi, India. (2001)
6. Oliner, S.; Sichel, D. *Information technology and productivity: Where are we now and where are we going?* *Econ. Rev.* 2003, 25, 477–503. Cohen, W.M. *Fifty years of empirical studies of innovative activity and performance*. In *Handbook of the Economics of Innovation*; Hall, B.H.,
7. Rosenberg, N., Eds.; Elsevier: Amstrdam, The Netherlands, 2010; pp. 129–213. Available online: https://EconPapers.repec.org/RePEc:eee:haechn:v1_129 (accessed on 13 May 2021).
8. Dosi, G.; Nelson, R. *Technical change and industrial dynamics as evolutionary processes*. *LEM Pap. Ser.* 2009, 2009, 07.
9. Lu, W.C. *The impacts of information and communication technology, energy consumption, financial development, and economic growth on carbon dioxide emissions in 12 Asian countries*. *Mitig Adapt Strateg Glob Change* 23, 1351–1365 (2018). <https://doi.org/10.1007/s11027-018-9787-y>
10. Niebel, T. (2018). *ICT and economic growth. Comparing developing, emerging and developed countries*. *World Development*, 104, 197-211
11. Gholami, R., Higon, D. A., Hanafizadeh, P., & Emrouznejad, A. (2010). *Is ICT the key to development?* *Journal of Global Information Management (JGIM)*, 18(1), p. 66-83.
12. Nazarov O. (2022) *The role of ICT in economic growth in case of Central Asian countries and major trading partners*. *Economics: Analysis and Forecasts*, №1, January – March 2022, p.108-114
13. Toader, E., Firtescu, B. N., Roman, A., & Anton, S. G. (2018). *Impact of information and communication technology infrastructure on economic growth: An empirical assessment for the EU countries*. *Sustainability*, 10(10), 3750
14. Shermukhamedov, B. A. (2016). *Development of information-communication technology in Republic of Uzbekistan*. *National Science*, 1217
15. *The ICT Development Index (IDI): conceptual framework and methodology* // <https://www.itu.int/en/ITU-D/Statistics/Pages/publications/mis2017/methodology.aspx>
16. “Kuek, Siou Chew; Paradi-Guilford, Cecilia; Fayomi, Toks; Imaizumi, Saori; Ipeirotis, Panos; Pina, Patricia; Singh, Manpreet. 2015. *The Global Opportunity in Online Outsourcing*. World Bank, Washington, DC. © World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/22284> License: CC BY 3.0 IGO.”
17. Albiman, M. M., & Sulong, Z. (2017). *The linear and non-linear impacts of ICT on economic growth, of disaggregate income groups within SSA region*. *Telecommunications Policy*, 41(7–8), 555–572. <https://doi.org/10.1016/j.telpol.2017.07.007>
18. Kostyuchenko A., Nazarov O. (2022) *Как Информационные коммуникационные технологии (ИКТ) способствуют росту реальных доходов населения в Узбекистане?* IFMR website: <https://ifmr.uz/publications/articles-and-abstracts/ict>
19. Dedrick, J., Kraemer, K., & Shih, E. (2013). *Information technology and productivity in developed and developing countries*. *Journal of Management Information Systems*, 30(1), 97–122. <https://doi.org/10.2753/MIS0742-1222300103>

20. Dimelis, S. P., & Papaioannou, S. K. (2010). FDI and ICT effects on productivity growth: A comparative analysis of developing and developed countries. *European Journal of Development Research*, 22(1), 79–96. <https://doi.org/10.1057/ejdr.2009.45>

21. Myovella, G., Karacuka, M., & Haucap, J. (2020). Digitalization and economic growth: A comparative analysis of sub-saharan Africa and OECD economies. *Telecommunications Policy*, 44(2), 101856. <https://doi.org/10.1016/j.telpol.2019.101856>

22. Avgerou, C. (1998). How can IT enable economic growth in developing countries? *Information technology for development*, 8(1), 15-28.

23. Isaac Appiah-Otoo a,b,* , Na Song a a School of Management and Economics, University of Electronic Science and Technology of China, Chengdu, China b Center for West African Studies, University of Electronic Science and Technology of China, C

24. Australian Digital Inclusion Index. Measuring Australia's digital divide <https://www.digitalinclusionindex.org.au/>

25. Digital Divide Index [https://pcrd.purdue.edu/ruralindianastats/broadband/ddi.php?variable=ddi-overview&county=Adams#:~:text=The%20Digital%20Divide%20Index%20or,the%20socioeconomic%20\(SE\)%20score.](https://pcrd.purdue.edu/ruralindianastats/broadband/ddi.php?variable=ddi-overview&county=Adams#:~:text=The%20Digital%20Divide%20Index%20or,the%20socioeconomic%20(SE)%20score.)

26. The digital divide: inequality in access and skills in children and young people (2022) <https://digital-skills-jobs.europa.eu/en/latest/news/digital-divide-inequality-access-and-skills-children-and-young-people>

The most digitally advanced regions in Uzbekistan. Evidence based on adapted IDI index

Odiljon Nazarov,

*Institute for Forecasting and Macroeconomic
Research Senior Researcher,*

Iroda Ibrohimova,

*student school number 5 of
Yunusabad district in Tashkent*

Abstract: *this paper examines adapted ICT index for Uzbekistan based on global IDI index framework. Using data from Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan, the authors organized data for 14 regions of the country from 2015-2021 and depicted 11 indicators related to 3 categories - ICT infrastructure*

and access indicators, ICT usage indicators and ICT skills indicators. We found that adapted IDI index of Uzbekistan faced a noticeable growth from 6.04 to 6.96 out of 10 during 2015-2021. Tashkent (city), Navoi and Bukhara became the most ICT developed regions whereas Andijan, Jizzakh, Surkhandarya were the least modernised ones.

Keywords: *ICT, IDI index, IDI methodology, Optimal value.*

O‘zbekistonda eng raqamlashtirilgan hududlar. Moslashtirilgan IDI indeksiga asoslangan tadqiqot

Odiljon Nazarov,

*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar
instituti katta ilmiy xodimi,*

Iroda Ibrohimova,

*Toshkent shahri Yunusobod tumanining
5-o'rta talim maktabi o'quvchisi*

Annotatsiya: *ushbu maqola global IDI indeks tizimi asosida O'zbekiston uchun moslashtirilgan AKTning rivojlanish indeksini qarab chiqishga bag'ishlanadi. O'zbekiston Respublikasi Statistika qo'mitasi ma'lumotlaridan foydalangan holda 2015-2021 yillarga mo'ljallangan respublikaning 14 ta hududi bo'yicha ma'lumotlarni jamlab, 3 ta toifaga tegishli 11 ta ko'rsatkichni – AKT infratuzilmasi ko'rsatkichlari, AKTdan foydalanish ko'rsatkichlari va AKT ko'nikmalari ko'rsatkichlari ajratib olingan. O'zbekistonning moslashtirilgan AKTning rivojlanganish indeksi 2015-2021 yillar davomida 6,04 dan 6,96 gacha sezilarli o'sishga erishgan. Toshkent shahri, Navoiy va Buxoro viloyatlari indeksning eng rivojlangan hududlarga, Andijon, Jizzax, Surxondaryo esa eng kam modernizatsiya qilingan hududlarga aylandi.*

Kalit so'zlar: *AKT, IDI indeksi, IDI metodologiyasi, Optimal qiymat.*

Самые цифровые регионы Узбекистана. Исследование на основе адаптированного индекса IDI

Одилжон Назаров,

*старший научный сотрудник Института прогно-
зирования и макроэкономических исследований,*

Ирода Иброхимова,

*учченица средней школы №5
Юнусабдского района города Ташкента*

Аннотация: в данной работе рассматривается адаптированный индекс ИКТ для Узбекистана на основе глобальной структуры индекса IDI. Используя данные Статистического комитета Республики Узбекистан, авторы собрали данные по 14 регионам страны за период 2015–2021 гг. и отобрали 11 показателей, относящихся к 3 категориям - показатели инфраструктуры ИКТ и доступа, показатели использования ИКТ и показа-

тели навыков ИКТ. Обнаружено, что адаптированный индекс IDI Узбекистана заметно вырос с 6,04 до 6,96 из 10 в течение 2015–2021 годов. Город Ташкент, Навоийская и Бухарская области стали наиболее развитыми в сфере ИКТ регионами, тогда как Андижан, Джизак, Сурхандарья – наименее модернизированными.

Ключевые слова: ИКТ, индекс IDI, методология IDI, оптимальное значение.

Annex 1. List of variables

IDI VERSION	UZBEKISTAN DATABASE
ICT access (5 indicators)	
Fixed-telephone subscriptions per 100 inhabitants	«Number of cellular mobile phone base stations by region (normalization per population is required: conventionally, how many people per station)»
International Internet bandwidth (bit/s) per Internet user	Length of fixed broadband connections
Mobile-cellular telephone subscriptions per 100 inhabitants	Number of subscribers to mobile cellular networks by region (end of year, per 100 inhabitants)
Percentage of households with a computer	Proportion of businesses and organizations with personal computers
Percentage of households with Internet access	Share of businesses and organizations with access to the Internet.
ICT usage (3 indicators)	
Percentage of individuals using the Internet	Number of subscribers to the Internet, by region (end of year; per 100 inhabitants)
Fixed-broadband subscriptions per 100 inhabitants	Number of employees in legal entities working in the ICT sector
Active mobile-broadband subscriptions per 100 inhabitants	Availability of telephones by region
ICT skills (3 indicators)	
Mean years of schooling rate	Average duration of education Population above 25 years of age
Gross enrolment ratio	Density of population / number of schools
Tertiary gross investment ratio	Number of students enrolled for 100 undergraduate places in all types of educational institutions

Annex 2 Regression analyses

lnincome	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	Sig
IDI index	0.279	0.036	7.71	0.000	***
lnBusiness	0.066	0.065	1.01	0.311	
tdum3	-0.046	0.082	-0.56	0.573	
tdum4	0.008	0.082	0.09	0.926	
tdum5	0.136	0.082	1.66	0.096	*
tdum6	0.21	0.082	2.56	0.011	**
Constant	6.506	0.513	12.68	0.000	***
Mean dependent var	8.980	SD dependent var			0.423
Number of obs	98	Chi-square			155.626
Prob > chi2	0.000	Akaike crit. (AIC)			29.502
*** p<.01, ** p<.05, * p<.1					

УЎК: 330.341

Gulnora BOBOYEVA,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
1-bosqich tayanch doktoranti,
E-mail: guli.boboyeva@bk.ru

Kichik biznesda innovatsion faoliyat tahlili

Kirish. Jahon iqtisodiyotining globallashuvi sharoitida ijtimoiy hayotning barcha jabhalariga shiddat bilan kirib borayotgan innovatsiya tushunchasi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatida ham zaruriy omilga aylandi. Innovatsiyalar kichik biznesning mavjud bozor ulushini saqlab qolish, kengaytirish vositasi, raqobat ustunligining asosiy manbaidir.

“Bugun biz davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan yangilashga qaratilgan innovatsion rivojlanish yoʻliga oʻtmoqdamiz. Bu bejiz emas, albatta. Chunki zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan hozirgi davrda kim yutadi? Yangi fikr, yangi gʻoyaga, innovatsiyaga tayangan davlat yutadi” [1].

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyevning 2022-yil 06-iyuldagi “2022-2026-yillarda Oʻzbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi PF-165-sonli farmoni [2] mamlakatimizning innovatsion rivojlanishi va innovatsion iqtisodiyotga oʻtishini jadallashtirishni koʻzda tutadi hamda bu boradagi ustuvor vazifalarni belgilab beradi. Innovatsion rivojlanishni jadallashtirish, iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida innovatsiyalar va texnologiyalarni keng tatbiq qilish, inson kapitalini, ilm-fan va innovatsiya sohalarini rivojlantirish mazkur strategiyaning bosh maqsadi sifatida koʻrsatildi.

Shubhasiz, Innovatsion iqtisodiyotni shakllantirishda kichik biznes subʼyektlarining innovatsiyalarni joriy etishdagi faolligi muhim.

2021-yil 1-yanvar holatiga koʻra, Respublikamizda 411 203 ta kichik biznes subʼyektlari faoliyat yuritgan. 2021-yil statistika maʼlumotlariga koʻra YaIMning 55,7 % i kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subʼyektlari tomonidan yaratildi. Jami qurilish ishlarining 72,5 % i, sanoat mahsulotlarining 27,9 % i ushbu soha vakillari tomonidan ishlab chiqarilmoqda. Kichik biznesning mamlakat umumiy eksportidagi ulushi 20,5 % ni,

importda – 51,7 % ni tashkil etdi. Ish bilan band jami Oʻzbekiston aholisining 74,5 % dan ortigʻi ushbu tarmoqda mehnat qilmoqda [3].

Mamlakatimizda tadbirkorlik faoliyati subʼyektlari uchun “.....Biznesni boshqarishdagi oʻz bilim va koʻnikmalarini oshirishi, faoliyatiga innovatsiya va ilgʻor texnologiyalarni keng joriy etish uchun barcha imkoniyatlarni yaratib berish” [4] boʻyicha keng koʻlamdagi islohotlar amalga oshirilmoqda. Biroq, Jahon banki guruhi tomonidan Oʻzbekiston Respublikasida korxonalar va tashkilotlarning innovatsion faolligini baholash boʻyicha oʻtkazilgan tadqiqot xulosalariga koʻra, boshqa rivojlanayotgan mamlakatlar bilan solishtirganda Oʻzbekiston korxonalarining innovatsion faolligi nisbatan past, ushbu sohada hanuzgacha kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yirik hamda davlat korxonalaridan ortda qolmoqda. Shuningdek, iqtisodiyotning real sektorida ilmiy va innovatsion ishlanmalarni tijoratlashtirish darajasi, ilm-fan, taʼlim va sanoat oʻrtasidagi hamkorlik aloqalari nisbatan past boʻlib qolayotganligi ham ushbu mavzuni oʻrganishimizga asos boʻla oladi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Innovatsiya va innovatsion faoliyatga oid masalalar xorijiy olimlar N.D.Kondratʼyev, Y.Shumpeter, P.Druker, G.Mensh, M.Xuchek, D.Tviss, B.Santo, P.Mayers, S.Kuk, R.Fatxutdinov, A.Kulagin, I.Balabanov va boshqalar tomonidan tadqiq etilgan. Jumladan, N.D.Kondratʼyev “katta sikllar” yoki “uzun tebranishlar” nazariyasida mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishi ilmiy-texnik, innovatsion rivojlanish bilan bogʻliqligini aniqlagan.

Innovatsiya atamasini Avstriyalik iqtisodchi Y.Shumpeter “Iqtisodiy rivojlanish nazariyasi” asarida yangi iqtisodiy kategoriya sifatida muomalaga kiritgan, uni ishlab chiqarish omillarining yangi kombinatsiyasi sifatida izohlagan. Olim innovatsiyalarning beshta jihatini belgilab bergan [5]:

– yangi texnika va texnologik jarayonlardan foydalanish;

– yangi xossalarga ega bo‘lgan mahsulotni joriy etish;

– yangi xomashyodan foydalanish;

– ishlab chiqarish va uning moddiy-texnik ta‘minotini tashkil etishdagi o‘zgarishlar;

– yangi sotish bozorlarining paydo bo‘lishi.

Shumpeter tadbirkorni taraqqiyotning harakatlantiruvchi kuchi sifatida ko‘radi. “Innovatsiyalarning asosiy natijasi foyda hisoblanadi, u innovatorni jamiyatni taraqqiyotga olib keladigan innovatsiyalarni doimiy yaratishga undaydi”, degan fikrlarni ilgari suradi.

O‘zbekiston milliy ensiklopediyasida innovatsiya atamasiga quyidagicha ta‘rif beriladi, ya‘ni innovatsiya (inglizcha innovations –kiritilgan yangilik, ixtiro):

1) texnika va texnologiya avlodlarini almashtirishni ta‘minlash uchun iqtisodiyotga sarflangan mablag‘lar;

2) ilmiy–texnika yutuqlari va ilg‘or tajribalarga asoslangan texnika, texnologiya, boshqarish va mehnatni tashkil etish kabi sohalaridagi yangiliklar, shuningdek, ularning turli sohalar va faoliyat doiralarida qo‘llanilishi [6].

Innovatsiyalar bu biznesdagi har qanday: nafaqat mahsulot, xizmat va jarayonlardagi, balki liderlik, inson resurslari (HR), kommunikatsiya, tashkiliy, marketing va boshqa faoliyatlardagi yaxshilanishdir [7].

O‘zbekiston Respublikasining 2020-yil 24-iyuldagi “Innovatsion faoliyat to‘g‘risida” O‘RQ-630-sonli qonunida innovatsiya atamasiga fuqarolik muomalasiga kiritilgan yoki shaxsiy ehtiyojlar uchun foydalaniladigan, qo‘llanilishi amaliyotda katta ijtimoiy-iqtisodiy samaraga erishishni ta‘minlaydigan yangi ishlanma [8], deb izoh berilgan.

“Innovatsion menejment” darsligining muallifi R.Fatxutdinov innovatsiyalarni boshqaruv ob‘yektini o‘zgartirish va iqtisodiy, ijtimoiy, ekologik, ilmiy-texnik hamda boshqa turdagi samara olish maqsadida kiritilgan yangilikning yakuniy natijasi [9], deb baholaydi.

Vengriyalik olim Boris Santo innovatsiyalarni g‘oyalar va ixtirolardan amaliy foydalanish orqali o‘z xislatlari bo‘yicha eng yaxshi bo‘lgan mahsulot va texnologiyalar yaratishga olib keladigan ijtimoiy-iqtisodiy jarayon sifatida ko‘rib chiqadi hamda innovatsiya iqtisodiy foydaga yo‘naltirilgan holda uning bozorda paydo bo‘lishi qo‘shimcha daromad keltirishi mumkinligini [10] ta‘kidlaydi.

O‘zbek olimlaridan R.I.Gimush, F.M.Matmurodovlar: “Innovatsiya-yangilik va yangilik kiritish, degan ma‘noni bildiradi. Bu yangilik zamirida yangi tartibni, yangi odatni, yangi uslubni, kashfiyotni tushunish lozim” [11], deb ta‘rif berishgan.

Shuningdek, mahalliy olimlarimiz N.Q.Yo‘ldoshev, Sh.A.Mirsaidova, Y.D.Goldman [12], Sh.N.Zaynutdinov, R.I.Gimush, F.M.Matmurodovlar [13] tomonidan innovatsion menejment, innovatsion faoliyatni tashkil etish hamda davlat tomonidan tartibga solish masalalarining nazariy-metodologik asoslari yaratilgan. M.A.Buranova tadqiqot ishida innovatsion rivojlanishning korxonalar raqobatbardoshligiga ta‘siri baholangan[14].

Sh.I.Otajonov [15], U.V.Gafurov [16], Sh.B.Salimovlar tadqiqotlarida [17] kichik biznes korxonalarida innovatsion faoliyat hamda uni boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish masalalari tadqiq qilingan. I.Y.Umarov, S.S.Saidkarimova, Sh.B.Obloqulov [18], B.B.Baxtiyovlarning [19] ilmiy ishlarida innovatsion salohiyat va boshqaruv tushunchalari sanoat korxonalarida misolida yoritilgan.

Yuqorida innovatsiya tushunchasiga berilgan ta‘riflarni e‘tirof etgan holda, biz ham tadbirkorlik faoliyatida innovatsiya tushunchasiga o‘z fikrimizni bildirdik. Bizningcha, tadbirkorlik faoliyatida innovatsiya – bu tadbirkorlik faoliyati sub‘yektlari tomonidan yangi mahsulot, texnologiya, boshqaruv usullarini iqtisodiy va ijtimoiy samaradorlikka erishish maqsadida yaratish va o‘zlashtirishdir.

Innovatsiyalar orqali cheklangan resurslardan oqilona foydalanish, mehnat unumdorligini oshirish, korxonalar iqtisodiyotini intensiv rivojlantirish imkoniyati yaratiladi.

Berilgan ta‘riflardan kelib chiqib, innovatsiya xususiyatlarini sanab o‘tamiz:

- yangi yoki takomillashtirilgan mahsulot, texnika, texnologiya, ishlab chiqarishni tashkil etish va boshqarish usuli;


- Bozorga taqdim etilgan yoki ishlab chiqarishi yo‘lga qo‘yilgan bo‘lishi;

- Korxonaga foyda keltirishi yoki samaradorlikni oshirishi lozim.

Tahlil va natijalar. 2021 yilda mamlakatimizda jami faoliyat yuritgan 475197 korxonalar va tashkilotlarning 1098 tasi o‘z faoliyatiga texnologik innovatsiyalarni joriy etgan, ya‘ni korxonalarining innovatsiyalarni joriy etish darajasi 0,24 % ga teng. Bu ko‘rsatkich Rossiya Federatsiyasida 2020-yilda 10,8 % [20], Qozog‘istonda 10,5 %ni [21] tashkil etadi.

Kichik biznes ixcham va harakatchan, bozor o'zgarishlari va iste'molchilar ehtiyojlariga tez moslashuvchan tarmoq bo'lishiga qaramay, innovatsiyalarni joriy etish borasida to'sqinlik qiluvchi turli omillar mavjud. Moliyaviy resurslarning cheklanganligi, ushbu faoliyatga kiritgan investitsiyalarini yo'qotib qo'yish xavfi, yollanib ishlovchi xodimlarning yetarli malakaga ega emasligi shular jumlasidandir.

Quyidagi diagrammada kichik biznes sub'yektlarining joriy etilgan innovatsiyalardagi hissasi aks ettirilgan.



1-diagramma. Jami joriy qilingan innovatsiyalar tarkibida kichik biznes sub'yektlarining ulushi, birlik

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Davlat statistika qo'mitasining ma'lumotlariga ko'ra, kichik biznes korxonalarini tomonidan 2016-yilda 818 birlik innovatsiyalar joriy etilgan bo'lsa, 2021-yilga kelib ushbu ko'rsatkich 2940 birlikka yetgan. 2021-yilda kichik biznes sub'yektlari tomonidan joriy qilingan innovatsiyalar 2016-yilga nisbatan 3,6 barobar oshib, jami korxonalar va tashkilotlar tomonidan joriy etilgan innovatsiyalardagi kichik biznesning hissasi 70,1% ni tashkil etgan.

2021-yilda jami 2778 ta texnologik innovatsiyalar kichik biznes sub'yektlari tomonidan joriy etilgan bo'lib, shundan 1692 tasi yoki 60,9% i sanoat, 18,9% ulgurji va chakana savdo, 7,0% i qurilish, 1,8% yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlar, 2,6% i axborot va aloqa tarmoqlariga tegishli. Eng past ko'rsatkich esa, sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar ko'rsatish (5 birlik), tashish va saqlash (12 birlik), qishloq, o'rmon, baliqchilik xo'jaligi (30 birlik) tarmoqlarida kuzatilgan. Iqtisodiy faoliyatning boshqa turlarida esa, 194 birlik texnologik innovatsiyalar kiritilgan.

Kichik biznes sub'yektlari tomonidan joriy etilgan texnologik innovatsiyalar viloyatlar kesimida tahlil qilinganda yetakchi uchlikni Toshkent shahri (1048 birlik), Navoiy (409 birlik) hamda Toshkent viloyatlari (236 birlik) egallagan. Qoraqalpog'iston Respublikasi (6 birlik), Andijon viloyati (21 birlik), Xorazm viloyatlari (27 birlik) esa joriy etilgan texnologik innovatsiyalar bo'yicha eng quyi o'rinlarni band etgan.

Innovatsion faoliyat bilan shug'ullanishga to'sqinlik qiluvchi omillardan biri bu tadbirkorlarning innovatsiyalarni qanday xarajatlar evaziga joriy etishi va ulardan kelajakdagi kutilayotgan daromadlarni, ushbu faoliyat samaradorligini oldindan ko'ra olmasliklari, noaniq vaziyatlarda ishlash ko'nikmalarining pastligidir.

Quyidagi 2-diagrammada kichik biznes sub'yektlari tomonidan joriy etilgan innovatsiyalar samaradorlik ko'rsatkichlari tasvirlangan.



2-diagramma. Kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faoliyati ko'rsatkichlari [22]

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Ushbu diagrammada kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faoliyatining samaradorlik ko'rsatkichi, ya'ni kichik biznes sub'yektlari tomonidan 2016-2021 yillar mobaynida ishlab chiqarilgan innovatsion mahsulot, ish, xizmatlar hajmi innovatsiyalarga qilingan jami xarajatlar o'rtasidagi nisbat orqali hisoblab topilgan. Ushbu ko'rsatkichni yana shunday izohlash mumkin: kichik biznes sub'yektlarining 1 so'mlik innovatsiyalarga qilgan xarajatiga o'rtacha 2016-yilda 7,9 so'mlik, 2021-yilda 9 so'mlik innovatsion mahsulot, xizmat, ishlar yaratilgan. Respublikamizdagi jami korxonalar va tashkilotlarda (yirik, o'rta, kichik) ushbu ko'rsatkich 2016-yilda 4,2 koeffitsientni, 2021-yilda esa, 1,6 koeffitsientni tashkil etgan [23].

Tadqiqotlarda, kichik biznes korxonalarining ilmiy tadqiqotga sarflagan sarflari samaradorligi yirik korxonalaridagidan to'rt barobar yuqoriligi [24] isbotlangan. Shu jumladan, professor B.T.Salimov

hamda B.B.Salimovlarning tadqiqot ishlarida amalga oshirilgan ekonometrik tahlillar ham kichik biznes korxonalarida bir birlik xarajatga to'g'ri keladigan innovatsion mahsulot yirik biznesnikiga qaraganda yuqoriligi aniqlangan [25].

Respublikamiz jami korxonalar va tashkilotlarida ishlab chiqarilgan innovatsion mahsulot, ish, xizmatlarda kichik biznesning ulushi oshib borayapti. 2016-yilda kichik biznes sub'yektlari tomonidan ishlab chiqarilgan innovatsion mahsulot, ish, xizmatlar hajmi 1671,9 mlrd. so'mni tashkil etgan bo'lsa, 2021-yilda 10658,6 mlrd. so'mga yetgan. Jami ishlab chiqarilgan innovatsion mahsulot, ish, xizmatlar hajmidagi kichik biznesning ulushi 2016-2021 yillar oralig'ida 15,6 % dan 39 % ga ko'tarilgan.

Respublikamizda faoliyat yuritayotgan har 1000 ta kichik biznes sub'yektlariga to'g'ri keladigan kichik biznes sub'yektlari tomonidan joriy etilgan innovatsiyalar soni 2016 yilda 3,9 tani tashkil etgan bo'lsa, 2021 yilga kelib ushbu ko'rsatkich 6,4 ga yetgan. So'nggi 5 yilda eng yuqori ko'rsatkich 2019-yilda kuzatilgan bo'lib, har 1000 ta kichik biznes sub'yektiga 12,05 ta innovatsiya to'g'ri kelgan.

Mamlakatimizda kichik biznes sub'yektlari soni yildan yilga oshib borayotgan bo'lsada, biroq ularning aksariyat qismi faoliyatiga innovatsiyalarni joriy etishda nafaol, ilmiy tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlari uchun kiritilgan investitsiyalar darajasi pastligicha saqlanib qolmoqda. Ushbu holatga yuqorida keltirib o'tilgan kichik biznesning innovatsion faoliyat bilan shug'ullanishiga to'sqinlik qiluvchi ichki omillar bilan bir qatorda tashqi omillar ham sabab bo'ladi. Ular quyidagilar:

- hududlarda innovatsion infratuzilma va uning asosiy elementlari bo'lgan texnopark, biznes inkubator, innovatsion klaster, texnologiyalar transferi markazining shakllanish bosqichida bo'lganligi;

- malakali kadrlar tanqisligi;

- innovatsion faoliyatni moliyalashtirish bo'yicha maxsus institutlarning yetarli darajada shakllanmaganligi;

- kichik biznes sub'yektlari bilan ilmiy tadqiqot institutlari, oliy ta'lim muassasalari o'rtasida hamkorlik yetarli darajada emasligi;

- ta'lim tizimining amaliy, zamonaviy bilimlar bilan boyitilmaganligi va boshqalar.

Mamlakatimizda so'nggi 5 yillikda, ilmiy-innovatsion faoliyatni har tomonlama qo'llab-

quvvatlash va rivojlantirish, mamlakatning innovatsion salohiyatini shakllantirish hamda yanada takomillashtirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish bo'yicha keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmogda. Bu islohotlarning huquqiy asoslari sifatida bir qator me'yoriy – huquqiy hujjatlar qabul qilingan bo'lib, ular quyida sanab o'tilgan:

1. O'zbekiston Respublikasining 24-iyul 2020 yildagi "Innovatsion faoliyat to'g'risida"gi O'RQ-630 sonli qonuni; <https://lex.uz/docs/-4910391>

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 29 oktabrdagi "Ilm fanni 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" gi PF-6097-sonli farmoni; <https://lex.uz/ru/docs/-4545884>

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 6 iyuldagi "2022-2026-yillarda O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida" gi PF-165-sonli farmoni; <https://lex.uz/ru/docs/-6102462>

2022-2026-yillarda O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasiga asosan, Global innovatsion indeksda O'zbekiston Respublikasining hozirgi 86-o'rnini 56-pog'onaga ko'tarish rejalashtirilgan. Innovatsion faoliyat infratuzilma sub'yektlari sonini ayni paytdagi 25 tadan 2026-yilga qadar 75 taga, xususi sektorning ishlanma va tadqiqotlarga investitsiyalari hajmi 3 barobar oshirilishi, innovatsion faol tadbirkorlik sub'yektlari soni (sanoat ishlab chiqarish tashkilotlarining umumiy sonida)ni hozirgi 613 dan 2250 taga yetkazilishi ko'zda tutilgan. Ushbu sa'y-harakatlarning amalga oshirilishi natijasida iqtisodiyotga innovatsiyalarni keng joriy qilish, kichik biznes sub'yektlarining innovatsiyalarga moyillik darajasini oshirish, sanoat korxonalarini va ilm-fan muassasalarining kooperatsiya aloqalarini rivojlantirish imkoniyatlari yaratiladi.

Xulosa va takliflar.

- Kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faolligini oshirish orqaligina innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish mumkin. Mamlakatda faoliyat yuritayotgan jami korxonalar va tashkilotlarda kichik biznes korxonalarining ulushi 86,5 % ni tashkil etadi;

- Xususi sektorning, shu jumladan kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faollik ko'rsatkichi boshqa rivojlanayotgan mamlakatlar ko'rsatkichlariga nisbatan ancha past. Xususi sektor tomonidan amalga oshiriladigan tadqiqot va ishlanmalarga yalpi xarajatlar (YaIMga nisbatan foizda) amaldagi holati 0,1 % ni tashkil etadi;

- Kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faoliyati hududlar kesimida tahlil qilinganda Toshkent shahri, Toshkent viloyatlari ustunlikka ega. Markazda intellektual salohiyatni oshiruvchi oliy ta'lim muassalarining zich joylashganligi, malakali mutaxassis - kadrlarning markazga intilishi va albatta boshqa viloyatlarga nisbatan innovatsion faoliyat infratuzilmasining yaxshiroq shakllanganligi kichik biznes sub'yektlari innovatsion faolligi oshishiga ijobiy ta'sir ko'rsatgan.

Amalga oshirilgan tadqiqotlar asosida O'zbekistonda kichik biznesning innovatsion faolligini oshirish bo'yicha quyidagi takliflarni keltiramiz:

- Kichik biznes sub'yektlari o'rtasida innovatsiyalarni "hamkorlikda moliyalashtirish"ga (co-finance) bo'lgan manfaatdorligini rag'batlantirish. "Hamkorlikda moliyalashtirish" kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faolligining oshishiga, hamkorlar o'rtasida tavakkalchilikning taqsimlanishi va shu bilan birgalikda sinergetik samaradorlik kabi ijobiy natijalarga olib keladi.

- Fan-ta'lim – kichik biznes sub'yektlari o'rtasida integratsiyani kuchaytirish. Ushbu integratsiya kichik biznes sub'yektlariga ilmiy-tadqiqot institutlari hamda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik baza, kadrlar salohiyatidan foydalanish asosida innovatsion faoliyatga qilinadigan sarflarni kamaytirish, innovatsion faoliyatni samarali amalga oshirish va boshqarish imkonini beradi.

- Kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faolligini rag'batlantiruvchi chora-tadbirlarni tashkil etish va boshqalar.

Innovatsion iqtisodiyotni shakllantirish va rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan barcha islohotlar iqtisodiy o'sishni ta'minlash, jahon bozorida mamlakatimizning nufuzga ega bo'lishi, tadbirkorlik sub'yektlarining raqobatdoshligini oshirish maqsadini ko'zlaydi. Zero, innovatsiyalar va innovatsion faoliyat natijasida korxonalar yuqori foyda bilan ta'minlanadi, aholining yashash sharoitlari, turmush darajasi yaxshilanadi.

Manba va adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 23.12.2017y. <http://dd.gov.uz/uz/news/534>

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 6-iyuldagi PF-165-son Farmoni. <https://lex.uz/ru/docs/-6102462>.

3. O'zbekistonda kichik tadbirkorlik 2017-2020. Statistika to'plam. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi. 189 bet. Toshkent. – 2021.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning mamlakatimiz tadbirkorlari bilan ochiq muloqot shaklidagi uchrashuvda so'zlagan nutqi. 20.08.2021y. <https://president.uz/uz/lists/view/4551>

5. Й.Шумпетер. Теория экономического развития. М.: Экономика, 1995й. –540

6. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. I harfi.- Toshkent: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» davlat ilmiy nashriyoti, 2002. T.4. – B. 200.

7. Magdolna Csath. Encouraging innovation in small and medium sized businesses: learning matters. Development and learning in organisations. Vol. 26 No. 5 2012.P.:9-13.

8. O'zbekiston Respublikasining 2020-yil 24-iyuldagi "Innovatsion faoliyat to'g'risida" O'RQ-630-sonli qonuni. <https://lex.uz/docs/-4910391>

9. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2011. – 448 с.:ил.

10. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. – М.: Прогресс, 1990

11. R.I.Gimush, F.M.Matmurodov; Innovatsion menejment: Iqtisodiyot oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'l. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. – 144 b.

12. N.Q.Qurbonov, Sh.A.Mirsaidova, Y.D.Goldman. Innovatsion menejment.Darslik. – T.:TDIU.2011. 314 bet.

13. R.I.Gimush, F.M.Matmurodov. Innovatsion menejment. O'quv qo'llanma. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. 2008.146 bet.

14. М.А.Буранова. Формы и методы инновационного развития и оценки их влияния на рост конкурентоспособности предприятий Узбекистана. Экономика и финансы No 7, 2012. 28-30 стр.

15. Sh.I.Otajonov. O'zbekistonda kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faoliyati boshqaruv mexanizmini takomillashtirish.:Iqt.fan.dok.ilm.dar. olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati.T.:2010.

16. U.V.Gafurov.Innovatsion g'oyalarni amaliyotga joriy etishda kichik biznes ishtirokini faollashtirish. Iqtisod va moliya. – T.: 2012. №2, 17-23 b.

17. Sh.B.Salimov. Kichik biznes korxonalarida innovatsion faoliyatni rivojlantirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. T.:2022.145b.

18. I.Y.Umarov, S.S.Saidkarimova, Sh..B.Oblaqulova. Sanoat korxonalarining innovatsion salohiyati ko'rsatkichlari tahlili. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2015 y.

19. B.B.Baxtiyorov. Sanoat korxonalari innovatsion boshqaruvini rivojlantirishda ilg'or xorij tajribasidan foydalanish imkoniyatlari. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnal. № 1, yanvar-fevral, 2022 y.

20. https://rosstat.gov.ru/storage/mediabank/innov_1.xls

21. <https://stat.gov.kz/api/getFile/?docId=ESTAT098612&lang=ru>

22. 22.O'zbekistonda kichik tadbirkorlik. 2017-2020. Statistik to'plam. O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasi.T.:2021.189-bet.

23. <https://api.stat.uz/api/v1.0/data/korxonava-tashkilotlarning-innovatsion-hajmi-va-x?lang=uz&format=pdf>

24. Буланова Екатерина Васильевна, Соменкова Наталья Сергеевна, Ягунова Наталья Александровна. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса // Вопросы инновационной экономики. 2019. №2.

25. B.T.Salimov, B.B.Salimov. Kichik biznesda innovatsion mahsulot ishlab chiqarish ko'rsatkichlari tahlili va ularni istiqbolda rivojlanish tendensiyalarini prognozlash. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. 3/2022 may-iyun (№00059) 177-189 b.

Kichik biznesda innovatsion faoliyat tahlili

Gulnora Boboyeva,

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
1-bosqich tayanch doktoranti

Annotatsiya: maqolada kichik biznes korxonalarini faoliyatida innovatsiyalarning ahamiyati ko'rib chiqilgan. Xorijiy va mahalliy olimlar tomonidan "innovatsiya" tushunchasiga berilgan ta'riflar o'rganilgan. O'zbekiston Respublikasida kichik biznes sub'yektlarining innovatsion faoliyatiga oid statistik ko'rsatkichlar tahlil qilingan va ushbu sohada amalga oshirilayotgan islohotlar yoritilgan.

Kalit so'zlar: innovatsiya, kichik biznes, iqtisodiy o'sish, texnologik innovatsiyalar, innovatsion faollik, ilmiy tekshirish va tajriba-konstruktorlik ishlari (ITTKI) ga xarajatlar.

Анализ инновационной активности в малом бизнесе

Гулнора Бобоева,

базовый докторант 1-го курса

Ташкентского государственного экономического
университета

Аннотация: в статье рассмотрена роль инноваций в деятельности предприятий малого бизнеса. Исследуются существующие подходы отечественных и зарубежных авторов к определению термина «инновация». Анализируются статистические показатели инновационной деятельности субъектов малого бизнеса в Республике Узбекистан и выделены реформы, проводимые в этой сфере.

Ключевые слова: инновация, малый бизнес, экономический рост, технологические инновации, инновационная активность, расходы на научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы (НИОКР).

Analysis of innovation activity in small businesses

Gulnora Boboeva,

1 st stage basic doctoral student,
Tashkent state university of economics

Abstract: the article considers the role of innovation in the activities of small businesses. Existing approaches by domestic and foreign authors to the definition of the term "innovation" are explored. The statistical indicators of innovative activity of small businesses in the Republic of Uzbekistan are analyzed and the reforms that have been carried out in this area are highlighted.

Keywords: innovation, small business, economic growth, technological innovation, innovative activeness, expenditure on R&D.

Макроиқтисодиёт, прогнозлаштириш ва таҳлил / Макроэкономика, прогнозирование и анализ / Macroeconomics, forecasting and analysis

УЎК: 338.43.336.6

Dostonbek ESHPULATOV,
Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti,
E-mail: doston95@bk.ru

О‘zbekistonda qishloq xo‘jaligi subyektlari moliyaviy natijalarining tahlili va prognozlari

Kirish. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 29-avgustdagi “2020-2021-yillarda iqtisodiy o‘shishni tiklash va iqtisodiyot tarmoqlari hamda sohalarida tizimli tarkibiy islohotlarni davom ettirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi 526 – sonli qarorida 2020 - yilning II choragidagi majburiy karantin choralari iqtisodiyot va ijtimoiy sohalarga o‘z salbiy ta‘sirini ko‘rsatganligi ta‘kidlangan. Xususan: qishloq xo‘jaligida iqtisodiy o‘shish – 102,8 foizni (prognoz 103,3 %), 2020-yilning birinchi yarmida eksportdagi yo‘qotishlar 2019-yilning shu davriga nisbatan birgina meva-sabzavot mahsulotlarida – 215,5 million dollarni tashkil etgan. Shuning uchun korxonalar bankrot bo‘lishining oldini olish bo‘yicha chora-tadbirlar ishlab chiqish, muhtoj xo‘jalik subyektlariga, birinchi navbatda, zarar ko‘rgan tarmoqlarga subsidiyalar, kreditlar yoki prolongatsiyalar shaklidagi qo‘shimcha moliyaviy resurslar ajratish ko‘zda tutilgan edi. Qarorda belgilab berilgan asosiy maqsadlardan biri iqtisodiyot tarmoqlari barqarorligi uchun zarur va muhim bo‘lgan sektorlarni maqsadli qo‘llab-quvvatlash bilan bog‘liq. Shu bilan birga, ko‘rilayotgan chora – tadbirlarning amalga oshirilishi yuzasidan monitoring vazifasi qarorga ko‘ra Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi zimmasiga yuklatilgan. Biz maqolada muhim soha, qishloq xo‘jaligi subyektlari moliyaviy natijalarining tahlilini amalga oshirdik, hamda asosiy ko‘rsatkichlar barqarorlik darajasini baholadik. Olib borilgan tadqiqotlarimiz natijalari mazkur qaror doirasida amalga oshiriladigan chora-tadbirlarning makroiqtisodiy barqarorlikni ta‘minlash va iqtisodiyotda tarkibiy islohotlarni amalga oshirishga ta‘sirini baholashda mutasaddi organlarga ma‘lumot sifatida xizmat qilishi mumkin.

Qishloq xo‘jaligi mamlakatning oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlovchi asosiy iqtisodiyot tarmog‘idir. YAIM (YAQQ) tarkibida qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligining ulushi 26,9 % ni tashkil etdi. Mazkur tarmoqning YAIM mutlaq o‘shish sur‘atiga ta‘siri 1,1 f.p.ni tashkil etdi [1, 88-b].

Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ham ichki iste‘mol, ham eksport uchun barqaror ishlab chiqarish qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining asosiy vazifasi hisoblanadi. Ishlab chiqarish imkoniyatlari qishloq xo‘jaligi subyektlarining moliyaviy holati bilan belgilanadi.

Korxonaning moliyaviy holati va moliyaviy natijalarini moliyaviy hisobotlar, buxgalteriya hisobi va boshqa axborotlarning ma‘lumotlari asosida o‘rganib, mavjud moliyaviy imkoniyatlarni aniqlash va moliyaviy holatni yaxshilashga qaratilgan tadbirlarni ishlab chiqish usuli moliyaviy tahlil, deb ataladi.

Moliyaviy tahlilning asosiy qismi bo‘lib korxonalar moliyaviy holatining tahlili hisoblanadi. Korxonaning moliyaviy holati uning moliyaviy natijalari barqarorligi, mahsulot, ish, xizmatlarni ishlab chiqarish hajmi o‘shish sur‘ati, resurslarning nisbiy tejamkorligi, rentabellik kabi jihatlarini ifodalovchi ko‘rsatkichlar tizimi bilan tavsiflanadi. Ushbu ko‘rsatkichlar darajasini o‘rganish va tahlil etish hamda ularning natijalarini umumlashtirish orqali korxonaning moliyaviy holatiga baho beriladi. Shuning uchun ham mazkur ko‘rsatkichlarni o‘z vaqtida tahlil qilib turish – korxonaning moliyaviy ahvolini yaxshilash hamda iqtisodiyotni mustahkamlash uchun shart-sharoit yaratadi. Shu nuqtai nazardan, tahlilning ahamiyati nihoyatda katta va beqiyosdir. Tahlil – korxonaning moliyaviy ahvolini yaxshilash garovidir [2, 130-bet].

Tadqiqot ishimizdan asosiy maqsad, qishloq xo'jaligi subyektlarini ishlab chiqarish hajmi, foydasi, resurslar sarfi, debitorlik va kreditorlik qarzlarning muayyan davrga bo'lgan holatini o'rganish asosida korxonalar moliyaviy holatiga baho berish va uni yaxshilash imkoniyatlarini ko'rsatish hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan, moliyaviy holat tahlilining asosiy vazifalari bo'lib quyidagilar hisoblanadi:

- qishloq xo'jaligi subyektlari moliyaviy natijalarini va rentabellik ko'rsatkichlarini tahlil qilish;

- moliyaviy natijalarning barqarorligini aniqlash va prognozlash;

- moliyaviy natijalarni yaxshilash bo'yicha xulosa va takliflar berish.

Moliyaviy holatni tahlil qilishning asosiy manbalari bo'lib, qishloq xo'jaligi subyektlarining moliyaviy natijalari to'g'risidagi axborotlar hisoblanadi. Qishloq xo'jaligi subyektlari tarkibiga dehqon xo'jaliklari (shaxsiy yordamchi xo'jaliklar), fermer xo'jaliklari, qishloq xo'jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlar (shu jumladan agroklastlar) kiritilgan. Biz tadqiqotimiz maqsadlariga erishish uchun alohida xo'jalik toifalari moliyaviy natijalari Davlat statistika qo'mitasi tomonidan taqdim etilmasligi bois umumlashtirilgan natijalarni oldik.

Moliyaviy natijalarning barqarorlik ko'rsatkichini Ch.Spirmenning korrelyatsiyalar rangi koeffitsienti bilan; dinamik ko'rsatkichi sifatida vaqtli qatorlarning o'rtacha qiymati va vaqtli qatorlarning trenddan o'rtacha kvadratik og'ishi o'rtasidagi nisbat sifatida aniqladik [3, 195-b]:

$$V_y(t) = \frac{S_y(t)}{y}; \quad (1); \quad K_p = I - V_y(t) \quad (2).$$

Bu yerda:

$V_y(t)$ - tebranuvchanlik koeffitsienti;

$S_y(t)$ - vaqtli qatorning o'rtacha kvadratik og'ishi;

y - vaqtli qatorning o'rtacha arifmetigi;

K_p - barqarorlik koeffitsienti.

Qishloq xo'jalik subyektlari barqaror rivojlanish indeksini hisoblashda barcha vaqtli qatorlarning yillar bo'yicha qiymatlarini o'tgan yilga nisbatan o'sish sur'atlarini o'rtacha arifmetigi sifatida ifodaladik:

$$B_i^t = \frac{\sum_{i=1}^n \left(\frac{K_t}{K_i} * 100 \right)}{n} \quad (3);$$

Bu yerda:

B_i^t - Qishloq xo'jalik subyektlari barqaror rivojlanish indeksi;

K_t - joriy yildagi ko'rsatkich absolyut qiymati;

K_i - bazis yildagi ko'rsatkich absolyut qiymati;

n - ko'rsatkichlar soni.

Ko'rsatkich ijobiy qiymatlarda barqarorlik trendini namoyon etadi.

Shuningdek, Moliyaviy natijalarni prognozlashda MCHJ "Novo BI" kompaniyasining "Novo Forecast" dasturining 4.0.4.04 versiyasidan foydalandik.

Mavzuga doir adabiyotlar tahlili. T.Qudratov va N.Fayziyevlar korxonaning moliyaviy holati uning moliyaviy barqarorligi, moliyaviy mustaqilligi, to'lovga qodirligi, o'z mablag'lari bilan ta'minlanganligi, debitorlik va kreditorlik qarzlarning holati kabi jihatlarni ifodalovchi ko'rsatkichlar tizimi bilan tavsiflanishini aytishgan [2, 131-b]. M.Y.Raximov bugungi moliyaviy holat tahlilida ko'proq tashqi ta'sirlardan himoya etish (inflyatsiya, kontragentlar bilan aloqalar mustahkamligi, mulkiy va huquqiy shakllarning o'zgaruvchanligi kabi) masalalarini qamrab olgan kompleks yondashuvlarga, modellarga tayanish lozimligini keltirgan [4, 4-b].

Rus iqtisodchilaridan Kozlov Sergey va Zinina Olgalar barcha resurslar maksimal daromad keltirishi uchun tadbirkorlik faoliyatini samarali boshqarish uchun tashkilot foydalilik, rentabellik, likvidlik va moliyaviy holatning boshqa ko'rsatkichlarini o'z ichiga olgan barqaror moliyaviy-iqtisodiy ko'rsatkichlarni ko'rsatishi kerakligini ta'kidlab o'tishgan [5, 108-b].

Moliyaviy holatni har tomonlama baholash - moliyaviy tahlil natijasida olingan har bir ko'rsatkichni uning haqiqiy darajasining tanlangan korxonalar uchun normal darajasiga muvofiqligi nuqtai nazaridan ko'rib chiqish, moliyaviy holatga ta'sir qiluvchi omillarni aniqlash, ko'rsatkichlarning zarur darajasini aniqlash va istiqbolda unga erishish yo'llarini topishdir [6, 537-b].

Moliyaviy holatni tahlil qilish texnikasini tushunish va o'zlashtirishga g'arb olimlarining keng uslubiy bazasi yordam beradi. Xususan, E.Xelfert [7], Z.S.Blaga [8, 13-b], L.A.Bernshteyn [9] va boshqalar.

Tahlil va natijalar. 2021-yilning yanvar-dekabr oylarida yetishtirilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlari hajmi 302 524,9 mlrd. so'mni yoki o'tgan yilning mos davriga nisbatan 103,6 % ni tashkil etdi, shu jumladan, dehqonchilik mahsulotlari - 151 083,4 mlrd. so'mni (103,1%), chorvachilik mahsulotlari - 151 441,5 mlrd. so'mni (104,1 %) tashkil qildi. Qishloq xo'jaligi subyektlarining yalpi qishloq xo'jaligi mahsulotlaridagi ulushi 46,3 % ni tashkil etgan.

Dastlabki ma'lumotlarga ko'ra, 2021-yilning yanvar-dekabr oylarida tarmoqning ijobiy o'sish sur'atiga, asosan, quyidagi mahsulotlarning 2020-yilning mos davriga nisbatan yuqori o'sish sur'ati qayd etilganligi orqali erishildi: sabzavotlar – 104,1%, kartoshka – 104,7%, uzum – 105,5%, ovlangan baliq – 120,7%, go'sht tirik vaznda – 104,8 % [1].

Xo'jalik toifalari bo'yicha tahlillar, qishloq xo'jaligi mahsulotlari umumiy hajmining 65,9 % i – dehqon (shaxsiy yordamchi) xo'jaliklariga, 29,2 % i – fermer xo'jaliklariga, 4,9 % i – qishloq xo'jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlarga to'g'ri kelishini ko'rsatmoqda (1-jadval).

1-jadval

Qishloq xo'jaligi mahsulotlarining xo'jalik toifalari bo'yicha hajmi, ming t.

Ko'rsatkichlar	2017 y.	2018 y.	2019y.	2020 y.	2021 y.	2021 y. 2017 yilga, nisbatan
Fermer xo'jaliklari						
Donli ekinlar	6 550,5	5 020,5	5 848,6	6 208,3	6 112	93%
Sabzavotlar	3 775,7	2 328,1	2797,4	3 260,5	3 966,9	105%
Kartoshka	645,0	299,9	443,4	506	762,8	118%
Poliz mahsulotlari	999,0	728,7	754,3	939,9	1165,1	117%
Meva va rezavorlar	1 370,0	911,6	1 033,8	1 144,8	1 202,5	88%
Uzum	862,0	677,6	665,7	704,8	734,5	85%
Go'sht (tirik vaznda)	74,1	98,0	123,7	130,9	149	201%
Sut	359,1	372,9	457,4	524,7	587,7	164%
Tuxum, mln dona	645,6	1 062,5	1 065,7	1 135	1 203,8	186%
Baliq			48,1	64 195	81 582	169609%
Dehqon (shaxsiy yordamchi) xo'jaliklar						
Donli ekinlar	1 445,2	1 215,6	1 103	831,5	771,4	53%
Sabzavotlar	7 565,6	7 162,0	7 032,9	6 940,6	6 587,4	87%
Kartoshka	2 347,5	2 432,3	2 472,4	2 581,3	2 459,4	105%
Poliz mahsulotlari	1 061,0	1 158,7	1 148,3	1 159,7	1 066,2	100%
Meva va rezavorlar	1 645,8	1 620,1	1 643,5	1 630,9	1 567,4	95%
Uzum	861,9	860,9	897,7	898,6	920,9	107%
Go'sht (tirik vaznda)	2 145,1	2 238,7	2 261,7	2 277,1	2 357,4	110%
Sut	9 639,7	10 018,6	10 184,6	10 386,4	10 590,6	110%
Tuxum, mln dona	4 015,9	4 294,0	4 429,8	4 579,8	4 875,5	121%
Baliq			9,8	9543	10091	102969%
Qishloq xo'jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlar						
Donli ekinlar	120,8	139,3	235,8	526,8	657,5	544%
Sabzavotlar	92,3	145,0	115,2	258,4	305	330%
Kartoshka	22,1	17,9	35,1	56,2	70,1	317%
Poliz mahsulotlari	34,8	17,5	19,6	34,8	49,8	143%
Meva va rezavorlar	60,5	58,0	62,3	88,3	82,6	137%
Uzum	25,0	26,0	31,8	35,8	39,7	159%
Go'sht (tirik vaznda)	61,9	80,7	79,6	118,2	134	216%
Sut	84,4	89,2	68,8	98,8	108,6	129%
Tuxum, mln dona	1 944,0	2 004,0	2 261,9	2 110,2	1 973,8	102%
Baliq			57,3	70 347	82 193	143443%

Manba: Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, dehqon xo'jaliklari qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish umumiy hajmining salmoqli ulushini tashkil etib kelmoqda va o'sib borish tendensiyasini ko'rishimiz mumkin. Fermer xo'jaliklari nisbatan past ko'rsatkichlarni namoyon etgan. Bunda, fermer xo'jaliklari asosan 665 ta klasterlarga birlashtirilgan. Xususan, 2021-yil ma'lumotlariga ko'ra, 69,5 mingta fermer xo'jaliklari paxta – to'qimachilik,

g'allachilik, meva – sabzavotchilik yo'nalishidagi 425 ta klasterlarga birlashtirilgan.

Qishloq xo'jaligi subyektlarining moliyaviy holatini tahlil qilish maqsadida Davlat Statistika Qo'mitasidan 2016-2021-yillar uchun ushbu tashkilotlar moliyaviy natijalari to'g'risidagi olingan ma'lumotlardan foydalanamiz. 2-jadvalda tahlil uchun asosiy ko'rsatkichlar keltirilgan.

2-jadval

Qishloq xo'jaligi subyektlarining moliyaviy natijalari

Ko'rsatkichlar	2016 y.	2017 y.	2018 y.	2019 y.	2020 y.	2021 y.	Barqarorlik koeffitsienti
Tashkilotlar soni		4999148	5125698	5127081	5087401	5202922	98,5%
Foyda solig'ini to'lagunga qadar foyda (zarar mlrd.so'm)	300,8	276,4	226,5	272,6	-583,8	9,2	
Mahsulot (tovar, ish va xizmat)larni sotishdan sof tushum . mlrd.so'm	2321,3	3012,6	2654,2	7215,1	10073,3	13996,9	27,1%
Sotilgan mahsulot (tovar, ish va xizmat)larning tannarxi. mlrd.so'm	1779,6	2273,8	2148,9	5935,0	8519,5	11958,2	23,5%
Debitorlik qarzlar – jami. mlrd.so'm	574,5	931,6	589,3	2137,1	3416,4	1130,7	23,8%
Kreditorlik qarzlar – jami.mlrd.so'm	1153,4	1432,8	1080,1	2722,8	6063,6	1973,6	21,2%
Sotuv rentabelligi	13,0%	9,2%	8,5%	3,8%	2,3%	0,1%	-
Sotilgan mahsulot rentabelligi	16,9%	12,2%	10,5%	4,6%	2,8%	0,1%	-
Qishloq xo'jalik subyektlari barqaror rivojlanish indeksi		115,8	87,3	206,3	59,7	69,0	-

Manba: Davlat Statistika Qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

Jadvaldagi ma'lumotlardan ko'rishimiz mumkinki, foyda solig'ini to'lagunga qadar foyda (zarar) ko'rsatkichi pasayish tendensiyasiga ega. Sotilgan mahsulot (tovar, ish va xizmat)larning tannarxida esa, aksincha, muntazam o'sib borish tendensiyasini kuzatishimiz mumkin. Shunday qilib, foydaning kamayishi 2017-yilda o'tgan yilga nisbatan 91,9 %, 2018-yil 81,9 %, 2020-yilda esa, garchi qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi 2019-yilga nisbatan 124,5 % ga o'sgan bo'lsada, COVID -19 pandemiyasi sababli foyda hajmida keskin pasayish – 214,2 % kuzatilgan. 2020-yilda pandemiya sababli kelib chiqqan vaziyatni barqarorlashtirish maqsadida, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini karantin choralaridan holi hudud sifatida saqlash, barcha qishloq xo'jaligi tadbirlarini o'z vaqtida moliyalashtirish va amalga oshirish choralari ko'rilgan. Xususan, 83 mingta qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilariga qo'shimcha yordam sifatida suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq miqdori 50 foizga kamaytirilib, 814 milliard so'mdan oshgan.

Biroq, tabiiy ofatlar ro'y bergani sababli, shu yilning aprel oyida Qashqadaryo, Navoiy va Buxoro viloyatlarida 16,6 ming gektar ekin maydonlari, shuningdek, Farg'ona vodiysining bir qator maydonlaridagi bog'lar zarar ko'rdi. Sirdariyo viloyatida Sardoba suv omborining o'pirlishi tufayli 21 ming gektardan ortiq ekin maydonlari muomaladan chiqarildi. Tahlil qilingan davrda foyda o'sishi faqat 2019-yilda 120,4 % ni tashkil etgan.

Shuningdek, 2021-yilda ko'rsatkich barqarorlashib, – 1,6 % ga tushishda davom etgan. Umumiy holatda 2021-yilda foyda hajmi 2016-yilga nisbatan 32,6 barobarga kamaygan.

Sotilgan mahsulot (tovar, ish va xizmat)larning tannarxi tahlili shuni ko'rsatadiki, ko'rsatkich, asosan o'sib borib, 2017, 2019-2021-yillarda mos ravishda 127,8 %, 276,2 %, 143,5 % va 140,4 % ga o'sgan. Faqatgina 2018-yilda istisno tariqasida tannarx avvalgi yilga nisbatan 94,5 % ni tashkil etgan. Umumiy jihatda 2021-yilda 2016-yilga nisbatan sotilgan mahsulot

(tovar, ish va xizmat)larning tannarxi 6,7 barobarga oshgan.

Ko‘rib turganimizdek, 2017-yildan tashqari qolgan yillarda sotilgan mahsulot (tovar, ish va xizmat)larning tannarxi o‘shish sur‘atlari sotishdan sof tushum o‘shish sur‘atlaridan yuqoriroq bo‘lgan. Bu respublikamizda tahlil qilingan davrda qishloq xo‘jaligi subyektlarining faoliyatining samarasizligi va ko‘p xarajat talab qilinadigan xo‘jalik yuritish mexanizmidan foydalanilayotganidan dalolat beradi. Shu bilan birga 2017-yildagi o‘shish sur‘atlaridagi farq ham unchalik sezilarli emas bo‘lib, bu xo‘jalik yuritish mexanizmlarini qayta ko‘rib chiqish shartini yana bir bor tasdiqlaydi.

Ma‘lumki, tashkilotning samaradorligini baholash uchun nafaqat olingan foyda miqdori, balki rentabellik darajasi ham muhim hisoblanadi. Shu sababli, tashkilot

faoliyatining samaradorligini baholashda daromadlilik, foydalilik, nafilik darajasi ko‘rsatkichi sifatida rentabellik darajasining tahlilini ham amalga oshirish zarurdir.

O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligi subyektlarining realizatsiya qilingan mahsulot, ish, xizmatlar rentabelligi eng yuqori ko‘rsatkichi 2016-yilda 16,9 % ni ko‘rsatgan. Shundan so‘ng ko‘rsatkich 2017-2021-yillarda mos ravishda 4,7 %, 1,6 %, 5,9 %, 1,8 %, 2,7 % ga muntazam pasayib borgan. Ko‘rsatkich tahlil qilingan davrda 16,8 foiz punktga kamaygan. O‘xshash holat sotuv rentabelligida ham kuzatilgan bo‘lib tahlil qilingan davrda ko‘rsatkich 12,9 foiz punktga kamaygan.

2016-2021-yillarda olingan ko‘rsatkichlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, qishloq xo‘jaligi subyektlari uchun 2016-yil eng muvafaqqiyatli bo‘lgan. Buni bir qator ko‘rsatkichlarning ijobiy qiymati tasdiqlaydi.

3-jadval

Qishloq xo‘jaligi subyektlari moliyaviy natijalari prognozlari

Ko‘rsatkichlar	2022 y.	2023 y.	2024 y.	2025 y.	2026 y.	Barqarorlik koeffitsienti*	Aniqlik darajasi (1-MAPE)
Tashkilotlar soni	5076436,7	5091384,6	5106332,5	5139666,7	5136228,3	99,4%	76%
Foyda solig‘ini to‘lagunga qadar foyda (zarar mlrd. so‘m)	235,5	272,6	235,5	272,6	235,5	91,9%	97%
Mahsulot (tovar, ish va xizmat)larni sotishdan sof tushum. mlrd.so‘m	11 898,4	13 923,2	16 033,2	18 048,1	19 997,9	79,9%	70%
Sotilgan mahsulot (tovar, ish va xizmat)larning tannarxi. mlrd.so‘m	10 096,7	11 860,9	13 702,1	15 456,2	17 153,4	79,5%	68%
Debitorlik qarzlar – jami. mlrd.so‘m	1 665,6	1 676,2	1 700,2	1 692,0	1 707,9	99,0%	56%
Kreditorlik qarzlar – jami. mlrd.so‘m	2 241,2	2 393,0	2 548,4	2 695,2	2 848,5	90,6%	80%
Sotuv rentabelligi*	2,0%	2,0%	1,5%	1,5%	1,2%	78,7%	-
Sotilgan mahsulot rentabelligi*	2,3%	2,3%	1,7%	1,8%	1,4%	78,3%	-

Manba: *Novo Forecast dasturi yordamida tuzilgan.*

**Prognoz ko‘rsatkichlaridan foydalanib yuqorida keltirilgan formulalar asosida hisoblangan.*

Biz 2016-2021-yillarda tahlil qilingan ko‘rsatkichlarni Novo Forecast dasturi yordamida ekonometrik modellardan foydalangan holda kelgusi 2022-2026-yillar uchun prognozlashga harakat qildik. Mavjud ma‘lumotlar tahlili shuni ko‘rsatdiki, foyda, tannarx va rentabellik ko‘rsatkichlari mutlaq beqarorlikni, qolgan ko‘rsatkichlar esa yuqori

beqarorlikni namoyon etgan. Faqatgina tashkilot soni o‘shib borishi nisbatan barqaror bo‘lgan. Bularning barchasi vaqtli qatorlarni prognozlashni murakkablashtiradi va ishonchlilikning past darajasiga sabab bo‘ladi. Shuning uchun, biz prognozlashda vaqtli qatorlarda katta og‘ishlarni oldini olish maqsadida Novo Forecast dasturi funksiyalaridan

foydalanib, vaqtli qatorlarni normal tekislab oldik. Shundan so'ng, olingan ko'rsatkichlardan prognozlarni amalga oshirishda foydalandik (3-jadval). Dasturda

har bir ko'rsatkichni prognozlash uchun foydalanilgan modellar haqida 4 – jadval orqali batafsil ma'lumot olishimiz mumkin.

4-jadval

Prognozlarni hisoblash uchun foydalanilgan modellar

Ko'rsatkichlar	Foydalanilgan model
Tashkilotlar soni	Holt-Winters, tekislash koeffitsienti =9, trend koeffitsienti =37, mavsumiylikni tekislash koeffitsienti = 13 - multiplikativ model
Foyda solig'ini to'lagunga qadar foyda (zarar . mlrd.so'm)	Maksimal o'xshashlik
Mahsulot (tovar, ish va xizmat)larni sotishdan sof tushum, mlrd.so'm	Holt-Winters, tekislash koeffitsienti =33, trend koeffitsienti =37, mavsumiylikni tekislash koeffitsienti = 1 - multiplikativ model
Sotilgan mahsulot (tovar, ish va xizmat) larning tannarxi. mlrd.so'm	Holt-Winters, tekislash koeffitsienti =33, trend koeffitsienti =37, mavsumiylikni tekislash koeffitsienti = 1 - multiplikativ model
Debitorlik qarzarlar – jami mlrd.so'm	Holt-Winters, tekislash koeffitsienti = 33, trend koeffitsienti = 1, mavsumiylikni tekislash koeffitsienti = 1 - multiplikativ model
Kreditorlik qarzarlar – jami mlrd.so'm	Holt-Winters, tekislash koeffitsienti =33, trend koeffitsienti =25, mavsumiylikni tekislash koeffitsienti = 1 - multiplikativ model

Manba: muallif tomonidan *Novo Forecast* dasturi kengaytirilgan hisob kitoblar funksiyasidan foydalanib tuzilgan.

2-jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki, tahlil qilingan ko'rsatkichlar keyingi 5 yillar uchun asosan ijobiy tendensiyaga ega bo'lishi bilan birga nisbatan yuqoriroq barqarorlik darajasiga ega bo'lishi kutilmoqda.

Shunday qilib, qishloq xo'jaligi subyektlari soni 2025-yilga qadar barqaror o'sishda davom etib, faqatgina 2026-yilga kelib biroz kamayishi kutilmoqda. Prognozlarga ko'ra mahsulot, ish, xizmatlarni sotishdan sof tushumning o'sish sur'atlari ularning tannarxi o'sish sur'atlaridan pastroq bo'lish tendensiyasi 2025-yilgacha saqlanib qoladi va 2026-yilga kelib trend o'zgaradi.

Foydaga kelsak, avval ta'kidlab o'tganimizdek, o'ta beqaror vaqtli qatorlar qiymatlari tufayli nisbatan noaniq modelga ega bo'lsakda, prognozlar asosan bu ko'rsatkichning barqarorlashishidan, o'sish tendensiyasining befarq qolishidan dalolat bermoqda. Xuddi shunga o'xshash vaziyat debitorlik va kreditorlik qarzarida ham kuzatilmoqda.

Prognoz ko'rsatkichlarning ishonchlik darajasini aniqlash uchun MAPE (Mean Absolute Percentage Error) matematik modelidan foydalanilgan:

$$MAPE = \frac{1}{N} \sum_t^N \left[\frac{E_t - A_t}{A_t} \right] \quad (4)$$

Bu yerda:


A_t -haqiqiy qiymat;

E_t -prognoz ko'rsatkich.

Bu ko'rsatkich prognoz ko'rsatkichlarni haqiqiy ko'rsatkichlardan qanchalik og'ishini ko'rsatadi. Ko'rsatkich 1 dan 100 gacha qiymatlarni qabul qilib yuqori qiymati past ishonchlik darajasini ko'rsatadi. Jadvalda 1–MAPE ko'rsatkichidan foydalanilgan bo'lib, bu aniqlikni ifodalaydi.

Prognozlarga ko'ra mahsulot, ish, xizmatlarni sotishdan sof tushumning o'sish sur'atlari ularning tannarxi o'sish sur'atlaridan pastroq bo'lish tendensiyasi 2025-yilgacha saqlanib qoladi va 2026-yilga kelib trend o'zgaradi.

Darhaqiqat, ko'rsatkichlar haqiqiy qiymatlari bilan ekonometrik modellarimizdan prognoz uchun olingan qiymatlari dekart koordinatalar sistemasidagi trayektoriyalarida mosliklarni ko'rishimiz mumkin (1-2-rasm).



1-2-rasm. Mahsulot (tovar, ish va xizmat) larni sotishdan sof tushum haqiqiy va prognoz ko'rsatkichlari mosligi

Manba: *Novo Forecast dasturida tuzilgan.*

Qishloq xo'jaligi tashqi omillarga o'ta ta'sirchan tarmoq hisoblanadi, shuningdek, qishloq xo'jaligida tadbirkorlik faoliyati sanoat ishlab chiqarish vositalari bozori va ularning narxiga juda bog'liqdir. Bularning barchasi sohada operativ qarorlar qabul qilish mexanizmini ishlab chiqish zaruriyatini namoyon etadi.

Shu bilan birga, qishloq xo'jaligida ishlab chiqarishning yana bir xususiyati mahsulotlarning tez buzilishi va ishlab chiqarishning ma'lum bir makonda konsentratsiyasidir. Bu esa, transport tashish xarajatlarini keltirib chiqaradi, mahsulot tannarxini oshiradi va sotishni qiyinlashtiradi. Ushbu salbiy oqibatlarni kamaytirish uchun qishloq xo'jaligiga doimiy ravishda moliyaviy resurslarni jalb qilish kerak bo'ladi.

Xulosa va takliflar. Amalga oshirilgan tahlil natijalaridan quyidagi xulosalarni olishimiz mumkin:

O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga mo'ljallangan

strategiyasini amalga oshirish natijasida ustuvor yo'nalishlar kesimida erishiladigan asosiy ko'rsatkichlar va indikatorlar qatorida tashkilotlar rentabelligi maqsadli ko'rsatkichlari belgilab qo'yilmaganligi, aynan shu yo'nalishda dasturning bajarilishini nazorat qilish imkonini bermaydi;

2016-2021-yillarda qishloq xo'jaligi subyektlarida mahsulot (tovar, ish va xizmat)larni sotishdan sof tushum hajmi o'sib borishi kuzatilgan. Mahsulot (tovar, ish va xizmat)larni sotishdan eng kam sof tushum 2018-yilda (2654,2 mlrd.so'm), eng yuqori sof tushum 2021-yilda (13996,9 mlrd.so'm) kuzatilgan. 2020-yilda tashkilotlar katta zarar ko'rgan bo'lsada, mahsulot (tovar, ish va xizmat)larni sotishdan sof tushum hajmi oshgan. Shuningdek, sotilgan mahsulot (tovar, ish va xizmat) larning tannarxi muntazam o'sib bormoqda va uning sur'ati mahsulot (tovar, ish va xizmat)larni sotishdan sof tushum o'sish sur'atlaridan yuqori bo'lib kelmoqda.

Foyda solig'ini to'lagunga qadar foyda ko'rsatkichi, tahlil qilingan davrda asosan pasaygan. Faqat 2019 va 2021-yillarda o'sish kuzatilgan. Eng yuqori ko'rsatkich 2016-yilda (300,8 mlrd.so'm), eng past ko'rsatkich 2020-yilda (-583,8 mlrd.so'm) kuzatilgan. Shuningdek, rentabellik ko'rsatkichlari ham pasayish tendensiyasini ko'rsatgan. Prognozlarimiz natijasida olingan ma'lumotlarda ham ushbu ko'rsatkich yaqin 5 yilda ham pasayib borishi aks etgan.

Prognoz ko'rsatkichlarimiz ishonchlilik darajasi ko'rsatkichlardagi kuchli beqarorliklar sababli nisbatan pastroq bo'lsada, barcha ko'rsatkichlarda joriy tendensiyalarning yaqin 5 yilda saqlanib qolishi haqida ma'lumot bermoqda.

Biz barcha olingan tahlil natijalaridan kelib chiqib, qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga mo'ljallangan strategiyasini amalga oshirish bilan birga tahlil qilingan ko'rsatkichlarimizning ham monitoringini olib borish maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz.

Shunday qilib, zamonaviy sharoitda iqtisodiyotning agrar sektorining jadal rivojlanishi quyidagi faoliyat yo'nalishlarini takomillashtirishni talab qiladi:

- innovatsiyalarga asoslangan investitsiyalarni rivojlantirish, bu sanoatning barqarorligini, uning mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirishga, O'zbekistonning oziq-ovqat xavfsizligini mustahkamlashga yordam beradi;

- Tarmoqqa investitsiya kiritish uchun qulay muhit yaratish, investitsion risklarni kamaytirish;

- qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, bunda;

- innovatsion ishlab chiqarishni rivojlantirishni rag'batlantirish;

- tashkilotlar eksport tarkibiy qismini rivojlantirish, mahsulotlarning mahalliy va tashqi bozorlarda raqobatbardoshligini oshirish, davlat ko'magida qishloq xo'jaligini sug'urtalash orqali investitsiya risklarini kamaytirish va boshqalar;

- qishloq xo'jaligi ishlab chiqaruvchilari o'rtasida kooperatsiya a'loqalarini izchil yo'lga qo'yish.

Manba va adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy holati. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi 2021-yil yanvar-dekabr uchun choraklik natijalari. 88-bet.

2. T.Qudratov, N.Fayziyeva. Korxonalar faoliyatining tahlili va nazorati. Darslik. – T.: «Voriz-nashriyot», 2012. – 130-131-b.

3. Каяйкина, М.С. Статистические методы изучения динамики урожайности (на примере совхозов Ленинградской области) [Текст] / М.С. Каяйкина. – Л.: Ленингр. фин.-экон. ин-т им. Н. А. Вознесенского, 1969. - 195 б.

4. M.Y.Raximov. Iqtisodiyot subyektlarining moliyaviy tahlili. Darslik. Toshkent "Iqtisod – moliya" 2013. 4-b.

5. Козлов Сергей Николаевич, Зинина Ольга Сергеевна. Классификация основных показателей финансового состояния сельскохозяйственных организаций // АНИ: экономика и управление. 2018. №4 (25). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-osnovnyh-pokazateley-finansovogo-sostoyaniya-selskokozyaystvennyh-organizatsiy> (tashrif vaqti: 14.08.2022).

6. Файзуллина А.А. Исследование подходов комплексной оценки финансового состояния предприятия // Молодой ученый. 2016. N19. 537-540-б.

7. Хелферт Э. Техника финансового анализа. 10-е изд. СПб.: Питер, 2003

8. Блага З.С., Йиндржиховска И. Как оценить состояние и финансовое здоровье фирмы // Фин. газета. 2006. №9. 13-б.

9. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: Теория, практика и интерпретация. М.: Книга по Требованию, 2017.

O'zbekistonda qishloq xo'jaligi subyektlari moliyaviy natijalarining tahlili va prognozlari

Dostonbek Eshpulatov,

Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: *hozirgi sharoitda qishloq xo'jaligi subyektlarining moliyaviy monitoringini olib borish, iqtisodiy o'sish mexanizmining muhim elementi sifatida, korxonalarining moliyaviy – iqtisodiy holatidagi salbiy tendensiyalarga qarshi kurashishda dolzarb masala hisoblanadi. Shuning uchun mazkur maqola respublikamizdagi agrar tashkilotlar moliyaviy natijalarini tahlil qilish va prognozlashga bag'ishlangan. Shuningdek, tahlillardan kelib chiqib moliyaviy natijalarni yaxshilashda ba'zi tavsiyalar keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *qishloq xo'jaligi subyektlari, moliyaviy natijalar, iqtisodiy holat, rentabellik, foyda, tannarx.*

Анализ и прогнозы финансовых результатов сельскохозяйственных субъектов Узбекистана

Достонбек Эшпулатов,

докторант Гулистанского государственного университета

Аннотация: *в современных условиях финансовый мониторинг сельскохозяйственных субъектов является важным элементом механизма экономического роста и является актуальным вопросом борьбы с негативными тенденциями в финансово-экономическом состоянии предприятий. Поэтому данная статья посвящена анализу и прогнозированию финансовых результатов деятельности аграрных организаций нашей республики. Также на основе анализа даются некоторые рекомендации по улучшению финансовых результатов.*

Ключевые слова: *сельскохозяйственные субъекты, финансовые результаты, экономическое положение, рентабельность, прибыль, себестоимость.*

Analysis and forecasts of financial results of agricultural organizations in Uzbekistan

Dostonbek Eshpulatov,

Doctoral student at Gulistan State University

Abstracts: *in the current conditions, financial monitoring of agricultural subjects is an important element of the mechanism of economic growth, and it is an urgent issue in combating negative trends in the financial and economic condition of enterprises. Therefore, this article is devoted to the analysis and forecasting of the financial results of agrarian organizations in our republic. Also, based on the analysis, some recommendations for improving financial results are given.*

Keywords: *agricultural subjects, financial results, economic situation, profitability, profit, cost.*

УЎК: 339.55.055

Альбина СИБИРСКАЯ,
старший научный сотрудник
Института экономики Национальной академии наук Беларуси, г. Минск,
E-mail: kordik2004@mail.ru

Перспективы развития торговых отношений Республики Узбекистан с Республикой Беларусь и ЕАЭС

Введение. С 1 января 2018 г. начал действовать Таможенный кодекс ЕАЭС, что позволило унифицировать процедуры перемещения товаров через границу Союза. На заседании Высшего Евразийского экономического совета 11 декабря 2020 года главы государств – членов Евразийского экономического союза приняли решение предоставить Республике Узбекистан статус государства – наблюдателя при ЕАЭС.

Исходя из этого, торговые отношения между Беларусью и Узбекистаном целесообразно рассматривать в рамках Таможенного Союза и ЕАЭС.




Рисунок 1. Сравнение основных показателей Беларуси и Узбекистана (2021 год)

На рисунке 1 показано сопоставление двух стран по основным показателям. Так, при существенном преимуществе населения и ВВП по ППС, в Узбекистане существенно ниже показатель ВВП на душу населения. Вместе с тем, Узбекистан представляет собой страну с достаточной крупной экономикой в регионе Центральной Азии: объем ВВП составляет 57,7 млрд. долл. США. Страна богата природными ресурсами и обладает развитой производственной базой.

Основная часть.

Анализ тенденций внешней торговли товарами

Узбекистан относится к числу важных торговых партнеров Беларуси в Центральной Азии. Наиболее перспективными видятся экономические отношения в отрасли сельского хозяйства. В Беларусь импортируется такая продукция, как: узбекские фрукты и овощи, орехи, сухофрукты. Также можно отметить активное взаимодействие в сфере аграрного образования и науки, реализация совместных исследовательских проектов в отрасли сельского хозяйства. Также является перспективным направление экономических отношений производственной кооперации. Например, на территории Узбекистана белорусские холдинги «Амкодор» и «Бобруйскагромаш» создали совместные предприятия по производству соответственно дорожно-строительной и сельскохозяйственной техники, в Ташкенте запущено и успешно функционирует совместное с ОАО «Минский тракторный завод» производство тракторов. Белорусскими предприятиями налажен выпуск в Узбекистане реагентов, используемых в пищевой промышленности и ветеринарии.

В таблице 1 приведена статистика внешней торговли товарами между Беларусью и Узбекистаном.



Таблица 1

Динамика внешней торговли Беларуси с Узбекистаном

	тыс. долл. США, в текущих ценах		2021 г. в % к 2020 г.
	2020 г.	2021 г.	
Внешнеторговый оборот	280 114,8	301 933,0	107,8
Экспорт	237 482,5	245 426,4	103,3
Импорт	42 632,3	56 506,6	132,5
Сальдо	194 850,2	188 919,8	

Источник: <https://www.belstat.gov.by/> (Национальный статистический комитет).

Объем внешней торговли Республики Беларусь с Узбекистаном составляет 0,6% экспорта и 0,1% совокупного импорта страны. В целом в 2021 году оборот составил 0,4% от совокупного внешнеторгового оборота Республики Беларусь. За два последних года наблюдается положительная динамика торговли с Узбекистаном. Так, экспорт в 2021

году увеличился на 3,3%, импорт – на 32,5%. При этом, доля внешней торговли с Республикой Беларусь в Узбекистане немного выше – 0,9% (0,4% совокупного экспорта, 1,3% совокупного импорта) по результатам 2021 года.

В целом удельный вес Узбекистана во внешней торговле стран ЕАЭС невысокий (таблица 2).

Таблица 2

Доля внешнеторгового оборота стран ЕАЭС с Узбекистаном в 2021 году*

(*Доля к итогу по каждой стране)

Страна	Внешнеторговый оборот		Экспорт		Импорт	
	млн долл. США	Доля, %	млн долл. США	Доля, %	млн долл. США	Доля, %
Армения	13,5	0,25	3,0	0,1	10,4	0,3
Беларусь	302,7	0,75	245,4	1,1	57,3	0,3
Казахстан	3829,3	5,1	2776,9	5,3	1052,5	4,7
Киргизия	496,7	10,12	180,1	9,2	316,5	10,7
Россия	6907,9	0,96	5205,1	1,2	1702,8	0,6
ЕАЭС	9438,4	1,51	7190,7	1,4	2247,7	0,7

Источник: <https://stat.uz/ru/> Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике.

При этом доля в торговле товарами Республики Беларусь с Узбекистаном во внешней торговле менее 1,0%. В целом доля внешнеторгового оборота с Узбекистаном в обороте ЕАЭС составил 1,51% в 2021 году.

Такая же незначительная доля Беларуси наблюдается и во внешней торговле Узбекистана (таблица 3).

Таблица 3

Внешняя торговля Узбекистана с Республикой Беларусь

	2019 г.		2020 г.		2021 г.	
	тыс. долл.	доля, %	тыс. долл.	доля, %	тыс. долл.	доля, %
Экспорт в Республику Беларусь	48879,2	0,3	42560,7	0,3	59645,3	0,4
Импорт из Республики Беларусь	283906	1,2	219541	1,0	319180	1,3
Сальдо	-235027	-	-176980	-	-259535	-

Источник: <https://eec.eaeunion.org>

Сальдо торговли товарами с Беларусью в Узбекистане традиционно отрицательное. Стоит отметить положительную динамику торговли двух стран и наращивание внешнеторгового оборота за последние три года.

Во взаимной торговле между Узбекистаном и Беларусью в 2021 году 22% оборота составили промышленные товары, 21% – машины и оборудования, по 11% пришлось на продовольственные товары и химические вещества.

Внешняя торговля услугами.

Интересная динамика отмечается за три последних года во взаимной торговле услугами (рисунок 2).




Рисунок 2. Структура экспорта услуг из Республики Беларусь в Узбекистан

Источник: <https://www.nbrb.by/statistics/foreigntrade>

Если в 2019 году доля транспортных услуг в экспорте составляла менее 15% и в основном экспорт обеспечивался за счёт услуг по ремонту и техническому обслуживанию, то с 2020 года доля транспорта услуг выросла до 51%, а в 2021 – до 54% от совокупного экспорта. Также за два последних года значительно увеличилась доля экспорта поездок и компьютерных услуг.

Анализ рисунка 3 показывает, что основная часть экспорта транспортных услуг – это грузоперевозки железнодорожным, автомобильным и воздушным транспортом. Также в 2021 году существенно увеличился объем пассажирских перевозок воздушным транспортом.




Рисунок 3. Экспорт транспортных услуг из Беларуси в Узбекистан, млрд. долл. США

Источник: <https://www.nbrb.by/statistics/foreigntrade>

По структуре импорт услуг в Узбекистан за три последних года существенно не изменился (рисунок 4).




Рисунок 4. Структура импорта услуг в Республику Беларусь из Узбекистана

Источник: <https://www.nbrb.by/statistics/foreigntrade>

На протяжении трех последних лет значительную долю импорта услуг составляют транспортные услуги (более 60% на протяжении всего анализируемого периода) и прочие деловые услуги. В 2021 году стоит отметить и возрастание доли услуг по ремонту и техническому обслуживанию.




Рисунок 5. Импорт транспортных услуг в Республику Беларусь из Узбекистана, млрд. долл. США

Источник: <https://www.nbrb.by/statistics/foreigntrade>

По импорту транспортных услуг также можно отметить преобладание грузоперевозок железнодорожным и автомобильным транспортом. В 2021 году также увеличились объемы прочих перевозок воздушным транспортом.

Как и в торговле товарами, по услугам также наблюдается наращивание внешнеторгового оборота и положительная динамика.

Выводы. При углублении торговых отношений ЕАЭС с Узбекистаном, существуют перспективы увеличения внешнеторгового оборота.

Страны ЕАЭС будут иметь ряд экономических преимуществ в случае вступления Узбекистана в Союз. Упрощение доступа к трудовым ресурсам и сырьевой базе будет способствовать усилению экономической кооперации и формированию новых производствен-

ных цепочек на территории ЕАЭС, что сможет обеспечить благоприятные условия для развития бизнеса со стороны ЕАЭС в Узбекистане. В конечном итоге повысится эффективность производственной базы и ценовая конкурентоспособность товаров.

Без участия Узбекистана как крупной и стратегически расположенной страной в Центральной Азии решение вопросов развития ЕАЭС в азиатском регионе максимально затруднено. Это касается как транспортной сети, так и водно-энергетического комплекса.

Более глубокая экономическая интеграция Узбекистана с ЕАЭС может стать значимым драйвером инвестиционного и торгового сотрудничества. Во взаимной торговле вступление Узбекистана в ЕАЭС позволит убрать внешнеэкономические ограничения и откроет доступ странам – членам Союза к мас-

штабному потребительскому рынку Узбекистана. Это даст импульс наращиванию объемов экспорта товаров и услуг. Самыми перспективными экспортными товарными группами являются продукция машиностроения, черные металлы, пшеница, минеральные продукты, древесина, пластмассы и резина.

При этом существуют и некоторые риски вступления Узбекистана в ЕАЭС. Большое количество трудовых мигрантов, имеющих как численное превосходство, так и более низкую оплату труда, создадут серьезную конкуренцию трудовым мигрантам из Армении и Киргизии и на рынках труда России, Казахстана и Беларуси.

Для Республики Беларусь вступление Узбекистана в ЕАЭС позволит открыть рынки сбыта такой отечественной продукции, как автомобили грузовые, говядина, тракторы, сахар, лекарственные средства, вакцины, сухое молоко, части и принадлежности для тракторов, полимеры винилхлорида, мясо домашней птицы, газовые плиты, рентгеновская аппаратура, сыры. А также позволит снизить цену импорта таких товаров, как хлопчатобумажная пряжа, сухофрукты, виноград свежий и сушеный, металлопрокат из меди, белье постельное, орехи, трикотажные полотна, текстильные изделия.

Источники и литература

1. Национальный статистический комитет [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.belstat.gov.by/>. – Дата доступа: 01.09.2022 г.

2. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://stat.uz/ru/>. – Дата доступа: 01.09.2022 г.

3. Евразийская экономическая комиссия [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://eec.eaunion.org/>. – Дата доступа: 01.09.2022 г.

4. Внешняя торговля товарами и услугами Республики Беларусь [Электронный ресурс] // Национальный банк Республики Беларусь. – Режим доступа: <https://www.nbrb.by/statistics/foreigntrade> – Дата доступа: 01.09.2022 г.

Перспективы развития торговых отношений Республики Узбекистан с Республикой Беларусь и ЕАЭС

Альбина Сибирская,
старший научный сотрудник
Института экономики Национальной академии наук
Беларуси, г. Минск

Аннотация: Евразийский экономический союз (ЕАЭС) является интеграционным объединением, прошедшим практически все стадии интеграционного процесса. Достижениями ЕАЭС можно отметить успешное функционирование общего рынка товаров и услуг, свободное движение инвестиций, свободное передвижение граждан стран Союза с возможностью трудоустройства, применяются единые требования к безопасности и качеству продукции к 85% товаров на общем рынке*.

Ключевые слова: внешняя торговля, ЕАЭС, экспорт, импорт, зона свободной торговли.

O'zbekiston Respublikasining Belarus Respublikasi va YOII bilan savdo aloqalarini rivojlantirish istiqbollari

Альбина Сибирская,
Belarus Milliy Fanlar Akademiyasining Iqtisodiyot instituti
katta ilmiy xodimi, Minsk sh.

Аннотация: Евросоюзу иqtisodiy Ittifoqi (EOII) integratsiya jarayonining deyarli barcha bosqichlaridan o'tgan integratsion birlashmadir. EOIIning yutuqlari tovarlar va xizmatlar umumiy bozorining muvaffaqiyatli ishlashi, investitsiyalarning erkin harakati, Ittifoq mamlakatlari fuqarolarining ish bilan ta'minlanish imkoniyati bilan erkin harakatlanishi, umumiy bozorda tovarlarning 85 foiziga xavfsizlik va mahsulot sifatiga qo'yiladigan yagona talablarni o'z ichiga oladi*.

Калит so'zlar: tashqi savdo, EOII, eksport, import, erkin savdo zonasi.

Prospects for the development of trade relations of the republic of Uzbekistan with the republic of Belarus and the EAEU

Albina Sibirskaya,
Senior Researcher

"Institute of Economics of the National Academy of Sciences of Belarus", Minsk

Abstract: the Eurasian Economic Union (EAEU) is an integration association that has gone through almost all stages of the integration process. There are many achievements of the EAEU, which include the successful functioning of the common market for goods and services, the free movement of investments, the free movement of citizens of the Union countries with the possibility of employment, and uniform requirements for product safety and quality that are applied to 85% of goods on the common market*.

Keywords: EAEU, foreign trade, export, import, free trade zone.

* http://www.eurasiancommission.org/ru/Documents/3264_%D0%95%D0%AD%D0%9A_%D0%A6%D0%98%D0%A4%20-%202020_%D1%82%D0%B5%D1%85%20%D1%80%D0%B5%D0%B3.pdf

УЎК: 330.16

Шоирахон НУРДИНОВА,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
 Президент администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар
 ва ислохотлар маркази бош илмий ходими,
 E-mail: sh.nurdinova@gmail.com

Хулқ-атвор иқтисодиёти иқтисодиётда янги йўналиш сифатида

Кириш. Йигирманчи асрдаги технологик ўзгаришлар иқтисодиётдаги инсон омилига бўлган таърифни янада кенгроқ муҳокама қилиш лозимлигини кўрсатди. Утилитаризм ва Homo Economicus (ўз шахсий манфаатларини максимал даражада оширадиган оқилона шахслар) тушунчалари асосида узок вақтдан бери ўрганилган инсон тушунчаси бўйича турли қарашлар пайдо бўлди. Ўз навбатида инсон когнитив хусусиятларга эга эканлиги ва қарорларни маълум чекловлар остида қабул қилиши илгари сурилди. Иқтисодиёт назариясидаги қарама-қарши вазиятлар хулқ-атвор иқтисодиёти ва иқтисодиётнинг психология билан алоқаси асосини ташкил этди. Хатар ва ноаниқлик шароитида қарор қабул қилишда психологик жараёнларни иқтисодий таҳлилга киритиш зарурати қабул қилина бошланди.

Гарчи хулқ-атвор иқтисодиёти замонавий иқтисодиётда янги йўналиш сифатида қайд этилсада, соҳага оид дастлабки тадқиқотлар файласуф ва иқтисодчи Девид Юм асарларида кузатилади (Matson and Dold 2021). Ўтган асрнинг 70-80 йилларида эса хулқ-атвор иқтисодиётининг аҳамияти ва назарий-амалий жиҳатлари бир қатор хорижлик олимлар, хусусан Tversky (1972), Smith (1982) Kahneman (2003), Sunstein (2016), Thaler (2019), асарларида ўз ифодасини топди. Хулқ-атвор иқтисодиётга қўшган ҳиссаси учун Вернон Смит, Даниэл Канеман ва Ричард Талер иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига муносиб кўрилгач, мазкур йўналишга бўлган қизиқиш янада ортди. Кўплаб мамлакатларда давлат сиёсатида хулқ-атвор иқтисодиёти соҳасидаги тадқиқотлар жорий этила бошланди. 2018 йилда дунёда камида 202 та давлат идоралари ўз сиёсатларида хулқ-атвор тушунчала-

рини қўллаган. Мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар амалиётига асосланиб, кам харажат эвазига ижтимоий фаровонликни оширишда хулқ-атворга асосланган давлат сиёсати умумий давлат сиёсати амалиётига қараганда самаралироқ бўлади, деган фикр илгари сурилмоқда (Afif et al. 2018).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сонли фармонида Ўзбекистонда товар ва молия бозорларини таҳлил қилишда хулқ-атвор иқтисодиёти тамойилларига асосланиш кўрсатиб ўтилган. Бу ўз навбатида, мазкур соҳани Ўзбекистонда амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларда эътиборга олинишини назарда тутди. Шунга қарамай, маҳаллий иқтисодчилар томонидан мавзунинг чуқур ўрганилмаганлиги ўзбек тилида соҳага оид илмий адабиётнинг мавжуд эмаслиги ёки жуда камлигида кузатилади (Ziyaeva 2018). Мисол тариқасида, ушбу мақола ва тадқиқотчи Рано Юлдашевага мансуб бўлган тадқиқотларни келтириш мумкин. Юлдашева Рано ва Боидуржо Рик Мукҳопадхўйларнинг ““You Are What You Watch?”: Evaluating the Impact of Media Violence on Youth Behaviour during the COVID-19 Lockdown in Uzbekistan” номли мақоласида ушбу соҳанинг илмий жиҳатлари ўрганилган. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақолада хулқ-атвор иқтисодиёти ва унинг моҳиятини таҳлил қилиш орқали ўзбек тилида адабиёт яратилади. Шунингдек, мақолада хулқ-атвор иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда, сиёсат юритиш ва шу орқали ислохотларнинг самардорлигини оширишга урғу берилади. Хулқ-атвор

иктисодиётининг назариядан кўра амалиётга яқинлиги мисоллар ёрдамида муҳокама қилинади.

Тадқиқот методологияси

Мақолада мавзуга оид назарияларни ўрганишда адабиётлар шарҳи, илмий мушоҳада ва тизимли ёндашув усулларида фойдаланилган. Шунингдек, ислохотларни амалга оширишда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишнинг самараси мисоллар ёрдамида келтириб ўтилган.

Адабиётлар шарҳи

Хулқ-атвор иктисодиётининг бошланиши файласуф ва иктисодчи Дэвид Юм асарларидан бошланади. Дэвид Юм ўзининг "Инсон табиати ҳақида рисола" (1739) номли асарида замонавий хулқ-атвор иктисодидаги ўзгаришларга оид симпатия, ҳасад, мақом ва ижтимоий меъёрлар ҳақида изоҳ берган (Selby-Bigge and David 1964). Дэвид Юмга кўра, инсон табиатан бошқаларнинг ўзига нисбатан ҳис-туйғулари нуқтаи назаридан симпатияга эга бўлади, шунинг учун шахсий манфаат адолатни ўрнатишнинг асосий мотивидир. Шунингдек, жамоат манфаатларига ҳамдардлик бу фазилатга ҳамроҳ бўлган ахлоқий қабул қилиш манбаидир. Юмнинг таъкидлашича, инсонларнинг ўз манфаатини ўйлаши рақибнинг дарди ва изтиробидан роҳатланишга олиб келади. Классик иктисодчиларнинг фалсафий ва иктисодий психология бўйича қарашлари билан таниш бўлган аксарият тадқиқотчилар Дэвид Юм бугунги кунда хулқ-атвор бўйича иктисодчиларни ўйлантираётган баъзи масалаларнинг ўрганилганлигини таъкидлайдилар (Matson and Dold 2021).

Адам Смит инсон хулқ-атворининг психологик асосларига катта қизиқиш билдирган. Смит ўзининг "Маънавий ҳиссиётлар назарияси" (1759) асарида хулқ-атворни эҳтиросларни уни холис кузатувчиси сифатида тасвирлайди. Шунингдек, фойдалилик концепциясининг психологик асослари ҳақида иктисодчи ва файласуф Жереми Бентам, ижтимоий танловлар ҳақида сиёсий иктисодчи Фрэнсис Исидор Эджуорт асарларида маълумот берилган

1960-йилларда баъзи психологлар когнитив хулқ-атвор, сезги, тарафқашлик, қарор қабул қилиш ва мантиқсизлик бўйича тадқиқотлари орқали иктисодиётга кириб келдилар. Даниел Канеман ва Амос Тверский 70- йиллардан бери ноаниқлик даврида қарор қабул қилиш ва инсон хулқ-атвори бўйича тажрибалар ўтказиб, янги хулқ-атвор иктисодиётининг асосини яратди.

Тадқиқотларда миянинг икки хил тизими бир-галликда ишлаши тушунтирилади. Биринчи тизимнинг фаолияти тез, осон, автоматик ва кўпинча интуитивдир. Уни назорат қилиш ёки ўзгартириш нисбатан қийинроқ бўлиб, одатлар билан бошқарилади. Иккинчи тизимнинг ишлаши биринчи тизимга қараганда секинроқ бўлиб, у онгли равишда назорат қилиниши мумкин. Оқилона ишлайдиган иккинчи тизимга тез, интуитив ва автоматик бўлган биринчи тизим кучли таъсир кўрсатади (Thaler and Sunstein 2019).

Хулқ-атвор иктисодиётининг қўлланилиши

Мазкур тадқиқотларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар сиёсатчиларга ислохотларни амалга оширишда муҳим маслаҳатлар бериш имконини яратади. Бу туртки шаклида бўлиб, тўғридан-тўғри иктисодиётга қўллаш мумкин бўлган усулларни ўз ичига олади. Иктисодий фактларни тушуниш ва сиёсатни ишлаб чиқиш нуқтаи назардан хулқ-атвор иктисодиётига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Солиқлар, жарималар ва имтиёзлар хатти-ҳаракатларни бошқариш учун мўлжалланган. Сиёсатчилар томонидан ишлаб чиқилган сиёсат хулқ-атвор иктисодиёти усулларида фойдаланган ҳолда "Нуджинг/туртки" иловалари билан қарорларга доимо таъсир қилади. Масалан, Техасда 18-24 ёшли йигитлар автоўйларда тозаликка риоя қилмайди. Шаҳар маъмурлари бу муаммони ҳал қилиш учун "жамоат жойларини тоза сақлаш жамоатчилигининг бурчи", деган жуда қиммат реклама кампанияларини бошлади. Лекин бу реклама муваффақият қозонмагач, улар ватанпарварлик туйғуларига таъсир қилувчи реклама ролигини суратга олишди. Реклама ролигида Техас футбол жамоаси ўйинчилари йўллардаги чиқиндини тозалаб, тозаликка чорловчи шиорни айтишди. Натижада бир йил охирида ифлосланиш муаммоси 29% га ҳал қилинди (Thaler and Sunstein 2019).

Энергияни тежаш ҳам хулқ-атвор иктисодиёти усуллари билан амалга оширилиши мумкин бўлган масаладир. Электр тўловларининг таққосланиши ва камайиши бўйича қилинган тадқиқот туртки усули билан энергия тежашда яхши натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади. Бунда қўшнилар ва маҳалла миқёсида маълум бир ой давомида сарфланаётган электр энергиясини (кВт) кузатиш имкони мавжуд. Бунда истеъмолчи ҳар иккала гуруҳдан ҳам камроқ электр энергияси сарфласа, ҳисобига икки-

та табассум қўшилади. Агар бир гуруҳдан камроқ электр энергияси сарфласа, фақат битта табассум қўшилади. Бу орқали истеъмолчилар ўзларини бошқа истеъмолчилар билан солиштиришлари ва шунга мос равишда истеъмолларини созлашлари учун таъсир кўрсатилади.

Туркияда “Миллатимиз билан биргаликда яшил Туркия” номли лойиҳа доирасида йигирма уч миллион фуқарога почта орқали Президент мактуби юборилган. Мактубда брошюра ва кўчат уруғи ҳам бўлиб, брошюрада Туркия бўйлаб ва вилоят миқёсида қилинган кўкаламзорлаштиришга киритилган инвестициялар ҳақида маълумот берилган. Бу борадаги фаолият рақамлар орқали изоҳланиб, давлатнинг саъй-ҳаракатларига урғу бериб, фуқароларининг масъулиятни англашига эътибор қаратилган. Мактубда, “Конвертдаги уруғларни экиб, яшил Туркия учун ўз ҳиссангизни кўшинг” деган ёзув бўлиб, фуқароларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари учун алоқа рақамлари берилган (Bal and Kiliç 2019). Мазкур лойиҳада хулқ-атвор элементларидан фойдаланган ҳолда фуқароларда лойиҳага ҳисса қўшишга оид ўзгача ҳис-туйғулар пайдо қилишга ҳаракат қилинган.

Хулоса

Анъанавий иқтисодиётнинг асосий актёри “иқтисодий одам” (Homo Economicus) ёки ўз шахсий манфаатларини максимал даражада амалга оширадиган оқилона фикрлайдиган шахсдир. Бунда у мантиқий, худбин ва ўз манфаатини кўзлайдиган инсон сифатида қаралади. Анъанавий иқтисодий назарияларнинг меъморлари аксарият назарияларни синовдан ўтказишда психологик чекловларни моделлаштириш имкони йўқлиги сабабли, хулқ-атвор жараёнларини ўз моделларидан чиқариб ташладилар. Реал ҳаётда эса инсонлар на бутунлай худбин, на тўлиқ рационал ҳисобланадилар; кўпинча ҳис-туйғулар инсонларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилади. Хулқ-атвор иқтисодиётида иқтисодий қарорлар реал ҳаётдаги мазкур инсонлар томонидан қабул қилинади. Шу нуқтаи назардан, психология соҳасидаги изланиш натижаларидан иқтисодиётда фойдаланиш кенгайиб бормоқда. Иқтисодий фактларни шарҳлаш учун ушбу натижалардан фойдаланиш масаланинг бир томони бўлса, психологиянинг тадқиқот усулларини иқтисодиётда қўлланиш масаланинг бошқа томони ҳисобланади. Сўровнома-лар, стандартлаштирилган психологик шкалалар ва экспериментлар каби усуллар иқтисодиёт соҳаси-

даги илмий тадқиқотларда янги натижалар беради. Шу тариқа ривожланиш муаммоларининг янада реал ечимлари ишлаб чиқилади, меҳнат бозоридаги меҳнат шароитларини белгиловчи психологик омиллар, даромад тақсимоли, нисбий даромад, солиқ сиёсати, ишсизлик, тадбиркорлик ва бошқа ҳолатлар кенгрок ёритилади.

Хулоса қилиб айтганда, хулқ-атвор иқтисодиёти фанлараро тадқиқот соҳаси бўлиб, иқтисодий субъектларнинг етарли бўлмаган маълумотлар ва иррационал хулқ-атвор, қарор ва танловларини ўрганади. Иқтисодиёт ва психология фанларининг умумий жиҳатларини қамраб олган хулқ-атвор иқтисодиёти таҳлилий, эмпирик ва экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради. Хулқ-атвор иқтисодиёти классик иқтисодиётда ҳукмрон бўлган “рационаллик” тамойилини тўлиқ рад этмасдан когнитив тарафкашлик (bias) ва эвристикага эътибор қаратган ҳолда, “иррационаллик” ҳодисасини тушунишга имкон беради (Baddeley 2017). Шунингдек, хулқ-атвор иқтисодиёти иқтисодиёт фанини тадқиқот методологияси нуқтаи назаридан ҳам бойитади.

Манба ва адабиётлар

1. Afif, Zeina, W. Wade Islan, Oscar Calvo-Gonzalez, and Abigail Dalton. 2018. ‘Behavioral Science around the World: Profiles of 10 Countries’. World Bank Group: Mind, Behavior, and Development Unit.
2. Baddeley, Michelle. 2017. *Behavioural Economics: A Very Short Introduction*. Vol. 505. Oxford University Press.
3. BAL, Yasemin, And Mustafa Ercan Kiliç. 2019. ‘Çevre Duyarliliğinin Oluşmasında Davranişsal Yaklaşımlar’. Malatya: İnönü Üniversitesi.
4. Kahneman, Daniel. 2003. ‘A Psychological Perspective on Economics’. *American Economic Review* 93 (2): 162–68.
5. Matson, Erik W., and Malte Dold. 2021. ‘The Behavioral Welfare Economist in Society: Considerations from David Hume’. *Review of Behavioral Economics* 8 (3–4): 239–58.
6. Selby-Bigge, Lewis Amherst, and Hume David. 1964. *A Treatise of Human Nature by David Hume*. Vol. 2. *Punol Klassik*.
7. Smith, Vernon L. 1982. ‘Microeconomic Systems as an Experimental Science’. *The American Economic Review* 72 (5): 923–55.

8. Sunstein, Cass R. 2016. *The Ethics of Influence: Government in the Age of Behavioral Science*. Cambridge University Press.

9. Thaler, Richard H., and Cass R. Sunstein. 2019. 'Nudge Improving Decisions about Health Wealth and Happiness'.

10. Tversky, Amos. 1972. 'Elimination by Aspects: A Theory of Choice.' *Psychological Review* 79 (4): 281.

11. Ziyayeva, Muxtasar. 2018. 'Истеъмолчилар хулқ-атворидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда хизматларни таснифлаш тамойиллари'. *Iqtisodiyot va Innovatsion Texnologiyalar*, no. 2: 318–325.

Хулқ-атвор иқтисодиёти иқтисодиётда янги йўналиш сифатида

Шоирахон Нурдинова,

PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),

Президент администрацияси ҳузуридаги

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими

Аннотация: ўтган асрнинг 70-80 йилларида хулқ-атвор иқтисодиёти фанга янги йўналиш сифатида кириб келди. Мақолада хулқ-атвор иқтисодиёти билан боғлиқ назарий ва амалий тамойилларни ёритиш кўзда тутилган, шунингдек хулқ-атвор иқтисодиётининг мазмун-моҳияти, тарихий ривожланиши ва назарий асослари ёритилган. Хулқ-атвор иқтисодиёти мактаби вакиллари илгари сурган зояларнинг классик иқтисодиёт намоёндалари фикрлари билан ўхшашлик ва фарқлари, иқтисодий қарорлар қабул қилиш ва унинг самарадорлиги ҳақида фикр юритилган. Миллий иқтисодиётга хулқ-атвор иқтисодиёти элементларини жорий этиш ва уни ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: хулқ-атвор иқтисодиёти, чекланган рационаллик, туртки.

Поведенческая экономика как новое направление в экономике

Шоирахон Нурдинова,

PhD (по экономическим наукам),

главный научный сотрудник Центра экономических исследований и реформ при Администрации Президента

Аннотация: в 70-е и 80-е годы прошлого века поведенческая экономика вошла в науку как новое направление. В статье рассматриваются теоретические и практические принципы, связанные с поведенческой экономикой, а также освещены сущность, историческое развитие и теоретические основы поведенческой экономики. Обсуждаются сходства и различия идей, выдвинутых представителями школы поведенческой экономики, с идеями представителей классической экономики, принятие экономических решений и их эффективность. Даны научно-практические предложения по внедрению элементов поведенческой экономики в национальную экономику и ее развитие.

Ключевые слова: поведенческая экономика, ограниченная рациональность, побуждение.

Behavioral economics as a new economic area

Shoirakhon Nurdinova,

PhD (in Economics),

Center for Economic Research and Reforms under the Administration of the President, senior research fellow

Abstract: in the 70s and 80s of the last century, behavioral economics entered science as a new direction. The article deals with theoretical and practical principles related to behavioral economics, as well as the essence, historical development, and theoretical foundations of behavioral economics are covered. The similarities and differences between the ideas put forward by representatives of the school of behavioral economics and the ideas of classical economics, as well as economic decision-making and their effectiveness, are discussed. The author suggests gaining scientific and practical experience in applying elements of behavioral economics to economics.

Keywords: Nudge, behavioral economics, bounded rationality.

Саноат, аграр ва ҳудудий иқтисодиёт / Промышленность, сельское хозяйство и
региональная экономика / Industry, agriculture, and regional economy

УЎК: 338.4.334012.34

Нодирбек РАСУЛОВ,

*DSc (иқтисодиёт фанлари доктори), доцент,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар
институтини лойиҳа раҳбари,*

E-mail: bek_nn@mail.ru,

Олимжон БОЙТУРАЕВ,

Наманган муҳандислик – қурилиш институтини докторанти,

E-mail: olimjonboyturayev26091980@gmail.com

Кичик ва ўрта бизнес соҳасида саноат кооперациясини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси

Кириш. Ҳозирги кунда саноат кооперацияси кўплаб ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлар томонидан меҳнат тақсмотидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш ва технологик қувватларни ишга солиш, барча турдаги ишлаб чиқаришга оид ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш каби ишлаб чиқариш юқори самарадорлигига эришиш воситаси сифатида қаралади. Хусусан, ривожланган давлатларда қарийб икки ярим асрдан буён саноат корхоналарининг замонавий кооперация муносабатлари асосида барқарор фаолият юритишини таъминлаш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини кўпайтириш, юзага келувчи молиявий, ҳуқуқий, экологик, ижтимоий муаммоларни ҳамкорликда муваффақиятли ҳал этишга катта эътибор бериб келинмоқда.

Бу борада Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 2009 йил 18 декабрдаги 64/136-сонли резолюциясида кооператив ҳаракатлар қуйидаги ҳолатларда муваффақиятларга олиб келиши алоҳида кўрсатиб ўтилган [1].

Жумладан:

- аҳоли ўртасида қашшоқликни камайтириш;
- меҳнат бандлигини таъминлаш;
- жамиятдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда интеграция муносабатларини ривожлантириш.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги глобал иқтисодий ўзгаришлар даврида жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган кооперативлар дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида 800 миллионга яқин аъзоларга эга бўлиб, экспертларнинг фикрига кўра, мазкур кооперативлар томонидан бутун дунё бўйлаб 100 миллиондан ортиқ иш ўринлари яратилган [2].

Мутахассисларнинг фикрига кўра, дунё амалиётида кооперация муносабатлари қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришида жуда катта самарадорликка эришган. Шунинг учун биз мазкур мақолада кооператив муносабатларнинг ривожланишини асосан саноат мисолида кўриб чиқамиз, унда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳамияти ҳамда ривожланган мамлакатлар амалиётида қандай тажрибалар тўпланганлигига алоҳида тўхталиб ўтамиз [3].

Биринчидан, саноат соҳасидаги кооператив муносабатлар бўйича хориж мамлакатларида катта тажриба тўпланган. Чунки, саноатда кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг асосий мақсади – ўзаро боғлиқ тармоқларда фаолият кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахс сифатидаги хўжалик субъектларини демократик тамойиллар асосида бошқариш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш жараёнида тенг манфаатларда қатнашишини таъминлаш, дебитор қарздорликнинг олдини олиш ва банкрот бўлишидан сақлаш, ички

хамда ташқи бозорда рақобатли курашда барқарор фаолият кўрсатиш учун тенг манфаатли шароитларни яратиш ҳисобланади. Ушбу ҳамкорликдаги аъзоларнинг мол-мулки, ер участкаси ва уларнинг дахлсизлиги ва мустақиллиги сақланиб қолиши конун жиҳатдан мустаҳкамлансагина яхши натижа беради. Бироқ Ўзбекистонда кредит, солиқ, ер ҳамда мол-мулкни ҳимоя қилиш борасида ҳал этиш зарур бўлган муаммолар мавжуд.

Иккинчидан, республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш борасида давлат томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва таъминот тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида босқичма-босқич модернизация қилинмоқда. Бироқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажрибалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу муаммоларни стратегик жиҳатдан ҳал этиш, соҳада тўпланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида замонавий кооперация муносабатларига асосланган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳамкорлик алоқалари шаклланишини талаб қилади. Албатта бунинг учун ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётини ўрганиш ҳамда миллий шароитлардан келиб чиқиб мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мулкчилик шаклидан қатъий назар тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жорий этиш лозим бўлади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [4] ПФ 4947-сон ва 2021 йил 9 июндаги “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6244-сон Фармонлари [5] ҳамда 2022 йил 24 январдаги “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-99-сон қарори [6], шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш қўйилган мақсадларга етишишда асос бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Саноатни ривожлантиришнинг долзарблиги, иқтисодий тақомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги ва бу тармоқда кичик бизнеснинг ўрни ҳамда кооперация муносабатларига оид муаммолар доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, мавзу юзасидан хорижлик олимлардан И.Ансофф, П.Друкер (P.F. Drucker), Р.Дафт (R.L. Daft), М.Портер (M. Porter), А.Томпсон (A.A. Thompson), О.Уильямсон (O.E. Williamson), А.Файоль, Д.Хасси (D.Hussey) ўзларининг тадқиқотларида бевосита саноат корхоналарини ривожлантиришда кооперация билан боғлиқ иқтисодий жараёнларни ўрганишган.

МДХ олимларидан Т.М.Вахитова, М.З.Гибадуллин, Р.В.Кашбразиев, Р.А.Латыпов, М.П.Посталюк, Ф.Г.Хамидуллин, Д.С.Хайруллоев, В.В.Хоменко, А.М. Шихалев каби бир қатор олимларнинг тадқиқот ишларида саноат корхоналарини ривожлантиришда кооперацион алоқаларнинг аҳамияти очиб берилган. Маҳаллий олимлардан Ё. Абдуллаев, Б. Салимов, А. Абдухамидов, У. Мухитдинов, А. Ортиқов, Х. Ишбутаева, Ш. Низомова, Э. Махмудов, Н. Махмудов, М. Исоқовлар саноат корхоналарини ривожлантириш, уларда кооперацион муносабатларнинг роли тўғрисида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Хусусан, А.Артиков “Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омиллари”га, М.Нарзикулов “Саноатнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор таркибий ўзгаришларга қаратилганлиги”га, Э.Махмудов “Саноат тармоқлари ривожланишига шароит яратишнинг стратегик йўналишлари биринчи навбатда бюджет, солиқ, пул кредит, нарх ва валюта сиёсати каби воситаларни қамраб олган қулай макроиқтисодий муҳитни яратиш”га боғлиқлигига алоҳида тўхталиб ўтишган.

Тадқиқот методологияси.

Кичик ва ўрта бизнес соҳасида саноат кооперациясини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси борасида илмий мушоҳада, мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, индукция, дедукция ва баҳолаш усулларида фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

- илмий мушоҳада, мантикий фикрлаш ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда саноат кооперациясини ривожлантириш

га оид механизмларни такомиллаштириш жараёнларини самарали амалга оширишда фан-таълим-ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликни янада кучайтириш ҳамда хорижий тажрибалардан фойдаланиш бўйича айрим иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари тақдим этилди [7];

- саноат соҳасида кооперация муносабатларини янада жадаллаштириш борасида кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан ҳамкорлик қилиш, хусусий бизнес соҳасида давлат аралашувини камайтириш ҳамда қонунчилик базасини кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди. Масалан, саноат кооперацияларини ривожлантириш учун хорижий амалиётдан фойдаланган ҳолда миллий қонунчилик нормаларини ўзгартириш ҳисобига, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига янада эркинлик бериш орқали мазкур соҳани фаоллаштириш ҳамда кредитлаш механизмларини рағбатлантириш асослаб берилди;

- саноат кооперацияларига аъзо бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига уларни назорат қилувчи органлар аралашувини сезиларли даражада камайтириш ҳамда соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳимлиги тақлиф этилди;

- саноат кооперацияси фаолиятини янада ривожлантиришда кичик ва ўрта бизнеснинг ролини фаоллаштириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли саноат маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтиришга олиб келиши хорижий тажрибага таянган ҳолда асослаб берилди;

- саноат кооперациясини ривожлантиришда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг бошқарув тизимини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш муҳимлиги илмий жиҳатдан асосланди.

Таҳлил ва натижалар.

Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш кооперацияси, хусусан, ўрта бизнес субъектларининг кичик бизнес субъектлари билан ўзаро субпудрат шартномалари асосида фаолияти саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда умумий иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий механизмларидан бири ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларининг субпудратчилик, яъни субпудрат шартномалари асосида фаолият олиб бориш амалиёти Япония, АҚШ, Германия, Франция, Италия, Испания ва Туркия каби мамлакатларда иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаган таркибий бўғинлардан бири сифатида эътироф этилади.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Японияда ўтган асрнинг 80 -йилларидан субпудрат схемалари бўйича ишлайдиган кичик фирмаларнинг улуши 65% ни ташкил этиб, мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бўлган электроника саноатида бу кўрсаткич 86% га етган.

1992 йилда Европа Комиссияси томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, Европа субпудратчилари жами 127 млрд. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарган бўлиб, кичик ва ўрта корхоналарининг 70% дан ортиги саноат соҳасидаги субпудрат жараёнларига бевосита жалб қилинган.

Investing.com молиявий агентлигининг 2000 йилда чоп этилган “Subcontracting and economy” мавзусидаги ҳисоботида кўра, Европада 293 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес корхоналари саноат соҳасидаги кооперация муносабатларида субпудрат шартномалари орқали ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этган. Бу фаолият натижасида 4 млн. га яқин иш ўринлари яратилган. Субпудрат шартномалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг (товар ва хизматлар) умумий ҳажми 351 млрд. евро ни ташкил этиб, бу Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 14,5 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич мутахассислар томонидан Буюк Британия саноат ишлаб чиқариш ҳажми билан таққослашга асос бўлган.

Бугунги кунда Европа Иттифоқида аъзо мамлакатларда 410 мингдан ортиқ корхоналар саноат кооперациясига жалб этилган бўлиб, уларда 5,1 млн. дан ортиқ киши иш ўринлари билан таъминланган. 2020 йилда субпудрат асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 423 млрд. евродан ошди, бу Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажмининг қарийб 16,1 фоизини ташкил этади.

Илмий адабиётлардаги маълумотлар ҳамда саноат соҳасида илмий тадқиқот қилган олимларнинг хулосаларига кўра, кооперация муносабатларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўйича ҳозирги кунда дунё амалиётида тан олинган ҳамда тажрибада ўзини оқлаган иккита: Америка ва Япон моделлари алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Агар Америка моделига эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур модель кўп сонли буюртмачилар ва пудратчиларнинг ўзаро келишувига асосланган, яъни ривожланган субпудрат бозорини талаб қилади. Пудратчиларни танлашнинг асосий мезони

- таклиф қилинган нарх ҳисобланади. Бундай ривожланган тизим кичик бизнес субъектлари бўлган пудратчиларнинг инновацион фаолияти, субпудратчилар учун лизинг муносабатларининг мавжудлиги ва бошқалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амал қилади. Америка модели учун буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги муносабатлар аниқ бир буюртма доирасида ўрнатилган бўлиб, икки томонлама муносабатлар узоқ муддатга мўлжалланмаган бўлади. Ижрочиларнинг кенг таклифи мижозга буюртмани бажариш учун энг яхши вариантни танлаш имконини беради. Мазкур тизимда очиклик, шаффофлик тамойиллари устувор ҳисобланади.

Америка модели мисолида йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарда одатда ўртача 2-2,5 минг субпудратчи тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатади. Америка автомобиль саноатининг Chrysler, Ford ва General Motors каби гигантлари бутловчи қисмларнинг 1/3 қисмидан кўпроғини ўзлари ишлаб чиқарадилар. Қолган компонентлар, яъни бутловчи қисмлар субшартнома асосида бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан етказиб берилади [8].

Америка моделига яна бир мисол сифатида қуйидаги кооперацион инфратузилмани мисол келтиришимиз мумкин. Масалан, Лос-Анжелесдаги катта автомагистрал бўйлаб ўнлаб километрга чўзилган ва катта ҳудудларда бир қаватли кичик ишлаб чиқариш соҳаларига ихтисослашган юқори даражадаги устахоналар фаолият кўрсатади. Ушбу корхоналар фаолиятига автомобиль шасси қисмларини ишлаб чиқариш, бамперларини таъмирлаш бўйича кичик ишлаб чиқариш цехлари, саноат босмаҳонаси, кадоқлаш, қуйиш, механик ишлов бериш цехи ҳамда саноат датчикларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар кирди. Ускуналар ҳеч қаерда бўш турмайди. Барча ишлаб чиқариш тизимли, режа ва буюртмалар асосида ташкил этилган. Худди шундай тизимни Жануби-Шарқий Осиё ва Европадаги мамлакатларда учратиш мумкин. Мамлакатларнинг жойлашуви ҳар хил, аммо самарали ишлаб чиқаришни ташкил этиш тамойиллари бир хил ҳисобланади.

Америка моделининг кичик ва ўрта бизнес соҳасида саноат кооперациясининг ривожланишига нафақат эркин иқтисодий сиёсат, балки давлат буюртмалари тизими, хусусан, муҳофаа сектори ҳам ёрдам бериши.

Энди Япон моделининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Япония модели мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва технология даражасига қараб, субпудратчиларнинг рейтинги билан тавсифланади. Японияда кўп даражали субпудратчилар тизими ишлаб чиқилган бўлиб, пудратчи бир нечта субпудратчиларга буюртмалар беради, улар ўз навбатида қуйи даражадаги субпудратчилар билан ҳамкорлик қиладилар. Япониянинг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчилари ўртача 300-400 га яқин субпудратчиларга эга бўладилар [9].

Япония моделининг ўзига хос томони шундан иборатки, бунда буюртмачи биринчи даражадаги субпудратчилар билан тўғридан-тўғри узоқ муддатли ҳамкорликни ўрнатади. Япония автомобилсозлик саноатининг Nissan ва Toyota каби гигантлари мустақил равишда ишлатиладиган компонентлар (бутловчи қисмлар)нинг 1/4 дан қисмини ўзлари ишлаб чиқарадилар. Қолган қисмларни эса субпудрат буюртмалари бўйича бошқа ишлаб чиқарувчилардан оладилар. Субпудратчиларни танлаш мезонлари, биринчи навбатда, нархлар эмас, балки сифат, маҳсулотларнинг техник мувофиқлиги, ҳамкорларнинг ишончилиги ҳисобланади. Одатда, шартнома маҳсулотнинг маълум бир моделини ишлаб чиқариш муддати учун тузилади ва агар шерик мижозни қониктирса, келажакда мазкур шартнома муддатлари узайтирилади. Нархларга келадиган бўлсак, япон пудратчилари субпудратчилар ўртасида рақобат курашини ташкил қилиш орқали уни йўқ қилиш ғоясидан воз кечишган. Аксинча, мижозлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун пудратчилар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга интилишади. Дастлабки нарх батафсил харажатлар сметаси асосида белгиланса-да, кейинчалик у пудратчи томонидан олинган иқтисодий фойда улушига қўшилади. Шунинг учун Япон моделида сифат биринчи ўринда, нархлар кейинги ўринда туради.

Япония моделида саноат кооперациясининг ўзига хос хусусияти шундаки, мижозларнинг буюртмаси бўйича саноат ва техник интеграцияси юзасидан йирик ва кичик ишлаб чиқарувчи субъектлар бирга ҳаракат қиладилар. Кўпинча асосий буюртмачи субпудратчи билан доимий алоқада бўлади, бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда фаол иштирок этади, сифат назоратини яхшилашга ёрдам беради, техник, технологик ва молиявий ёрдам беради. Ҳамкорликнинг япон модели тармоқ ва тармоқлараро кластерларни шакллантириш имко-

нини беради, бу унинг Америка моделидан шубҳасиз устунлиги ҳисобланади.

Умуман олганда, мутахассислар томонидан sanoat кооперациясининг иккита моделини таҳлил қилиб, экспертлар объект сифатида Япониянинг автомобилсозлик sanoati билан АҚШнинг автомобилсозлик sanoatини солиштирганда япон автомобилсозлари ишлаб чиқарилган ҳар бир автомобиль учун америкаликларга нисбатан 300-600 АҚШ долларида кўпроқ даромад олади, деган хулосага келишган.

Таҳлиллардан келиб чиқиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, sanoat кооперацияси соҳасида ривожланган хорижий малакатлар тажрибасини мамлакатимиздаги sanoat корхоналарига аста-секин қўллаш амалиётини фаоллаштириш лозим. Чунки, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг sanoatдаги улуши 27,0 фоизни, қурилишда эса 72,4 фоизни ташкил этади. Эътибор берадиган бўлсак, sanoatнинг улуши қурилиш соҳасига нисбатан 3 баробар орқада қолган. Ваҳоланки, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг sanoatдаги улушини ошириш бўйича етарли имкониятлар мавжуд.

Хулоса ва таклифлар.

Бизнинг фикримизча, sanoat соҳасида кооперация муносабатларини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида қуйидаги камчиликларнинг мавжудлиги миллий sanoat тармоғини ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда:

- sanoat соҳасида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар манфаатлари уйғунлаштирилмаганлиги ва уларнинг молиявий аҳволининг кескин яхшиланмаётганлиги;

- sanoat соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг моддий-техника таъминоти даражасининг яхши ривожланмаганлиги ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатининг нисбатан пастлиги ва таннархининг юқорилиги;

- sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнида кооперацион фаолият ва иштирокчилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар механизмнинг етарли шаклланмаганлиги;

- ҳудудларда ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг бир-биридан кескин фарқ қилиши;

- sanoat соҳасида айрим монополь корхоналарнинг мавжудлиги;

- sanoat соҳасида кооперация аъзолари ўртасида субпудратчилик муносабатларининг яхши ривожланмаганлиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, кичик бизнес субъектларини sanoat фаолиятига кенг жалб этиш, sanoat кооперациясини мустақамлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш мақсадида қуйидагилар кўзда тутилмоқда:

- енгил sanoat индустриясини ривожлантириш;

- sanoatни ривожлантиришда банк кредитлари ҳамда хусусий мулк кафолатлари таъсирчанлигини ошириш;

- sanoatни ривожлантиришда ҳудудий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда бизнесга давлат аралашувини чеклаш;

- маҳаллийлаштириш дастурлари самарадорлигини ошириш ҳамда Халқаро sanoat ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имтиёз ва преференциялардан кенгроқ фойдаланиш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти қўламини кенгайтириш, кичик корхоналар маҳсулотларини экспортга йўналтиришга қўмаклашиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси давлатимизнинг макроиктисодий барқарорлигини таъминлаш билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигига ижобий таъсир этиш, янги иш ўринларини яратиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар

1. Кооперативы в процессе социального развития/Резолюция, принятая Генеральной Ассамблеей 18 декабря 2009 года. <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N09/470/01/PDF/N0947001.pdf?OpenElement>.

2. Кооперация как стиль жизни: опыт организации кооперативной деятельности в Германии. <https://www.agroinvestor.ru/regions/article/25637-kooperatsiya-kak-stil-zhizni-opyt-organizatsii-kooperativnoy-deyatelnosti-v-germanii>

3. Кайдарова Л.К., Оразбаев Е.Ж. Мировой опыт развития кооперации в системе производства, переработки и реализации продукции животноводства в развитых странах /Журнал: Вестник Инновационного Евразийского университета. <https://articlekz.com/article/13552>.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli Farmoni. <https://lex.uz/docs/-3107036>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги "Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6244-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5449564>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги "Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-99-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5836411>.

7. Селиверстов Т.А. Влияние английской и немецкой кооперативной практики на отечественную теорию кооперации. https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=1924

8. Зарубежная практика производственной кооперации и субконтрактации. http://www.yarcs.yartpp.ru/t_zarubezh.htm.

9. Мировой опыт промышленной кооперации в малом и среднем бизнесе. <https://xn--90abkhe5acaqlhe.xn--p1ai/pages/mirovoy-opyt-promyshlennoy-kooperatsii-v-malom-i-srednem-biznese>.

Кичик ва ўрта бизнес соҳасида саноат кооперациясини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси

Нодирбек Расулов,

*DSc (иқтисодиёт фанлари бўйича), доцент,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари,*

Олимжон Бойтураев,

*Наманган муҳандислик – қурилиш институти
докторанти*

Аннотация: мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат кооперациясининг аҳамияти, унинг ривожланиш тенденциялари, иқтисодий моҳияти, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда тутган ўрни очиб берилган. Шунингдек, саноат кооперациясини ривожлантиришда кичик ва ўрта бизнеснинг муҳимлиги ҳамда мазкур соҳани давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашда хорижий тажрибалардан фойдаланиш тўғрисида маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: глобализация, миллий иқтисодиёт, кооперация, саноат кооперацияси, кичик ва ўрта бизнес, хорижий тажриба.

Зарубежный опыт развития промышленной кооперации в сфере малого и среднего бизнеса

Нодирбек Расулов,

*DSc (по экономическим наукам), доцент,
Руководитель проекта Института прогнозирования
и макроэкономических исследований,*

Олимжон Бойтураев,

*докторант Наманганского инженерно –
строительного института*

Аннотация: в статье раскрыты значение промышленной кооперации в развитии национальной экономики, тенденции ее развития, экономическая сущность и роль в обеспечении конкурентоспособности экономики. А также освещена информация о значении малого и среднего бизнеса в развитии промышленной кооперации и использовании зарубежного опыта в дальнейшей поддержке данной отрасли со стороны государства.

Ключевые слова: глобализация, национальная экономика, кооперация, промышленная кооперация, малый и средний бизнес, зарубежный опыт.

Foreign experience in the development of industrial cooperation in the field of small and medium-sized businesses

Nodirbek Rasulov,

*DSc (in Economics), associate professor
Project Manager Institute of Forecasting and
Macroeconomic Research,*

Olimjon Boyturaev,

*doctoral student of Namangan Engineering -
Construction Institute*

Abstract: the article reveals the importance of industrial cooperation in the development of the national economy, its development trends, economic essence, and its role in ensuring the competitiveness of the economy. It also highlights information on the importance of small and medium-sized businesses in the development of industrial cooperation and the use of foreign experience in further support of this industry by the state.

Keywords: globalization, national economy, cooperation, industrial cooperation, small and medium business, foreign experience.

УЎК: 332.14(575.1)

Бунёд ГАФУРОВ,

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,
Камбағалликни қисқартириш механизмлари ва чора-тадбирларини
мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги,
E-mail: bunyodbekgafurov@gmail.com*

Маҳаллаларга “Лидер тадбиркор”ларни бириктириш орқали ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш имкониятлари

Кириш. Барчамизга маълумки, иқтисодиётнинг “олтин қондаси” чекланган ресурслар шароитида инсонларнинг чексиз эҳтиёжларини кўпроқ қондириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, барча давлатлар мавжуд табиий-ресурслари, имкониятлари, шарт-шароит ва қулайликларидан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатнинг “иқтисодий ўсиши”ни таъминлаш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ҳаракат қилади.

Кўзланган мақсадларга эришиш учун ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилиб, уларнинг қанчалик самарали бўлиши, уни амалга ошириш механизмларининг пухта ишлаб чиқилганлигига, натижадорлигига боғлиқ бўлади. Иқтисодий ислохотлар ҳудудлар ёки микроҳудуд доирасида амалга оширилиши натижадорликни оширади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, иқтисодиётни давлат томонидан самарали бошқаришга маҳаллий хусусиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилгандагина эришилади [1].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ҳудуднинг иқтисодий барқарорлиги ундаги микро ҳудудларга ва маҳаллий органларга боғлиқлиги бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Уларга Caroline Andrew, Michael Goldsmith, John J.Gargan, Т.М.Ахмедовларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Уларнинг таъкидлашича, иқтисодий география ва ҳудудлар иқтисодиётида “ҳудуд” атамаси кўп

маъноларда қўлланилади. Илмий адабиёт ва даврий нашрларда ушбу атамдан “туман” тушунчаси секин-асталик билан сиқиб чиқарилмоқда.

“Ҳудуд” тушунчаси нисбатан эгилувчан ҳисобланади. Т.М. Ахмедовнинг фикрига кўра, энг аввало, ўз ҳокимияти ва бошқарув органларига эга бўлган ижтимоий – иқтисодий ва моддий – ҳудудий тизимларни ўзида акс эттирувчи аниқ бир мақсадга йўналтирилган минтақавий бирликларни ҳудуд деб тан олиш керак [2].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 350-сонли қонунининг 6-моддасига мувофиқ маҳаллалар фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликлари сифатида кўрсатилган [3]. Шу билан бирга, маҳалла ўзининг ҳудуди доирасида амал қиладиган қарорларни қабул қилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистондаги “маҳалла”ларни микроҳудуд сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чораларини кўриш мамлакат иқтисодий ривожланишига замин яратади.

Иқтисодчи олимлар томонидан “Иқтисодий ривожланиш” дейилганда мамлакатнинг ишлаб чиқаришни аҳоли ўсиш суръатларидан юқорироқ суръатларда ошириш таъкидланган, ривожланиш жараёнининг миқдорий ўлчови сифатида “иқтисодий ривожланиш даражаси” тушунчаси хизмат қилган ва у мамлакат миллий даромадини унинг аҳоли сонига бўлиш орқали аниқланади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқот ишида эмпирик, кузатиш, синтез, индукция ва дедукция ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Бунда маҳаллада олиб борилаётган ислохотлар ва чора-тадбирлар эмпирик кузатилиб, таҳлил қилинди. Шунингдек, маҳаллаларнинг иқтисодий кўрсаткичларининг хусусий тадқиқларидан умумий тадқиқлари амалга оширилди. Бундан ташқари, маҳаллаларнинг статистик кўрсаткичларини илмий ва амалий таҳлил қилиш натижасида бир қатор асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилишига эришилди.

Таҳлил ва натижалар. Миллий даромаднинг ўсиш суръатлари қанчалик юқори бўлса, аҳолининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ортган мамлакатда иқтисодий ривожланиш даражаси тез суръатлар билан ошиб боради.

Айтиш жоизки, ҳудудий сиёсатни амалга ошириш шаклларида бири ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ҳисобланади [4].


Мазкур йўналишда сўнгги йилларда “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилиб, турли вазирлик ва идоралар маҳалла даражасига қадар тушиб, ўзига юклатилган вазифаларни бажармоқдалар.

Ҳар доим ҳам бўш капитал ва тадбиркорлик қобилиятлари бир шахсда учрайвермаслиги барчага маълум. Тадбиркор инсоннинг қобилиятидан унумли фойдаланиш, унинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ҳисобига бўш турган меҳнат ва бошқа ресурсларни иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш имкониятларини ишга солишда давлатнинг тартибга солиш функциялари самарали иқтисодий натижаларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги “Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5214-сон қарори билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортада қолаётган, ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш мақсадида маҳаллаларга “лидер тадбиркор”ларни бириктириш механизми йўлга қўйилди.

Бунинг учун, Андижон вилоятида 210 та “оғир” маҳаллага 40 миллион, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар учун 500 та “оғир” маҳал-

лаларга 100 миллион АҚШ доллари миқдоридан давлат бюджетидан маблағлар ажратилди. Тижорат банклари томонидан “лидер тадбиркор”ларга 3 йил муддатгача йиллик 10 фоиз ставкада битта маҳалла учун 2 миллиард сўмгача миқдорда кредитлар ажратилиши белгилаб қўйилди (1-расм).



1-расм. “Маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этиладиган маҳаллалар сони

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган “лидер тадбиркорлар”га имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун бириктириш белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, “лидер тадбиркор”га озгина имконият яратиш, унинг қобилият ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш имкониятларидан фойдаланган ҳолда, янги иш ўринларини яратиш, пировардида аҳоли даромадларини ошириш усулидан фойдаланилди.

Ҳудудларнинг статистик, эмпирик илмий таҳлиллари кўрсатишича, ҳар бир микро ҳудудларнинг ўзига хос иқтисодий “ўсиш нуқталари”дан самарали фойдаланиб келаётган, тадбиркорлик қобилияти яхши шакланган “лидер тадбиркор”лар мавжуд. Уларда катта амалий тажрибалар йиғилган. Шу билан биргаликда, бу тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини янада кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича янги лойиҳалари ҳам мавжуд. Уларнинг лойиҳаларини амалга оширишдаги муаммоларини бартараф этиш ва қўллаб-қувватлаш орқали ҳудуддаги мавжуд бўш меҳнат ресурсларининг бандлигини таъминлаш томонларнинг ҳар бири учун ҳам манфаатли ҳисобланади.

Айнан шу мақсадда, мазкур тизимни худудлардаги “лидер тадбиркор”ларни аниқлаб, уларга иқтисодий дастакларни тадбиқ қилиш, ўзининг инвестициясини маҳаллага йўналтиришни ташкил этиш орқали микро худуд иқтисодиётини ривожлантириш имконияти сифатида амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқот иши давомида мазкур йўналиш бўйича Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПҚ-5214-сон қарорига мувофиқ, Сурхондарё вилоятида танлаб олинган 47 та “оғир маҳаллаларга 57 та “лидер тадбиркор”лар бириктирилган бўлиб, уларга 82,7 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилиши режалаштириб олинган.

Бугунги кунда 47 та “лидер тадбиркор”ларга 50,6 млрд сўм кредит ажратиб берилган, 14 та “лидер тадбиркор”га кредит ажратиш жараёни амалга оширилаётган бўлса, 10 тасига турли сабабларга кўра кредит ажратилмаган (1-жадвал).

1-жадвал

Сурхондарё вилоятида танлаб олинган “оғир” маҳаллаларга бириктирилган “лидер тадбиркор”ларга ажратилган кредитлар

№	Туман шаҳар номи	Лидер тадбиркор сони	Ресурс маблағи (млн.сўм)	Ажратилган кредит		Кредит ажратиш жараёнида		Кредит ажратилмаган	
				сон	сумма	сон	сумма	сумма	сумма
ЖАМИ		57	82 700	47	50 606	14	10 905	10	15 860
1	Ангор	4	5 100	4	4 600	1	500	0	0
2	Бандихон	4	5 750	3	2 250	1	1 000	1	1 500
3	Бойсун	4	8 400	4	4 831	1	1 690	0	0
4	Денов	3	7 000	3	3 400	1	1 200	0	0
5	Жаркўрган	4	5 450	4	5 090	1	360	0	0
6	Қизирик	6	4 000	4	3 740	0	0	2	3 260
7	Қумқўрган	3	5 000	1	1 410	1	90	2	3 500
8	Музработ	4	9 500	3	2 650	3	2 850	1	2 000
9	Олтинсой	3	4 950	2	3 150	0	0	1	1 800
10	Сариосиё	4	5 450	3	3 600	2	850	1	1 000
11	Термиз тум.	6	7 400	4	3 550	0	0	2	2 800
12	Узун	4	4 700	4	4 700	0	0	0	0
13	Шеробод	4	3 400	4	3 400	0	0	0	0
14	Шўрчи	4	6 600	4	4 235	3	2 365	0	0

Манба: Сурхондарё вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, вилоятнинг Қумқўрган туманида битта “лидер тадбиркор”га 1,4 млрд.сўм ажратилган бўлса, иккита “лидер тадбиркор”ларга дастурга киритилган бўлишига қармасдан 3,5 млрд.сўмлик кредитлар ажратилмасдан қолмоқда. Мазкур ҳолат, тадбиркорларнинг бизнес режалари пухта эмаслиги, кредит ажратиш жараёнидаги “бюрократик” тўсиқлар, сансоларликлар мавжудлигини кўрсатади ҳамда ажратилмаган ушбу маблағлар ўтган вақт давомида жуда кўп оилаларнинг даромадларини оширишга хизмат қилиши мумкин эди.

Худди шунингдек, тижорат банклари томонидан Қизирик туманида 2 та тадбиркорга 3,3 млрд. сўм, Термиз туманида 2 та тадбиркорга 2,8 млрд. сўм, Музработ туманида битта тадбиркорга 2,0 млрд.сўм, Бандихон туманида битта тадбиркорга 1,5 млрд.сўм кредитлар ажратилмаганлиги янги иш ўринлари яратилмаслигига олиб келган.

“Лидер тадбиркор”ларга ажратилган кредитлар йўналишлар бўйича таҳлил қилинганида, асосий кредитлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўналишида ажратилганлиги маълум бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Сурхондарё вилоятида “оғир” маҳаллаларга бириктирилган “лидер тадбиркор”ларга ажратилган кредитларнинг йўналишлар бўйича тақсимланиши

№	Туман шаҳар номи	Жами қамраб олинган		Иссиқхона йўналишида		Паррандачилик йўналишида		Тиқувчилик ва тўқувчилик йўналишида	
		маҳалла сони	хонадон сони	маҳалла сони	хонадон сони	маҳалла сони	хонадон сони	маҳалла сони	хонадон сони
ЖАМИ		44	2 592	25	1 119	17	1 363	1	100
1	Ангор	4	340	3	140	1	200		
2	Бандихон	4	380			3	280	1	100
3	Бойсун	2	152	1	45	1	107		
4	Денов	3	135	3	135				
5	Жарқўрган	2	91	1	36	1	55		
6	Қизирик	3	175	1	40	2	135		
7	Кумқўрган	3	173	3	173				
8	Музработ	4	210	3	160	1	50		
9	Олтинсой	3	173	1	22	2	151		
10	Сариосиё	4	215	3	165	1	50		
11	Термиз тум.	3	172	1	62	1	110		
12	Узун	3	111	2	56	1	45		
13	Шеробод	3	135	1	15	1	120		
14	Шўрчи	3	130	2	70	1	60		

Манба: Сурхондарё вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Ажратилган кредитлар натижасида 44 та маҳалланинг 2,6 мингта аҳоли хонадонларида кооперация асосида тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. **Жумладан:**

- хонадонларда иссиқхона ташкил этиш йўналишида – 25 та маҳаллага бириктирилган “лидер тадбиркор”ларга 25,6 млрд сўм кредит ажратилиб,

1,1 минг аҳоли хонадонларида лимон ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштириш йўлга қўйилган;

- паррандачилик йўналишида – 17 та маҳаллага бириктирилган “лидер тадбиркор”ларга 16,2 млрд сўм кредит ажратилиб, 1,4 минг аҳоли хонадонларида тухум, гўшт ва жўжа етиштириш фаолияти йўлга қўйилган.

- тиқувчилик ва гиламчилик йўналишларида – 2 тадан 4 та ва балиқчилик йўналишида битта маҳаллага бириктирилган “лидер тадбиркор”ларга ажратилган кредитлар ҳисобига 210 та хонадон кооперация асосида фаолият юритиш учун қамраб олинган (2-расм).



2-расм. Сурхондарё вилоятида кооперация асосида “лидер тадбиркор”лар билан иш бошлаган хонадонлар улуши (фоизда)

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Сурхондарё вилоятининг иссиқ иқлими, қулай шароити кредитларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилишига олиб келган бўлиши мумкин, бироқ, ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини мақсад қилган эканмиз, бошқа соҳалар, айниқса кичик ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда “лидер тадбиркорлар” фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, “оғир” маҳаллалар тоифасидан чиқариш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан:

- тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредит ажратиш жараёнидаги “бюрократик” тўсиқлар, сансоларликларнинг мавжудлиги уларнинг ишни бошлаш истагини камайтиради;

- тадбиркорлар бизнес режаларининг пухта эмаслиги ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқаради;

- аҳолининг тадбиркорлар билан кооперация асосида ишлашга қўрқуви мавжуд, улар ўртасидаги муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида тартибга солиниши белгиланган;

- ажратилган кредитлар тор доирадаги йўналишлар (кишлоқ хўжалиги, паррандачилик, тўқувчилик) учун йўналтирилганлиги, маҳаллаларда кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари қамраб олинмаганлигини кўрсатади;

- онлайн хизматлар кўрсатиш ёки интеллектуал меҳнат талаб қиладиган соҳаларга эмас, балки, қўл меҳнатига асосланган фаолият турлари учун кредитлар ажратилган;

- ажратилган кредитларнинг назорат механизми суғлиги сабабли, тадбиркорлар томонидан берилган ваъдаларнинг бажарилмаслиги хавфи мавжуд;

- аҳолининг тадбиркорлик кўникмалари етишмаслиги сабабли, фақатгина тадбиркор томонидан берилган топшириқларни бажаради, янги бизнес ғоя ва ташаббусларни амалга оширишга қийналади.

Юқорида кўрсатилган камчиликлар маҳаллада тадбиркорлик муҳитининг ривожланишини ортга суради, натижада “лидер тадбиркор” ҳамда у билан кооперация асосида ишлаётган хонадонлар даромадини камайтиради.

Мамлакатимизда номолиявий ташкилотлар сектори ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўрни жуда каттадир. Шу сабабдан, ушбу соҳанинг ривожланишига ҳукуматимиз томонидан жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллабай ишлаш тизими маҳаллалардаги муаммолар, аҳоли турмушидаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этиш, ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, маҳалланинг “ўсиш нукта”ларини аниқлаш имконини беради. Шу асосда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ҳаёт

тарзидан келиб чиқиб, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ва камбағалликни қисқартириш режалари ишлаб чиқилади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқотимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли ва “лидер тадбиркор”лар ўртасида кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда бу орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни билдирамыз:

Биринчи. Маҳаллаларнинг “ўсиш нукта”ларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорликни ривожлантиришда, қўшимча қиймат яратишга эътибор қаратиш. Бу орқали хонадонларда етиштирилган маҳсулотлар хом-ашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида бозорга чиқарилишига эришилади.

Натижада, маҳаллада етиштирилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўшимча қиймат яратиш учун кичик ишлаб чиқариш лойиҳалари кўпаяди ҳамда янги иш ўринлари яратилади.

Иккинчи. Аҳоли билан кооперация асосида ишлайдиган “лидер тадбиркорлар”нинг табиий пайдо бўлишига эришиш учун мавжуд тартибларни соддалаштириш керак. Тадбиркорларнинг аҳоли билан кооперация асосида ишлаши бўйича соддалаштирилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим.

Бунда маҳаллада тадбиркорлик қилиш истагида бўлган тадбиркорларга давлат томонидан ҳеч қандай шартларсиз, бозор механизмлари асосида ишлаш имкониятини яратишни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Учинчи. Тадбиркорлик субъектларини молиявий соғломлаштириш, аҳолининг бизнесга оид билим ва кўникмаларини ошириш учун бизнес акселераторлар ташкил қилиш (“Аструм” АТ маркази мисолида)ни жадаллаштириш.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий йилнинг олти ойи давомида Сурхондарё вилоятида янги ташкил этилган якка тартибдаги тадбиркорларнинг 30,7 фоизи турли сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган. Жумладан, Сариосиё (30,4 фоиз) ва Термиз (30,3 фоиз) туманларида ҳамда Шўрчи (29,5 фоиз), Қумқўрғон (27,6 фоиз), Музработ (22,8 фоиз), Жарқўрғон (22,3 фоиз), Ангор (21,2 фоиз) ва Денов (20,2 фоиз) туманларида фаолиятини тўхтатган.

Фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, билим ва кўникмаларининг

етишмаслиги, бозорга мослаша олмаганлигини кўрсатган.

Тўртинчи. Кооперация асосида “лидер тадбиркор”лар билан аҳоли ўтрасида тадбиркорликни ташкил этишда маҳаллалардаги кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда маҳаллаларнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда кўп соҳали тадбиркорликнинг ривожланишига эришилади.

Бешинчи. Маҳаллаларнинг ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда “лидер тадбиркор” ва кичик тадбиркорлик субъектлари учун микрохудоудлар ташкил этиш.

Бунда, маҳалла ҳудудида бўш турган бино ва ерларда микрохудоудларни ташкил этиш орқали уй шароитида кичик тадбиркорлик билан шуғулланаётган хонадонлар фаолиятини ушбу микрохудоудларда кенгайтирилишига эришиш мумкин. Турли йўналишларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг бир ҳудудда бўлиши уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришда “бир-бирини тўлдириб бориш” имконини беради.

Олтинчи. Тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредит ажратиш жараёнидаги “бюрократик” тўсиқлар ва сансоларликларни қисқартириш. Ҳар йили давлат томонидан аҳоли тадбиркорлигини молиялаштириш бўйича турли дастурлар параметрлари қабул қилинади, бу орқали миллиардлаб маблағларни кредит сифатида ажратиш белгиланади. Тижорат банклари “банklar мижоз учун” тамойили асосида ишлаб, ўз вақтида кредитлар ажратилишини ташкил этиб борса, янги иш ўринларини ўз вақтида яратиш имконияти ошади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳудоудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун маҳаллаларда аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш лозим. Тадбиркорлик субъектларининг бозор механизмлари асосида пайдо бўлишига эришиш керак. Бунинг учун давлат томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга оид қабул қилинадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, “ўйин қоидалари”ни маҳалла даражасида тадбиркорга таъсирини баҳолаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилиши лозим.

“Лидер тадбиркор” имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали тадбиркорликни ривожлантириш энг оптимал усуллардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, юқорида келтирилган таклифларни амалиётда қўллаш, келгусида бу методиканинг

нафақат самарадорлиги, балки тўғри танланганлигини кўрсатиб беради.

Манба ва адабиётлар

1. *Caroline Andrew and Michael Goldsmith. Local Government to Local Governance: And beyond? International Political Science Review / Vol. 19, No. 2, New Trends in Municipal Government. (Apr., 1998), pp. 101-117*

2. *Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. Ташкент: Фан, 1992. С. 8*

3. *Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 350-сонли қонуни <https://lex.uz/uz/pdfs/2156899>*

4. *John J. Gargan. Handbook of Local Government Administration. Book Published 29 September 2019. New York. P. 410-424.*

Маҳаллаларга “Лидер тадбиркор”ларни бириктириш орқали ҳудоудларни иқтисодий ривожлантириш имкониятлари

Бунёд Гафуров,

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш механизмлари ва чора-тадбирларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Аннотация: мазкур мақолада аҳолининг фаровонлигини таъминлашда мамлакатнинг микро ҳудоуди ҳисобланган маҳалланинг иқтисодий ривожланиш имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари илмий таҳлил этилган. Маҳаллани иқтисодий ривожлантиришга салбий таъсир қилувчи омиллар аниқланган. Шунингдек, маҳаллада ижобий натижаларга эришган ва барқарор тадбиркорлик фаолиятини юритаётган “лидер тадбиркор”ларга тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларни бириктириш орқали маҳалладаги фуқароларнинг даромадларини ҳамда аҳолининг фаровонлигини ошириш усулларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий тадқиқот олиб борилган. Шу билан биргаликда, тадқиқот натижаларига кўра, маҳаллаларга “лидер тадбиркор”ларни бириктириш орқали ҳудоудларни иқтисодий ривожланти-

риши имкониятларини ошириши бўйича асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳудуд, ҳудудларни иқтисодий ривожлантириши, маҳалла, лидер тадбиркор, аҳоли даромадларини ошириши, камбағаллик, камбағалликни қисқартириши.

Возможности экономического развития регионов за счет присоединения «предпринимателей-лидеров» к микрорайонам

Бунёд Гафуров,

Министерство экономического развития и сокращения бедности,

Начальник управления координации механизмов и мер по сокращению бедности

Аннотация: в статье научно анализируются вопросы эффективного использования возможностей экономического развития махалли страны, в обеспечении благосостояния населения. Выявлены факторы, негативно влияющие на экономическое развитие махалли. Также было проведено научное исследование по направлениям улучшения доходов граждан махалли и повышения благосостояния населения путем подключения граждан, желающих заниматься бизнесом, к «лидерам-предпринимателям», добившимся положительных результатов и ведущих стабильной хозяйственной деятельности по соседству. Вместе с тем, по результатам исследования были выработаны обоснованные предложения и рекомендации по увеличению возможностей экономического развития регионов за счет прикрепления к махалле «лидеров-предпринимателей».

Ключевые слова: регион, экономическое развитие регионов, махалла, ведущий предприниматель, рост доходов населения, бедность, сокращение бедности.

Opportunities for the economic development of regions by attaching "Leader entrepreneurs" to neighborhoods

Bunyod Gafurov,

Ministry of Economic Development and Poverty Reduction, Head of the Department of Coordination of Poverty Reduction Mechanisms and Measures

Abstract: this article scientifically analyzes the issues of effective use of the economic development opportunities of the neighborhood, which is considered a micro-region of the country, in ensuring the welfare of the population. Factors that negatively affect the economic development of the neighborhood have been identified. A scientific study was also conducted on ways to improve the income of the citizens of the neighborhood and increase the well-being of the population by connecting the citizens who want to do business with the "leader entrepreneurs" who have achieved positive results and are conducting stable business activities in the neighborhood. At the same time, according to the results of the research, reasonable proposals and recommendations were developed to increase the opportunities for economic development in the regions by attaching "leading entrepreneurs" to the neighborhoods.

Keywords: region, regional economic development, neighborhood, leading entrepreneur, increase in population income, poverty, poverty reduction

УЎК: 334.722.330.43(575.1)

Зулфия ХУСАНОВА,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Андижон давлат университети катта ўқитувчиси,
E-mail: pushkina0990@gmail.com

Аёллар тадбиркорлиги фаолиятини ривожлантириш

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида мамлакатлар миллий инсон капиталидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишларининг бири сифатида “Гендер иқтисодиёти” шаклланиб, ўзига хос ривожланиш босқичларини босиб ўтмоқда. Бунда аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, аёллар тадбиркорлиги корхоналари бошқаруви самарадорлигини ошириш, уларнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хусусан, аёллар тадбиркорлиги корхоналари бошқаруви самарадорлигини ошириш бўйича жаҳон мамлакатларида мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши натижасида ушбу соҳани барқарор ривожлантиришга эришилмоқда [1]. Тараққий этган мамлакатлар ЯИМ таркибида кичик ва ўрта бизнеснинг улушида аёллар тадбиркорлиги ҳиссаси ўрта ҳисобда 50-60 фоизни ташкил этади. Жумладан, АҚШ ва Германия мамлакатлари ЯИМда кичик ва ўрта бизнеснинг улушида аёл тадбиркорларнинг ҳиссаси 50-52 фоизни ташкил этса, Италияда ушбу кўрсаткич 60 фоиз, Японияда эса 55 фоизга тенг [2].

Замонавий иқтисодий муносабатлар тизимида аёллар тадбиркорлиги фаолиятининг ривожланиши жаҳон хўжалигида глобал миқёсдаги “сокин инкилоб”нинг вужудга келиши билан бир қаторда кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги динамиклик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Тараққий этган мамлакатларда постиндустриал жамиятнинг шаклланиши жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасининг кескин ривожланиш тенденциялари намоён бўлди. Бунда кичик ва ўрта бизнеснинг улуши ортиб борган ҳолда, мамлакат иқтисодиётида инсон ресурсларидан максимал даражада самарали фойда-

ланиш зарурияти вужудга келди. Натижада аёллар тадбиркорлиги фаолиятининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратила бошланди.

Адабиётлар шарҳи. Аёллар тадбиркорлиги фаолиятининг моҳиятини тўлиқ англаб етиш, мамлакат иқтисодиётида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг самараси ва ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг оптимал даражадаги ечимларини топиш учун тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни бошқаришнинг назарий жиҳатларини билиш ва ўрганиш талаб этилади. Иқтисодий адабиётда тадбиркорлик тўғрисидаги илмий қарашларни умумий ҳолда таҳлил этадиган бўлсак, бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари бир-бири билан узвий боғланган, бир хилдаги ижтимоий-иқтисодий асосларга ва тамойилларга эга бўлган иқтисодий категория ҳисобланади.

XVIII асрда Р.Кантильон томонидан иқтисодий адабиётга “тадбиркорлик” тушунчаси киритилади. Унинг фикрига кўра, тадбиркор бозор имкониятларини тўлиқ англай оладиган шахс бўлиб, у юқори фойда олиш мақсадида ушбу имкониятлардан тадбиркорлик билан фойдаланади. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик бозордаги мавжуд талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатдан келиб чиққан ҳолда иш тутиш зарурлигига ишора қилади [3].

Классик иқтисодий мактаб вакилларида А. Смит фикрига кўра, “тадбиркор – бу қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадидаги иқтисодий таваккалдир, унинг ўзи ишлаб чиқаришни режалаштиради, ташкил қилади ва натижаларни ўзи тасарруф этади” [4]. Мазкур ҳолат ўз навбатида классик мактаб иқтисодчи олимлари томонидан илгари сурилган рақобатнинг эркинлиги ҳолати бозор иқтисодиётининг муҳим шарти эканлигидан далолат беради.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш жараёнларига тегишли бўлган назарий қарашлар ривожланишининг турли босқичларида иқтисодий адабиётда “тадбиркор”, “бизнесмен”, “бизнесвумен” каби иқтисодий категориялар талқин этила бошланди. Хусусан, С. Брю ва К. Макконелл томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи, иқтисодий муносабатларда катализатор вазифасини бажарувчи, бизнес юритишда тўғри қарорларни қабул қилувчи, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни жорий этувчи ва шу билан бир қаторда янги маҳсулот ва хизмат турларини ишлаб чиқаришга интилувчи, риск қилишга мойиллиги бўлган шахс тадбиркор сифатида қаралган [5].

Амалга оширган тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, айрим иқтисодий адабиётларда “бизнес” ва “тадбиркорлик” тушунчалари ўзаро фарқланади. Масалан, бизнес – бу даромад келтирувчи фаолият шакли ҳисобланади [6], тадбиркорлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш, уни бошқариш жараёнида ўзига хос устунликлардан фойдаланган ҳолда юқори даромад олиш ҳисобланади [7].

Маҳаллий иқтисодчи олим С.С.Ғуломов тадбиркорлик тушунчасига куйидагича таъриф беради: “тадбиркор шундай инсонки, у тўла ёки қисман ўз моддий маблағига ёки молиявий ресурсларига эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз ишини (бизнесини) ташкил қилиш учун ишга солади. Улар томонидан бунёд этилган фирма давлатимиздаги тараққий этаётган кичик бизнеснинг бир қисмига айланади” [8]. Олим томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолияти кичик бизнес корхоналарини бошқаруви жараёнида юзага келадиган инсоний фазилат ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар А.Ўлмасов ва М. Шарифхўжаевлар фикрича, “Тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омилдир” [9]. Бунда тадбиркорлик фаолиятининг сифатига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, инсондаги мазкур хусусият тегишли даражада шакллантирилмаса, иқтисодий ўсишга эришилмаслиги асосланади. Ш.Шодмонов эса тадбиркорликни шакли ва соҳасидан қатъий назар фойда олиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолият, деб баҳолайди” [10].

Юқорида келтирилган маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини тушунтиришга қаратилган қарашларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, бунда даромад топишнинг муҳим омили сифатида тадбиркорликнинг қўйилишидир. Мазкур вазиятда тадбиркорлик инсоний фазилат эмас, балки иқтисодий субъект сифатида баҳоланган. Ваҳоланки, тадбиркорлик фаолияти кичик бизнес субъектлари вакиллари ёки уларнинг бошқарувчилари учун хос бўлган хусусият ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолияти бу инсоний қобилиятдир. Бу фикримизга асос сифатида айтишимиз мумкинки, иқтисодчи олим Е.О. Макарова томонидан олиб борилган тадқиқотлари натижаларида инсон қобилиятларининг даромад келтирувчи манбаси сифатида меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти келтириб ўтилган [11].

Россиялик иқтисодчи олим А. В.Алимпиева [12] томонидан бизнес соҳасида аёлларнинг стратегик хусусиятлари ҳамда тадбиркорликнинг оилавий фаолиятига таъсирини ўрганган, А. В.Орлова [13] асосан аёллар тадбиркорлигининг ривожланишида маълумотлар манбасига ва эмпирик таҳлил этиш методикасига эътибор қаратган. Р.И.Семенов ва З.И.Райманова [14]ларнинг тадқиқот ишларида аёллар тадбиркорлигининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ва тўхтатувчи тўсиқлар таҳлил қилинган.

Бошқа бир олим Ю.С.Семёнова [15] катта ва ўрта ёшдаги олий маълумотли аёллар тадбиркорлик фаолиятида юқори натижаларга эришишга муваффақ бўлишади, деб хулоса қилган. Ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш учун улар зарур молиявий ресурслари ва алоқаларидан фойдаланган ҳолда, юқори малакавий қобилиятларига, бошқарувчилик тажрибасига эга бўлганликлари учун, аёлларнинг мустақил ижодий изланувчанлиги ва ташаббускорлиги намоён бўлади, деб таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, “аёллар тадбиркорлиги – бу иқтисодий категория сифатида замонавий бозор иқтисодиёти шароитида янги шаклда хўжалик фаолияти юритаётган, мустақил ҳисобланган, ўта мослашувчан кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланиб, улар корхона фаолияти бошқарувини ташкил этишда илм-фан ютуқларини амалиётга жорий қилишга интилиши юқори ва бу борадаги ахборотлар билан тўлиқ танишиш имкониятига эга бўлган, иннова-

цияларни ўзлаштирувчи ва ихтиро қилувчи иқтисодий субъектлар ҳисобланади” [16].

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони [17]да таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, жумладан, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш вазифаси белгилаб берилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугунги кунда аёллар тадбиркорлиги барқарор ривожланиш кўрсаткичига эга бўлди. Аёллар тадбиркорлиги мамлакатимизда асосан хизмат кўрсатиш ва энгил саноат тармоқларида кенг ривожланиб келмоқда. Хусусан, тўқимачилик (текстиль) соҳасида аёллар томонидан ташкил этилган ва бошқарилаётган фирмалар томонидан юқори иқтисодий натижаларга эришилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тўқимачилик соҳасида аёллар тадбиркорлиги фаолиятини барқарор ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади. Мазкур вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда, хусусан, Андижон вилоятида тўқимачилик саноатида аёллар тадбиркорлигининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилдик. Таҳлиллар янада аниқ ва эришилган натижалар тўлиқ илмий асосга эга бўлишини таъминлаш мақсадида, Андижон вилоятида тўқимачилик соҳасида тадбиркор аёл томонидан ташкил этилган “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасида эришилган иқтисодий натижаларни ўрганиб чиқдик.



1-жадвал
Андижон вилояти “MILANA TEXTILE” МЧЖ
корхонасида ёлланиб ишловчи
ходимлар тўғрисида маълумот [18]

Кўрсаткичлар номи	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
Корхона ходимлари сони	6	16	55	268	241	251
шундан, аёллар сони	6	14	53	265	234	240
Корхонада олий маълумотли ходимлар сони	1	2	2	2	6	5
шундан, олий маълумотли аёллар сони	1	2	2	2	3	3

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аёл тадбиркор томонидан ташкил этилган “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонаси 2016 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб 6 та иш ўрни яратилган. Бугунги кунда корхонада яратилган иш ўринлари сони 250 тадан ортиқ ҳисобланади. Корхонада жами банд бўлган ёлланиб ишловчиларнинг 95,6 фоизини аёллар ташкил этади. Жумладан, корхонада фаолият юритаётган олий маълумотли кадрларнинг 60 фоизи ҳам аёллардир (1-жадвалга қаранг).

Ўрганилаётган даврда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсиш суръатига эга бўлган. 2016 йилда корхонанинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 8 000 та маҳсулотга тенг бўлган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 13 млн.дан ортди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўртача бир аёл ишчи учун тўғри келадиган ҳажми мос равишда 3,9 та маҳсулотдан 150,4 та маҳсулотга етди (1-расмга қаранг).



1-расм. Андижон вилояти “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми бўйича маълумот [19]

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2016-2021 йилларда корхона раҳбари томонидан фирма фаолиятини диверсификациялаш ва ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини оширишга қаратилган амалий ишларнинг тизимли равишда узлуксиз амалга оширилиши, ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарувида инновацион ёндашувга устуворлик қаратилганлиги сабабли, корхона самарали фаолият юритиб келмоқда. Корхона раҳбари томонидан уни ривожлантиришга қаратилган амалий ҳаракатлар натижасида, бугунги кунда корхонанинг устав капитали ҳажми 3 млн сўмдан 3 674 094 минг сўмга етди. Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситалар қиймати 11 045 минг сўмдан 5 220 789,89 минг сўмга ортди. Таҳлил этилаётган даврда корхонанинг соф фойдаси ҳажми 428 минг сўмдан 771 044,38 минг сўмга ўсганлиги кузатилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Андижон вилояти “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонаси асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот [20] (минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й
Устав капитали	3000	3000	785120,6	785120,6	3674094	3674094
Асосий воситалар	-	11045	289473	4480726,02	4480726,02	5220789,89
Соф фойда	428	6437	123916,87	1812022,2	1345518,7	771044,38

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Андижон вилояти “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонаси фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги омиллар ҳисобига таъминланган:

- корхона бошқарувининг мунтазам такомиллаштирилиб борилиши;
- корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш;
- кадрларнинг касбий тайёргарлиги ва уларнинг малакасига қўйиладиган талабларнинг ортиши;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот дизайни ва сифатининг такомиллашиб бориши ва ҳ.к.

Тадқиқот натижаларига янада аниқлик киритиш ва аёллар тадбиркорлигининг бошқарув механизми такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқариладиган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг асослигини кучайтириш мақсадида корхона раҳбари ва унинг ходимлари ўртасида фирма фаолиятини янада ривожлантириш ва унинг иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятлари ўрганилди. Амалга оширилган сўровномалар натижаларига кўра, қуйидаги муаммолар аниқланди:

- ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги (ичве);
- истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятининг пастлиги (итқп);
- импорт маҳсулотлари билан ўзаро рақобат (имбўр);
- хомашё ресурсларининг етишмаслиги (хре);
- экспорт имкониятларининг пастлиги (эип);
- кадрлар салоҳиятининг пастлиги (ксп);
- энергия таъминоти билан боғлиқ муаммолар (эббм);
- бошқалар.

Юқорида келтирилган корхона бошқаруви ва унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларнинг боғлиқлиги кўрсаткичи таҳлил қилинди. Таҳлил жараёнида қуйидаги экспоненциал регрессион функциядан фойдаланилди:

$$\hat{y}_i = a_0 e^{a_1 i} + z \quad (1)$$

Бу ерда:

\hat{y}_i – респондентларнинг i омилнинг танлаш частотаси;

a_{0p} , a_{1i} – энг кичик квадрат методи орқали ҳисобланган регрессия коэффициенти кўрсаткичи;

t – вақт оралиғи (йилда);

a_{1i} – респондентлар томонидан танланган i омилнинг ўртача йиллик таъсирининг ўсиши кўрсаткичи;

$a_{0i} - t=0$ бўлганда (базавий йилда) танланган i омил кўрсаткичи.

Сўнгги беш йил мобайнида “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонаси фаолиятига оид бўлган маълумотлар, жумладан корхона раҳбари ва фирмада у ташкил этилган даврдан буён ишлаб келаётган ёлланиб ишловчилар ўртасида амалга оширилган сўровнома натижаларига таянган ҳолда экспоненциал регрессион функция (1) ёрдамида корхонанинг бошқаруви ва иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар қисий таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилди.

Амалга оширилган таҳлиллар натижаларига таянган ҳолда, Андижон вилоятида аёл тадбиркор раҳбарлигида бўлган “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасининг бошқарув амалиётини такомиллаштириш орқали уни барқарор ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Ҳисоб-китобларга кўра, корхонанинг ривожланиш кўрсаткичи 50-60 фоиз паст нархларда импорт маҳсулотларининг кириб келиши, ишлаб чиқариш воситалари етишмаслиги ва кадрлар салоҳиятининг пастлиги билан боғлиқ ҳисобланиб, раҳбарнинг корхона бошқаруви амалиётида инновацион ёндашуви ҳисобига ушбу кўрсаткич йилига ўртача 12,9-10,3 фоизга туширилмоқда.

3-жадвал


“MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасининг бошқаруви амалиёти ва иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлили [21, 17-бет]

Омиллар	Модель тенгламаси	Детерминация коэффициенти (R^2)	Фишер мезони (F)	F мезонинг боғлиқлик даражаси	кўрсаткичлар	
					a_0	a_1
ичве	Экспоненциал $y=85,34e^{-0,042t}$	76,83	46,42	0,000013	85,34	-0,042
иткп	Логарифмик $y=-22,57\ln t + 71,83$	81,70	62,61	0,000000	71,83	-22,569
имбўр	Чизикли $y=2,059t+9,75$	60,10	21,11	0,000000	9,75	2,059
хре	Экспоненциал $y=49,67e^{-0,109t}$	60,80	21,69	0,000000	49,67	-0,109
эип	Чизикли $y=0,497t+6,40$	25,00	4,67	0,048000	6,40	0,497
ксп	Экспоненциал $y=6,19e^{0,122t}$	49,70	13,84	0,002000	6,19	0,122
этббм	Экспоненциал $y=7,54e^{-0,102t}$	67,00	78,47	0,000000	7,54	-0,102
бошқалар	Экспоненциал $y=9,1e^{-0,07t}$	36,60	8,098	0,013000	9,10	-0,070

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-расмда кўриниб турганидек, “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасининг самарали бошқаруви ва кадрлар салоҳиятининг етишмаслиги ва кадрлар салоҳиятининг пастлиги каби муаммоларнинг таъсири ортиб бормоқда. Сўровнома натижаларига кўра, ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги муаммоси замон талабларига мос келадиган техникаларнинг нархи баландлиги сабабли уларни сотиб олишда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Янги ишга қабул қилинаётган кадрлар суҳбат жараёнида бичиш-тикишни билишлари ҳақида айтишади, аммо, ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилган пайтларида уларнинг меҳнат унумдорлиги паст эканлиги сезилади. Албатта ушбу ҳолат ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда корхонада мунтазам равишда амалга оширилган техник ва технологик жиҳозлаш сабабли, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати сезиларли даражада ортди. Бунинг натижасида, импорт маҳсулотлар билан рақобатлашиш бир мунча енгиллашганлиги кузатилди.

“MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасининг бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичларини қиёсий таққослаш мақсадида, “MARJAN INVESTMENT GROUP” МЧЖ корхонасининг бошқарув амалиётига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳам экспоненциал



2-расм. “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасининг бошқаруви амалиётига таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлили [21, 18-бет]

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

регрессион функция ((1) формулага қаранг) асосида таҳлил қилдик. Таҳлил натижалари 4-жадвалда келтирилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, корхонанинг ривожланиш кўрсаткичи 55-70 фоиз паст нархларда импорт маҳсулотларининг кириб келиши, ишлаб чиқариш воситалари етишмаслиги ва кадрлар салоҳиятининг пастлиги билан боғлиқ ҳисобланиб, раҳбарнинг корхона бошқаруви амалиётида инновацион ёндашуви ҳисобига ушбу кўрсаткич йилига ўртача 10,7-9,5 фоизга туширилмоқда.

4-жадвал

“MARJAN INVESTMENT GROUP” МЧЖ корхонасининг бошқаруви амалиёти ва иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлили [21, 17-бет]

Омиллар	Модель тенгламаси	Детерминация коэффициенти (R ²)	Фишер мезони (F)	F мезонининг боғлиқлик даражаси	кўрсаткичлар	
					a ₀	a ₁
ичве	Экспоненциал $y=87,42e^{0,045t}$	77,31	47,08	0,000014	87,42	-0,045
иткп	Логарифмик $y=-21,49\ln t + 69,85$	80,88	61,78	0,000000	69,85	-21,485
имбўр	Чизикли $y=1,905t+8,95$	59,85	20,87	0,000000	8,95	1,905
хре	Экспоненциал $y=48,98e^{-0,097t}$	59,98	20,78	0,000000	48,98	-0,097
эип	Чизикли $y=0,435t+5,97$	24,87	4,18	0,039000	5,97	0,435
ксп	Экспоненциал $y=5,98e^{0,109t}$	48,96	13,09	0,001800	5,98	0,109
этббм	Экспоненциал $y=6,99e^{-0,094t}$	66,52	77,82	0,000000	6,99	-0,094
бошқалар	Экспоненциал $y=9,0e^{-0,06t}$	35,96	8,003	0,012000	9,01	-0,064

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3-расмда кўриниб турганидек, “MARJAN INVESTMENT GROUP” МЧЖ корхонасининг бошқарув амалиётида ҳам ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги ва кадрлар салоҳиятининг пастлиги каби муаммоларнинг таъсири ортиб бормокда.



3-расм. “MARJAN INVESTMENT GROUP” МЧЖ корхонасининг бошқаруви амалиётига таъсир кўрсатаётган омиллар таҳлили [21, 18-бет]

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Амалга оширилган қиёсий таҳлил натижаларига кўра, аёллар тадбиркорлиги корхоналари бошқаруви самарадорлигига ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги ва кадрлар салоҳиятининг пастлиги муаммолари сўнгги йилларда ортиб бор-

моқда. Хусусан, ишлаб чиқариш воситаларининг етишмаслиги муаммоси корхона ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий техника ва ишлаб чиқариш воситалари билан жиҳозлашда корхоналар ихтиёридаги молиявий ресурсларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Шунингдек, банк кредитини олиш ва лизинг хизматларидаги юқори фоиз ставкалари ишлаб чиқарувчиларнинг ушбу молиявий хизматлардан эркин фойдаланишига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар.

Фикримизча, корхона фаолияти бошқарув механизмини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- корхонани техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлашда инвестицияларни жалб қилиш;
- корхонада ёлланиб ишловчиларни ишга олиш учун аниқ талаблар рўйхатини шакллантириш ва уларнинг меҳнат унумдорлигини муддатли синов асосида текшириш. Синовдан муваффақиятли ўтганларни иш ўрни билан таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тизимига босқичма-босқич ўтиш;
- корхонанин узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва бунда хорижий корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш.

Тахлиллар натижаларига таянган ҳолда, Андижон вилоятида аёллар тадбиркорлигининг бошқарув механизмини инновацион усулда ривожлантиришга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунда аввало аёллар тадбиркорлиги корхоналарининг рақобатбардошлиги кўрсаткичини ошириш зарур. Бунинг учун қуйидагиларнинг амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш. Бунда, аввало давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондлари маблағлари, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан корхоналарни юқори технологияли ишлаб чиқаришини рағбатлантириш, уларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни учун кўмак бериш;

- вилоятда тадбиркор аёлларнинг корхоналар фаолиятини бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида, раҳбар аёлларни бошқарув амалиётини такомиллаштиришга қаратилган ўқув курсларига жалб қилиш;

- тадбиркор аёллар корхоналари бошқарувида мавжуд муаммоларни тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишларнинг қўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш;

- вилоятда тадбиркор аёллар уюшмаларини ташкил этиш орқали корхона бошқаруви, уни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича ўзаро маала алмашиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш;

- ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган аёлларга консалтинг хизматлари кўрсатувчи марказлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларнинг бизнес режаларини такомиллаштиришга амалий ёрдам кўрсатиш;

- тадбиркор аёллар корхоналарининг кадрларга бўлган талабини ўрганиш ва уларнинг талабларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш, уларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- маҳаллий бюджет ҳисобидан юқори иқтисодий самарадорликка эришаётган тадбиркор аёллар фаолиятини янада ривожлантириш учун мақсадли инвестицион дастурларнинг амалга оширилишини кенгайтириш ва ҳ.к.

Манба ва адабиётлар

1. *Socio – economic role of service – sector small business in sustainable development of the Russian economy / Rudenko L.G., Zaitseva N.A., Larionova A.A., Chudnovsky A.D., Vinogradova M.V. // European*

Research Studies Journal. Volume XVIII, Issue 3, 2015. pp. 223-238. URL: <http://EconPapers.repec.org/RePEc:ers:journl:v:xviii:y:2015:i:3:p:223-238>

2. *Женское предпринимательство. ОПОРА России. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://opora.ru/projects/zhenskoe-predprinimatelstvo/> (мурожаат санаси: 01.03.2020 й.)*

3. *Грубенкова Д.О. Предпринимательство в теориях Р. Кантильона, Маркса, Веблена и Шумпетера: Сравнительный анализ // Международный студенческий научный вестник. – 2016. – № 2.; URL: <http://www.eduherald.ru/ru/article/view?id=15405>*

4. *Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов (Книга I-III). – М.: "Наука", 192. – С. 174, 176.*

5. *Макконелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. Том I. – М.: Инфра – М. 2003. – С. 38.*

6. *Самоукин А., Шишов А. Теория и практика бизнеса: Учебно-практическое пособие. – М.: Русская деловая литература, 1997. – С. 36.*

7. *Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. – Т. Меҳнат, 2007. – Б. 136.*

8. *Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: Шарқ, 2002. – 86*

9. *Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Тошкент.: Меҳнат, 1995. – 192 б.*

10. *Шодмонов Ш., Ғофуров У. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Меҳнат, 2007. – Б. 137.*

11. *Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоретические аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. – С 51-77*

12. *Alimpijeva A. V. Women's entrepreneurship in the Belarusian and Russian public discourse // PRIMO ASPECTU. 2017. № 4 (32). P. 19–30. [Alimpijeva A. V. Zhenskoe predprinimatel'stvo v belorusskom i rossiyskom publichnom diskurse // PRIMO ASPECTU. 2017. № 4 (32). S. 19–30] – (In Rus.).*

13. *Orlova A. V. Organization of analytical work in studies of women's entrepreneurship // Economics. Business. Finance. 2018. № 2. P. 17–21. [Orlova A. V. Organizatsiya analiticheskoy raboty v issledovaniyakh zhenskogo predprinimatel'stva // Ekonomika. Biznes. Finansy. 2018. № 2. S. 17–21] – (In Rus.)*

14. *Semenov R. I. Development of women's entrepreneurship in Russia // Quality of science – quality of life. 2018. № 11. P. 72–75. [Semenov R.I. Razvitie zhenskogo predprinimatel'stva v Rossii // Kachestvo nauki – kachestvo zhizni. 2018. № 11. S. 72–75] – (In Rus.); Raimanova Z. I. Actual problems of development of women entrepreneurship in Russia // Reports of the Bashkir University. 2018. № 3 (6). P. 661–664.*

[Raymanova Z. I. Aktual'nye problemy razvitiya zhenskogo predprinimatel'stva v Rossii // Doklady Bashkirskogo universiteta. 2018. № 3(6). S. 661-664] – (In Rus.)

15. Семенова Ю.А. О социальном механизме оптимизации женского предпринимательства // Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия: Социология. Политология. 2013. №13(1). – С. 33-35.

16. Муаллиф томонидан берилган таъриф.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

18. Андижон вилояти “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасининг 2016-2021 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

19. Андижон вилояти “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасининг 2016-2021 йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

20. Андижон вилояти “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонаси 2016-2021 йиллардаги асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

21. <http://library.ziynet.uz/uzc/book/120625>

Аёллар тадбиркорлиги фаолиятини ривожлантириш

Зулфия Хусанова,

PhD (иқтисодий фанлари бўйича),

Андижон давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация: мақолада аёллар тадбиркорлиги механизмининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, аёллар тадбиркорлиги бошқарувини ривожлантириш омиллари, Андижон вилояти тўқимачилик саноатида аёллар тадбиркорлигининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилган. Таҳлиллار янада янги ва эришилган натижалар тўлиқ илмий асосга эга бўлишини таъминлаш мақсадида, Андижон вилоятида тўқимачилик соҳасида тадбиркор аёл томонидан ташиқил этилган “MILANA TEXTILE” МЧЖ корхонасида эришилган иқтисодий натижалардан фойдаланилган.

Калит сўзлари: тадбиркорлик, аёллар тадбиркорлиги, бошқарув механизми, инновацион усул, импорт маҳсулотлари, ишлаб чиқариш воситалари, кадрлар салоҳияти, техник ва технологик қуроланиш, экспоненциал регрессион функция.

Развитие деятельности женского предпринимательства

Зулфия Хусанова,

PhD (по экономическим наукам),

старший преподаватель

Андижанского государственного университета

Аннотация: в статье изучены социально-экономическая сущность механизма женского предпринимательства, факторы развития управления женским предпринимательством а также, факторы влияющие на развитие женского предпринимательства в текстильной промышленности Андижанской области. Для того, чтобы анализы были более наглядными, а полученные результаты имели полную научную основу, были использованы экономические результаты, полученные в компании ООО «МИЛАНА ТЕКСТИЛЬ», основанной женщиной-предпринимателем в текстильной сфере Андижанской области.

Ключевые слова: предпринимательство, женское предпринимательство, механизм управления, инновационный метод, импортная продукция, средства производства, кадровый потенциал, технико-технологическое вооружение, экспоненциальная функция регрессии.

Development of women's entrepreneurship activities

Zulfiya Khusanova,

PhD (in Economics),

Andijan State University senior lecturer

Abstract: the article studies the socio-economic essence of the mechanism of the women's entrepreneurship, the factors of development of women's entrepreneurship management, the factors influencing the development of women's entrepreneurship the in the textile industry of the Andijan region. In order to make the analyzes more visual, and the results obtained have a full scientific basis, the economic results obtained in the company "MILANA TEXTILE" LLC, founded by a woman entrepreneur in the textile sector of the Andijan region, were used.

Keywords: entrepreneurship, women's entrepreneurship, management mechanism, innovative method, imported products, means of production, personnel potential, technical and technological equipment, exponential regression function.

УЎК: 322.122:339.5.053.7(575.1)

Диёр ХОЛМАТОВ,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича), доцент,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кафедра мудири,
Рустам ЖИЯМУРАТОВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти,
e-mail: mehrioxidova@gmail.com

“Жиззах” эркин иқтисодий зонасининг экспорт салоҳиятини оширишдаги муаммолар

Кириш. Махсус иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг мақсад ва сабаблари ҳар бир ҳолатда турлича. Айрим давлатлар МИЗлар ёрдамида ишсизлик даражасига ижобий таъсир кўрсатишга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган аниқ ҳудудларнинг муаммоларини ҳал қилишга, миллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда. Бошқа мамлакатларда улар илғор хорижий бошқарув тажрибасини тарқатиш ва янги технологияларни жалб қилиш учун ташкил этилади. Бироқ, ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда, ривожланаётган мамлакатларда МИЗларни яратишда асосий эътибор хорижий капитал, технологияларни жалб қилиш, саноатни модернизация қилиш, иш ўринлари яратишга қаратилмоқда. Ривожланаётган мамлакатлардаги МИЗлар ташқи бозорга йўналтирилган, чунки ташқи савдо ва экспорт ҳажмининг ўсиши орқали бу мамлакатлар миллий иқтисодиётни яхшилаш муаммосини ҳал қилади. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас.

2022 йил маълумотларига мувофиқ, Ўзбекистонда МИЗларнинг сони 23 тани ташкил этади. 2020 йил май ойига қадар мамлакатда ташкил этилган махсус иқтисодий зоналарнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тартибга солинар эди. 2020 йилдан эса, Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар” тўғрисидаги Қонуни [1] махсус иқтисодий зоналар, уларнинг фаолияти ва молиялаштирилиш йўналишларини тартибга солиб келмоқда. Ушбу Қонунга мувофиқ, махсус иқтисодий зоналар қуйидаги турда ташкил этилиши мумкин:

- эркин иқтисодий зоналар;
- махсус илмий-технологик зоналар;
- туристик-рекреацион зоналар;
- эркин савдо зоналари;
- махсус саноат зоналари.

Мамлакатимизда ташкил этилган муҳим эркин иқтисодий зоналардан бири “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси ҳисобланади. Мазкур ЭИЗнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми “Махсус индустриал зона” ҳисобланади. “Жиззах” ЭИЗ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПФ-4516-сонли Фармони[2] га асосан ташкил этилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ЭИЗ учун Жиззах шаҳридан 363,7 га ер майдони ажратилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 августдаги “Жиззах вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 643-сон қарорига асосан, Ш. Рашидов туманидан 154,4 га, Пахтакор туманидан 13,8 га, Арнасой туманидан 7,9 га ва Зомин туманидан 6 га, жами 182,1 га ер майдонлари “Жиззах” ЭИЗ таркибига киритилди.

“Жиззах” махсус индустриал зонасида бугунги кунгача 57,3 млн. долларлик 13 та лойиҳа амалга оширилган. Бу лойиҳалар қуйидагилардан иборат:

- 1) UZTE смартфонлар ишлаб чиқариш;
- 2) Чарм-пойабзал товарлар ишлаб чиқариш;
- 3) Керамик плиталар ишлаб чиқариш – 3 та лойиҳа;

- 4) Тормоз колодкалари ишлаб чиқариш;
- 5) Ишлаб чиқариш техникалари учун бутловчи, комплектловчи қисмлар ишлаб чиқариш;
- 6) Полипропилен қувурлар, арматура, клапанлар ишлаб чиқариш;
- ускоренное развитие транспортной инфраструктуры Узбекистана и формирование новых железнодорожных и автодорожных коридоров на прилегающих к МТК направлениях способствуют укреплению транзитного потенциала, значительно улучшит интеграцию страны в мировой рынок, расширит ее экспортные возможности за счет диверсификации транспортных и других услуг на внешнем рынке;
- в результате постройки новых и модернизации действующих дорог и железнодорожных путей сообщений произойдут значительное улучшение качества работы транспорта и рост конкурентоспособности национальной экономики за счет сокращения доли транспортной составляющей в конечной цене товаров;
- создается множество рабочих мест на транспорте и других сферах экономики в районах тяготения транспортных линий, ожидаются рост реальных доходов населения, оживление бизнеса и рез-

кое увеличение масштабов предпринимательства в результате повышения покупательной способности людей, высокие темпы прироста промышленной и сельскохозяйственной продукции, значительный рост туризма и сферы услуг в регионах.

В целом, разработка и реализация мероприятий по опережающему развитию транспортной инфраструктуры – важный этап в осуществлении Стратегии развития Нового Узбекистана, формировании и развитии устойчивой транспортной системы страны на предстоящие годы.

Источники и литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы» №УП-60 от 28 января 2022 г.
2. Ульджабаев К.У. Концептуальные подходы и методологические принципы разработки транспортной стратегии страны. // Илм-фан ва инновацион ривожланиш, 2018, № 2.
3. Ouattara, B., Zhang, YF. Infrastructure and long-run economic growth: evidence from Chinese provinces. *Empir Econ* 57, 263–284 (2019). <https://doi.org/10.1007/s00181-018-1429-4>.
4. Cantu, C. Mexico's economic infrastructure: international benchmark and its impact on growth. *Economic Structures* 6, 33 (2017). <https://doi.org/10.1186/s40008-017-0092-9>.
5. Wang, J.Y.T., Connors, R.D. Urban Growth, Transport Planning, Air Quality and Health: A Multi-Objective Spatial Analysis Framework for a Linear Monocentric City. *Netw Spat Econ* 18, 839–874 (2018). <https://doi.org/10.1007/s11067-018-9398-x>
6. По данным Госкомстата РУз. <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/services>
7. Составлено автором на основе данных Госкомстата РУз <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika>
8. Разработано автором на основе исследования.
9. Рассчитано автором с помощью специализированного эконометрического пакета Eviews.
10. Воронцова С. Дороги – гарант экономической стабильности. 2007. Доступно на: <http://www.protown.ru/information/-articles/3339.htm>
11. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 25.01.2020г.
12. Разработано автором на основе исследования.

Опережающее развитие транспорта как фактор экономического роста

Камал Ульджабаев,

доктор экономических наук, профессор,
генеральный директор ЧП "TRANS EKO",

Васила Ярашова,

доктор экономических наук, доцент,
Ташкентский Государственный
экономический университет

Аннотация: в статье определены основные стратегические задачи развития транспорта, обозначены тенденции развития транспорта в системе макроэкономических показателей, раскрыты нерешенные проблемы и риски в сфере, рассчитана транспортная емкость ВВП в динамике, предложена модель стратегического планирования развития транспорта, определены несколько приоритетных направлений государственно-частное партнерство (ГЧП) в сфере транспорта, в рамках Генсхемы-2050 предложена реализация важнейших инвестиционных проектов.

Ключевые слова: транспорт, транспортная емкость, стратегическое планирование, транзитный потенциал, конкурентоспособность, логистика, грузовой транспорт, пассажирский транспорт.

Транспортни жадал ривожлантириш иқтисодий ўсиш омили сифатида

Камол Ўлжабоев,

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
"TRANS EKO" ХК бош директори,

Васила Ярашова,

DSc (иқтисодиёт фанлари бўйича), доцент,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: мақолада транспортни ривожлантиришнинг асосий стратегик мақсадлари белги-ланган, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимида транспортни ривожлантириш тенденциялари

аниқланган, соҳада ҳал қилинмаган муаммолар ва хатарлар ёритилган, ЯИМнинг транспорт юкла-маси динамикаси ҳисоблаб чиқилган, транспортни ривожлантиришнинг стратегик режалаштириш модели таклиф этилган, соҳада давлат-хусусий шериклик (ДХШ)нинг бир нечта устувор йўна-лишлари белгиланган, узоқ келажакда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва модер-низациялашнинг 2050-Бош схемаси доирасида энг муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш таклиф этилади.

Калит сўзлар: транспорт коммуникациялари, транспорт юкламаси, стратегик режалаштириш, транзит салоҳияти, рақобатбардошлик, логистика, юк ташиши, йўловчи ташиши.

Advanced development of transport as a factor of economic growth

Kamal Uljabaev,

DSc (in Economics), Professor,
General Director of the Private enterprise
"TRANS EKO",

Vasila Yarashova,

DSc (in Economics),
Tashkent State University of Economy

Abstract: the article defines the main strategic objectives of transport development, identifies trends in transport development in the system of macroeconomic indicators, reveals unresolved problems and risks in the field, calculates the transport capacity of GDP in dynamics, proposes a model of strategic planning for transport development, identifies several priority areas of PPP in the field of transport, within the framework of the General Scheme-2050, the implementation of important investment projects is proposed.

Keywords: transport, transport capacity, strategic planning, transit potential, competitiveness, logistics, freight transport, passenger transport.

УЎК: 338.4(575.1)

Бахтиёр ҚЛИЧЕВ,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
катта ўқитувчиси,
E-mail: klichev.baxtiyor@gmail.com

Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичларининг динамик ўзгаришлари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти самарадорлиги ва ижобий молиявий натижаларига узвий боғлиқ ҳисобланади. Корхоналар фойдасининг ошиб бориши эса, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ва маҳсулот баҳосига узвий боғлиқ ҳисобланади.

Мамлакатимиз амалиётида жуда кўп корхоналар ўз маҳсулотларига (иш, хизматлар) баҳо шакллантиришда классик усулдан фойдаланишади, яъни:

корхона харажатлари + маълум фойзаларда корхона фойдаси = баҳо.

Бугунги кунда иқтисодий субъектларда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларга (иш, хизматлар) нисбатан энг мақбул баҳони шакллантириш операция фаолият таҳлилининг асосий вазифаларидан бири саналади. Харид жараёнида ҳар бир харидор сотиб олган товарнинг ишлатиш самарадорлиги унинг нархига нисбатан юқори бўлишини хоҳлайди. Соддароқ қилиб айтганда, харидор энг арзон ва энг сифатли маҳсулотни хоҳлайди. Жуда кенг профилдаги маҳсулот, иш ва хизматлар таклифи мавжуд бугунги кун бозорида маҳсулот сотиш ҳажмини ошириб бориш учун хўжалик юритувчи субъектлар баҳо шакллантиришда самарали ҳамда ҳар томонлама асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиши лозим.

Турли мамлакатларда маҳсулотга баҳо шакллантириш, нарх сиёсати ва сотиш рентабеллиги бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Ван дер Рест ва бошқалар Европа меҳмонхоналар гуруҳидаги хона нархларини аниқлашни таҳлил қилдилар. Таҳлил асосини тўртта жараённи қайта ташкил этишни

талаб қиладиган мураккаб фаолият тизими ташкил этди: нархларни ишлаб чиқиш, аниқлаш, ўрганиш ва музокаралар [1]. Борио ва бошқалар фойиз ставкалари даражаси ва активлар рентабеллиги (ROA) га нисбатан рентабеллик эгри чизигининг кескинлиги ўртасидаги муносабатни ўрганиб чиқиб, унинг ижобий эканлигини ва рентабелликни оширишини аниқладилар [2]. Модак ва бошқалар ишлаб чиқарувчининг таклифи билан нарх сиёсатини мувофиқлаштиришни ўрганиб чиқди ва уларни марказлашмаган ва марказлаштирилган тизимларда, икки қисмли тариф ва савдо жараёни остида оптимал нарх стратегиясини таклиф қилиш мумкинлигини аниқладилар [3].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида миқдор ва сифат, сабаб ва натижа, статистик ва иқтисодий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, мантикий таҳлил, қиёсий таҳлил, ижтимоий сўровнома каби усуллардан фойдаланилган.

Мақоламизнинг кириш қисмида айтиб ўтилган классик усулда баҳони шакллантиришда бир қанча камчиликлар кўзга ташланади. Жумладан, харидорларнинг истак, хоҳиш ҳамда манфаатлари ҳисобга олинмаганлиги мазкур модель орқали шакллантирилган нархнинг бозорда харидор томонидан қабул қилинмаслигига, ёки бошқача айтганда, баҳо сифатида шаклланмаслигига олиб келиши мумкин.

Бугунги замонавий иқтисодийда Купер ва бошқалар ишлаб чиқариш ва унинг структураси нарх белгилашнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигига олиб келадиган ягона восита эканлиги ғоясини илгари суришади [4]. Ушбу ғояни қувватлаган ҳолда, халқаро ташкилот ва концернлар раҳбарлари нарх қарорини қабул қилишда унинг фойдани

ошириш воситаси сифатида қабул қилмасликлари лозимлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин [5].

Маҳсулот баҳоси бўйича ишлаб чиқарувчи ва харидорлар турли муносабатда бўлишади. Ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот баҳоси фойдани оширувчи максимум чегара билан белгиланса, харидор томонидан маҳсулот баҳосига минимум харажат сифатида қаралиши табиий ҳолат. Р.Томас [6] ва Л.А.Бернштейнлар [7] ўз асарларида маҳсулотга бошқа маҳсулотга нисбатан маълум самарадорликка эга бўлиш шarti билан шакллантирилган нарх бозорда баҳо сифатида шаклланиши мумкин, деган таклифни илгари суришади. Лекин мазкур олимлар томонидан ҳам ва мақоламизнинг кириш қисмида келтирилган баҳо шакллантиришда қўлланиладиган назарияларда ҳам аниқ ҳисоб-китоблар ёрдамида баҳо шакллантириш модели келтирилмаган.

Сир эмаски, харидор ҳар бир янги маҳсулотнинг нарhini бозордаги айнан мана шу турдаги эталон маҳсулот баҳоси билан таққослайди. Биз таклиф этаётган моделнинг биринчи шarti ҳам шу омилга боғлиқ: ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз нархи ҳеч қачон эталон маҳсулот нархидан юқори бўлиши керак эмас. Аксинча ҳолатда харидор албатта, олдиндан истеъмол қилиб келинаётган ва бозорда эталон ҳисобланган маҳсулотни танлайди. Нархлар бир хиллигини таъминлаганимиздан сўнг, олдин келтириб ўтилган маҳсулотнинг бошқа маҳсулотга нисбатан маълум (1 дан юқори) самарадорликка эга бўлиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларимиз ўзини оқлайди [8]. Яъни, ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулотга харидорни жалб қилиш ёки харидорни ишонтириш учун маҳсулотимиз эталон маҳсулотга нисбатан камида 5 % самарадорликка эга бўлиши керак.

Маҳсулот баҳосини шакллантиришда истеъмолчи нуқтаи-назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Истеъмолчи фикрига кўра, харид қилинаётган маҳсулот қуйидаги шартга мувофиқ бўлиши керак [8]:

$$\frac{\text{Маҳсулотнинг истеъмол самарадорлиги}}{\text{маҳсулот баҳоси}} > 1 \quad \text{ёки}$$

Маҳсулотнинг истеъмол самарадорлиги > маҳсулот баҳоси.

Ушбу шартнинг бажарилишида аниқ ҳисоблашларни амалга ошириш учун маҳсулотни ишлатиш самарадорлигини аниқ рақамларда ифода этиш бироз мураккаб жараён ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи фикрига кўра, маҳсулот ишлатиш самарадорлиги унинг техник параметрларига боғлиқ ҳисобланади. Бизнинг фикримизга кўра эса, маҳсулотни ишлатиш самарадорлиги қуйидаги компонентлардан ташкил топиши керак:

- харид қилинаётган маҳсулотнинг техник параметрларидан бири устуворликка эга бўлиши керак (истеъмолчи танловига кўра);

- устуворликка эга бўлган кўрсаткич эталон (бозордаги энг яхши) маҳсулотнинг худди шу кўрсаткичидан кам бўлмаслиги керак;

- маҳсулот баҳоси эталон маҳсулот баҳосидан арзон бўлиши керак.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирсак, маҳсулотга қўйилган нарх бозорда баҳо сифатида шаклланиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- Янги маҳсулотга баҳо шакллантиришда асос сифатида албатта, эталон маҳсулот баҳоси олиниши керак;

- Маҳсулотнинг бошқа шу турдаги маҳсулотларга нисбатан самарадорлиги 5 % юқори бўлиши керак;

- 5 % самарадорлик мавжудлик шarti билан маҳсулот нархи бозордаги эталон маҳсулот нархидан юқори бўлиши мумкин эмас.

Юқоридаги шартлар асосида, биз таклиф этаётган усул орқали баҳо шакллантириш учун маҳсулотнинг иқтисодий ва техник параметрлари кўриб чиқилиши лозим. Умуман олганда, маҳсулотнинг параметрлари кўп бўлиб (1-жадвал), харидор қайси параметрга устуворлик бериши унинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлади. Аҳоли турмуш даражаси ва даромади юқори бўлган давлатларда харид жараёнида устуворлик маҳсулотнинг техник, эргономик ва эстетик параметрларига берилса, аҳоли турмуш даражаси ва даромади нисбатан пастроқ бўлган давлатларда хариддаги устуворлик иқтисодий параметрларга қаратилади.



1-жадвал

Маҳсулот параметрлари

Параметрлар	Моҳияти
Техник параметрлар	Бунда маҳсулотнинг таркиби, уни ишлаб чиқариш ва қўллашнинг техник ва технологик даражаси ҳамда фойдаланиш муддати кўриб чиқилади.
Иқтисодий параметрлар	Маҳсулотнинг баҳоси, маҳсулот учун сервис хизматлари кўрсатиш даражаси, унинг ҳажми ва сифати кўриб чиқилади
Эргономик параметрлар	Маҳсулотнинг қўлланилиши ва истеъмол қилинишининг инсон организми учун мослиги, қулайлиги ва фойдалилик даражалари кўриб чиқилади
Эстетик параметрлар	Маҳсулотнинг ташқи кўриниши, унинг харидор дидига мос тушиши, маҳсулотнинг бутланганлик даражаси кўриб чиқилади
Меъёрий параметрлар	Маҳсулотнинг амалдаги халқаро меъёрий параметрларга ва стандартларга (ISO) жавоб бериш даражаси кўриб чиқилади

Манба: муаллиф ишланмаси.

Таҳлил ва натижалар. Самарали баҳо сиёсати корхона даромадини ошириш билан бир қаторда, унинг ишбилармонлик фаоллиги (business activity) кўрсаткичларини, шу жумладан, компания операцион фаолияти самарадорлигининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўсишига ҳам ижобий таъсир қилади. Эркин баҳолар ва юқори даражадаги рақобат шароитида ташкилотнинг бизнес фаоллигини баҳолашнинг аҳамияти унинг молиявий ҳолатини ўрганишда, стратегик режа ва ривожланиш истиқболларини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади [9].

Маркетинг тадқиқотларига кўра 60-70 % истеъмолчилар маҳсулотни техник ва иқтисодий параметрларига қараб танлашади [10]. Яъни, бунда маҳсулотни ишлатиш самарадорлиги маҳсулот баҳосидан юқори бўлиши керак. Шу боисдан, таклиф этаётган усулимизда техник ва иқтисодий параметрлар ўрганилади ҳамда маҳсулотнинг ушбу параметрларга жавоб бериши даражасига кўра, баҳони шакллантириш жараёнида янги маҳсулотнинг эталон маҳсулотга нисбати, гуруҳ ва интеграл кўрсаткичлар аниқланади ҳамда маҳсулотнинг эталон маҳсулотга нисбатан 5 % самарадорликка эришиш шарти билан баҳо шакллантирилади.

Янги маҳсулотнинг эталон маҳсулотга нисбати (g) маҳсулотнинг техник ёки иқтисодий функцияларини эталон маҳсулотнинг худди шундай функциясига нисбати орқали аниқланади:

$$g = \frac{F_0}{F_1} * 100$$

Бу ерда:

g - янги маҳсулотнинг эталон маҳсулотга нисбати;

F0 - янги маҳсулот параметрлари;

F1 - эталон маҳсулот параметрлари.

Умумий гуруҳ кўрсаткичи (G) янги маҳсулотнинг эталон маҳсулотга нисбати (g) ва харидор танлови кўрсаткичлари (a) кўпайтмасидан иборат.

$$G = g * a$$

Харидор танлови кўрсаткичлари (a) маҳсулотнинг бутун бир фойдали иш ҳажмининг (100% ёки 1 коэффициент) параметр кўрсаткичлари бўйича тақсимланган нисбати ҳисобланади. Яъни, истеъмолчи харид қилаётган маҳсулотининг қайси функцияси ўзи учун асосий эканлигини белгилайди ва ушбу функцияга кўпроқ коэффициент беради, қолган функцияларга ҳам шу тарзда коэффициент берилди. Ушбу жараёни маиший техникалар сотиладиган марказ ва бозорларда аҳоли ўртасида сўровнома ўтказиш орқали амалга ошириш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Харидор танлови кўрсаткичларини аниқлашда тавсия этиладиган сўровнома шакли

Ҳурматли истеъмолчи!!!
 Марҳамат сўровномамизда иштирок этинг.
 Унутманг, истеъмолчилар манфаатлари ва талаблари асосида маҳсулот рақобатбардобиликни ошириш, маҳсулот сифати ва нархи ўртасидаги оптималликни таъминлашда сизнинг фикрингиз биз учун **МУҲИМ**.

1. Музлатгич харид қилганингизда куйидаги қайси техник параметрлардан бири сиз учун муҳим	2. Музлатгич харид қилганингизда куйидаги қайси иқтисодий параметрлардан бири сиз учун муҳим
Тўлиқ ҳажм <input type="checkbox"/>	Баҳоси <input type="checkbox"/>
Умумий камера <input type="checkbox"/>	Кафолатли сервис хизмати муддати <input type="checkbox"/>
Музлатиш камераси <input type="checkbox"/>	Суткалик электр энергияси сарфи <input type="checkbox"/>
Музлатиш қуввати <input type="checkbox"/>	
Фойдаланиш муддати <input type="checkbox"/>	Сўровномада иштирок этганингиз учун РАҲМАТ!!!
Музлатиш камераси температураси, °C <input type="checkbox"/>	

Манба: сўровнома муаллиф томонидан тузилган.

Тавсия этилаётган шакл билан 2022 йил апрель ойида Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган “Tashkent Trade Center” хусусий корхонасига

қарашли савдо маркази (собик “Абу Сахий”) да ўтказилган сўровнома яқунлари бўйича қуйидаги хулосалар олинди (3-жадвал).

3-жадвал

Харидор танлови кўрсаткичларини аниқлашда ўтказилган сўровнома яқунлари

Кўрсаткичлар	Иштирокчи 100 киши	<i>a</i>
<i>Техник параметрлар бўйича муҳим ҳисоблашади:</i>		
1.Тўлиқ ҳажм бўйича	20 киши	0,20
2.Умумий камера бўйича	22 киши	0,22
3.Музлатиш камераси бўйича	20 киши	0,2
4.Музлатиш қуввати бўйича	18 киши	0,18
5.Фойдаланиш муддати бўйича	12 киши	0,12
6.Музлатиш камераси температураси бўйича	8 киши	0,08
<i>Иқтисодий параметрлар бўйича муҳим ҳисоблашади:</i>		
1. Баҳоси бўйича	50 киши	0,5
2. Кафолатли сервис хизмати муддати бўйича	25 киши	0,25
3.Суткалик электр энергияси сарфи бўйича	25 киши	0,25

Манба: сўровнома маълумотларига асосан муаллиф томонидан тузилган.

Ўтказилган сўровнома яқунлари бўйича корхоналар келгусида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича структуравий ўзгаришларни амалга оширишда қайси параметрларга устуворлик беришини ҳам белгилаб олишлари мумкин. Иқтисодий параметрлар бўйича сўровнома натижаларига қарайдиган бўлсак, истеъмолчиларнинг 50 %и баҳо категориясини ўзи учун муҳим ҳисоблайди. Ушбу ҳолат ҳам маҳсулот баҳосини шакллантириш бўйича ўтказиладиган тадқиқотларнинг долзарблигини яна бир бор исботлаб беради.

Баҳо шакллантиришда таклиф этаётган усулимизда янги маҳсулотимизнинг эталон маҳсулотга нисбатан самарадорлигини интеграл кўрсаткич ифодалайди. Интеграл кўрсаткич (*I*) ўрганилаётган маҳсулотнинг умумий гуруҳ кўрсаткичининг эталон маҳсулотнинг умумий гуруҳ кўрсаткичига нисбати орқали аниқланади:

$$I = \frac{G_p}{G_{ep}}$$

Бу ерда:

G_p - техник параметрларнинг умумий гуруҳ кўрсаткичлари йиғиндиси,

G_{ep} - иқтисодий параметрларнинг умумий гуруҳ кўрсаткичлари йиғиндиси.

Агар интеграл кўрсаткич бирдан юқори бўлса, маҳсулот рақобатбардош ҳисобланади ва маҳсулот бозорда ўз ўрнини топиши мумкин (биз таклиф этаётган усулда 1,05 коэффицентда бўлиши керак).

Агар интеграл кўрсаткич бирдан паст бўлса, иқтисодий параметрлар бўйича таҳлилий ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Чунки техник параметрларни ўзгартириш учун ишлаб чиқариш структурасини, технологиясини ўзгартириш лозим ва бу қисқа даврда амалга ошириб бўлмайдиган иш ҳисобланади.

Техник ва иқтисодий параметрлар асосида баҳони шакллантириш тартибини қуйидаги мисол орқали кўриб чиқамиз.

Фараз қиламиз, корхона янги “Хумо” маркали музлатгич ишлаб чиқаради. Маҳсулот бозорда янги бўлганлиги туфайли, бозордаги эталон “Lochin” маркали маҳсулотга нисбатан самарадорликка эришиш шarti билан баҳони шакллантиришимиз керак.

Биз таклиф этаётган усул орқали баҳо шакллантириш учун янги “Хумо” маркали музлатгич ва бозордаги эталон “Lochin” маркали музлатгич параметрлари орқали белгиланган кўрсаткичларни аниқлаймиз (4-жадвал).

4-жадвал

Маҳсулот баҳосини аниқлашдаги ҳисоб-китоблар [10]

Кўрсаткичлар	“Хумо” (F ₀)	“Lochin” (F ₁)	<i>g</i>	<i>a</i>	<i>G</i>
<i>Техник параметрлар</i>					
1.Тўлик ҳажм, дм ³	330	340	0,97	0,20	0,194
2.Умумий бўлим, дм ³	190	200	0,95	0,22	0,235
3.Музлатиш бўлими, дм ³	80	80	1,0	0,2	0,2
4.Музлатиш қуввати, кг/сут	5,2	5	1,04	0,18	0,209
5.Фойдаланиш муддати, йил	12	10	1,2	0,12	0,106
6.Музлатиш камераси температураси, °C	-15	-16	0,94	0,08	0,0664
					<i>G_p</i> = 1,01
<i>Иқтисодий параметрлар</i>					
1. Баҳоси, АКШ долл.	<i>x</i>	600	<i>x</i> /600	0,5	0,5* <i>x</i> /600
2. Кафолатли сервис хизмати муддати, ой	40 ой	36 ой	1,11	0,25	0,278
3.Суткалик электр энергияси сарфи, кВт	1,9	2,1	0,9	0,25	0,225
					<i>G_p</i> = 0,278 + 0,225 + 0,5 * <i>x</i> /600

4-жадвал маълумотлари асосида интеграл кўрсаткичимиз қуйидагига тенг бўлади:

$$I = \frac{G_p}{G_{ep}} = \frac{1,01}{0,278 + 0,225 + 0,5 * x / 600}$$

Таклиф этаётган усулимиз бўйича янги “Хумо” маҳсулоти “Lochin” маҳсулотига нисбатан 5 % самарадорликка эга бўлиши шарт. Демак, ушбу шарт асосида юқоридаги тенгламамиз қуйидагича кўриниш олади:

$$I = \frac{G_p}{G_{ep}} = \frac{1,01}{0,278 + 0,225 + 0,5 * x / 600} = 1,05$$

Мазкур тенгламадан номаълум (*x*) сонни аниқлаймиз. Ҳисоб-китобларга кўра номаълум сонимиз 550,8 га тенг.

Хулоса. Амалга оширилган таҳлилий ҳисоблашлардан келиб чиқиб, янги ишлаб чиқарилган “Хумо” маркали музлатгичга 550,8 \$ нарх белгиладик. Ушбу нарх янги “Хумо” маркали музлатгичнинг “Lochin” маркали музлатгичга нисбатан 5 % самарадорликка эга бўлишини таъминлаш билан бир қаторда, 49,2 \$ га арзон ҳам ҳисобланади. Эришилган натижалар ишлаб чиқилган модель шартларига тўлиқ мос келади.

Биз таклиф этаётган мазкур усул орқали шакллантирилган нарх бозорда харидор томонидан қабул қилинишига катта ишонч билдириш мумкин. Корхо-

налар келгусида фойдани ошириш мақсадида баҳонинг янада юқори чегарасини белгилашлари мумкин. Бунинг учун иқтисодий параметрлар бўйича керакли таҳлилий ишларни амалга ошириш лозим.

Мақолада тавсия этилган сўровнома орқали нафақат баҳо шакллантириш бўйича маълумотлар шакллантирилади, балки, корхона келгусида қайси параметрлар бўйича таҳлилий ва структуравий ўзгаришларни амалга ошириши лозимлигини ҳам белгилаб олиши мумкин. Мақоламизда ишлаб чиқилган баҳо шакллантиришдаги модель истеъмолчи истак ва манфаатларига асосланганлигини таъкидлаб ўтгандик. Ўтказилган сўровноманинг иқтисодий параметрлар бўйича натижаларига қарайдиган бўлсак, истеъмолчиларнинг 50 % и баҳо категориясини ўзи учун муҳим ҳисоблайди. Ушбу ҳолат нафақат мазкур тадқиқот мавзусини, балки, маҳсулот баҳосини шакллантириш бўйича келгусидаги барча илмий ва амалий тадқиқотларнинг долзарблигини яна бир бор кўрсатиб беради.

Манба ва адабиётлар

1. Van der Rest, J. P., Roper, A., & Wang, X. L. (2018). Why is a change of company pricing policy so hard to implement?. *International Journal of Hospitality Management*, 69, 30-40. <https://doi.org/10.1016/j.ijhm.2017.10.010>

2. Borio, C., Gambacorta, L., & Hofmann, B. (2017). *The influence of monetary policy on bank profitability*. *International Finance*, 20(1), 48-63. <https://doi.org/10.1111/inf.12104>

3. Modak, N. M., Panda, S., & Sana, S. S. (2016). *Pricing policy and coordination for a distribution channel with manufacturer suggested retail price*. *International Journal of Systems Science: Operations & Logistics*, 3(2), 92-101. <https://doi.org/10.1080/23302674.2015.1053828>

4. Cooper, R., Hartley, K., & Harvey, C. R. M. (2018). *Export performance and the pressure of demand: a study of firms*. Routledge. <https://doi.org/10.4324/9780203703090>

5. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). *The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan*. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*. Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- URL:<https://www.tojq.net/index.php/journal/article/view/4494>

6. Томас Р. Количественный анализ хозяйственных операций и управленческих решений: перев. с англ. – М.: Дело и Сервис, 2003.

7. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: перев. с англ. – М.: Финансы и статистика, 2013

8. Қличев Б.П. Бошқарув ҳисобида баҳо шакллантириши такомиллаштириши масалалари. Тошкент молия институти. “Молия” илмий журнали. 2014 йил 5-сон, 10-15 бетлар. ISSN: 2010-9601

9. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). *Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan*. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591. <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>

10. Қличев, Б. П. Маҳсулот сотиши ҳажми таҳлилини такомиллаштириши масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728. <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3641>

Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили

Бахтиёр Қличев,

Тошкент давлат иқтисодий университетининг
катта ўқитувчиси

Аннотация: ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектларда янги ишлаб чиқилган маҳсулотларга маҳсулотнинг техник ва иқтисодий параметрларидан келиб чиққан ҳолда, истеъмолчилар манфаат-

лари, истак-ҳоҳишлари, бозордаги эталон маҳсулот баҳоси ҳамда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган шартлар асосида баҳо шакллантириши бўйича назарий тадқиқот олиб борилган. Ишлаб чиқарилган янги маҳсулотга баҳо шакллантириши бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиб, таҳлилий ечимлар берилган.

Калит сўзлар: маҳсулот баҳоси, маҳсулот параметрлари, техник параметрлар, иқтисодий параметрлар, баҳо сиёсати, баҳо шакллантириши моделлари.

Анализ вопросов оценки продукции с учетом интересов потребителей

Бахтиёр Қличев,

старший преподаватель Ташкентского
Государственного экономического университета

Аннотация: в данной статье проведены теоретические исследования по оценке новой разрабатываемой продукции в хозяйствующих субъектах, исходя из технико-экономических параметров продукции, интересов и пожеланий потребителей, цены эталонной продукции на рынке, а также разработанных автором условий. Сделаны расчеты по формированию цены на новый выпускаемый продукт и даны практические решения.

Ключевые слова: цена продукта, параметры продукта, технические параметры, экономические параметры, ценовая политика, модели формулирования цены.

Analysis of product evaluation issues based on consumer interests

Bakhtiyor Klichev,

Senior Lecturer of Tashkent
State Economic University

Abstract: a theoretical study was conducted on the evaluation of newly developed products in economic entities based on the technical and economic parameters of the product, consumer interests and wishes, the benchmark product price in the market, and the conditions developed by the author in this article. Calculations on the formation of a price for a new manufactured product were made and analytical solutions were given.

Keywords: product price, product parameters (options), technical parameters (options), economic parameters (options), pricing policy, price formulation models.

**Ижтимоий масалалар, фан, таълим ва камбағалликни қисқартириш /
Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education, and poverty reduction**

УЎК: 330.341.1

Антон КОСТЮЧЕНКО,
*руководитель проекта Института прогнозирования и
макроэкономических исследований,*
E-mail: kastyuch@gmail.com

Современное состояние научной сферы в Узбекистане

Введение. Развитие науки играет для благосостояния общества определенную роль и выполняет целый ряд функций: создание новых знаний, совершенствование образования и повышение качества жизни. Наука должна отвечать потребностям общества и помогать ему справляться с глобальными проблемами. Таким образом, наука – мощнейший двигатель общественного прогресса.

Научная сфера является фундаментом для прорывных и инновационных разработок. Научные исследования проводимые сегодня, являются основной для развития всех сфер экономики на будущее десятилетие. Так, оценка тенденций развития сферы науки и ее текущего состояния позволит определить какие имеются препятствия в данном направлении и какие действия необходимо предпринять уже сегодня для эффективного роста экономики завтра.

Государственная политика Узбекистана направлена на развития сферы науки в стране и увеличения НИОКР. Данная политика охватывает все важные направления: кадровый потенциал, исследовательские институты, расходы на науку и проведение исследований.

Анализ ключевых индикаторов за 2015-2021 годы.

В 2015-2021 годах число специалистов-исследователей, выполнявших научные исследования и разработки, в Узбекистане в среднем составляло 902 человек на 1 млн. человек населения, что в 2,5 раза ниже среднемирового уровня.

Ключевой составляющей, характеризующей научный потенциал исследовательских организаций, является его качественный кадровый состав, который определяется долей докторов философии (включая кандидатов наук) и докторов наук в численности специалистов-исследователей. За период 2015-2021 годы общая численность работников, имеющих ученую степень доктора наук увеличилась на 38,3% составив в 2021 году 2919 чел. В свою очередь, численность докторов философии (включая кандидатов наук) из числа специалистов-исследователей выросла на 8,3% и составила 9057 чел. в 2021 году.

В международной практике научный потенциал оценивается посредством анализа количества и качества публикаций в международных журналах. Таким образом, число публикаций в международных журналах на одного исследователя увеличилось с 0,02 в 2015 году до 0,10 в 2021 году.

За исследуемый период в стране вырос такой показатель как количество публикаций узбекских ученых в международных журналах¹ и их цитирование: с 485 публикаций (456 цитируемые публикации) в 2015 году и 3036 публикации (2978 цитируемая публикация) в 2021 году².

При этом, не смотря на количественное изменение, наблюдается качественное снижение данного

¹ Под публикациями в международных журналах понимаются статьи в журналах из всех категорий (в том числе и научно-технические журналы)

² <https://www.scimagojr.com/countryrank.php>

показателя: 3773 цитирования (944 самоцитирования) в 2015 году против 1917 цитирования (1276 самоцитирования) в 2021 году. Так, качественная составляющих международных публикаций снизилась, что отображает повышение доли самоцитирования в общем количестве цитирований на статьи в международных журналах: 25% в 2015 году и 67% в 2021 году.

За исследуемый период 2015-2021 годы число организаций, выполнявших научные исследования и разработки, сократилось с 323 ед. до 254 ед. При этом до 2018 года наблюдался их рост (668 ед. в 2018 году).

Рассматривая объем выполненных НИОКР в Узбекистане, можно отметить, что в 2021 году по отношению к 2015 году он увеличился в 1,3 раза и составил 1069,7 млрд. сум.

Основная продукция сферы НИОКР это научные исследования (фундаментальные и прикладные). За анализируемый период доля объема выполненных научных исследований в общем объеме выполненных НИОКР сократилась на 6,6 п.п. и в 2021 году составила 69,6%.

При этом следует отметить, что значительную роль в выполненном объеме НИОКР сыграл предпринимательский сектор, доля которого увеличилась за анализируемый период с 39,3% в 2015 году до 44,9% в 2021 году. (диаграмма 1).



Источник: расчеты ИПМИ на основе данных Госкомстата Республики Узбекистан.

Таким образом, исследуемый период показывает возрастающую роль предпринимательского сектора в выполнении НИОКР, что соответственно повлияло на изменение структуры НИОКР, т.е. произошло увеличение доли научно-технических услуг, выполненных предприятиями.

Анализ финансирования НИОКР за 2015-2021 годы показал, что общий объем затрат на НИОКР уменьшился в 1,1 раза и составил 971,8 млрд. сум в

2021 году. При этом доля затрат на НИОКР к ВВП за этот же период уменьшилась с 0,17% до 0,13%.

За рассматриваемый период, как следует из развернутой структуры затрат на исследования и разработки по источникам финансирования, существенную роль в научно-исследовательской деятельности в Узбекистане в 2015 году играл государственный бюджет – 58,7%. Вторым по значимости источником финансирования НИОКР являлись собственные средства предприятий и организаций – 22,9%. При этом в 2021 году ситуация резко изменилась. Так, доля государственного бюджета снизилась до 38,2%, в то время как доля собственных средств значительно выросла и достигла 56,2%. (диаграмма 2)



Источник: расчеты ИПМИ на основе данных Госкомстата Республики Узбекистан.

Стоит отметить, что государственные расходы в основном направляются на осуществление исследований в рамках государственного заказа на осуществление научно-прикладных, фундаментальных и инновационных грантов. Предприятия мало заинтересованы в таких исследованиях, либо имеют трудности в их проведении. В этой связи наблюдается рост финансирования исследований за счет собственных средств предприятий.

Индекс роста научно-технической сферы.

Для оценки совокупной динамики изменений научно-технической сферы за 2015-2021 годы был использован индекс роста научно-технической сферы (ИРНТС). Для расчета индекса используются показатели со значениями в темпах роста к предыдущему году.

Индекс состоит из 2 блоков: располагаемые ресурсы и достигнутые практические результаты. Каждый блок, в свою очередь, состоит из групп показателей. Всего используется 16 показателей.

К первому блоку «Располагаемые ресурсы» относятся такие группы показателей:

- **Научные организации:** темпы роста научно-исследовательских организаций; темпы роста научных организаций в государственном секторе; темпы роста организаций в предпринимательском секторе.

- **Кадры:** темпы роста докторов науки; темпы роста докторов философии (включая кандидатов наук); темпы роста исследователей (без совместительства); темпы роста исследователей (совместителей с педагогической деятельностью).

- **Затраты:** темпы роста затрат на НИОКР; темпы роста затрат государственного сектора; темпы роста затрат предпринимательского сектора.

Ко второму блоку «Достигнутые практические результаты» относятся такие группы показателей как:

- **Выполненные НИОКР:** темпы роста выполненного НИОКР; темпы роста выполненного НИОКР в государственном секторе; темпы роста выполненного НИОКР в предпринимательском секторе.

- **Международные публикации:** темпы роста числа публикаций в международных журналах; темпы роста цитируемых публикаций; темпы роста числа цитирований.

Для расчета значения по группе, а также по блоку использовался метод средней взвешенной (формула 1). Для этого каждому показателю в группе, а также каждой группе в блоке были присвоены определенные веса. Сумма всех весов равняется 100.

$$\bar{x} = \frac{\sum_{i=1}^n w_i \cdot x_i}{\sum_{i=1}^n w_i} \quad (1)$$


Где \bar{x} – среднее взвешанное значение, w_i – вес показателя/группы, x_i – значение показателя/группы.

Далее значение индекса рассчитывалось путем использования средней арифметической по двум блокам.

Индекс роста научно-технической сферы был рассчитан на основе статистических данных за 2015-2021 годы.

В 2015 году ИРНТС составил 112,4%. При этом располагаемые ресурсы имели более высокие темпы роста (114,6%) по сравнению с достигнутыми практическими результатами (110,2%). В 2021 году ИРНТС понизился до 101,1%. Такое падение произошло за счет сильного снижения темпов роста показателей по блоку достигнутые практические результаты, темпы роста которого составили в 2021

году 93,0%. Блок располагаемых ресурсов, в свою очередь, снизил темпы роста не так значительно и составил в 2021 году по сравнению с 2015 годом – 109,3% (диаграмма 3).



Источник: расчеты ИПМИ.

Основное снижение индекса произошло за счет понижения темпов роста по таким показателям как публикации и научные организации. При этом замедление темпов роста научных организаций и даже отсутствие изменений по ним в 2021 году связано с периодом пандемии коронавируса. Если же рассматривать более детально показатель публикации, то можно отметить числа международных публикаций и сильное падение числа цитирований данных публикаций. Данная ситуация говорит о снижении качества проводимых исследований и публикуемых на их основании работ.

Анализ сферы науки за 2015-2021 годы выявил наличие ряда проблем:

Существующие НИИ и ВУЗы не покрывают потребности предприятий в определенных разработках, а также в их качестве. В связи с этим предприятиям приходится активизировать и усиливать собственный научный потенциал и снижать количество заказов на исследования в ВУЗах и НИИ.

Существующее финансирование НИОКР не обеспечивает необходимого значительного прироста научно-технических разработок.

Снизилась качественная составляющая в международных публикациях отечественных исследователей. Это выражается в повышении доли самоцитирования в общем количестве цитирований на статьи в международных журналах с 25% в 2015 году до 67% в 2020 году. Происходит искусственная накрутка показателей в международных индексах цитирования.

Для нивелирования отрицательных эффектов и развития сферы науки в стране предлагаются реализовать следующие меры:

Усовершенствовать законодательство в научно-технической сфере, в частности, положений о

государственном заказе на НИОКР, а также о порядке планирования, финансирования и учета затрат на реализацию научно-технических проектов.

Закладывать более высокие расходы на науку в местные территориальные бюджеты за счет выделения средств из республиканского бюджета и перераспределения средств, получаемых за счет местных налоговых сборов и других платежей.

Создать при региональных центрах инновационных идей, разработок и технологий фонды поддержки науки и инновации. Основными направлениями деятельности фонда определить:

- выделение средств исследовательским проектам на создание опытного образца;
- финансирование перспективных научно-исследовательских и опытно-конструкторских проектов, направленных на решение конкретных проблем и на улучшение экономической ситуации в регионе;
- финансовая поддержка получения патента для наиболее успешных разработок;
- стимулирование науки в регионе;
- дополнительные выплаты ученым региона за наиболее эффективные изобретения, полезные модели и промышленные образцы.

Источниками финансирования фонда определить:

- региональные бюджеты;
- выделение средств из Фонда поддержки инновационного развития и новаторских идей при Министерстве инновационного развития, при этом расходовать на эти цели не менее 30% от объема средств фонда;
- при переходе региональных центров инновационных идей, разработок и технологий на самообеспечение в первый год получения прибыли – 1%, в третий год – 5%, в пятый год – 10%.

Источники и литература

1. Статистический бюллетень Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике «Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2015-2020 годах».
2. Scientific and technical journal articles: [Электронный ресурс] // WORLD BANK GROUP. URL: <https://data.worldbank.org/indicator/IP.JRN.ARTC.SC?view=chart> (дата обращения: 20.12.2021)
3. Scimago Journal & Country Rank: [Электронный ресурс] // SCIMAGO INSTITUTIONS RANKINGS. URL: <https://www.scimagojr.com/countryrank.php> (дата обращения: 20.12.2021)

Современное состояние научной сферы в Узбекистане

Антон Костюченко,

руководитель проекта Института прогнозирования и макроэкономических исследований

Аннотация: Наука – мощнейший двигатель общественного прогресса. Научная сфера является фундаментом для прорывных и инновационных разработок. Автором проведено исследование по оценке ключевых изменений в развитии сферы науки по основным составляющим: кадровый потенциал, затраты на науку, выполненные исследования и количество исследовательских организаций. Рассчитан индекс роста научно-технической сферы. Выявлены имеющиеся на сегодняшний день преграды для развития сферы науки и определены ключевые меры по их решению.

Ключевые слова: наука, исследования, научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы (НИОКР), индекс, кадровый потенциал.

Ўзбекистонда илмий соҳанинг ҳозирги ҳолати

Антон Костюченко,

Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

Аннотация: Фан – ижтимоий тараққиётнинг энг кучли двигателидир. Илмий соҳа – кашфиёт ва инновацион ишланмалар учун асосдир. Муаллиф томонидан илм-фан соҳасининг ривожланишидаги асосий ўзгаришларнинг долзарб таркибий қисмлари бўлмиш: инсон ресурслари, илмий харажатлар, тугалланган тадқиқот ва илмий-тадқиқот ташиқлотлари сонига кўра баҳолаш бўйича тадқиқот ўтказилган. Ўтказилган тадқиқот натижасида илмий-техник соҳанинг ўсиш индекси ҳисобланиб, илм-фан соҳасини ривожлантириши йўлидаги мавжуд тўсиқлар ва уларни ҳал қилишининг асосий чоралари аниқланган.

Калит сўзлар: фан, тадқиқот, илмий-тадқиқот ва тажриба- конструкторлик ишлари (ИТТКИ), индекс, инсон салоҳияти.

The current state of the scientific sphere in Uzbekistan

Anton Kostyuchenko,

Project manager Institute for Forecasting and Macroeconomic Research

Abstract: Science is the most powerful engine of social progress. The scientific sphere is the foundation for breakthroughs and innovative developments. The author conducted a study to assess key changes in the development of the field of science in terms of the main components: human resources, costs for science, research performed and research organizations. The growth index of the scientific and technical spheres has been calculated. The current barriers to the development of the field of science have been identified and key measures have been identified to address them.

Keywords: science, research, R&D, index, human capacity.

УЎК: 316.331.56:330.16

Гузал АЛИМОВА,

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти бош илмий ходими,*

E-mail: guzal_alimova@bk.ru,

Шахзод ХАМДАМОВ,

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
таянч докторанти,*

E-mail: ilhom_hamdammov@mail.ru

Қашқадарё вилоятида аҳоли фаровонлик даражаси ва эҳтиёжларининг қондирилишини баҳолаш

Кириш. Бугунги кунда республикаимиз микёсида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш муаммоси давлат сиёсати даражасига кўтарилган асосий масалалардан биридир. Шундай экан, камбағалликка қарши курашиш ёки камбағаллик ҳолатини юмшатиш учун нафақат республика даражасида ўрганиш балки ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш кечиктириб бўлмас жараён дир. Бевосита, республикаимиздаги камбағаллик даражаси юқори бўлган ҳудудларда ижтимоий сўровномалар ўтказиш, содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни доимий мониторинг қилиш, ҳудудий тизимли муаммо ва камчиликларни аниқлаш, ижтимоий хавф-хатарларини олдиндан прогноз қилиш ҳамда тўғридан тўғри жамоатчилик фикрини ўрганиш мазкур ҳолатнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-июнь ҳолатига Қашқадарё вилоятининг умумий аҳолиси сони 3438 минг кишидан кўпроқни, ҳудуддаги жами маҳаллалар сони 797 тани ташкил этади. Мазкур маҳаллаларда 830 минг нафардан ошиқ оилалар истиқомат қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, вилоятнинг камбағаллик даражаси юқори 9 та тумани ва шартли равишда 1 шаҳрида камбағаллик даражасини аниқлаш, жойлардаги муаммо ва камчиликларни тадқиқ қилиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган чо-

ра-тадбирларнинг натижаларини тизимли ўрганиш мақсадида, 2022 йилнинг июль-август ойларида жами 997 та уй хўжалигида хонадонбай ижтимоий сўровномалар ўтказилди.

Махсус ишлаб чиқилган сўровнома ҳудуддаги қуйидаги долзарб йўналишларни ўз ичига олган:

- уй хўжалиги тўғрисидаги ахборот базасини шакллантириш;
- аҳолига кўрсатилаётган хизматлардан қониқиб даражаси ва унинг сабабларини аниқлаш;
- аҳолининг ёш таркиби бўйича камбағаллик даражасини аниқлаш;
- субъектив ва объектив камбағаллик даражасини аниқлаш;
- Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Қашқадарё вилоятига қилган ташрифи чоғида таъкидлаганидек, “Замонамиз шиддат билан ўтяпти. 5 йил ҳам тез ўтиб кетди. Албатта, Қашқадарёнинг забардаст, танги, мард халқи бор. Лекин яшаш шароити бўйича, афсуски бу вилоят орқада”¹. Шундай экан, бугунги кунда ҳудудда ечилиши зарур бўлган муаммолар етарлича. Вилоят йирик саноат корхоналари сони ва ишлаб

1 URL: <https://kun.uz/50305535>. “Пул топиш азоб, у пулни халққа одилонга етказиш унданда азоб — Шавкат Мирзиёев”

чиқариш ҳажми бўйича республикада етакчилардан бўлишига қарамай, ишсизлик ва камбағаллик даражаси юқориликгича қолмоқда. Яна бир қизик жиҳат, йирик саноат корхоналари жойлашган туманларда ҳам аҳолининг турмуш даражаси бошқа туманлардан фарқ қилмайди. Ушбу масаланинг ечими кидирилганда, йирик корхоналарда ишловчи ходимларнинг катта қисми республиканинг бошқа ҳудудларидан келиб ишлаши аниқланди.

Бунга асосий сабаб қилиб малакали кадрларга бўлган талаб кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларига (Шаҳрисабз шаҳри ва тўққизта туманда ўтказилган сўровнома) кўра, вилоятда субъектив, объектив, кўп омилли ва ўта камбағаллик даражалари аниқланган. Субъектив камбағаллик бевосита хонадонлар (уй хўжаликлари) томонидан берилган саволларга олинган жавоблар асосида шакллантирилган.

1-расм. Қашқадарё вилоятида субъектив камбағаллик даражаси (%).



Манба: сўровнома натижалари, 2022 йил июль-август ойлари, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида ўрганилган туманларда камбағаллик даражаси 28,1% ни ташкил этиб, вилоятда хонадонбай расмий кузатишлар орқали аниқланган камбағаллик даражаси 18,8% дан сезиларли даражада юқорилиги аниқланди.

Бундан ташқари, ўта камбағаллик даражаси 1,6% кўрсаткичга эгаллиги маълум бўлди. Вилоятда субъектив камбағаллик даражаси нисбатан юқори бўлиши, асосан аҳоли орасида ўз манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, менталитет жиҳатдан ошкоралик тамойилига амал қилиш ва мавжуд ҳолатни яширмасдан, борича кўрсатаётганини маҳаллаларда олиб борилаётган “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”ларда кўзда тутилган имтиёзларнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин. Туманлар кесимида субъектив камбағалликнинг энг юқори даражаси Ғузур (18,1%) туманида аниқланган. Қизик жиҳати шундаки, Ғузур туманида газ ишлаб чиқариш саноати ривожланган бўлиб, йирик корхоналарга эгаллиги билан ажралиб туради. Натижаларнинг бундай кўриниш олишига юқорида таъкидланганидек, малакали кадрлар

бошқа ҳудудлар ҳиссасига тўғри келганлиги ва маълум бир ҳудуднинг ЯХМнинг ўсиши ҳамда саноатнинг ривожланганлиги ҳам камбағаллик даражасига таъсир кўрсатмаслиги мумкинлигидир. Шу ўринда таклиф этиш мумкинки, вилоятда камбағаллик ва ишсизлик даражасини камайтириш учун мавжуд саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарига ички меҳнат ресурсларини жалб этиш, уларнинг билим ва малакаларини ошириш учун тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан, ҳудудда бевосита истиқомат қилувчи аҳоли вакилларининг корхоналарда ишлаши учун шароитлар яратиш, уларга тегишли малакани олишлари учун соҳага алоқадор олийгоҳлар билан дуал таълим тизимини йўлга қўйиш айниқса фойдали бўлиши мумкин.

Сўровнома ўтказилган туманлардаги аҳоли даромадларининг сарфланишига кўра объектив камбағаллик даражасини аниқлаш мумкин. Бунда асосий мезон сифатида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад (харажат) дан фойдаланилган (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида уй хўжаликлари даромадларининг асосий сарфи
(Уй хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижалари, июль-август 2022 йил)

Туманлар	Ойлик даромад сарфи (фоизда)						Кунлик харажат миқдори (минг сўм)
	Жами	Озиқ-овқатга	Ноозиқ-овқат-товарларга	Хизматларга	Солиқ ва мажбурий тўловларга	Жамғаришга	
Ўзгир	100	39,7	19,3	16,8	13,7	10,5	27,3
Қашқадарё	100	37,2	20,0	16,3	13,4	13,1	29,8
Косон	100	42,0	20,8	13,4	13,2	10,6	17,9
Китоб	100	39,8	20,3	15,5	12,9	11,5	26,1
Миришкор	100	39,5	20,4	15,4	13,4	11,3	23,3
Нишон	100	39,7	21,1	14,6	13,7	10,9	22,6
Касби	100	39,4	21,3	15,4	12,5	11,4	26,4
Чироқчи	100	42,7	20,0	13,1	11,8	12,4	24,3
Яккабоғ	100	44,0	14,8	14,8	14,0	12,4	18,2
Шахрисабз ш.	100	42,0	25,0	12,0	11,0	10,0	13,6
Жами ўртача	100	40,6	20,3	14,73	12,96	11,41	22,9

Манба: Уй хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижаларига асосан муаллиф ишланмаси.

Маълум бўлишича, вилоятдаги истиқомат қилувчи аҳоли даромадларининг ўртача 40,6 % қисми асосан озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун сарфланади. Туманлар кесимида ҳам бу кўрсаткич бўйича сезиларли даражада катта тафовут кузатилмаган. Ноозиқ-овқат товарларга эса ўртача 20,3% харажат қилинганлиги маълум бўлиб, бевосита маиший хизматларга 14,7% маблағ сарфланганлиги аниқланди. Бундан ташқари, вилоят аҳолисининг харажатларида солиқ ва мажбурий тўловлар ҳиссаси деярли 13%ни ташкил этган ҳолда, жамғармага бутун ойлик даромаднинг ўртача 11,4% қисми сақлаб қолинади, холос.

Халқаро тажрибаларда аҳолининг фаровонлик даражасини аниқлашда асосан икки хил кўрсаткичдан фойдаланилади. Булар:

- аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол харажатлари.

Аҳоли даромадлари истеъмолга нисбатан эластик кўринишда бўлиб, ўзгарувчан характерга эга. Оила аъзоларининг даромадлари манбалари тўғрисида ишончли маълумот олиш мураккаб ва таҳлилий натижаларда хатолик фоизи юқори бўлиши мумкин. Шу сабабдан, мазкур соҳа экспертлари камбағаллик даражасини аниқлашда, асосан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол харажатлари кўрсаткичидан фойдаланилади.

Вилоятда камбағаллик даражасини аниқлашга қаратилган тадқиқотимизда айнан аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол харажатлари кўрсаткичи танланди ва ҳудуддаги аҳоли жон бошига ўртача кунлик харажат 22900 сўмни ташкил этди. Туманлар кесимида энг паст кўрсаткич Шахрисабз шаҳрида кузатилди ва ушбу кўрсаткичнинг бошқа туманларга нисбатан паст кўринишда эканлиги шаҳар марказидаги хонадонларнинг кўпчилигида катта ёшли аҳоли истиқомат қилиши ва уларнинг кундалик харажатларга кўп пул сарфлашга эҳтиёжи пастлиги билан изоҳланади. Қолган туманларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол харажатлари миқдори сўровнома ўтказилган манзилларнинг шаҳар ёки қишлоқ типига жойлашганлигига қараб, истеъмол хусусиятига кўра фарқ қилиши аниқланди. Энг юқори харажатга эга аҳоли Қашқадарё туманида истиқомат қилиши маълум бўлди. Сўровнома ўтказилган манзил туман марказидан узоқ бўлганлиги туфайли, аҳоли харажатларнинг таркибида асосан йўл харажатлари катта миқдорни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Халқаро миқёсда камбағаллик ёки қашшоқликнинг чегарасини белгилашда турлича (яъни, ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва табиий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда) усуллардан фойдаланилади. Бирок, ҳеч бир усул қайсидир мамлакат учун камбағаллик даражасини аниқлашда

идеал бўлиши қийин. Сабаби, ҳар бир мамлакатда ушбу ҳолатга таъсир этувчи хусусий ҳолатлар бўлиши мумкин. Айнан шу жиҳатни ҳудудлар миқёсида ҳам кўриш мумкин. Яъни, республикамизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос иқтисодий, ижтимоий, табиий ва албатта хусусий жиҳатларга эга. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос менталитети, турмуш тарзи, урф-одади ва истеъмол хусусияти мавжуд. Шундай экан, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари ва турмуш тарзидан келиб чиқиб ҳудудий камбағаллик чегарасини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Камбағаллик чегарасини белгилашдан кўзланган мақсад аҳолининг тўлақонли ҳаёт кечириши даражасини сақлаб қолиш учун зарур бўлган ресурсларнинг қийматини акс эттиришдир. Яъни, инсонга асосий эҳтиёжлар нуқтаи назаридан минимал қониқиш даражасига эришишга имкон берадиган зарурий маҳсулотлар (товар ва хизматлар) саватини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни ўлчашдир.

Субъектив камбағаллик даражаси орқали нисбий камбағаллик чегараларини аниқлаш Европа Иттифоқи олимлари томонидан кенг фойдаланиладиган усул бўлиб, асосан таҳлил қилинаётган ёки ўрганилаётган жамият аъзоларини икки гуруҳга яъни, мос равишда, камбағаллар ва камбағал бўлмаганларга ажратади. Агарда, жамиятда барча уй хўжалиқларининг даромади бир хилда маълум фоизга ўсса, нисбий камбағаллик чегараси ўзгаришсиз қолади. Камбағаллик чегараси баландроқ бўлади ва ўша жамиятдаги камбағаллар улуши бир хил ҳолатда сақланиб қолади. Шунинг учун, ушбу камбағаллик чегараси билан ҳисобланган одамлар ёки уй хўжалиқларининг фоизи камайиши учун жамият даромадларининг тақсимланишида ўзгаришлар бўлиши керак.

Вилоятдаги нисбий камбағаллик даражаси ва камбағаллик чегарасини аниқлаш ҳамда бу орқали камбағаллик бўшлиғини аниқлашда ЕВРОСТАТ² методологияси танлаб олинди. Сўровнома натижаларига кўра, ҳудуддаги камбағаллик чегарасини аниқлашда ҳар бир туманни шартли бир одам, деб белгилаб олинди ва ҳар бир туман (шаҳар) аҳолисининг ўртача кунлик харажатларини энг камидан энг кўпига қараб кетма-кетликда жойлаштириб олинди.

Юқоридаги маълумотларга асосан, Қашқадарё вилоятидаги энг паст кунлик харажат миқдори Шаҳрисабз шаҳрига ($13600 \times 30 = 408000$ сўм), энг

юқориси эса, Қашқадарё тумани ($29800 \times 30 = 894000$ сўм) ҳиссасига тўғри келган бўлса, қаторларни қуйидагича ифодалаш мумкин.

Қатордаги шартли одамлар:	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ойлик харажатлар миқдори:	408	537	546	678	699	729	783	792	819	894 (минг сўмда)

Биринчи навбатда, ушбу гуруҳдаги камбағаллик даражасини ҳисоблаш учун юқорида айтиб ўтганимиздек, тақсимлаш медианасидан фойдаланган ҳолда чап томонидаги аъзоларнинг даромадлари қолдирилади ва қолган энг катта даромад ва ундан кейинги аъзоларнинг даромадининг ўртача арифметик қиймати олинади. Демак, гуруҳнинг ўртаси 4 ва ундан кейингиси 5 бўлса, медиана 688,5 га тенг бўлади ва ЕВРОСТАТ талқинига кўра, 60 % лик мезон бўйича қарасак, 0,6 х 688,5 ҳосил бўлади. Ушбу ифоданинг қиймати 413,1 минг сўмни ташкил этади ва ушбу мисолда камбағаллик чегараси бўлиб хизмат қилади. Демак, юқоридаги 1-сонли одам биз белгилаган камбағаллик чегарасидан пастда жойлашганини кўришимиз мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, ушбу ҳолатда нисбий камбағаллик чегараси белгиланган аҳоли ўртасида камбағаллик даражаси қуйидагича бўлади:

$$K.D = \frac{1}{10} = 0,1, \text{ яъни } 10 \% \text{ аҳоли камбағал.}$$

Бундан ташқари, Евростат ўз тадқиқотларида камбағаллик бўшлиғи (К.Б.)ни аниқлашда қуйидаги формуладан кенг фойдаланиши кузатилади.

$$\text{Евростат (К.Б.)} = \frac{\text{Камбағаллик чегараси} - \text{Камбағаллар сони медианаси}}{\text{Камбағаллик чегараси}}$$

Яъни, юқоридаги формулага кўра, Қашқадарё вилоятида камбағаллик чуқурлиги ёки бўшлиғи ($413,1 - 408$) / $413,1 = 0,01$ % га тенг.

Шунингдек, тадқиқот давомида аҳоли орасида камбағалликка сабаб бўлувчи омиллар ўрганилганда, ишсизлик ёки мавжуд иш ўринларининг етишмаслиги (30,6 %) ва саводсизлик (30,1%) асосийлардан эканлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, коррупция, таниш-билишчилик ва уруғ-аймоқчилик каби омиллар таъсирида 13,1 % аҳоли муаммога дуч келишади ва адолатсизлик кўп, деб баҳолайди. Камбағаллик ҳолатига тушиб қолишда боқимандалик ва дангасалик ҳам сабаб бўлишини 12,3 % респондент тасдиқлаган. Шу билан бир қаторда, ногиронлиги ёки сурункали касалликлари бор оила аъзолари мавжудлиги (5,7%), оилада фарзандлар кўплиги (4,2 %) ва бахтсиз ҳодиса туфайли ҳам камбағаллик ҳолатида умр кечираётган аҳоли қатламлари мавжудлиги аниқланган (2-расм).

2 Poverty and its measurement the presentation of a range of methods to obtain measures of poverty.
URL: https://www.ine.es/en/daco/daco42/sociales/pobreza_en.pdf



2-расм. Қашқадарё вилоятида камбағалликка олиб келувчи омиллар (%)

Манба: сўровнома натижаларига асосан муаллиф ишланмаси.

Худудда ўта камбағаллик даражаси аҳолининг субъектив фикрларига ва шартли равишда аҳоли жон бошига минимал даромаднинг бугунги кундаги миқдорининг ярмидан, яъни 249 минг сўмдан кам даромадга эга оилалар мавжудлигининг ҳисобига аниқланган. Вилоятда ўта камбағал оилалар кўрсаткичи жуда паст бўлиб, атиги 1,6 фоизни ташкил қилган.

Ўта камбағал оилаларга асосан: ҳеч қандай касб-хунари ёки кўникмаси мавжуд бўлмаганлар, пенсия миқдори паст бўлган пенсионерлар, асосий боқувчисини йўқотганлар, соғлиги ёмон ёки сурункали касали борлар, оилада фақат бир киши ишлаши (эри бир ўзи ишлайди, 3-4 та ёш боласи бор ва аёли болалар тарбияси билан банд) ва иш ҳақи ҳамда даромаднинг камлиги билан тавсифланади.

Маълумки, жаҳон тажрибасида камбағаллик ва ижтимоий табақалашув атамаси ёнма-ён қўлланилади ва ижтимоий хавф-хатарларни аниқлашда ҳамда олдини олишда доимий кенг тадбиқ этилади. Ижтимоий табақалашувнинг камбағаллик даражасини аниқлашдаги эътиборли жаҳат шундан иборатки, аҳоли қатламлари орасидан энг юқори ва энг қуйи синф вакиллари даромадлари ўртасидаги тафовут қанчалик катта бўлса, худуднинг умумий ривожланиш даражасига шунчалик салбий таъсири намоён бўлади.

Қашқадарё вилоятида аҳоли даромадларига, камбағаллик даражасига таъсир этувчи омиллар ва сабаблар ўрганилганда, камбағаллик ҳолатига уй ҳўжалиги аъзоларининг иш ҳақи ёки даромади етарли даражада эмаслиги (14,2 %) таъсир кўрсатиши аниқланган. Бозорда озик-овқат, ноозик-овқат, товар ва хизматлар нархлари юқори даражада эканлиги 5,9 % ҳолатда камбағалликка олиб келиши,

оилада яшовчиларнинг кўп эканлиги ва меҳнатга лаёқатли ёш (эркаклар 59, аёллар 54) дан катта оила аъзолари кўпчиликни ташкил этиши (4,8 %), меҳнатга лаёқатли ёш (16 ёшгача)дан кичик оила аъзоларининг оилада кўпчилик эканлиги (3,2%) ҳисобига тўғри келса, ногирон ёки ишлашга лаёқатсиз аъзоларнинг мавжудлиги (1,5 %) деярли камбағалликка сабаб бўлмаслиги қайд этилган. Шунингдек, камбағалликка сабаб бўлувчи бошқа сабаблар 3,5%ни ташкил этган (3-расм).



3-расм. Қашқадарё вилоятида камбағаллик даражасига таъсир этувчи омиллар (% да).

Манба: сўровнома натижаларига асосан муаллиф ишланмаси.

Бундан ташқари, сўровда иштирок этган респондентларнинг қарийб 54,2%ида меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги (мактаб, лицейларда ўқиётган) фарзандлари мавжуд бўлиб, мазкур ёш тоифасидагиларнинг фаровонлик даражаси кўп омилли камбағаллик мезонлари асосида ўрганилган. Яъни, ҳар бир мактаб ёшидаги болаларда мавжуд бўлиши шарт бўлган халқаро меъёрий эҳтиёжлар ҳисобга олинган. Булар:

- кийим-кечак;
- оёқ кийимлари;
- озик-овқат;
- хобби ёки спорт тўғарақлари;
- мактаб саёҳатлари ёки байрамларда қатнашиш;
- оилавий байрамлар;
- кундалик эҳтиёж пули;
- дори-дармон.

Ушбу мезон орқали худуддаги болалар камбағаллиги даражасини аниқлаш мумкин бўлади. Демак, сўровнома натижаларига кўра, ўртача 2,3 % мактаб ёшидаги болалар йил бўйи юқоридаги омилларнинг барчасидан маҳрум бўлган бўлса, ўртача 9,8 % болалар тез-тез мазкур омиллар танқислигига дуч келишади. Шунингдек, респондентларнинг 19

% ининг фарзандлари баъзан юқоридаги омиллар таъминотида муаммоларга дуч келса, 21,4 % бо-

лаларда бу борада ҳеч қачон муаммо бўлмаслиги аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё вилоятидаги болаларнинг кўп омилли камбағаллик кўрсаткичлари (% да)

№		Жами	Йил бўйи	Тез-тез	Баъзан	Ҳеч қачон	Билмайди
1.	Кийим-кечак	55	3,1	11,8	24,3	15,6	0,2
2.	Оёқ кийимлари	54,5	0,7	11,8	22	19,8	0,2
3.	Озиқ-овқат	54,2	1,9	7,5	20,4	23,8	0,6
4.	Хобби ёки спорт	54,1	3,6	9,3	15,1	19,4	6,7
5.	Мақтаб саёҳатлари ёки байрамлар	53,8	3,2	9,4	16,9	20,4	3,9
6.	Оилавий байрам	54,2	1,2	7,4	18,2	26,3	1,1
7.	Кундалик эҳтиёж пули	54,2	2,6	12,1	18,5	20,8	0,2
8.	Дори-дармон	54,2	2,1	8,8	16,8	25,2	1,3

Манба: сўровнома натижаларига асосан муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, ҳудуддаги болаларнинг кўп омилли камбағаллик даражасини қуйидагича аниқлаш мумкин.

Демак, махсус сўровда иштирок этган респондентларнинг қарийб 54,2 %ида вояга етмаган фарзандлар мавжуд бўлса, вилоятдаги умумий мактаб ёшидаги болаларни аниқлаш коэффиценти керак бўлади. Яъни:

$$\frac{100}{52,4} \approx 1,8$$

Демак, юқоридаги натижаларни 1,8 коэффицентга кўпайтириш орқали болаларнинг ҳудудий кўп омилли камбағаллик даражасини қуйидагича аниқлаш мумкин:

Ҳудуддаги ўта камбағаллик ҳолатидаги болалар улуши (йил бўйи юқоридаги омилларнинг барчасидан маҳрум бўлган болалар улуши 2,3 % бўлса, $2,3 \times 1,8 \approx 4,1$ га тенг) қарийб 4,1 % га тенг.

Ҳудуддаги камбағалликда болалар (тез-тез мазкур омиллар танқислигига дуч келганлар 9,8 % бўлса, $9,8 \times 1,8 \approx 17,6$ га тенг) улуши 17,6 % қийматга эга.

Ўрта таъминланган болалар (баъзан юқоридаги омиллар таъминотида муаммоларга дуч келганлар 19 % бўлса, $19 \times 1,8 = 34,2$ га тенг) 34,2% ни ташкил этган.

Юқори даражадаги таъминотга эга вояга етмаганлар (ҳеч қачон таъминот масаласида муаммога учрамаганлар 21,4 % бўлса, $21,4 \times 1,8 \approx 38,5$ га тенг) 38,5 % улушга эга эканлиги аниқланган.

Хулоса ва таклифлар. Қашқадарё вилояти туман(шаҳар)ларида ўтказилган уй хўжаликлари сўровнома натижаларига асосан қуйидаги хулосаларга келинган:

- вилоят аҳолиси томонидан сўнгги 5 йил давомидаги ислохотларнинг аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига таъсири респондентлар томонидан ижобий (67,1%) баҳоланган. Хусусан, аҳолини қийнаб келаётган электр энергияси ва газ таъми-

**Сўровнома
натижаларига кўра,
ўртача 2,3 % мактаб
ёшидаги болалар йил бўйи
юқоридаги омилларнинг
барчасидан маҳрум бўлган
бўлса, ўртача 9,8 %
болалар тез-тез мазкур
омиллар танқислигига дуч
келишади.**

нотидаги муаммолар ижобий ҳал этилган бўлиб, ушбу ўзгаришлардан аҳолининг қониқиш даражаси 73,8%ни ташкил этган. Шунингдек, экология ва атроф муҳитдан, жумладан, тоза ичимлик суви таъминотидан қониқиш даражаси бўйича жавоб 75,4%, таълим олиш муассасалари фаолиятдан – 77,1%, соғлиқни сақлаш хизматларидан 72 % ва алоқа ва телекоммуникация хизматларидан 76,2% эканлигини кўриш мумкин;

- тадқиқот натижаларига асосан, туманлар кесимида субъектив камбағаллик даражаси (28,1%), нисбий камбағаллик даражаси (10 %), ўта камбағаллик (1,6%) даражалари ҳисобланган. Бундан ташқари, ҳудудда камбағаллик чуқурлиги 1 %га тенг эканлиги аниқланган. Шунингдек, камбағаллик даражасининг энг юқориси Ғузор ва Қамаш туманларида қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткич Шаҳрисабз шаҳрида эканлиги маълум бўлган. Камбағаллик даражасининг юқори кўринишлари туманлар ва маҳаллаларда турлича бўлиб, уни қисқартириш ёки юмшатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда эътиборга олиш мақсадга мувофиқ;

- тадқиқотда вилоятдаги камбағал оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий портрети, уларнинг маълумоти, оилавий аҳволи, бандлиги, ижтимоий нафақа билан таъминланганлиги, оила аъзолари ёши бўйича таркиби, оилалардаги болалар сони асосида шакллантирилган. Ушбу йўналишлар бўйича камбағал оилаларнинг ўртача ва юқори фаровон оилаларга нисбатан фарқланиши ва ўзига хос хусусиятлари борлиги кўрсатилган;

Тадқиқот натижасида аниқланган тизимли муаммолардан келиб чиқиб, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- туманлар кесимида камбағалликни қисқартириш бўйича дастур ва йўл хариталарни тайёрлашда ҳар бир маҳаллада шаклланган камбағалларнинг ижтимоий-иқтисодий портрети, камбағаллик даражаси, сабаблари, ижтимоий табақалашув даражаси каби омилларни ҳисобга олган ҳолда оилабай ишлаш тизимини самарали ташкил қилиш;

- саноатлашган туманларда истиқомат қилувчи аҳолининг қорхоналарда ишлаши учун шароитлар яратиш, уларга тегишли малакани олишлари учун соҳага алоқадор олийгоҳлар билан дуал таълим тизимини йўлга қўйиш;

- ҳудуддаги болалар камбағаллигига қарши кураш механизмининг ва уларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- маҳаллаларда камбағаллик рўйхатини шакллантиришни қайтадан кўриб чиқиш, уни аёллар ва ёшлар дафтари, саховат дафтари, ижтимоий ҳимоя қилишнинг ягона реестри билан мувофиқлаштиришни қисқа муддатларда тугатиш;

- туманлар ва маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича дастур ва йўл хариталарини ишлаб чиқишда жойлардаги аҳоли ва тадбиркорлар томонидан берилган таклиф ва тавсияларни эътиборга олиш лозим;

- сўровнома натижаларига кўра, маҳаллий таълим ташаббусларнинг асосий қисми иш билан таъминлаш, ирригация ва мелиорация ишларининг самардорлигини ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш учун қўшимча қулайликлар яратиш, ижтимоий инфратузилма объектларига бўлган эҳтиёжни қаноатлантиришдан иборат.

Манба ва адабиётлар

1. “Пул топши азоб, у пулни халққа одилонга етказиш унданда азоб — Шавкат Мирзиёев”. URL: <https://kun.uz/50305535>

2. *Poverty and its measurement the presentation of a range of methods to obtain measures of poverty.* 13-14 pages.

URL: https://www.ine.es/en/daco/daco42/sociales/pobreza_en.pdf

3. *Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.*

4. *Draft Questionnaire for the Survey on Poverty and Social Exclusion.* 9-10 pages. URL: http://www.bris.ac.uk/poverty/pse/99-Pilot/99-Pilot_10.pdf

Қашқадарё вилоятида аҳоли фаровонлик даражаси ва эҳтиёжларининг қондирилишини баҳолаш

Гузал Алимова,

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими,

Шахзод Хамдамов,

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти таянч докторанти

Аннотация: ушбу мақола Қашқадарё вилоятида камбағаллик сабаблари ва даражасини аниқлаш, уни қисқартириш юзасидан олиб борилаётган тадқиқот доирасида ҳудуднинг потенциалдан келиб чиқиб тайёрланган сўровнома натижалари

асосида шакллантирилган. Сўров – анкета ёрдамида интервью ўтказиладиган уй хўжаликлари туман (шаҳар) бўйича маълумотларнинг намунавийлигини таъминлаш учун маълум мезонларга мос равишда танлаб олинган. Сўровнома ёрдамида ҳудуддаги уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари, фаровонлик даражаси, ижтимоий табақалашув ва камбағаллик, хонадон аъзоларининг иши билан бандлиги, турар-жой шароитлари, ижтимоий ҳимояси, кўрсатилаётган хизматлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар шакллантирилиб, натижалар таҳлиliga асосан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, фаровонлик даражаси, ишсизлик, болалар камбағаллиги, бандлик, аҳоли даромадлари, камбағаллик чегараси.

Оценка уровня благополучия и удовлетворения потребностей населения в Кашкадарьинской области

Гузал Алимова,

главный научный сотрудник
Института прогнозирования и
макроэкономических исследований,

Шахзод Хамдамов,

докторант Института прогнозирования и
макроэкономических исследований

Аннотация: данная статья подготовлена по результатам опроса, проведенного исходя из потенциала региона в рамках исследования по определению причин и уровня бедности в Кашкадарьинской области и ее сокращению. Домохозяйства для опроса отбирались с помощью анкеты по определенным критериям, чтобы обеспечить репрезентативность данных по выбранному району (городу).

По результатам обследования была сформирована подробная информация о доходах и расходах домохозяйств, уровне благосостояния, социальном расслоении и бедности, занятости членов домохозяйств, жилищных условиях, социальной защите, оказываемых услугах и проведен анализ результатов.

Ключевые слова: бедность, уровень благосостояния, безработица, детская бедность, занятость, доходы населения, региональная черта бедности.

Assessment of the level of well-being and satisfaction of the needs of the population in Kashkadarya region

Guzal Alimova,

Chief Scientist, Forecasting and
macroeconomic research,

Shahzod Hamdamov,

doctoral student, Institute for Forecasting and
macroeconomic research

Abstract: this article was created based on the results of a survey prepared on the basis of the potential of the region as part of a study to determine the causes and level of poverty in the Kashkadarya region and its reduction. Survey - households for the survey using a questionnaire were selected according to certain criteria in order to ensure representativeness of the data for the selected area (city). Based on the results of the survey, detailed information was developed on household income and expenditure, wealth, social stratification and poverty, employment of household members, housing conditions, social protection, and services provided, and an analysis of the results was carried out.

Keywords: poverty, welfare level, unemployment, child poverty, employment, population income, regional poverty line.

УЎК: 345.212.2:331.101

Латифжон ХЎЖАЕВ,
*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Халқаро рейтинглар
ва бизнес инфраструктурасини яхшилаш
бошқармаси бош мутахассиси,
E-mail: lxujayev@mineconomy.uz*

Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашнинг янги механизми

Кириш. Халқаро рейтинг ва индекс (ХРИ) – мамлакатларни муайян ижтимоий, иқтисодий, маданий, экологик ёки маъмурий ўлчовлар бўйича тартибловчи йиллик ёки бир неча йилда бир мартаба ҳисобланадиган махсус восита бўлиб хизмат қилади. Улардан экспертлар давлат даражасидаги ислохотлар ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат мезони сифатида, тадқиқотчилар илмий асосланган хулосалар олиш мақсадида фойдаланадилар.

ХРИларни ҳисоблаш ва оммага эълон қилиш кўпинча халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ёки уларнинг ҳамкорлигида амалга оширилади. ХРИларни тузиш мақсадида ҳам ҳукуматлараро, ҳам нодавлат ташкилотлар томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар мустақил ҳисобланади.

ХРИлар дунё мамлакатларидаги турли кўрсаткичларнинг жорий ҳолати ва динамикасини ўрганишга қаратилган чуқур тадқиқотлар натижаларини акс эттиради. Рейтинглари битта осон ўлчанадиган кўрсаткичга қаратилиши (айнан маълум бир кўрсаткичнинг ўзини баҳолаш) ёки мураккаб кўрсаткичлар ва ҳисоблаш услубиётига эга бўлиши мумкин. Уларни ҳисоблаш методологияси аниқ маълумотларни йиғишга асосланади ҳамда кўпроқ илмий қизиқиш уйғотади.

Охириги йилларда мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар кўплаб ХРИ ларда Ўзбекистоннинг рейтинглардаги ўрнининг яхшиланишига олиб келиши билан бир қаторда, турғун (ижобий ўзгариш йўқ)

ёки салбий ўзгариш кузатилаётган ХРИлар ҳам мавжуд. Уларнинг сабаблари айрим кўрсаткичларда ҳақиқатда ижобий ўзгариш кузатилмаслиги бўлса, айрим ҳолларда ХРИларни ҳисобловчи ташкилотлар билан етарли даражада алоқа ўрнатилмагани, мунтазам равишда маълумотларни тақдим этиб берилмаслиги ёки Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиёти рейтингни ҳисобловчи ташкилотларнинг услубиётидан фарқланишидир. Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг ХРИлардаги ўрнини яхшилаш бўйича юқорида таъкидланган сабабларнинг ечимини топиш ва амалда ислохотларнинг акс этишини таъминлашга асос бўлувчи механизмни таклиф қилиш.

Асосий қисм. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ХРИлардаги ўрнини яхшилаш бўйича қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар доирасида бир қатор ХРИлардаги Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича тегишли вазирлик ва идораларда ишчи кенгашлар ташкил қилинди, стратегиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш жараёнлари давом этмоқда, жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонида мувофиқ, Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларда халқаро рейтинглар бўйича фаолиятни амалга оширишга масъул бўлган ихтисослашган таркибий бўлинмалар ташкил этилди [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ХРИлар ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати тасдиқланди.

Унга қўра, фаолият йўналиши ҳамда вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Транспорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига бир қатор устувор ХРИлар бириктирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон Қарори орқали республикадаги илмий тадқиқот институтларига алоҳида ХРИлар бириктирилди [2].

Иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий йўналишлардаги ХРИларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш, масъул давлат органлари раҳбарларига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида уларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПФ-5687-сон Фармони қабул қилинди ва унга қўра, Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия тузилди [3].

Ўзбекистон Республикасининг ХРИлардаги ўрнини яхшилаш мақсадида қўйилган яна бир муҳим кадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон Фармонининг қабул қилиниши бўлди ва бу орқали Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди [4].

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ХРИнинг Кенгаш ишчи органлари (Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги) бўйича тақсимоти ҳамда самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (КРІ) ва унга эришиш учун ҳар йилнинг 1 декабригача келгуси йил давомида бажарилиши назарда тутилган ташкилий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Кенгашга киритиш белгиланди.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 августдаги ПФ-197-

сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонининг 3-илоvasи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон Фармонининг 3-илоvasига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги ПҚ-246-сон Қарори билан таркибий индикаторлар бўйича доимий равишда паст баҳоланиб келинаётган соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш бўйича ўрта ва узок муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш режаси тасдиқланди [5].

Юқорида қайд этилган ва қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ХРИлардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизми жорий қилиниши натижасида, устувор бўлган кўпгина ХРИларда Ўзбекистон Республикасининг нуфузи янада ортиб бормоқда, жумладан:

- АҚШнинг “Мерос” жамғармаси томонидан юритиладиган Иқтисодий эркинлик индексида (Economic Freedom Index) 31 поғона (2017 йилга нисбатан 2022 йилда);

- Жаҳон банкининг Статистик салоҳият индексида (Statistical Capacity Indicator) 58 поғона (2017 йилга нисбатан 2021 йилда);

- БМТ Тараққиёт Дастурининг Инсон камолоти индексида (Human Development Index) 4 поғона (2017 йилга нисбатан 2021/22 йилда);

- Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторлари (Worldwide Governance Indicators) таркибидаги ҳукумат самарадорлиги (Government Effectiveness) йўналишида 26 поғона, тартибга солиш сифати (Regulatory Quality) йўналишида 47 поғона (2017 йилга нисбатан 2021 йилда);


- Reporters Without Borders томонидан юритиладиган Матбуот эркинлиги индексида (Press Freedom Index) 36 поғона (2017 йилга нисбатан 2022 йилда) ўсишга эришилди.

Инсон камолоти индекси. БМТ Тараққиёт Дастури (United Nations Development Programme) томонидан 1990 йилдан бери юритилади ҳамда ҳисобот йилидан олдинги йилнинг якунлари бўйича ҳисоблаб чиқариладиган Инсон камолоти индексининг (Human Development Index) жорий йилнинг 8 сентябрдаги “Инсон камолоти ҳисоботи

– 2021/22, Ноаниқ вақтлар, беқарор ҳаёт: келажакимизни ўзгарувчан дунёда шакллантириш” номли ҳисоботида кўра, Ўзбекистон 191 та мамлакатлар орасида 0,727 кўрсаткич (сўнгги ҳисоботга кўра рейтинг баҳосини 0,007 кўрсаткичга яхшилади) билан 106-ўрндан 101-ўринга юқорилаб, индекс методологиясига асосан инсон тараққиётининг юқори

даражаси таснифидаги ўрнини мустаҳкамлади [6].

Covid-19 пандемиясининг биринчи йилида деярли барча мамлакатларнинг инсон камолотида пасайиш (реверс) кузатилган бўлса, иккинчи йилда ҳам индекс таснифи бўйича Инсон камолотининг паст, ўрта ва юқори даражали гуруҳига кирувчи аксарият мамлакатларда пасайиш кузатилди (1-расм).



1-расм. Инсон камолоти индекси қиймати пасайиши кузатилган индекс таснифининг ҳар бир гуруҳига кирувчи мамлакатлар улуши

Манба: БМТ Тараққиёт Дастури маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тасниф бўйича ҳисоботда қайд этилган 191 та дунё давлатларининг 66 таси инсон тараққиётининг жуда юқори даражасида, 49 таси инсон тараққиётининг юқори даражасида, 44 таси инсон ривожланишининг ўртача даражасида ҳамда 32 таси инсон тараққиётининг паст даражасида баҳоланди.

Сўнгги олти йил (2016-2021 йй.) давомида Ўзбекистоннинг Инсон камолоти индекси 0,018 кўрсаткичга яхшиланди ва 6 поғона юқorigа кўтарил-

ди. Яъни шу йиллар мобайнида индекс кўрсаткичи 0,709 дан 0,727 гача (2,5 фоизга) ўсди, кутилаётган умр кўриш давомийлиги 0,1 ёшга, ўртача таълим давомийлиги 0,2 йилга, кутилаётган таълим давомийлиги 0,6 йилга ошган бўлса, аҳоли жон бошига ЯМД 1191 АҚШ долларига ошди. Ўзбекистон сўнгги ҳисоботга кўра 4 та индикатор кўрсаткичларидан 3 тасида ижобий ва 1 тасида салбий ўзгаришларни қайд этди (1-жадвал).

1-жадвал


“Инсон камолоти индекси” нинг 2021/22 йил ҳисоботи бўйича Ўзбекистоннинг ўрнини белгиловчи субиндикаторлар

Т/р	Индикатор ва субиндикаторларнинг номланиши	Берилган кўрсаткичлар			Эгаллаган ўрни
		2021/22 йил	2016 йил	+/-	2021/22 йил
Инсон камолоти индекси		0,727	0,709	+0,018	101
1.	Кутилаётган умр кўриш давомийлиги (умумий), ёш:	70,9	71,2	-0,3	105
	аёллар учун	73,4	73,3	+0,1	114
	эркаклар учун	68,3	69,0	-0,7	101
2.	Кутилаётган таълим давомийлиги, йил:	12,5	11,9	+0,6	127
	аёллар учун	12,4	11,7	+0,7	128
	эркаклар учун	12,6	12,0	+0,6	117

3.	Ўртача таълим давомийлиги, йил	11,9	11,5	+0,4	42
	аёллар учун	12	11,2	+0,8	44
	эркаклар учун	12	11,8	+0,2	38
4.	Аҳоли жон бошига ЯМД (PPP, АҚШ долларарида)	7 917,0	6 421,5	+1 495,5	119
	аёллар учун	5 427,0	4 567,0	+860,0	105
	эркаклар учун	10 403,0	8 276,0	+2 127,0	111

Манба: БМТ Тараққиёт Дастури маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Инсон камолоти индексидаги кўрсаткичларни янада яхшилаш учун қуйидаги механизмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:



1-схема. Халқаро рейтинг ва индекслардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш механизми

Манба: муаллиф ишланмаси.

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг Инсон камолоти индексидаги ўрнини янада яхшилаш учун ушбу механизм қўлланилса, 1-жадвалда келтирилган субиндикаторлардан эркакларнинг қутилаётган умр давомийлиги, аёлларнинг қутилаётган таълим давомийлиги ҳамда аёлларнинг даромадлари субиндикаторлари бўйича кўрсаткичларни яхшилаш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўришимиз мумкин (ушбу субиндикаторлар жаҳон мамлакатларида ҳам юқори эмаслигини ҳисобга олиш зарур). Ҳозиргача аёлларнинг таълим давомийлигини ошириш бўйича ҳукуватимиз қатор ишларни амалга оширди. Бу борада шаҳар ва қишлоқ аёлларининг таълим давомийлиги (олий таълим билан қамров даражаси) орасидаги тафовутни қисқартириш янада ижобий натижаларга олиб келади.

Эркакларда қутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи нисбатан қисқалигининг асосий сабаблари юрак-қон томир касалликлари (гипертония, атеросклероз, юрак ва мия қон томирларининг фаолияти бузилиши) ҳамда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакларда юзага келувчи касалликлар ҳисобланади. Шу боис эркаклар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, меҳнат ёшидаги (16-60 ёш) эркаклар орасида тиббий кўриқдан ўтказиш тизимли равишда олиб борилишини таъминлаш ушбу кўрсаткичнинг ижобий силжишига олиб келади.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан нашр қилинган 2019/2020 йилларда Ўзбекистондаги болалар вазиятининг таҳлили ҳисоботида 2018 йилда 1 000 нафар тирик туғилган чақалоқларда 5 ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим даража-

си ўғил болаларда 24,31, қиз болаларда 18,37 коэффициентни ташкил этганлиги, 5 ёшгача бўлган болалар орасида ўғил болаларнинг ўлим даражаси кўп эканлигидан далолат беради. Бу борада ҳам тизимли ишларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ва уларнинг назоратини такомиллаштириш мақсадга эришишга имкониятни кенгайтиради [7].

Аёлларнинг даромадлари кўрсаткичини таҳлил қилсак, Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2021 йил якунлари бўйича жами бандларда аёлларнинг улуши 41,3 фоизни, ишсизлик кўрсаткичида аёлларнинг улуши 59 фоизни ташкил этган бўлиб, булар аёлларнинг даромад олишдаги кўрсаткичи пастлигининг асосий сабаблари ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш учун замонавий кўникмаларга (ахборот технологиялари, тадбиркорлик ва бошқа) ўқитиш тизимини такомиллаштириш, масофавий банд бўлиш имкониятларини кенгайтириш ушбу кўрсаткичнинг яхшиланишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар. Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида хусусийлаштириш жараёнлари содалаштирилди, инсон кадри улуғланди, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланди, тадбиркорликка кенг йўл очилди, олий таълим муассасалари сони ҳамда уларга қабул параметрларининг ортиши натижасида олий таълим билан камраб олиш даражаси ортди.

Аёлларнинг даромадлари кўрсаткичини таҳлил қилсак, Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2021 йил якунлари бўйича жами бандларда аёлларнинг улуши 41,3 фоизни, ишсизлик кўрсаткичида аёлларнинг улуши 59 фоизни ташкил этган бўлиб, булар аёлларнинг даромад олишдаги кўрсаткичи пастлигининг асосий сабаблари ҳисобланади.

Устувор ҳисобланган халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикаси ўрнини янада юксалтириш мақсадида юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ХРИларни юритувчи халқаро ташкилотлар билан мунтазам алоқани ўрнатиш ҳамда уларнинг ҳисоботларида Ўзбекистон тўғрисидаги кўрсаткичларни тўғри шакллантириш мақсадида зарур маълумотларни ўз вақтида етказилишини таъминлаш;

- давлат дастурлари, концепциялар, шунингдек, соҳалар кесимида ишлаб чиқилган стратегияларда белгиланган аниқ вазифа ва топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш;

- ХРИлардаги мамлакатимиз ўрнини яхшилашга тўсқинлик қилаётган мавжуд муаммоларни мунтазам таҳлил қилиб бориш, уларни ҳал этиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш.

Манба ва адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2019 йилдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон фармони.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.02.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.03.2019 йилдаги “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”ги ПФ-5687-сон фармони.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон фармони.*

5. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2022 йилдаги “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-246-сон қарори.*

6. <https://hdr.undp.org/content/human-development-report-2021-22> (БМТ Тараққиёт Дастурининг “Инсон камолоти ҳисоботи - 2021/22, Ноаниқ вақтлар, беқарор ҳаёт: келажакимизни ўзгарувчан дунёда шакллантириш”)

7. 2019/2020 йилларда Ўзбекистондаги болалар вазиятининг таҳлили, Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ) 2020 Тошкент, <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/3381/file/SitAn%20-%20Russian%20-%20updated.pdf>

Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашнинг янги механизми

Латифжон Хўжаев,

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,

Халқаро рейтинглар ва бизнес
инфраструктурасини яхшилаш
бошқармаси бош мутахассиси

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳалардаги устувор халқаро рейтинг ва индексларда ўрнини яхшилаш ҳамда вазирлик ва идораларда мазкур йўналиш бўйича ишлашнинг янги механизми баён қилинган, шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро мавқеини янада ошириш юзасидан мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: халқаро рейтинг ва индекслар, таркибий индикатор ва субиндикаторлар, инсон камолоти, иқтисодий эркинлик, самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари.

Новый механизм улучшения позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах

Латифжон Хўжаев,

Министерства экономического развития и
сокращения бедности Республики Узбекистан,

Главный специалист Управления по
международным рейтингам и улучшения
бизнес-инфраструктуры

Аннотация: в статье описывается новый механизм улучшения позиций Республики Узбекистан в приоритетных международных рейтингах и индексах в социально-экономической, политической и правовой сферах и работах в этом направлении в министерствах и ведомствах, а также были высказаны соображения относительно дальнейшего повышения международного статуса нашей страны.

Ключевые слова: международный рейтинг и индексы, структурные индикаторы и субиндикаторы, человеческое развитие, экономическая свобода, ключевые показатели эффективности.

A new mechanism for improving the position of the Republic of Uzbekistan in international rankings and indexes

Latifjon Khujaev,

Ministry of Economic Development and Poverty
Reduction of the Republic of Uzbekistan, Chief
Specialist of the Department for International
rankings and business infrastructure improvement

Abstract: the article describes a new mechanism for improving the position of the Republic of Uzbekistan in priority international ratings and indices in the socio-economic, political and legal spheres and work in this direction in ministries and departments, and also expressed considerations for further improving the international status of our country.

Keywords: international ranking and indices, structural indicators and sub-indicators, human development, economic freedom, key performance indicators.

УЎК: 331.1.37.033(575.1)

Найля ИБРАГИМОВА,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари,
E-mail: nibragimova@ifmr.uz

Таълим истиқболи инсон имкониятлари ортишидаги муҳим омил

Кириш. Инсон капитали ривожланишини таъминлаш, айниқса, таълим тизимининг имкониятларини ошириш бўйича вазифалар ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг устувор йўналишлари сирасига киради.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инновацион иқтисодиётга ўтиш юқори малакали кадрларни талаб қилганлиги сабабли аҳолини таълимнинг барча босқичлари билан қамраб олишга катта эътибор қаратилган. Стратегияда назарда тутилган асосий чора-тадбирлар 2030 йилгача ёшларни олий таълим билан қамраб олишни 50 фоизгача етказиш ва таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. **Бунда биринчи навбатда:** 1) олий таълим муассасаларининг умумий сонини 200 тага, шу жумладан нодавлат университетлар сонини камида 50 тага етказиш; 2) ҳудудларнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудда камида 1 тадан нодавлат олий таълим муассасасини ташкил этиш; 3) 2026 йилга қадар 10 та потенциал университетни QS ва бошқа халқаро рейтингларга киритиш; 4) давлат университетларига академик ва молиявий мустақиллик беришда давом этиш ва бошқалар киради.

Олий таълим муассасалари, шу жумладан хорижий ва хусусий университетлар филиаллари сонининг ортиши, олий таълим олиш учун давлат квоталари кўпайиши, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг қизлари ва ўрта таълим муассасаларининг жисмоний имкониятлари чекланган битирувчилари учун алоҳида квоталар ажратилиши ёшлар-

ни олий таълим билан қамраб олиш даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун мамлакатимизда 131 та олий таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Уларнинг 27 таси нодавлат олий таълим муассасаларидир (2017 йилда 8 та нодавлат олий таълим муассасалари фаолият кўрсатган). Хусусий мактаблар сони 3 баробар (51 тадан 149 тага) кўпайди. Хусусий секторнинг мактабгача таълим тизимидаги иштироки ҳам ошди – 795 та хусусий, 1051 та давлат-хусусий шериклик ва 11 мингдан ортиқ нодавлат оилавий мактабгача таълим муассасаси (қамрови 250 минг бола) ташкил этилди. Бунинг натижасида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш 2017 йилдаги 27,3 фоиздан 2021 йил ўрталарига келганда 62,4 фоизга кўтарилди.

Инсоннинг имкониятлари кўп жиҳатдан унинг таълим даражасига боғлиқ. Бу масалада унга кўмак бериш иқтисодиётда рақобатбардошлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш, «камбағаллик тузоқлари»ни бартараф этиш имконини беради. Таълим тизимини ривожлантириш сиёсатини олиб бориш ўз олдига инсон капиталини бой бериш, келажак авлоднинг меҳнат унумдорлиги ва даромадлари камайиши хавфини сезиларли даражада қисқартиради.

1. Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш тенденциялари ва муаммолари

Мамлакатимизда тўпланган инсон капитали Ўзбекистоннинг бугунги имкониятлари ва салоҳиятини акс эттиради. Инсон ривожланиши индекси ҳисоботида кутилаётган таълим олиш давомийлиги – 12,1 йил, ўртача таълим олиш давомийлиги – 11,8 йилни ташкил қилади (Iрасм).



1-расм. Таълим сифатига мослаштирилган таълимнинг қутилаётган давомийлиги

Бирок, Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг Инсон капитали индекси бугун ушбу мамлакатда дунёга келган гўдакнинг меҳнат унумдорлиги у вояга етганда 62 фоизини ташкил қилади. Потенциал унумдорлик эса тўлиқ таълим олиш ва яхши саломатлик шарти билан таъминланади.

Шундай экан, таълим даражасини ошириш инсоннинг ривожланишини рағбатлантиришда жуда катта имкониятларга эга.

Мамлакатда олиб борилаётган сиёсатга мос ва 2030 йилгача ресурсларга эга бўлган инсон имкониятларини ривожлантиришнинг устувор йўналиши таълим соҳасидаги қатор муаммоларни инobatга олган ҳолда, асосий эътиборни қуйидаги жиҳатларга қаратиши мақсадга мувофиқ:

1) Олий таълим билан камраб олиш даражасини ошириш лозим. Ҳозир у 28% га тенг. Бу эса дунё миқёсида паст кўрсаткич ҳисобланади.

2) Педагог кадрларнинг таълим сифати ва касб малакасини ошириш, шунингдек, Марказий Осиё ва Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг Quacquarelli Symonds каби халқаро рейтинг ва STEM (Science, Technology, Engineering, Mathematics) йўналиши бўйича ўрнини яхшилаш зарур.

3) Таълим учун ажратилаётган давлат харажатлари улушини камайтириш (2030 йилга бориб 6 фоизга) ва хусусий сектор улушини ошириш даркор.

5) Давлат институтларининг инновацион жиҳати ва сифатини ошириш керак.

6) Ўзбекистон ўз университетларига хорижлик талабаларни жалб қилиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши керак. Ҳозир Ўзбекистон олий ўқув юрғларида таҳсил олаётган чет эллик талабалар сони университет талабаларининг 0,2 фоизидан ошмайди.

2. 2030 йилгача бўлган мақсадли устувор йўналишлар

Олий таълимнинг қамров даражаси ва таълим олиш муддати таълимни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари сифатида белгиланди (2-расм).

<u>Олий таълим муассасаларига қабул қилиш</u>	<u>Таълим олишнинг ўртача муддати</u>	<u>Knowledge Society</u>	
		<u>Умумий билимлар тизими индекси</u>	<u>Инновация индекси</u>
50 %	7,9 йил	0.49	0.22 (0.17)

2-расм. 2030 йилгача таълим соҳасида мақсадли кўрсаткичлар

Таълим соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрларини аниқлашда узоқ муддатли дастур ва стратегияларнинг мақсадли параметрлари, ҳали дастурий ҳужжатларда мавжуд бўлмаган параметрлар учун эса УМІ давлатларининг ўхшаш соҳалардаги параметрлари қўлланилди.

Масалан, 2021 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда олий таълим олиш имконияти (100 кишига 18-25 нафар талаба тўғри келади) даромад даражаси ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар (УМІ) учун мос ўртача кўрсаткичдан 2 барабар паст. Бу эса аҳолининг тараққиётдаги муҳим омиллар ва ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мезони бўйича миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсиш сифатини ошириш муаммосининг долзарблигини яна бир бор таъкидлайди.

3. IFs модели асосида таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини баҳолаш

Қабул қилинган узоқ муддатли дастурлар, биринчи навбатда инсон капиталига йўналтирилган инвестициялардан олинadиган фойда моддий кўришига эга бўлиши учун таълим соҳасидаги тадбирларга устувор аҳамият бериш мақсадга мувофиқ.

Таълим соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли сценарийсини амалга ошириш қуйидаги йўллар билан таълим натижаларини глобал яхшилашни назарда тутуди: камраб олиш кўрсаткичларини ошириш, бир ўқувчига тўғри келадиган умумий хара-

1 Бунинг мумкин бўлган сабаблари дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари учун ўртача ҳисоб-китобларга нисбатан иқтисодиёт таркибида ишлаб чиқариш саноати улушининг пастлиги (12,3% га нисбатан 16,3%) бўлиши мумкин, бунинг натижасида юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ортади. таълимнинг чекланганлиги, олий таълимга бюджет маблағларининг этарли эмаслиги университетларни ресурс билан таъминлаш омили (ЯИМнинг 0,4% га нисбатан 0,9%) ва бошқалар.

жатларни кўпайтириш, шу билан бирга таълимдаги давлат харажатлари улушини камайтириш, гендер тенглигини таъминлаш, «Education quantity-quality» балансини ошириш.

Таълим соҳасидаги интервенция, аввало олий таълим қамровини 50% гача етказиш орқали таълим қамровини оширишга қаратилган.

Иккинчидан, ёшларнинг кўплиги ва 1 ўқувчи (талаба)га тўғри келадиган жами харажатлар UMI мамлакатлари (42.2%) билан таққослаганда камлиги, яъни жами харажатларнинг 8,3% ини ташкил этиши сабабли, таълимга давлат харажатларининг бевосита қисқаришини бутунлай оқлаб бўлмайди.

Учинчидан, демографик ўзгаришлар ва аҳолининг олий таълим билан қамраб олинишининг ортиши каби талаб омиллари бюджетга таъсир ўтказди ва таълим соҳасидаги харажатларни оширади.

Мақсадли устувор йўналиш – умумий харажатларда таълим учун қилинаётган жами давлат

харажатларини 55% гача (ёки ЯИМнинг 6,8% игача) қисқартириш ва хусусий секторни жалб қилиш ҳамда рағбатлантириш орқали умумий таълим харажатларининг ўсишини қоплаш.

Тўртинчидан, инновацияларни жорий этиш ва инфратузилмани такомиллаштиришнинг ҳаракатлантирувчи омили сифатида илмий-техникавий йўналишларда олий ўқув юртлари битирувчиларининг улушини ошириш муҳимлигини ҳисобга олиш керак. Бу ўртгача ўқиш йилларини оширмайди, балки Инновациялар индекси ва Умумий билимлар тизими индексини (2-расм) кўшимча 0,103 пунктга (0,475 дан 0,578 гача) оширади.

Бешинчидан, таълим тизимида гендер тенглигини устувор йўналишга айлантириш керак. Таълим тизимидаги гендер паритети асосий сценарий бўйича 2019 – 2030 йиллар оралиғида 0,69 дан 0,9 га ошади.

1-жадвал

2030 йилгача таълимга таъсир қилувчи асосий ва сценарий кўрсаткичлари

№	Ўзгарувчилар номи	Ўзбекистоннинг базовий (инерцион) кўрсаткичлари		UMI мезонлари		Мультипликатор
		2021 й	2030 й	2020 й	2030 й	
Таълим						
1	Университетга қабул даражаси	25	50.0	45.43	55.54	3
2	Ҳар бир талаба учун қилинадиган харажатлар (edexperterm)	0.083	0.166	0.422	0.442	2.0
3	Олий таълимга давлат харажатлари (ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбатан улуши, фоизда)	73.26	75.94	62.30	57.06	0.82
4	Илмий-техникавий йўналишлар битирувчилари улуши (аддитив мультипликатор =3п.п)	27.71	27.35	21.27	22.22	на 3 п.п.
5	Олий таълимда гендер тенглиги	0.685	0.928	1.164	1.168	gemm 1.46
6	Олий таълим сифати (Quantity Quality)					2
7	Давлат томонидан тартибга солиш сифати (давлат бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичи бўйича)	0.881	1.27	2.314	2.541	1.15

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Олтинчидан, Ўзбекистонда 2030 йилга бориб, давлат томонидан тартибга солиш сифатини 2 баравар ошириш орқали таълим сифатини оширишга бевосита аралашув шаклида бир ўқувчига тўғри келадиган харажатларнинг ўсишига аралашув («Education quantity-quality» балансининг ўсиши) натижасида, олий таълим муассасалари битирувчиларининг улуши максимал 80 фоизга кўтарилиши мумкин.

Еттинчидан, шу билан бирга, олий таълим сифатини назорат қилишнинг олий маълумотли битирувчилар улушига бевосита таъсири бор (давлат бошқаруви самарадорлиги кўрсаткичи бўйича 0,881дан 2030 йилгача 1,5 гача).

Модель тугалланган сценарий билан бир вақтда баҳолаш имконини беради. Амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг барқарор ривожланиш мақсад-

лари кўрсаткичларига таъсири натижалари шуни кўрсатадики, 2030 йилгача Ўзбекистонда таълим даражасини оширишда (бошланғичдан олий таълимгача) сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилади ва даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар даражасига етади.

Натижада, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган кўрсаткичларни 50-60 фоизга етказиш таълим муддатини 8,2 йилгача (UNICEF 15+) оширади ва умумий билимлар тизими индексларини 1,5 бараварга, инновациялар индексини эса 2 бараварга яхшилади. Харажатларни ва талабаларни қабул қилиш ва битирув даражасини бошқариш учун чоралар орқали олий ўқув юртларига қабул қилишни кўпайтириш бир қатор чораларни кўришни талаб қилади:

- иқтисодиёт тармоқларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида масофавий таълимни жорий этган ҳолда абитуриентларни қабул қилишни босқичма-босқич ошириш;

- аҳолини олий таълим муассасалари билан камраб олиш даражасини паст бўлган ҳудудларда янги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини ташкил этиш;

- аҳоли талабини қондириш ва меҳнат ресурслари рақобатбардошлигини ошириш имконини берувчи хорижий олий ўқув юртлари ва хусусий олий ўқув юртларининг филиалларини Ўзбекистонда ташкил этиш ва рағбатлантириш;

- олий таълим тизимида илмий-таълим жараёнига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этиш орқали фан ва таълим интеграциясини кучайтириш;

- халқаро стандартлар ва халқаро сертификатлаштириш бўйича университетларнинг таълим дастурларини аккредитация қилиш тизимига ўтиш; икки томонлама диплом дастурларини амалга оширувчи университетлар сонини ошириш;

- турли саноат бирлашмаларида талаб қилинадиган кўпроқ юқори технологияли компетенцияларга йўналтирилган таълим дастурларининг университетларда кадрлар тайёрлаш йўналишларида инглиз тилида таълим улушини ошириш; олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурлари ва қисқа муддатли малака ошириш дастурларини фаол ишлаб чиқиш;

- университетлар (Марказий Осиёдаги университетлар ва корхоналар) билан ҳамкорликда корпоратив ваколат марказлари бизнесини яратиш;

- WorldSkills стандартлари, робототехника, АТ ва кўп тилли халқаро талабларга ўтиш шароитида университетларнинг қўшимча касбий таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқларини кенгайтириш;

- рақамли таълим инфратузилмасини ривожлантириш ва мактабларда рақамли платформаларни ривожлантиришга инвестицияларни кўпайтириш.

Хулоса. Ҳозирги вақтда муносиб иқтисодий даражага эришиш ва аҳоли турмуш сифатини ошириш техник ва технологик имкониятларни ривожлантириш билан бир қаторда инновацион жараёнларни кучайтиришни, шунингдек, таълим тизимини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Шошилиш чоралар кўриш ва зарур чораларни ишлаб чиқиш, уларнинг максимал самарадорликка эришишга йўналтирилиши ва инсон капиталига яхши инвестициялар учун мураккаб келишувларни излаш зарур.

Таълим соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг таклиф этилаётган чора-тадбирлари инсон капитали ва олдинги авлодларнинг ҳаёт сифатини ошириш борасидаги ютуқлардан ошиб кетишига йўл очиши мумкин.

Манба ва адабиётлар

1. *Ибрагимова, Н. М. Приоритетные направления в социальной сфере в контексте достижения ЦУР / Н. М. Ибрагимова // Экономика: анализы и прогнозы. – 2019. – № 1. – С. 124-129.*

2. *Ибрагимова, Н. М. Вопросы обеспечения мобилизации ресурсов государственного бюджета на повышение качества человеческого капитала / Н. М. Ибрагимова // Международная научно-практическая конференция: «Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион ривожлантириш: янги молия архитектураси», организована БФА 26 октября 2020 г. – Тошкент: «Молия» нашриёти, 2020. 171 б. – 2019. – № 1. – С. 143-145.*

3. *Ибрагимова Н. М., Вахабова Д. Х. Человеческий потенциал - важный фактор в борьбе с коронавирусом (на примере индекса развития человеческого потенциала) / Н. М. Ибрагимова, Д. Х. Вахабова // Экономика: анализы и прогнозы. – 2020. – № 5-6(8-9). – С. 172-180.*

4. *Ибрагимова, Н. М. Основные результаты реализации национальных целей и задач устойчивого развития Узбекистана / Н. М. Ибрагимова // Экономика: анализы и прогнозы. – 2019. – № 1. – С. 124-129.*

5. Ибрагимова, Н. М. Моделирование мультипликаторов доходов и расходов населения на основе модели SAM: оценки для Узбекистана / Н. М. Ибрагимова // Экономика и математические методы. – 2017. – Т. 53. – № 4. – С. 75-88.

6. Ibragimova N.M. Interrelations between economy sectors growth and household income and consumption. Инклюзивный и устойчивый экономический рост: учебное пособие – Т.: ИПТД имени Чулпана, 2017. 408 с. Стр. 66-71

7. Приложение к Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года Целевые показатели <https://lex.uz/ru/docs/4545887>

8. Проект Концепции комплексного социально-экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года. https://regulation.gov.uz/ru/document/8839-kontseptsiya_kompleksnogo_sotsialno_ekonomicheskogo_razvitiya_respubliki_uzbekistan_do_2030_goda

9. Национальная платформа по представлению отчетности по ЦУР <http://nsdg.stat.uz>

Таълим истиқболи инсон имкониятлари ортишидаги муҳим омил

Найля Ибрагимова,

PhD (иқтисодийёт фанлари бўйича),
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда инсон ривожланишининг муҳим омилли бўлган таълимнинг камров доираси ва давомийлиги билан боғлиқ жараён ва муаммолар, шунингдек, олиб борилаётган иқтисодий сиёсат доирасида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг кўзланган мақсадга эришишига таъсири кўриб чиқилди ва баҳоланди. Шу тариқа, таълимнинг 2030 йилгача бўлган муқобил сценарийсини мақсадли параметрлар билан қиёслаб баҳолаш орқали муҳим қарорларни қабул қилишда асқотиши мумкин бўлган натижалар олинди.

Калит сўзлар: инсон капитали, олий таълим тизими, ривожлантириш муаммолари ва шартлари, устувор йўналишлар, мақсад кўрсаткичлари, IFs модель, индекс, мезонлар.

Перспективы образования как фактор развития человеческого потенциала

Найля Ибрагимова,

PhD (экономическим наукам),
руководитель проекта Института
прогнозирования и макроэкономических
исследований

Аннотация: в статье рассмотрены текущие тенденции и проблемы, а также оценки влияния соответствующих мер экономической политики на достижение целевых ориентиров на национальном уровне для ключевого фактора человеческого развития в Узбекистане – охвата и продолжительности образования. Таким образом, в результате проведенных оценок результатов альтернативного сценария по образованию до 2030 года в сопоставлении с целевыми параметрами, с помощью имплементации вмешательств в такую сферу человеческого капитала как образование, были получены оценки, которые могут служить полезным инструментом при принятии государственных решений и проведении политики в стране.

Ключевые слова: человеческий капитал, система высшего образования, проблемы и условия развития, приоритетные направления, целевые параметры, модель IFs, индекс, критерии.

Education prospects as human development factor

Naylya Ibragimova,

PhD (in Economics),
Institute for forecasting and macroeconomic research,
head of department

Abstract: the article examines current trends and challenges, as well as assessments of the impact of relevant economic policies on the achievement of targets at the national level for a key human development factor in Uzbekistan - enrollment and duration of education. Estimations that can serve as a useful tool in making government decisions and implementing policies in country were obtained as a result of the calculations of the alternative scenario results for education in comparison with the target parameters until 2030 through the implementation of interventions in such an area of human capital as education.

Keywords: human capital, higher education system, development problems and conditions, priority areas, target parameters, IFs model, index, criteria.

УЎК: 658:621.311.003(575.1)

Жаҳонгир НЕГМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ҳузуридаги бюджет-солиқ тадқиқотлари институти директори ўринбосари,
Шахло МАҲКАМОВА,
иқтисодиёт фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ҳузуридаги бюджет-солиқ тадқиқотлари институти лойиҳа раҳбари,
Улуғбек ҚУЛЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджет-солиқ
тадқиқотлари институти 1-тоифали мутахассиси
E-mail: kullievu@bk.ru

Электр энергияси тарифларини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий таҳлили

Кириш. Бугунги кунда электр энергияси самардорлигини ошириш бутун дунёда долзарб масала сифатида кўрилмоқда. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра электр энергияси тарифларининг яшаш харажатлари ва иқлим ўзгариши билан боғлиқлиги кучайиб бормоқда [1]. Жаҳон банки: “Агар иқлим ўзгаришининг олдини олинмаса, 100 миллионлаб инсон камбағаллашиши мумкин”, дейди [2].

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси 24-мақсадида: “Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самардорлигини 20 фоизга ошириш” вазифаси белгиланган. Мавжуд электр энергияси тарифлари барқарор эмаслиги электр энергияси тарифларини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моделларини тадқиқ этишни тақозо этади.

Электр энергияси таъминотида ажратилган давлат субсидиялари ҳажми мамлакатнинг электр энергияси тариф сиёсати қай даражада муҳимлигини кўрсатади. Электр энергияси учун ажратилган субсидиялар тўғридан-тўғри солиқ тўловчилар учун ортиқча юк ҳисобланади. Йўл қурилиши, таълим, соғлиқни сақлаш тизимлари ёки бошқа давлат учун истикболли бўлган соҳаларни ривожланти-

риш бюджетдан ажратиладиган ушбу маблағларнинг ҳар доим муқобил харажати бўлиб келган.

Ўзбекистон ва айрим давлатларнинг электр энергетика тармоғидаги ҳолат таҳлили

Энергия ресурсларини ортиқча сарфлаш, энергия интенсивлиги юқори бўлган технологиялардан фойдаланиш энергетика соҳасидаги асосий муаммолар ҳисобланади ва асосан, ушбу муаммолар самарасиз тариф сиёсатининг натижасидир. Аслида, қазиб олинadиган ёқилғига субсидиялар бутун дунёда яшил иқтисодиётга ўтиш учун асосий тўсик сифатида қаралади.

Маълумот учун: Қазиб олинadиган ёқилғи субсидиялари ортиқча истеъмол ва юқори углерод эмиссиясининг асоси бўлганлиги сабабли, қазиб олинadиган ёқилғи субсидияларини босқичма-босқич камайтириш жараёни глобал ЯИМни **0,2 фоизга** ошириши керак, углерод чиқиндилари эса 2030 йилга келиб **2,32 фоизга** камайиши кутилмоқда [3].

Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига асосан, 2020 йилда Ўзбекистонда қазиб олинadиган ёқилғи учун жами субсидиялар ялпи ички маҳсулотнинг **6,6 (ёки 38,3 трлн сўм)** фоизини ташкил этади – бу ўрганилган мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичидан деярли икки баробар кўп [4].

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Энергетика вазирликлари қўшма баёнотига [5] кўра, сўнгги 5

йилда Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми 61 млрд кВт соатдан 72 млрд кВт соатга ёки 1,2 баробарга ошди. Бунда аҳоли истеъмоли учун етказиб берилган электр энергияси 11 млрд кВт соатдан 16 млрд кВт соатгача ёки 1,5 баробарга ўсди. Шунга қарамасдан, етказиб бериш инфратузилмаси билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги ҳисобига, 2021 йилда республика бўйича электр энергиясига қондирилмаган талаб ҳисоб-китобларга кўра 2–3 млрд кВт соатни ташкил этади.

Ўзбекистонда тариф сиёсати. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистонда электр энергияси тариф сиёсати Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги «Электр энергетикаси соҳасида тариф сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 310-сонли қарорига [6] мувофиқ тартибга солинади. Қарорга кўра, истеъмолчилар томонидан электр энергиясидан оқилона ва рақобатбардош тарифлар асосида фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, электр энергетика тармоғининг молиявий барқарорлигини ва инвестиция жозибадорлигини таъминлаш тариф сиёсатининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими тўлиқ жорий этилганидан сўнг барча истеъмолчилар гуруҳлари учун табақалаштирилган тариф жорий этиш кўзда тутилган эди. Шунингдек, ушбу тариф сиёсатида рентабеллик камида 10 фоиз ва максимал 20 фоиз бўлиши кераклиги қатъий белгиланган.

Бу талаб эркин бозор тамойилларига тўғри келмайди ва Ўзбекистондаги тариф сиёсатини ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги «Электр энергетика тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3981-сонли қарорида электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини қамраб олиш даражасини ошириш вазифаси белгиланган.

2021 йил охиригача истеъмолчилар умумий сонининг 100 фоизи қамраб олинган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда электр энергиясига табақалаштирилган тарифларни жорий этиш вақти келди.

Амалдаги тариф сиёсатининг заиф томонлари

Электр энергияси учун амалдаги тариф сиёсати истеъмолчиларга уларнинг истеъмоли ҳажмига

мутаносиб равишда электр энергияси учун субсидиялар беришга қаратилган. Бошқача қилиб айтганда, ушбу тариф сиёсати катта миқдорда электр энергиясини истеъмол қиладиган истеъмолчининг кўпроқ субсидия олишини аниқлатади. Дарҳақиқат, электр энергиясини истеъмол қилиш ҳажми истеъмолчиларнинг даромадлари даражасига тўғридан-тўғри пропорционалдир, бу эса ўз навбатида юқори миқдорда электр энергиясига субсидияларнинг юқори даромадли истеъмолчиларга йўналтирилишига олиб келади.

Барқарор электр энергияси тарифларини шакллантириш

Барқарор электр энергияси тарифларига ўтишнинг асосий мақсадларидан бири хусусий секторнинг энергетика соҳасида иштирокини рағбатлантиришдан иборат. Бироқ, ҳукуматнинг тариф сиёсати устидан имтиёзли назорати, асосан, энергия бозоридаги турли шароитлар туфайли тариф сиёсатини манипуляция қилишга олиб келиши мумкин. Бунда тариф сиёсатининг назорати ва мониторинги энергия бозорининг мустақил иштирокчиси деб аталадиган ташкилот томонидан амалга оширилади. Амалдаги тариф сиёсати қазиб олинadиган ёқилғиларга энг кўп миқдорда субсидиялар ажратишга йўналтирилган. Аслида, қазиб олинadиган ёқилғи субсидияларини йўқ қилиш орқали куйидаги афзалликларга эришиш мумкин:

- Бюджет тақчиллигини камайтириш;
- Ресурсларни янада самарали тақсимлаш;
- Соҳага хусусий инвесторларни жалб қилиш;
- Узоқ муддатли иқтисодий барқарорлик учун потенциал;
- Истеъмолнинг камайиши натижасида углерод чиқиндиларини камайтириш.

Электр энергияси тарифларини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий моделлари ҳожи тажрибаси

Электр энергияси тарифлари истеъмолчилардан олинadиган тўловларга қараб, асосан, иккита асосий гуруҳга бўлинади. Бу қатъий ва табақалаштирилган (дифференциал) тарифлардир. Қатъий тариф истеъмолчи қанча истеъмол қилишидан қатъий назар, ҳар бир кВт·соат электр энергияси учун бир хил тариф миқдори қатъий белгиланган тариф ҳисобланади, табақалаштирилган тариф эса электр энергияси истеъмоли ҳажмининг ўзгариши билан ўзгаради. Давлатлар электр энергия тарифларини ислоҳ қилишда турли қийинчиликларга дуч

келади. Жумладан, ҳукумат энергия нархларининг ошиши оқибатида инфляция даражаси ошиши, кам таъминланган оилаларга таъсири ва мамлакатдаги иқтисодий ўсишга салбий таъсирлари ҳақида хавотирда бўлади. Шунга қарамадан, энергия тарифларини ислоҳ қилиш ҳозирги иқтисодиётда кечиктириб бўлмас жараён бўлганлиги сабабли, яқинда бу ислохотларни амалга оширган давлатлар тажрибаси билан қуйида танишамиз.

Блок тариф

Дифференциал электр тарифларининг энг кенг тарқалган турларидан бири блок тарифдир. Ушбу тарифда истеъмол қилинган энергиянинг биринчи блоги (белгиланган тарифдан иборат) маълум тариф бўйича, кейинги энергия блоклари (ҳар бири олдиндан белгиланган бирликлар сони билан) босқичма-босқич оширилган ставкаларда тўланади. Ҳар бир блокда бирлик учун тариф белгиланган бўлади. Бу тарифларнинг қўлланилиши, шакллари, ютуқлари ва камчиликлари тўғрисидаги маълумотларни турли иқтисодий-ижтимоий салоҳиятга эга бўлган Япония, Жанубий Корея ва Покистон давлатлари мисолида кўриб чиқамиз.

Япония. Мамлакатнинг расмий электр энергия портали хабар беришича, Японияда электр энергияси Tokyo Electric Power Company (TEPCO) томонидан учта параметр йиғиндиси шаклида қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Электр энергия тарифи} = A + B + C$$

Бунда параметрлар:

A - ток кучи тарифлари (1-жадвал);

B - истеъмол қуввати блоклари (2-жадвал);

C - қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун йиғим (3-жадвал).

1-жадвал

Японияда ток кучи тарифлари, A

Ток кучи тарифлари	10 А	15 А	20 А	30 А	40 А	50 А	60 А
Ойлик тўлов (Япония иенаси)	286	429	572	858	1144	1430	1716

Манба: *Public Utility Prices in Japan*. <https://www.realestate-tokyo.com/living-in-tokyo/japan-info/utility-prices/> дан фойдаланиб У. Қуллиев томонидан инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган.

2-жадвал

Японияда Истеъмол қуввати блоклари (30 календарь куни учун)

Истеъмол қуввати блоклари	Ойлик тўлов (Япония иенаси)
1 - 120 кВт.соат	19,88
121 - 300 кВт.соат	26,46
301+ кВт.соат	30,57

Манба: *Public Utility Prices in Japan*. <https://www.realestate-tokyo.com/living-in-tokyo/japan-info/utility-prices/> дан фойдаланиб У. Қуллиев томонидан инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган.

3-жадвал

Японияда қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун йиғим

Уй хужалиги аъзолари сони	Ойлик тўлов (Япония иенаси)
1 киши	5468
2 киши	9183
3 киши	10655
4 киши	11376
5 киши	12423
6 киши	14852
Ўртача	8601

Манба: *Public Utility Price in Japan*. <https://www.realestate-tokyo.com/living-in-tokyo/japan-info/utility-prices/> дан фойдаланиб У. Қуллиев томонидан инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Таклиф: Ўзбекистонда табақалаштирилган тарифнинг блокларини тузишда уй хўжаликларида истиқомат қилувчи фуқаролар сонини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Япония бир уй хўжалигида неча одам истиқомат қилишини инобатга олиб, тарифларни ҳисоблаш тизимини амалиётга жорий қилган. Бу Японияда фуқаролардан яшил энергияни ривожлантириш бојини йиғиш учун ишлатилмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача даромадини ҳисобга олган ҳолда, яшил энергия учун бој йиғишга ҳали тайёр эмаслигини эътиборга олиб, бу параметрни, яъни фуқаролар сонини инобатга олишни субсидияни адолатли тақсимлаш йўлида ишлатиш мумкин.

Жанубий Корея. Мамлакатда 2016 йилгача олти-та блокларга ажратилган табақалашган тариф мавжуд эди. Ушбу тарифлар 4-жадвалда кўрсатилган.

4-жадвал

Кореяда блокларга ажратилган табақалаштирилган тариф, кВт.соат

Истеъмол бирлиги блоклари (30 кун учун)	Бирлик учун тариф (Корея вони)	
	Паст кучланиш (220 В дан 380 В гача)	Юқори кучланиш (22.9 кВ; 154 кВ; 345 кВ)
1 - 100 кВт.соат	60,7	57,6
101 - 200 кВт.соат	125,9	98,9
201 - 300 кВт.соат	187,9	147,3
301 - 400 кВт.соат	280,6	215,6
401 - 500 кВт.соат	417,7	325,7
500+ кВт.соат	709,5	574,6

Манба: “Reform of the Progressive Electricity Tariff System and the New and Renewable Energy Market” http://www.keei.re.kr/web_keei/en_publish дан фойдаланиб У. Қуллиев томонидан инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган ва тузиб чиқилган.

Бирок, 2016 йилнинг ёзида фавқулдда иссиқ об-ҳаво совутиш мосламаларининг (кондиционерлар) жуда катта миқдорда ишлашига олиб келди, бу эса катта ҳажмдаги электр истеъмолига сабаб бўлди. Бу олти блокдан иборат бўлган тариф оддий халқнинг устига оғир молиявий юк бўлган ва халқда норозилик кайфияти пайдо бўлишни бошлаган. Бу кайфиятни сезган Жанубий Корея ҳукумати 2016 йил ёздан халқ учун арзонроқ бўлган уч блокдан иборат табақалашган тарифга ўтди (5-жадвал).

5-жадвал

Кореяда уч блокдан иборат табақалашган электр энергияси тарифи, кВт.соат

Истеъмол бирлиги блоклари (30 кун учун)	Бирлик учун тариф (Корея вони)	
	Паст кучланиш (220 В дан 380 В гача)	Юқори кучланиш (22.9 кВ; 154 кВ; 345 кВ)
1 - 200 кВт соат	93,3	78,3
201 - 400 кВт соат	187,9	147,3
401+ кВт соат	280,6	215,6

Манба: “Reform of the Progressive Electricity Tariff System and the New and Renewable Energy Market” http://www.keei.re.kr/web_keei/en_publish У. Қуллиев томонидан инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган ва тузиб чиқилган.

Бунга қўшимча, тариф тизимидаги бу ислохотдан кейин, Жанубий Корея кам таъминланган уй хўжаликлари учун “минимал электр энергия истеъмоли кафолати” номли чегирма дастурини амалиётга татбиқ қилди. Бу чегирма 200 кВт.соатгача электр энергиясини истеъмол қиладиган уй хўжаликларига берилган бўлиб, паст кучланишдан фойдаланадиган уй хўжаликлари учун 4000 Корея вони бўлса, юқори кучланишдан фойдаланадиган уй хўжаликлари учун 2500 Корея вони бўлган.

Таклиф: Ўзбекистонда электр энергияси тарифларини йил мавсумларига қараб табақалаштирилганда ижтимоий адолатга эришилади. Бунда ёз (июнь, июль ва август) ва қиш (декабрь, январь

ва февраль) мавсумларида биринчи блок чегараси оширилади (масалан 300 кВт.соатгача), бошқа мавсумларда йилига ўртача ойлик истеъмол 250 кВт.соатга мўлжаллаб камайтирилади.

Яшил тариф

Яшил тариф – бу миқдорларга электр энергиясининг **100 фоизини** маҳаллий тармоқларда жойлашган қайта тикланадиган манбалардан олиш имконини берувчи коммунал дастурдир. Дунё ресурслари институти порталида таъкидланишича [7], бугунги кунда коммунал хизматлар томонидан тақдим этиладиган қайта тикланадиган энергия дастурларининг аксарияти миқдорларга фақат қайта тикланадиган энергия сертификатларини (RECs) таклиф қилади – улар билан боғлиқ яшил энергия маҳаллий

ишлаб чиқарилиши ёки бошқа манбадан (тикланмайдиган электр манбадан) келиши мумкин.

David Gardiner [8] шуни қўшимча қиладики, **Fortune 100** ва **Global 100** компанияларининг қарийб **60 фоизи** ўз объектларини қайта тикланадиган энергия билан арзон нархларда ёнилғи қуйиш ва иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш йўллари топишни режалаштирмоқдалар.

“Фойдаланиш вақти” тарифи

“Фойдаланиш вақти” тарифи – бу истеъмолчиларни арзон нархлардаги электр энергияни истеъмол қилишга ундаш эвазига электр энергиясини барқарорлаштиришга асосланган тариф тури ҳисобланади. “Пик вақтлар” да электр энергиясининг нархи баландроқ, аксинча “пик бўлмаган вақтлар” да арзонроқ бўлиши, истеъмол қилинадиган энергиянинг барқарорлашиши учун симуляция бўлади.

Қатъий ўрнатилган тариф

Электр энергияси тарифлари билан боғлиқ энг кенг тарқалган саволлардан бири одатда тарифлар нархи кўтарилганда пайдо бўлади. Абонент маълум миқдорда электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга оширган бўлсада, электр энергияси тарифининг ошиши аслида олдиндан тўланган электр энергияси миқдорининг пасайишига олиб келади.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, 100 кВт·соатгача электр энергиясини олдиндан тўлаш тарифининг ошиши билан мутлоқ кўрсаткичларда ушбу миқдордан камроқ бўлади. Бундай шароитда қатъий белгиланган тарифни жорий этиш, тарифнинг ошишидан қатъий назар, олдиндан тўланган электр энергияси миқдорининг ўзгаришига олиб келмайди. Муайян миқдордаги электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга оширган абонент тариф кўтарилганда ҳам электр энергияси миқдорини йўқотмайди.

“Жорий вақтда нархлар” тарифи

Бошқа дифференциал тарифлар орасида электр энергияси учун энг мураккаб тариф ставкаларидан бири бу реал вақт режимида нарх белгилашдир. Ҳақиқий вақтда нарх белгилаш тарифлари билан истеъмолчилар қисқа вақт оралиғида, одатда соатига ўзгариб турадиган тарифларни тўлайдилар ва етказиб беришнинг жорий маржинал нархини акс эттириш учун бир кун ёки ундан камроқ вақт олдин котировка қилинади.

Ушбу тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Ўзбекистонда амалдаги электр энергияси нархи нисбатан паст. Жаҳон мамлакатларида аҳолига

етказиладиган 1 кВт·соат электр энергиясининг ўртача нархи 2021 йил декабрь ҳолатига 13,5 центни, Ўзбекистонда – 2,7 цент (295 сўм)ни ташкил қилади (фарқ – 5 марта). Шу тариқа, Қозоғистон, Афғонистон ва Покистонда – 4,2 цент, Жанубий Кореяда – 10 цент, Японияда эса 22,1 центни ташкил этади.

2. Ўрнатилган паст электр энергияси тарифлари натижасида юзага келган ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш учун давлат бюджетидан ажратилаётган субсидиялар ҳажми нисбатан баланд. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда Ўзбекистонда қазиб олиннадиган ёқилғи учун жами субсидиялар ЯИМнинг 6,6 фоизи (ёки 38,3 трлн сўм)ни ташкил этган – бу ўрганилган мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичидан ўртача 2 баробар кўп.

3. Ажратиладиган субсидиялардан электр энергияси истеъмолига мутаносиб равишда наф кўрилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, юқори ҳажмда электр энергияси истеъмолчилари юқори даромадга эга уй хўжаликлари бўлгани боис, субсидиялардан улар кўпроқ наф кўрмоқда, яъни фискал сиёсатнинг тақсимлаш функцияси самарасини бермаяпти.

Тадқиқот натижасида қуйидаги тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Барқарор электр энергияси тарифларига ўтиш. Барқарор электр энергияси тарифларига ўтиш – электр энергияси нархлари (тарифлари)ни ишлаб чиқариш харажатларини қоплайдиган даражагача оширишни тақозо этади.

2. Электр энергияси тизимини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган соҳага айлантириш, инвестицион жозибadorлигини ошириш.

Ўзбекистонда электр энергия тарифларини ислоҳ қилиш муқаррар жараён. Вазирлар Маҳкамасининг 13.04.2019 йилдаги “Электр энергетика тармоғида тариф сиёсатини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 310-сон қарорига кўра, электр энергетика тармоғининг молиявий барқарорлиги ва инвестиция жозибadorлигини таъминлаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган:

1. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, модернизация ва диверсификация қилиш;

2. Тарифларни белгилашда такрорий субсидиялаш амалиётини босқичма-босқич бекор қилиш;

3. Электр энергияси учун нархни шакллантириш принципларини белгилаш;

4. Электр энергетика тармоғини ошкора, изчил ва олдиндан тахмин қилиш имкониятини берувчи тартибга солишни ўрнатиш;

5. “Барча гуруҳлардаги истеъмолчиларга табақалаштирилган тарифни жорий этиш” мақсадига кўра амалга оширилиши режалаштирилган табақалаштирилган тарифни йил мавсумига боғланган ҳолда жорий қилиш.

Электр энергияси тарифларини йил мавсумларига қараб табақалаштирилганда ижтимоий адолатга эришилади. Бунда ёз (июнь, июль ва август) ва киш (декабрь, январь ва февраль) мавсумларида биринчи блок чегараси оширилади (масалан 300 кВт·соатга), бошқа мавсумларда йилига ўртача ойлик истеъмол 250 кВт·соатга мўлжаллаб камайтирилади. Жанубий Корея тажрибаси шуни кўрсатадики, 2016 йилнинг ёзида фавқулодда иссиқ об-ҳаво соvuтиш мосламалари (кондиционерлар)нинг жуда катта миқдорда ишлашига олиб келди, бу эса катта ҳажмдаги электр истеъмолига сабаб бўлди. Олти блокдан иборат бўлган тариф оддий ҳалқнинг устига оғир молиявий юк бўлган ва ҳалқда норозилик кайфияти пайдо бўлишни бошлаган. Бу кайфиятни сезган Жанубий Корея ҳукумати 2016 йил ёздан ҳалқ учун арзонроқ бўлган уч блокдан иборат табақалашган тарифга ўтди;

6. Табақалаштирилган тарифнинг блокларини тузишда уй хўжалиқларида истиқомат қилувчи фуқаролар сонини ҳисобга олиш, яъни “киши бошига” тамойили асосида белгилаш;

Япония тажрибасига кўра, уй хўжалигида яшовчи аъзолар сонига қараб тарифлар ҳисобланади. Бу Японияда фуқаролардан яшил энергияни ривожлантириш бојини йиғиш учун ишлатилмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг ўртача даромади яшил энергия учун бож йиғишга етарли эмас, лекин бундай параметрни, яъни фуқаролар сонини инобатга олишни киритиш, субсидияни тақсимлашда ижтимоий адолатни ўрнатиш имконини беради.

7. Табақалашган тарифнинг “ҳаёт чизиғи” (“lifeline”) блокини ташкил қилиш.

Бундай блок электр энергияси нархи ошганида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш ролини ўйнайди.

Покистон, Ҳиндистон, Гана ва Вьетнам мамлакатларида “ҳаёт чизиғи” блоки татбиқ этилган бўлиб, у орқали аҳолининг “энг қуйи” қатлами минимал электр энергиясини истеъмоли чегара-

си белгиланади. Бундай энергия нархи янада арзон белгиланиб, фақат ижтимоий муҳтож (“темир дафтар”га кирган каби) аҳолига тақдим этилиши мумкин.

Мисол учун, минимал электр энергияси чегараси 100 кВт·соат белгиланса, унинг нархи амалдаги 1-блок тарифидан пастроқ бўлади, юзага келадиган харажатлар юқори блок истеъмолчилари томонидан қопланади. Агар истеъмол “ҳаёт чизиғи” чегарасидан ошиб кетса, 1-блок тарифига ўтилади.

Манба ва адабиётлар

1. *Why faster action on energy efficiency is needed* <https://www.iea.org/reports/the-value-of-urgent-action-on-energy-efficiency/highlights> [7.07.2022]

2. *Key climate messages from a day at the UN General Assembly* <https://blogs.worldbank.org/climatechange/key-climate-messages-day-un-general-assembly> [23.08.2022]

3. *Fossil Fuel to Clean Energy Subsidy Swaps: How to pay for an energy revolution.* <https://www.iisd.org/system/files/publications/fossil-fuel-clean-energy-subsidy-swap.pdf> [15.07.2022]

4. *Value of fossil-fuel subsidies by fuel in the top 25 countries, 2020* <https://www.iea.org/data-and-statistics/charts/value-of-fossil-fuel-subsidies-by-fuel-in-the-top-25-countries-2020> [7.07.2022]

5. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархларини ўзгартириш тўғрисида”ги қарори лойиҳасига тушунтириш хати.* <https://minenergy.uz/uz/news/view/1962> [7.07.2022]

6. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019-йил 13-апрелдаги 310-сонли «Электр энергетикаси соҳасида тариф сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.* <https://lex.uz/docs/4289870> [7.07.2022]

7. *Sean Ong, Nathan Clark, Paul Denholm, and Robert Margolis., March 2013., Breakeven Prices for Photovoltaics on Supermarkets in the United States.* <https://www.nrel.gov/docs/fy13osti/57276.pdf> [1.07.2022]

8. *Scott Macdonald., October 2016., The Global Status of Green Electricity Tariffs.* https://www.researchgate.net/publication/308803287_The_Global_Status_of_Green_Electricity_Tariffs [8.07.2022].

Электр энергияси тарифларини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий таҳлили

Жаҳонгир Негматов,

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
хузуридаги бюджет-солиқ тадқиқотлари
институтини директори ўринбосари,

Шахло Маҳкамova,

иқтисодиёт фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
хузуридаги бюджет-солиқ тадқиқотлари
институтини лойиҳа раҳбари,

Улугбек Қулриев,

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
хузуридаги бюджет-солиқ тадқиқотлари
институтини 1-тоифали мутахассиси

Аннотация: мақолада Ўзбекистонни барқарор электр энергияси билан таъминлаш, қайта тикланувчан электр энергияси манбаларидан фойдаланиши ва электр энергияси соҳасини бозор иқтисодиётига ўтказишнинг зарур шартлари ўрганилган. Электр энергияси тарифларининг хориж давлатлари тажрибалари ўрганилиб, Ўзбекистон учун тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: электр энергияси, тариф модели, қайта тикланувчан энергия, блок тариф.

Социально-экономический анализ формирования тарифов электроэнергии

Жаҳонгир Негматов,

заместитель директора Института бюджетно-налоговых исследований при Министерстве
Финансов Республики Узбекистан,

Шахло Маҳкамova,

кандидат экономических наук,
руководитель проекта Института бюджетно-налоговых исследований при Министерстве
Финансов Республики Узбекистан,

Улугбек Қулриев,

специалист 1 категории Института бюджетно-налоговых исследований при Министерстве
Финансов Республики Узбекистан.

Аннотация: в данной статье рассматриваются необходимые условия для обеспечения Узбекистана устойчивой электроэнергией, использования возобновляемых источников электроэнергии и перехода электроэнергии к рыночной экономике. Также, изучается опыт зарубежных стран в области тарифов на электроэнергию и разрабатываются предложения для Узбекистана.

Ключевые слова: электроэнергия, модель тарифа, возобновляемая энергия, блок тариф.

Socio-economic analysis of the reform of electricity tariffs

Jahongir Negmatov,

Deputy Director of the Institute for fiscal studies
under the Ministry of Finance of
the Republic of Uzbekistan,

Shakhlo Makhkamova,

PhD (in Economics),
project manager, Institute for fiscal studies under the
Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan,

Ulugbek Kulliev,

specialist of the 1st category
Institute for fiscal studies under the Ministry
of Finance of the Republic of Uzbekistan

Abstract: this article focuses on the necessary conditions for providing Uzbekistan with stable electricity, using renewable electricity sources, and transitioning the electricity sector to a market economy. Studies of electricity tariffs in foreign countries are being studied and proposals are being developed for Uzbekistan.

Keywords: electricity, tariff model, renewable energy, block tariff.

УЎК: 331.108.4

Сабина ХОЛБАЕВА,
*докторант Научно-исследовательского центра
“Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете,
E-mil: skholbaeva16@mail.ru*

Проблемы формирование человеческого капитала с учетом требований рынка труда

Введение. По мнению большинства экономистов, решающая роль в формировании человеческого капитала принадлежит образованию. Согласно теории лауреата Нобелевской премии, американского экономиста Т. Шульц, образование является формой капитала, потому что оно влияет на производство и имеет значение для экономики. Кроме того, образование можно рассматривать как капитал по той причине, что оно позволяет получить в будущем удовлетворение или заработка [1].

По данным исследований во всех странах, обладатели высшего образования зарабатывают больше лиц с более низким уровнем образования – их доход составляет 153% от доходов людей с более низким уровнем образования. Лица, которые имеют неполное среднее образование, получают лишь 78% от заработков тех, кто получил полное среднее образование [2].

Инвестиции в образования являются самыми важными в развитии человеческого капитала, так как в основе человеческого капитала лежит интеллект. Согласно данным ЮНЕСКО, 60% разницы в доходах людей приходится на разный уровень образования, а 40% – на все остальные факторы (здоровье, природные способности, социальное происхождение) [3].

Для любой страны необходимо постоянно проводить политику, направленную на получение большей отдачи от инвестиций в образование. Развитие человеческого капитала, улучшение вузовского и послевузовского профессионального образования как его центрального звена открывают возможности преодоления экономического отставания Республики Узбекистан, где в настоящее время человеческий и трудовой потенциал используется не в полную

мощность. Поэтому исследование проблем системы подготовки кадров, повышение эффективности труда и использование человеческого капитала является на современном этапе не просто актуальным, но выдвигается в разряд первоочередных в структуре социально-экономических исследований в целом.

Сфера образования имеет особое значение для общественного производства как система, формирующая человеческий и трудовой капитал государства, обеспечивающая его эффективное воспроизводство. Современное состояние системы образования определяет дальнейшее формирование, развитие и возможности реализации человеческого капитала, так как услуги образования являются услугами отсроченного действия. Следовательно, конкурентоспособность национальной экономики также напрямую зависит от развития системы образования в настоящем.

Рост охвата всеми уровнями образования населения в стране может способствовать снижению неравенства, увеличению отдачи от других активов, росту социальной стабильности, снижению уровня преступности, увеличению продолжительности жизни и т.д. Более высокий уровень образования также может способствовать и более высоким показателям здоровья.

В условиях глобальной конкуренции и перехода к инновационной экономике, население должно быть готово к непрерывному процессу обучения. Полученные знания, а также мотивация к их постоянному обновлению, способствуют росту человеческого капитала, повышению конкурентоспособности работников и тем самым становятся решающим фактором экономического роста.

Для собственника человеческого капитала инвестиции в образование, повышение квалификации – это рост доходов, для предприятия это рост прибыли и развитие компании, а для государства это экономический рост, развитие страны.

Начальным звеном в системе подготовки кадров является дошкольное образование. Уровень охвата детей дошкольным образованием влияет на дальнейшее качество и эффективность образования, начиная с начальных классов. Так как чем меньше детей охвачено дошкольным образованием, тем выше риск неподготовленности к школе. В дальнейшем это приводит к хронической неуспеваемости детей, получающих последующие виды образовательных услуг [5].

Несмотря на то, что за последние 5 лет охват дошкольным образованием детей в возрасте 3-6 лет значительно вырос с 27% [6] в 2017 году до 62% в 2021 году [7], в 2020 г. только 29,4 процентов детей в возрасте 1-6 лет [8] имели доступ к дошкольному образованию. В то время как, к примеру, в Казахстане, показатель охвата детей ДООУ в возрасте 1-6 лет в 2020 году составляет 80,1[9] процентов, а в возрасте 3-6 лет 98,7% [10], в Таджикистане охват дошкольным образованием в возрасте от 3 до 6 лет 16% [11].

Результаты эмпирических исследований показывают, что инвестиции в начальное образование в развивающихся странах, включая дошкольное, оказывают наибольшее положительное влияние на развитие человеческого капитала и экономики в целом [13].

Охват общим средним образованием в нашей республике является одним из самых высоких в мире - 99,9%. Но имеются проблемы качества образования. По утверждению Президента Узбекистана «Действующие образовательные стандарты и учебные программы направлены только на получение учащимися теоретических знаний и не учат детей логическому мышлению, практическому применению знаний, не готовят к жизни» [14]. Оценка школ, их сертификация и аккредитация проводятся "для галочки" и не способствуют улучшению образовательной среды.

Необходимо усовершенствовать 10130 школ по всей стране, около 10% из них нуждаются в капитальном ремонте. Число учеников (6,24 млн) значительно превышает проектные мощности школ (5,06 млн) [15].

Из 504 тысяч педагогов, работающих в школах, 60 тысяч имеют среднее специальное образование, а 190 тысяч не имеют квалификационной ка-

тегории [16]. Одной из причин нехватки квалифицированных преподавателей является низкая оплата труда. Средняя заработная плата преподавателей относительно других специальностей очень низка – 2517 000 сум, тогда как средняя заработная плата по всем видам экономической деятельности составила 3426 800 сум [8]. Это занижает значимость профессии учителя в обществе, что негативно скажется на качестве образования, развитии человеческого капитала и в долгосрочном росте экономики.

Помимо низкого и платного охвата дошкольным образованием, и низким качеством среднего образования, вызывает обеспокоенность состояние высшего образования, где степень охвата в 2021 году составила всего 28 процентов [17]. В рамках Концепции развития системы высшего образования до 2030 года планируется увеличение охвата выпускников высшим образованием с текущих 20% до 50% [18].

Расширение охвата и улучшение качества высшего образования также должны рассматриваться в качестве приоритетных направлений для инвестиций в развитие молодежи. Иначе, с учетом нынешних тенденций в области образования, страна будет в состоянии удвоить ВВП на душу населения лишь к середине XXI века.

Измерение качества образования в Узбекистане затруднено тем, что показатели, сопоставимые с международными, не всегда доступны. Отсутствуют также национальные подходы для всесторонней оценки качества образования. В условиях растущей взаимосвязи и глобализации крайне важно, чтобы Узбекистан разработал и внедрил национальную систему оценки качества образования, основанную на передовом международном опыте, и принимал участие в международных процессах оценки качества знаний учащихся. Также важно выстроить стратегическое видение по будущей рабочей силе, которая должна будет отвечать требованиям инновационной экономики, уметь приспосабливаться, применять быстро развивающиеся технологии и осуществлять производство с высокой добавленной стоимостью. Все это будет способствовать ускоренному развитию и экономическому росту.

На наш взгляд, высшее образование также должно быть доступно каждому и должно быть бесплатным, так, например, как в Германии, Франции, Финляндии, Чехии, так как работники с более высоким образованием получают больший доход и менее склонны потерять работу.

Для частного образования (в целом частной собственности) типичными являются цели роста прибыли и рентабельности собственного капитала, для государственного (государственной собственности) – работы на перспективу, удовлетворение потребностей страны и граждан, рост и развитие экономики, повышение качества продукции и услуг, равенство и повышение уровня, качества жизни.

Качество высшего образования оставляет желать лучшего, вузы готовят специалистов без учета реальных потребностей рынка; число студентов непрерывно и неоправданно растет за счет суперконтрактов, а не за счет талантливых и образованных студентов. Большая часть негосударственных вузов функционируют ради получения прибыли и не отчисляют не успевающих студентов, выдают им дипломы.

Тогда как при бесплатном, но качественном высшем образовании, где установлены жесткие рамки и требования к учебе будут мотивированы к обучению, а не просто поступать ради диплома. Тогда будет расти качество рабочей силы и отдача в экономику. Для этого нужно начинать растить человеческий капитал уже в дошкольных образовательных учреждениях и в школе.

Несмотря на убедительные доказательства экономических и социальных выгод от образования, система образования должна оперативно реагировать на изменения спроса рынка труда на специалистов определенной квалификации. С точки зрения концепции человеческого капитала наибольший экономический эффект образование даст в том случае, если знания и навыки, полученные в профессиональных учебных заведениях, отвечают объективным потребностям рынка труда и применяются на практике. Человеческий капитал реализует свои функции как фактор социально-экономического развития в том случае, если в национальном производстве складываются условия для формирования и максимального использования образовательного и квалификационного уровня населения.

В экономике развитых стран профессиональные учебные заведения глубоко интегрированы в экономику. Имеются многолетние контакты с различными предприятиями, подразделения учреждений образования имеют свои устоявшиеся программы сотрудничества с потенциальными работодателями.

Выводы и предложения

Уровень востребованных на рынке труда профессиональных навыков быстро меняется, что соз-

дает как новые возможности, так и новые риски. Существуют многочисленные свидетельства того, что без развития человеческого капитала страны не смогут ни добиться устойчивого экономического роста, ни создать контингент работников, которые будут готовы занять требующие повышенной квалификации рабочие места будущего, ни эффективно конкурировать на мировой экономической арене. При этом издержки бездействия в сфере развития человеческого капитала растут.

В настоящее время, при том, что на рынке труда наблюдается избыток трудовых ресурсов, многие предприятия столкнулись со специфической проблемой – дефицитом квалифицированных и нужных кадров. Наличие «избыточных» специалистов при одновременном дефиците нужных профессий свидетельствует об отсутствии должной координации в сфере подготовки кадров между образовательными учреждениями, работодателями, органами службы занятости. Ненужность полученной специальности требованиям рынка затрудняет трудоустройство молодых специалистов. Дисбаланс спроса и предложения трудовых ресурсов по профессионально-образовательному и квалификационному признаку усиливает отраслевое несоответствие кадров на рынке труда.

Занятость по полученной специальности в разы повышает отдачу от человеческого капитала, как для его носителя, так и для общества в целом.

Вузы Узбекистана не заинтересованы в дальнейшей судьбе выпускников. Цель вуза должна состоять в том, чтобы каждый студент получал достойное образование, навыки, знания, необходимые для дальнейшего развития и трудоустройства. Следовательно, качество трудоустройства выпускника должен быть показателем эффективности того или иного университета. Как сложилась профессиональная жизнь студента, смог ли он найти работу по своей специальности, применяет ли знания, полученные в вузе, в своей деятельности? Вот вопросы, на которые должны искать ответы вузы. Практически невозможно получить статистику о трудоустройстве выпускников каждого вуза по сферам, секторам экономики. В развитых странах одним из главных индикаторов, на которые студенты обращают внимание при выборе университета и программ, является статистика трудоустройства выпускников. Данные о том, как быстро находят выпускники работу, где именно они работают, являются важным показателем качества выпускников [19].

По данным экспертов Института прогнозирования и макроэкономических исследований [20] коэффициент концентрации на рынке труда, на конец 2021 года по республике составил 2,7. Это говорит о том, что уровень напряженности высокий, т.е. численность резюме, ищущих работу, почти в 3 раза превышает имеющиеся вакансии. Коэффициента концентрации по профессиям было выявлено что, нехватка специалистов наблюдается в медицинской сфере (врачи – 0,02, фармацевты – 0,18, мед. сестры – 0,19), образовании (учителя – 0,21), банковской сфере (0,22), туризме (0,31) и в производстве (строители – 0,43, инженеры, технологи – 0,60) [20].

Переизбыток специальностей наблюдается в сфере ИТ (1,31), бухгалтерии (1,55), юриспруденции (1,84) и самая высокая в сфере экономики (4,05) [20] в странах с уровнем дохода выше среднего, которые имеют сегодня долю обрабатывающей промышленности не менее 20%, на 1 млн населения в среднем приходится 1500-2000 инженеров и специалистов в естественных науках. В Узбекистане сегодня значение соответствующего показателя составляет 532 специалиста на 1 млн населения, а, следовательно, стране требуется подготовка высококвалифицированных кадров для промышленности.

Спрос на труд сильно волатилен, а временной горизонт прогнозирования должен быть определённым образом синхронизирован с горизонтом системы профессионального образования. Подготовка профессионалов в любой области требует времени, исчисляемого годами. Для того, чтобы учитывать прогнозы перспективного спроса на отдельные профессии при планировании структуры подготовки кадров по профессиям и специальностям, глубина предвидения такого спроса должна быть, как минимум, не менее, чем продолжительность самого обучения. Горизонт такого прогнозирования/планирования/госзаказа должен быть сопоставим с суммой числа лет обучения и периода времени, необходимого для подстройки системы профессионального образования к обучению по данной специальности. Вместе с тем учебные программы (особенно в вузах) не должны меняться каждый год, чтобы увидеть эффект от них.

Таким образом, для достижения Узбекистана показателей экономического развития развитых стран необходимо не только повысить охват высшим образованием, а начать подготовку востребованных специалистов, таких как: инженеры, программисты,

высококвалифицированные врачи и педагоги, технологи. Но начинать нужно с дошкольных учреждений, создать высокий охват бесплатным и качественным дошкольным образованием. Ведь человеческий капитал формируется с самого рождения.

Источники и литература

1. Shultz, T. *Capital Formation by Education* // *Journal of Political Economy*. 1960. Vol. 68. No. 6. – P. 571–583.
2. Голенкова Зинаида Тихоновна, Кошарная Галина Борисовна, Кошарный Валерий Павлович. *Влияние образования на повышение конкурентоспособности работников на рынке труда* // ИТС. 2018. №2 (91). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-obrazovaniya-na-povyshenie-konkurentosposobnosti-rabotnikov-na-rynke-truda>
3. Мазин, А. Л. *Экономика труда*. – М.: «Юнити», 2016.
4. Голенкова Зинаида Тихоновна, Кошарная Галина Борисовна, Кошарный Валерий Павлович. *Влияние образования на повышение конкурентоспособности работников на рынке труда* // ИТС. 2018. №2 (91). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-obrazovaniya-na-povyshenie-konkurentosposobnosti-rabotnikov-na-rynke-truda> (дата обращения: 19.03.2020).
5. Набибуллаева Р. З. *Ситуационный анализ развития системы образования на региональном уровне Республики Узбекистан* // *Большая Евразия: развитие, безопасность, сотрудничество*. 2019. №2-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/situatsionnyy-analiz-razvitiya-sistemy-obrazovaniya-na-regionalnom-urovne-respubliki-uzbekistan> (дата обращения: 06.06.2022).
6. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/08/05/preschool/>
7. *Данные пресс-службы Президента Республики Узбекистан* <https://president.uz/ru/lists/view/4380> от 24.05.2021
8. *Данные Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике* // www.stat.uz //
9. *Данные Бюро национальной статистики Агентства по стратегическому планированию и реформам Республики Казахстан* <https://bala.stat.gov.kz/ohvat-detey-doshkolnym-vozpitanie-i-obuchenie/>
10. *Данные Бюро национальной статистики Агентства по стратегическому планированию и реформам Республики Казахстан* <https://bala.stat.gov.kz/ohvat-detey-doshkolnym-vozpitanie-i-obuchenie/>
11. *Данные Unicef по Таджикистану* <https://www.unicef.org/tajikistan/ru>

12. Данные Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан // <https://nuz.uz/obschestvo/1205046-что-ozhidaet-doshkolnoe-obrazovanie-v-uzbekistane> От 05.08.2021

13. Хэман, Дж. и др., 'Early Childhood Development' (Раннее развитие), National Bureau of Economic Research, Рабочий документ 21766, 2015

14. Видеоселекторное совещание Президента по вопросам развития школьного образования от 28 января 2022г. // Пресс служба Президента Республики Узбекистан. <https://president.uz/ru/lists/view/4945>

15. Министр народного образования Узбекистана Шерзод Шерматов на заседании Законодательной палаты Олий Мажлиса 4 мая, <https://www.gazeta.uz/ru/2021/05/04/schools/> Опубликовано 4 мая 2021

16. Видеоселекторное совещание Президента по вопросам развития школьного образования от 28 января 2022г. // Пресс служба Президента Республики Узбекистан. <https://president.uz/ru/lists/view/4945>

17. Данные ЮНЕСКО // <https://en.unesco.org/news/international-literacy-day-2021-and-unescos-support-uzbekistans-government-prioritizing-access>

18. Указ Президента Республики Узбекистан от 08.10.2019 г. «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» № УП-5847 // <https://lex.uz/ru/docs/4545887>

19. Ботир Кобилов «Дефицитное высшее образование» <https://www.gazeta.uz/ru/2018/05/28/education/> Опубликовано 28 мая 2018 г.

20. Статья Института прогнозирования и макроэкономических исследований «Анализ формирования спроса на рынке труда Узбекистана в разрезе отраслей и специальностей» // <https://ifmr.uz/publications/articles-and-abstracts/labor/> Опубликовано 30 декабря 2021г.

Проблемы формирования человеческого капитала с учетом требований рынка труда

Сабина Холбаева,

докторант Научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация: преимущества в конкуренции определяются уже не бога-тыми природными и финансовыми ресурсами страны, а уровнем образования и объемом накопленных обществом знаний. Развитие человеческого капитала, улучшение образования как его центрального звена открывают воз-

можности преодоления экономического отставания Республики Узбекистан, где в настоящее время существует низкое использование человеческого и трудового потенциала.

Ключевые слова: человеческий капитал, образование, инвестиции в образование, подготовка кадров, экономический рост.

Mehnat bozori talablarini hisobga olgan holda inson kapitalini shakllantirish muammolari

Sabina Xolbaeva,

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti qoshidagi "O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari" ilmiy-tadqiqot markazi doktoranti

Annotatsiya: raqobatdagi afzalliklar endi mamlakatning boy tabiiy va moliyaviy resurslari bilan emas, balki ta'lim darajasi va jamiyat tomonidan to'plangan bilimlar hajmi bilan belgilanadi. Inson kapitalini rivojlantirish, ta'limni uning Markaziy bo'g'ini sifatida takomillashtirish hozirgi vaqtda inson va mehnat salohiyatidan kam foydalanilayotgan O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy kechikishini bartaraf etish imkoniyatlarini ochmoqda.

Kalit so'zlar: inson kapitali, ta'lim, ta'limga investitsiya kiritish, kadrlar tayyorlash, iqtisodiy o'sish.

Problems with the formation of human capital taking into account the requirements of the labor market

Sabina Kholbaeva,

doctoral student at the Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Economic Development of Uzbekistan" at the Tashkent State University of Economics

Abstract: the advantages in competition are no longer determined by the country's rich natural and financial resources, but by the level of education and the amount of knowledge accumulated by society. The development of human capital and the improvement of education as its central link open up opportunities to overcome the economic lag of the Republic of Uzbekistan, where currently there is a low use of human and labor potential.

Keywords: human capital, education, investing in education, training, and economic growth.

УЎК: 316.334.2

Шахзод ХАМДАМОВ,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар
институтини таянч докторанти,
E-mail: ilhom_hamdammov@mail.ru

Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлили

Кириш. Камбағаллик – турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳолининг кўрсаткичидир. “Камбағаллик” нисбий тушунча ҳисобланиб, ҳар бир жамиятдаги турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. Камбағаллик ҳолати ресурсларнинг узок муддат давомида етарли бўлмаслигини аввалги жамғармалар билан ҳам, қиммат товарларни харид қилишдан вақтинча тежаш ҳисобига тўпланган маблағ билан ҳам қоплаш имконияти мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, камбағаллик ҳолати аҳолининг турмуш сифати, яшаш учун қулай шароит (инфратузилма) ва бошқа қатор омиллар тақчиллигида келиб чиқади.

Камбағалликнинг жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун салбий оқибатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) иқтисодий ўсиш чекланади;
- 2) жамиятда ижтимоий кескинлик кучаяди;
- 3) жиноятчилик даражаси ортиб боради;
- 4) миграция жараёнлари фаоллашади;
- 5) аҳоли турмуш тарзи ёмонлашади.

Иқтисодий адабиётларда инфратузилма ривожланишининг иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликка таъсирини, жисмоний капитал ва инсон капиталини ўлчаш учун кўплаб маълумотлар мавжуд. Хусусан, Чакамера, Алагидеде, Кодонго, Ожах, Сасмал, Саҳоо, Калдерон, Сервен, Демургер каби олимлар ўз тадқиқотларларида инфратузилманинг ривожланиши паст ва ўрта даромадли мамлакат-

ларда иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли фаровонлиги билан сезиларли даражада боғлиқ эканлигини аниқлашган [1].

Шундай экан, бугунги кунда республикаимиз миқёсида ҳам камбағалликни қисқартириш билан бир қаторда ҳудудлардаги инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш бўйича тизимли ташаббус ва саъй-ҳаракатлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бунинг натижаси ўларок, аҳолининг фаровонлик даражаси ва яшаш сифатидаги ўзгаришлар бот-бот кўзга ташланиб тургани бор гап. Аҳолининг турмуш даражасидаги ўзгаришларни ҳудудлар кесимида ўрганиш ва баҳолаш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқотимизда Қашқадарё вилояти объект сифатида танлаб олинди ва 2022 йил июль-август ойларида вилоят аҳолиси орасида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари асосида мазкур мақола шакллантирилди.

Тадқиқот методологияси. Юқорида келтирилган муаммоларни аниқлаш мақсадида “Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” диссертация иши доирасида Қашқадарё вилоятининг камбағаллик даражаси юқори 9 та тумани ва шартли равишда 1 шахрида камбағаллик даражасини аниқлаш, жойлардаги муаммо ва камчиликларни тадқиқ қилиш ва камбағалликни камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижаларини тизимли ўрганиш мақсадида жорий йилнинг июль-август ойларида жами 997 та уй хўжалигида хонадонбай ижтимоий сўровномалар ўтказилди.

Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган тадқиқот худуднинг потенциалидан келиб чиқиб тайёрланган сўровнома асосида амалга оширилган. Сўров-анкета ёрдамида интервью ўтказиладиган уй хўжаликларини саралаб олинган туман (шаҳар) бўйича маълумотларнинг намунавийлигини таъминлаш учун маълум мезонларга мос равишда танлаб олинган.

Тадқиқот жараёнида танланма сўров ўтказиш қоидаларига таянган ҳолда, туманлар кесимида 100 тагача уй хўжаликларини ўрганиш 0,95 ишончлик эҳтимолида нисбий хатоликлар 15% дан ошиқ бўлмаслигини таъминлайди. Бундай хатолик даражаси ижтимоий тадқиқотлар ўтказадиган халқаро ташкилотларнинг тавсиясига кўра туманлар миқёсида тадбиқ этиш мумкин, деб эътироф этилган. Ҳар бир туман ва шаҳарга тўғри келадиган танланманинг минимал сони 90 - 100 та уй хўжаликларидан иборат.

Ушбу сўровнома ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи иккита асосий йўналишдан иборат.

Биринчи йўналиш – туманлардаги муносиб инфратузилма ва ижтимоий хизмат кўрсатиш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш имкониятларини ва аҳоли эҳтиёжларини бевоқифа маҳалла раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан суҳбат қилган ҳолда, шунингдек, аҳолининг мазкур жараёнларга нисбатан субъектив фикрларининг натижалари асосида аниқлашдан иборат.

Иккинчи йўналиш – Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий таъсир этувчи омиллар таҳлили бўлиб, ушбу таҳлил кўп ўлчовли статистик омилларнинг таҳлили орқали амалга оширилди.

Асосий қисм. Қашқадарё Республикамининг ўзига хос ижтимоий – иқтисодий хусусиятга эга вилоятларидан бири бўлиб, ерости ва ерусти бойликлари кўплиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “..Қашқадарё вилояти юксак иқтисодий салоҳияти, ривожланган саноати ва қишлоқ хўжалиги билан Ўзбекистон тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70 фоизи, нефтнинг қарийб 78 фоизи, газ конденсатининг 80 фоизи, ғалланинг 13 фоизидан ортиғи, пахтанинг 14 фоиздан зиёди вилоят ҳиссасига тўғри келмоқда” [2].

Дарҳақиқат, Қашқадарё вилоятининг иқтисодий потенциали юқори бўлишига қарамай аҳолининг турмуш даражаси мақтанса арзигулик даражада эмас эди. Бирок, сўнгги йилларда Қашқадарё вилоятида аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати сезиларли даражада ўсгани тадқиқот давомида кўзга ташланди. Жумладан, барча тармоқларда олиб борилаётган ислохотларнинг натижадорлиги ва аҳоли турмуш даражасидаги бўлаётган ўзгаришлар қуйидаги жадвалда баҳоланган. Таҳлилий натижаларга кўра, вилоятнинг туманлари ва маҳаллаларида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилганлиги жойларда аҳоли томонидан қайд этилган (1-жадвал).

1-жадвал

Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш (%)

№	Ижтимоий хизматларнинг асосий кўрсаткичлари	Респондентлар сонига нисбатан, %				
		Жуда мамнун	Қониқарли	Билмайди	Бироз норози	Жуда норози
1.	Таълим муассасалари (МТМ, мактаб, коллеж, лицей, ОТМ)	22,2	54,9	11,1	9,1	2,7
2.	Давлат хизматларидан (хокимият, кадастр, ижтимоий ҳимоя ва ҳ.к.)	9,1	45	15,9	22,3	7,7
3.	Молиявий хизматлардан (банк, кредит, сугурта ва ҳ.к.)	7,3	32,7	40,1	13,7	6,2
4.	Йўл ва транспорт хизматларидан	7,6	41,2	9,4	21,3	20,5
5.	Савдо хизматларидан (нарх, сифат ва шаффофлик ва ҳ.к.)	3,1	20	7,8	25,2	43,9
6.	Экология ва атроф-муҳитдан (жумладан, тоза ичимлик суви)	25,6	49,8	11,7	11,1	1,8

7.	Энергия ресурсларидан (электр, газ, кўмир ва ҳ.к.)	18,9	54,9	7,4	14,5	4,3
8.	Соғлиқни сақлаш хизматларидан	14,8	57,2	10,1	13,4	4,5
9.	Алоқа ва телекоммуникация хизматларидан (интернет, телефон ва ҳ.к.)	20,4	55,8	11	10,1	2,7

Манба: муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти уй хўжаликларидан ўтказилган сўровнома натижалари, 2022 йил июль-август ойлари.

Вилоятда аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ва аҳолининг қониқиш даражасини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўровнома натижаларига асосан, аҳоли томонидан таълим муассасалари сифати энг юқори баҳоланган (77,1%), алоқа ва телекоммуникация хизматлари кейинги ўринда қайд этилган (76,2%), экология ва атроф-муҳит (жумладан, тоза ичимлик суви) (75,4%), энергия ресурсларидан фойдаланиш (73,8%), соғлиқни сақлаш хизматлари (72%) кетма-кетликда баҳоланган. Худуд аҳолисининг қониқиш даражасининг энг паст кўрсаткичи сифатида савдо хизматлари қайд этилган бўлиб, респондентларнинг 23,1%игина ижобий баҳолаган. Аҳоли томонидан 69,1% ҳолатда савдо хизматлари, айниқса, нарх-навонинг юқори эканлигидан қониқмаётганлиги эътироф этилган бўлса, йўл-транспорт хизматлари (жумладан, йўлларнинг сифатидан) ва молиявий хизматлардан фойдаланиш (асосан кредит олиш имконияти ва фоизи) кейинги ўринларда қайд этилган ва мос равишда 41,8% ва 30% кўрсаткичда баҳоланган.

Маълумки, камбағалликни қискартиришда худуддаги бир қатор омилларнинг таъсирини баҳолаш ва мавжуд муаммоларга тизимли ёндашув орқали оқилона ечим топиш зарур. Ушбу омиллар сирасига худудда бевосита даромад келтирадиган иш билан банд иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, тадбиркорлик иштиёқидаги

фуқароларга имтиёзли ёки кам фоизли кредитлар ажратиш, ўз иш фаолиятини йўлга қўйиши учун ер ёки бино ажратиш, қулай инфратузилма омили, худуддаги коррупция ҳолати ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тадқиқот натижаларига асосан айтиш мумкинки, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида истиқомат қилаётган аҳолининг қарийб 86,6%и меҳнатга ҳақ тўлашда муаммолар бор, деб ҳисоблайдилар. Тадбиркорлик ёки бошқа сабабларга кўра кредитлар олишда 74,9% аҳоли муаммога дуч келиши аниқланган. Шунингдек, 77,6% ҳолатда ер ёки биноларни ижарага олишда, асосан ижара нархи ва фаолият юритиш қулайлиги юзасидан муаммолар борлиги кузатишган. Бундан ташқари, қулай шароит (инфратузилма) нуқтаи назаридан 93,7% фуқаролар етарли муаммоларга дуч келишади. Ушбу муаммоларнинг катта қисми йўлларнинг ҳолатида акс этса, чекка қишлоқлар ва тоғли худудларда электр энергияси ва газ таъминотида узилишлар борлиги қайд этилган. Аҳолининг субъектив фикрига асосан, худудда ишга жойлашишда коррупцион ҳолатлар ва бюрократия юқори даражада бўлиб, 92,1% респондент бу борада салбий натижани қайд этган. Хорижга кетишдаги муаммо сифатида хорижда иш топиш ва йўл харажатлари учун маблағ етишмаслиги муаммолари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган (2-жадвал).

2-жадвал

Худуддаги асосий муаммоларни баҳолаш (%)

№	Ижтимоий хизматларнинг асосий муаммолари	Респондентлар сонига нисбатан, %				
		Жуда кўп	Етарли даражада кўп	Мавжуд, лекин кўп эмас	Мавжуд	Жавоб бериш кийин
1.	Меҳнатга муносиб ҳақ тўланадиган иш жойи билан боғлиқ муаммолар	10,3	22,8	27,6	25,6	13,7
2.	Сармоя йўк/ кредит фоизлари юқорилиги	7,2	24,9	17,5	25,6	24,8
3.	Ер/бино ижарага олишдаги муаммолар	5,9	24,6	16,3	30,8	22,4

№	Ижтимоий хизматларнинг асосий муаммолари	Респондентлар сонига нисбатан, %				
		Жуда кўп	Етарли даражада кўп	Мавжуд, лекин кўп эмас	Мавжуд	Жавоб бериш кийин
4.	Ривожланмаган инфратузилма (йўл, газ, электр, транспорт, телекоммуникация)	6,8	20,6	38,8	27,5	6,3
5.	Ишга жойлашишда коррупция ва бюрократия	17,5	30	22,5	22,1	7,9
6.	Хорижга кетишда муаммолар	2	13	26,6	49,4	9

Манба: муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти уй хўжаликларидан ўтказилган сўровнома натижалари, 2022 йил июль-август ойлари.


Аҳолининг кўрсатилаётган хизматлардан қониқмаслик сабаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда туманлар ва маҳаллаларда кўшимча чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва йўл хариталарида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Аҳолидан олинган маълумотларнинг интеграл баҳолаш натижаларига асосан сўровнома ўтказилган туманларни аҳоли эҳтиёжларини қондириш даражасига кўра учта гуруҳга бўлиш мумкин (1-расм).

I-гуруҳ – ижтимоий хизматлардан қониқмаслик даражаси юқори туманлар: Қамаш (34%), Касби (32,8%) ва Нишон (29,5%) туманлари.

II- гуруҳ - қониқмаслик даражаси ўрта туманлар: Яккабоғ (27,2%), Китоб (26,2%), Ғузур (23,8), Чироқчи (23,6%) туманлари.

III-гуруҳ - қониқмаслик даражаси паст ҳудудлар: Косон тумани (19,1%), Шахрисабз (16%) шаҳри.



1-расм. Аҳолига кўрсатилаётган хизматлардан қониқмаслик рейтинг

Манба: муаллиф сўровномаси натижалари, 2022 йил июль-август ойлари.

Юқоридаги натижалардан келиб чиққан ҳолда вилоятнинг сўровнома ўтказилган туманларида 2022 йилда амалга оширилаётган дастурлар ва йўл хариталарига айрим ўзгартиришлар киритиш, би-

ринчи навбатда жойлардаги энг муаммоли масалаларни ҳал қилишга эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, ҳудуддаги муаммоларни ижобий ҳал қилишда Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, қишлоқларда камбағалликни бартараф этишда асосан ижтимоий суғурта, таълим ва уй хўжалигига субсидиялар бериш эмас, балки инфратузилмага сармоя киритиш ва маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Яъни, кам таъминланган уй хўжаликлари ўртасида янги тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга эмас, балки биргаликда ташкил этилган маҳаллий корхоналарни ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари, туманлар рейтинги бўйича энг қоқоқ туманлардан нисбатан ривожланган туманларга қадар босқичма-босқич ривожлантириш чоратадбирларини амалга ошириш лозим. [3]

Шунингдек, сўровда иштирок этган респондентларнинг деярли 54,2%ида меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги (16 ёшдан кичик) фарзандлари мавжуд бўлиб, ушбу ёш тоифасидагиларнинг фаровонлик даражаси кўп омилли камбағаллик мезонлари асосида ўрганилган. Яъни, ҳар бир мактаб ёшидаги болаларда мавжуд бўлиши шарт бўлган халқаро меъёрий эҳтиёжлар ҳисобга олинган ва респондентлар сўровноманинг “Агар сизнинг вояга етмаган фарзанд(лар)ингиз бўлса, молиявий кийинчиликлар туфайли сўнгги 12 ой давомида куйидаги омиллардан маҳрумлик даражаси уларга қанчалик таъсир этган” саволига куйидагича натижа қайд этишган (3-жадвал).



3-жадвал

Қашқадарё вилоятидаги болаларнинг кўп омилли камбағаллик кўрсаткичлари (%)

№		Жами	Йил бўйи	Тез-тез	Баъзан	Ҳеч қачон	Билмайди
1.	Кийим-кечак	55	3,1	11,8	24,3	15,6	0,2
2.	Оёқ кийимлари	54,5	0,7	11,8	22	19,8	0,2
3.	Озиқ-овқат	54,2	1,9	7,5	20,4	23,8	0,6
4.	Хобби ёки спорт	54,1	3,6	9,3	15,1	19,4	6,7
5.	Мақтаб саёхатлари ёки байрамлар	53,8	3,2	9,4	16,9	20,4	3,9
6.	Оилавий байрам	54,2	1,2	7,4	18,2	26,3	1,1
7.	Кундалик эҳтиёж пули	54,2	2,6	12,1	18,5	20,8	0,2
8.	Дори-дармон	54,2	2,1	8,8	16,8	25,2	1,3

Манба: муаллиф томонидан Қашқадарё вилояти уй хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижалари, 2022 йил июль-август ойлари.

Тадқиқот натижаларига асосан ҳудудда ўртача 4 % мактаб ёшидаги болалар йил давомида юқоридаги омилларнинг барчасидан маҳрум бўлган бўлса, 17,6 % болаларда тез-тез мазкур омилларда танқислик кузатилиши маълум бўлган. Ҳудуд аҳолисининг 34,2 %ининг фарзандлари баъзан юқоридаги омиллар таъминотида муаммолар бор бўлса, 38,5 % болаларда бу борада ҳеч қачон муаммо бўлмастлиги аниқланган. Юқоридаги мезонлар асосида ҳудуддаги болалар камбағаллиги даражаси аниқланган бўлиб, аввалги илмий ишларимизда батафсил ёритилган. Бироқ, мазкур мақолада юқоридаги учта омилларнинг ўзаро боғлиқлик ва адекватлик даражасини таҳлил қилиш мақсад қилинган.

Шунингдек, сўровнома натижалари асосида Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий таъсир этувчи омиллар таҳлили ўтказилди.

Ушбу таҳлил кўп ўлчовли статистик омиллар таҳлили орқали амалга оширилди. Кўп ўлчовли статистик омиллари таҳлили exploratory factor analysis – EFA (бу ўзгарувчан омилларга нисбатан бош тўпламининг асосий тузилишини очиш учун ишлатиладиган статистик метод) моделига асосланган [4].

EFA умумий омил моделига асосланади. Ушбу моделда аниқ ўзгарувчилар умумий омиллар, ўзига хос омиллар ва ўлчов хатоси функциялари сифатида ифодаланади. Ҳар бир ноёб омил фақат битта аниқ ўзгарувчига таъсир қилади ва аниқ ўзгарувчилар орасидаги корреляцияни ҳисобга олмайди. Умумий омил бир нечта аниқ ўзгарувчиларга таъсир қилади ва "омил юкланиши" умумий

омилнинг аниқ ўзгарувчига таъсирининг ўлчовидир. EFA процедуралари учун умумий элементлар ва тегишли манифест ўзгарувчиларни аниқлаш мақсадга мувофиқ. Бу тадқиқот жараёнида аниқ ва ишончли натижаларга эришиш учун Кронбахнинг альфа коэффиценти – ички изчиллик ишончилиги статистикасидан фойдаланилди.

Кронбахнинг альфа коэффиценти – ички изчиллик ишончилиги статистикасида қуйидаги чегаралар белгилаб олинган: 0,9 дан ортиқ - аъло; 0,8 дан ортиқ - яхши; 0,7 дан ортиқ - қабул қилинади; 0,6 дан ортиқ - шубҳали; 0,5 дан ортиқ – мос келмайди.

Шу билан бир қаторда, ўлчовни янада ишончли қилишнинг усули шунчаки унга янги элементларни қўшишдир. Ишончилилик ва позицияни таҳлил қилиш модули маълум бир ишончилиликни олиш учун яна қанча элемент (савол) қўшилиши кераклигини ёки маълум микдордаги янги элементлар қўшилганда шкала ишончилиги қандай ўзгаришини ҳисоблаш вариантини ўз ичига олади. Бироқ, амалда, шкаладаги позициялар сони турли омиллар билан чекланади (масалан, респондентлар чарчаган ва шунчаки кўп сонли саволларга жавоб бермайдилар, тўлдириш жойи чекланган ва ҳоказо).

Ўтказилган сўровнома натижалари асосида, Қашқадарё вилоятида камбағаллик даражасининг ўзгариш тенденцияларини ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмларнинг таъсир даражаларини Кронбахнинг альфа коэффиценти орқали аниқланди.

Ушбу таҳлилда асосий компонент усули бўйича омилларни таҳлил қилиш, омилларнинг сонини ажратиш билан варимакс айланишини танланди.

Таҳлиллар натижасида 3 та сўровнома таҳлили бўйича омилларнинг таъсир даражаси қуйидаги саволлар орқали аниқланди:

Агар сизнинг вояга етмаган фарзанд(лар)ингиз бўлса, молиявий қийинчиликлар туфайли сўнгги 12 ой давомида қуйидаги омиллардан маҳрумлик даражаси уларга қанчалик таъсир этган (МК);

Яшаш жойингиздаги инфратузилма (қулай шаброит) омили бўйича ўз фикрингизни шкалада белгилаб беринг (ИНФ);

Истикомат қилаётган хурудингизда камчилик мавжуд деб ҳисобласангиз, бунга сабаб бўлувчи омилларни белгилаб (ИҚХК).

Агар саволларга бир нечта мавзулар жавоб берса, дисперсияни ҳар бир савол ва йиғинди шкаласи учун ҳисоблаш мумкин.

Савол субъектлар орасидаги бир хил ўзгарувчанликни ўлчаганида (баҳолаганида) йиғиндиси шкаласи учун дисперсия ҳар бир алоҳида саволнинг дисперсиялари йиғиндисидан камроқ бўлади.

Математик жиҳатдан, иккита савол йиғиндисининг дисперсияси икки дисперсиянинг йиғиндиси минус ковариациянинг икки баробарига тенг, яъни икки савол учун умумий ҳақиқий ёрлик дисперсияси қийматига тенг.

Аниқ равишда ишончлилик индексини қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мумкин:

$$\alpha = \left(\frac{k}{k-1} \right) * \left[1 - \frac{\sum S_i^2}{S_{\text{сум}}^2} \right]$$

бу ерда,

α - Кронбахнинг альфа коэффиценти,

S_i^2 - алоҳида k позициялар учун дисперсияларни билдиради,

$S_{\text{сум}}^2$ - барча позициялар йиғиндиси учун дисперсия.

Агар ҳақиқий ёрлик бўлмаса, лекин саволларга берилган жавобларда тасодифий хато бўлса (субъектлар ўртасида боғлиқ бўлмаган ёки назорат қилиб бўлмайдиган ва ноёб бўлса), у ҳолда йиғиндининг дисперсияси фарқларнинг йиғиндиси билан бир хил бўлади.

Шунинг учун альфа коэффиценти нолга тенг бўлади.

Агар барча саволлар тўлиқ ишончли бўлса ва бир хил объектни ўлчаган бўлса (ҳақиқий белги), у ҳолда альфа коэффиценти 1га тенг.

Фақат иккита қийматни (масалан, тўғри/нотўғри жавоблар учун) оладиган дихотомиялар ёки ўзга-

рувчилар учун ҳисобланган Кронбахнинг альфа коэффиценти умумлаштирилган шкалалар ишончлилиги учун Кудер-Ричардсон-20 формуласи билан бир хил.

Иккала ҳолатда ҳам ишончлилик умумий шкала бўйича барча саволларнинг мувофиқлигидан ҳисобланганлиги сабабли, ҳисобланган ишончлилик коэффиценти ички изчил ишончлиликка ҳам тегишли.

Тадқиқот натижаларидан сўнг, ўлчов қанчалик ишончли эканлиги аниқ кўринади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўлчовни янада ишончли қилишнинг бир усули шунчаки унга янги позицияларни қўшишдир.

Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий тадқиқот жараёнининг Кронбахнинг альфа коэффиценти орқали аниқланган эмпирик тест натижалари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (4-жадвал).

Тадқиқот натижаларига асосан ҳудудда ўртача

4 % мактаб ёшидаги болалар йил давомида юқоридаги омилларнинг барчасидан маҳрум бўлган бўлса,

17.6 % болаларда тез-тез мазкур омилларда танқислик кузатилиши маълум бўлган.

Ҳудуд аҳолисининг

34,2 %ининг фарзандлари баъзан юқоридаги омиллар таъминотида муаммолар бор бўлса, **38,5 %** болаларда бу борада ҳеч қачон муаммо бўлмаслиги аниқланган.

4-жадвал

**Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган
ижтимоий-иқтисодий тадқиқот жараёнининг Кронбахнинг альфа коэффиценти
орқали аниқланган эмпирик тест натижалари**

Статистик таҳлилнинг ишончилиги	Ўлчов бўйича натижалар: Ўртача=46.1100; Ўртача боғлиқ ўзгарувчилар (Коэффициентлар ҳақидаги турли гипотезаларни текшириш) = 8,26444; Кузатувлар сони: 997; Кронбахнинг альфа коэффиценти: 0.794313; Стандартлаштирилган альфа: 0.800491; Ўртача интерпозиция корреляцияси: 0.297818						
Камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган ижтимоий- иқтисодий саволлар	N- Респондентлар соғи	Ўртача киймат	Стандарт оғиш	Элемент чиқариб ташланганда Ўртача шкала	Элемент чиқариб ташланганда масштаб дисперсияси	Объект ва жами натижалар ўртасидаги тузатишган корреляция	Амалдаги Кронбах альфаси коэффицент натижалари
Агар сизнинг вояга етмаган фарзанд(лар)ингиз бўлса, молиявий қийинчиликлар туфайли сўнги 12 ой давомида қуйидаги омиллардан махрумлик даражаси уларга қанчалик таъсир этган. (МҚ)							
МҚ.1.	536	2.99	.827	22.57	20.880	.668	.839
МҚ.2.	536	3.13	.792	22.44	21.196	.658	.840
МҚ.3.	536	3.25	.838	22.32	20.886	.657	.840
МҚ.4.	536	3.29	1.100	22.27	19.745	.579	.851
МҚ.5.	536	3.23	1.016	22.33	20.051	.608	.845
МҚ.6.	536	3.35	.824	22.22	20.959	.660	.840
МҚ.7.	536	3.06	.901	22.50	20.755	.616	.844
МҚ.8.	536	3.27	.899	22.30	21.783	.479	.859
Яшаш жойингиздаги инфратузилма (қулай шароит) омили бўйича ўз фикрингизни шкалада белгилаб беринг (ИНФ)							
ИНФ.1.	935	2.73	1.13510	20.8173	28.371	.483	.766
ИНФ.2.	935	2.75	.99723	20.8061	29.884	.423	.774
ИНФ.3.	935	3.05	1.31874	20.4995	28.098	.405	.781
ИНФ.4.	935	3.87	1.25310	19.6792	30.316	.262	.801
ИНФ.5.	935	2.13	.97590	21.4254	29.749	.450	.771
ИНФ.6.	935	2.31	1.07378	21.2426	27.875	.570	.754
ИНФ.7.	935	2.36	1.03842	21.1919	27.586	.626	.747
ИНФ.8.	935	2.19	.96869	21.3594	29.017	.531	.761
ИНФ.9.	935	2.16	.96443	21.3970	28.217	.620	.749
Истиқомат қилаётган ҳудудингизда камчилик мавжуд деб ҳисобласангиз, бунга сабаб бўлувчи омилларни белгиланг (ИҚХК)							
ИҚХК.1.	995	3.09	1.19754	16.0513	16.511	.566	.759
ИҚХК.2.	995	3.36	1.28975	15.7829	15.120	.665	.733
ИҚХК.3.	995	3.39	1.23805	15.7497	15.476	.662	.734
ИҚХК.4.	995	3.06	1.00164	16.0824	18.363	.476	.779
ИҚХК.5.	995	2.73	1.21334	16.4121	17.522	.439	.790
ИҚХК.6.	995	3.50	.90089	15.6402	18.754	.499	.776

Манба: сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу эмпирик тадқиқот натижаси 1-савол бўйича 8та элемент 0.8 коэффицентни, 2 - савол бўйича 1та элемент 0.8 коэффицентни, 8та элемент эса 0.7 коэффицентни, 3 - савол бўйича 6та элемент 0.7 коэффицентни ташкил этди.



2-расм. Адекватлик мезони бўйича Каисер-Меер-Олкин (Kaiser-Meyer-Olkin) қийматни характерловчи даража омилларнинг таҳлили

Манба: сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

Буни талқин қилиш қондаси мезонлар: $\geq 0,9$ - шартсиз адекватлик; $[0,8; 0,9)$ - юқори адекватлик; $[0,7; 0,8)$ - мақбул адекватлик; $[0,6; 0,7)$ – қоникарли адекватлик; $[0,5; 0,6)$ - паст адекватлик; $<0,5$ - омилли таҳлил намунага тааллуқли эмас.

Бизнинг тадқиқот натижаларимиз деярли 0.8 коэффицентга эга. Демак, эмпирик тест натижалари мақбул адекватликка эга эканлиги асосланди.

Хулоса ва тақлифлар.

Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таҳлили натижаларига асосан қуйидаги хулосаларга келинган:

- ҳудудда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати сўнгги йилларда сезиларли даражада яхшиланган ва аҳолининг электр энергияси, газ ва тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммолари деярли ҳал этилган бўлиб, аҳоли томонидан умумий ҳисобда 74 %дан юқори кўрсаткичда қайд этилган. Бироқ, ҳудуддаги савдо-сотик, йўл-транспорт ва молиявий хизматлардан фойдаланишда тизимли муаммолар борлиги кўзга ташланган.

- тадқиқот натижаларига асосан ҳудудда аҳолининг катта қисми меҳнатга муносиб ҳақ тўланмаслигидан норози эканлигини билдирган ва ривожланмаган инфратузилма ҳамда коррупция юқори эканлигини қайд этишган.

Тадқиқот натижасида аниқланган тизимли муаммолардан келиб чиқиб қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, ҳудудда туманлар кесимида босқичма-босқич камбағалликка қарши курашиш

лозим. Ривожланиш даражаси энг паст тумандан бошлаб маҳаллий инфратузилмага давлат инвестицияларини жалб қилиш, маҳаллий иқтисодий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, барча корхона ва ташкилотларда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу ёндашувдан кўзланган асосий мақсад шундан иборатки, бир пайтнинг ўзида ёппасига вилоят миқёсида камбағалликка қарши курашиш давлат бюджетига оғир юк бўлибгина қолмай, катта миқдорда ресурс ҳам талаб қилади.

Иккинчидан, маҳаллий корхоналар, жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун имтиёзлар яратиш лозим. Аҳолининг кўрсатилаётган хизматлардан қоникмаслик сабаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда туманлар ва маҳаллаларда қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва йўл хариталарида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, ҳудуднинг чорвачилик соҳасидаги юқори потенциални ҳисобга олган ҳолда, туманларда замонавий қушхоналар ташкил этиш ва бу орқали аҳолига ўзлари етиштирган чорва молларини топшириш ҳамда бир вақтнинг ўзида ҳисоб – китоб қилиш имкониятини яратиш мумкин. Бундан ташқари, маҳаллий фермерлар ем-хашак нархини кўтармаслиги учун уларга имтиёз ва субсидиялар тақдим этиш лозим.

Тўртинчидан, ҳудуддаги коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мустақил фаолият юритувчи антикоррупцион консалтинг фирмалар ташкил этиш бўйича ташаббусларни илгари суриш мумкин.

Манба ва адабиётлар

1. Govinda Timilsina, Gal Hochman, Ze Song. *Infrastructure, Economic Growth, and Poverty*, “World Bank Development Economics Development Research Group May 2020”. p. 2

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. Мирзиёевнинг 2016 йил 16 ноябрдаги Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашувидаги нутқи. Асосий манба: Ш.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз.– Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 485 б.*

3. Camille Boullenois. (2020). *Poverty Alleviation in China: The Rise of State-Sponsored Corporate Paternalism*. p. 47-56

4. Bandalos, Deborah L. (2017). *Measurement Theory and Applications for the Social Sciences*. The Guilford Press.

5. *Draft Questionnaire for the Survey on Poverty and Social Exclusion*. 9-10 pages.

Қашқадарё вилоятида камбағалликни қисқартиришга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлили

Шахзод Хамдамов,

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти таянч докторанти

Аннотация: маълумки, камбағаллик ва инфратузилма омили ўртасида тесқари пропорционал боғлиқлик мавжуд. Шу сабабли, ушбу мақолада Қашқадарё вилоятида аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва аҳолининг қониқлиши даражаси ўрганилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада аҳолининг субъектив фикрларига асосланган сўровнома натижаларига кўра, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати, ҳудуддаги асосий муаммолар баҳоланган ва тегишлича тавсиялар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, танланган омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва адекватлик даражаси ўрганилди.

Калит сўзлар: камбағаллик, инфратузилма, болалар камбағаллиги, фаровонлик, турмуш даражаси, камбағалликни қисқартириш, Кронбах альфа коэффициентлари.

Анализ социально-экономических факторов, влияющих на снижение бедности в Кашкадарьинской области

Шахзод Хамдамов,

базовый докторант Института прогнозирования и макроэкономических исследований

Аннотация: известно, что существует обратно пропорциональная зависимость между бедностью и инфраструктурным фактором. Поэтому в данной статье были изучены и проанализированы качество предоставляемых услуг населению и уровень удовлетворенности населения Кашкадарьинской области. Также в статье оценивается качество услуг, оказываемых населению, основные проблемы в сфере, и даются соответствующие рекомендации по результатам опроса, основанного на субъективных мнениях населения. Кроме того, изучены степень корреляции и адекватность выбранных факторов.

Ключевые слова: бедность, инфраструктура, детская бедность, благополучие, уровень жизни, сокращение бедности, коэффициент альфа Кронбаха.

Analysis of socio-economic factors affecting poverty reduction in Kashkadarya region

Shahzod Hamdamov,

doctoral student in Institute for Forecasting and macroeconomic research

Abstract: it is known that there is an inverse proportional relationship between poverty and the infrastructure factor. Therefore, in this article, the quality of services provided to the population and the level of satisfaction of the population in Kashkadarya region were studied and analyzed. Also, the article evaluates the quality of services provided to the population, the main problems in the area, and makes appropriate recommendations based on the results of a survey based on the subjective opinions of the population. In addition, the degree of correlation and adequacy of the selected factors was studied.

Keywords: poverty, infrastructure, child poverty, well-being, standard of living, poverty reduction, Cronbach's alpha coefficient.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги
"Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш
тўғрисида"ги ПҚ-4653-сон қарорига биноан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар
институтини тузилмасига ўзгартириш киритилди**

**ИНСТИТУТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА
ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЭТИБ ҚЎЙИДАГИЛАР
БЕЛГИЛАНГАН:**



стратегик режалаштириш, макроиқтисодий ва ташқи иқтисодий фаолият индикаторларни яқин, ўрта ва узоқ муддатда прогнозлаштиришнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш;



иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, унинг самарадорлигини баҳолаш, ўрта ва узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш услублари бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;



иқтисодиётнинг реал (саноат тармоқлари, агросаноат комплекси, инфратузилма ва логистика) секторидаги ҳолатни ва таркибий ўзгаришларни баҳолашнинг замонавий индикаторларини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш;



асосий ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш ва барқарор ривожлантириш, инсон капиталини яхшилашга қаратилган илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда қатнашиш;



камбағалликни қисқартириш ва уни мониторинг қилиш борасида аҳоли турмуш даражасини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг замонавий услубларини амалиётга тадбиқ қилишда иштирок этиш;



худудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг нисбий устунликларини аниқлаш, ишлаб чиқариш ҳучларини жойлаштириш, худудлараро табақалашувни камайтириш, урбанизацияни фаоллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**ИНСТИТУТГА ҚЎЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАР
БЕРИЛГАН:**



давлат ва бошқарув органлари мутахассисларини илмий-тадқиқот муассасалари ходимларини, олий ўқув юртлари, шу жумладан халқаро ва хориж ўқув юртлари олимлари ва ўқитувчиларини шартнома асосида, эксперт сифатида тадқиқотларга жалб этиш;



халқаро ва амалий ҳамкорликни амалга ошириш, олим ва мутахассисларни хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юбориш, хорижлик олимлар, халқаро жамоат, молия ва иқтисодиёт ташкилотлари вакилларини, хорижий фирмалар, банклар ва компанияларни таклиф қилиш ва қабул уюштириш;



иқтисодий йўналишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини юритиш;



белгиланган тартибда ноширлик ва полиграфия фаолиятини амалга ошириш, даврий нашрлар таъсис этиш;

ИНСТИТУТДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ:



макроиқтисодиёт, минтақавий иқтисодиёт ва саноат иқтисодиёти ихтисосликлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш;



Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган «Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар» журнали;



Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ўрганиш илмий маркази.